

Абдулвоҳид НУРИДДИНОВ,  
Шермуҳаммад БЕГМАТОВ

# МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК фанидан

(ЯНГИ ТАХРИРДАГИ МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)



Наманган - 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Абдулвоҳид НУРИДДИНОВ,  
Шермухаммад БЕГМАТОВ**

**МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ  
ВА ДИНШУНОСЛИК  
ФАНИДАН**

(Янги таҳрирдаги маърузалар матни)

Наманган – 2016 й.

УЎК: 821-512-133-9

КБК: 84(5Ўзб)7

Н-10

Ушбу маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Миллий таълим асослари ва диншунослик» фанининг янги намунавий дастури асосида тайёрланган.

**Тузувчилар:** катта ўқитувчи Абдулвоҳид Нуриддинов,  
катта ўқитувчи Шермуҳаммад Бегматов

**Тақризчилар:** Исмоилов Муҳаммаджон,  
НамМПИ профессори,  
фалсафа фанлари доктори

Раҳимбоева Дилбархон,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Маърузалар матни НамДУ «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш пазарияси ва амалиёти» кафедрасининг 2016 йил 26 январдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия қилинган

НамДУ ўқув–услубий кенгашиининг 2016 йил 11 майдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишга рухсат этилган.

ISBN 978-9943-4673-8-5

«Наманган» нашриёти 2016  
Абдулвоҳид Нуриддинов,  
Шермуҳаммад Бегматов



Мустақилликдан кейинги ўтган чорак аср давомида мамлакатимизда иқтисодий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ривожланишда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Миллатнинг тарихий хотирасини пикламай, ўзлигини англашига йўл очмай туриб маънавий юксакликка, пировардида иқтисодий юксакликка эришиб бўлмайди. Ўтган йиллар давомида бир неча авлод ўзининг бой маънавиятидан ажралган ҳолда тарбияланди. Истиқлол туфайли бутун миллат олдида ўз маънавиятини қайта тиклаш, ўзлигини англашдек буюк ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа кун тартибига қўйилди. Шунинг учун ҳам маънавият масаласини мамлакатимиз биринчи Президенти И. А. Каримов давлат сиёсати даражасига кўтарди. Хусусан Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелдаги республикамизда “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини гузиш тўғрисида”-ги, 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”-ги, 1999 йил 3 сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги, 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”-ги Фармон ва Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги махсус Қарори ушбу соҳадаги ишларнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Муҳтарам юртбошимиз ўзининг янги “Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асарига халқимиз маънавиятини юксаттириш бугунги долзарб вазифалардан бири эканлигини яна бир қарра таъкидлаб ўтган. Ушбу маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17 сентябрдаги 392-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Маънавият асослари” ва “Диншунослик” фанларидан намунавий ўқув дастурлари (барча бакалавр йўналишлари учун) асосида тайёрланди. Мазкур маърузалар матни олдинги йилларда нашр этилган маъруза матнларидан баъзи жиҳатлари билан фаркланади. Жумладан, мазкур тўпламда ҳар икки фан бўйича маъруза матнлари кетма-кет жойлаштирилди. Бу эса маърузалар матни тўпламидан фойдаланувчи ўқитувчи ва талабалар учун қулайлик яратади. Зеро, олдинги йилларда нашр этилган маърузалар матни ҳар бир фан учун алоҳида-алоҳида тўплам сифатида нашр этилган. Иккинчидан, “Маънавият асослари” фанидан ушбу тўпламда маъруза матнлари мукамал-тўлдирилган режага мувофиқ жойлаштирилди. Яъни. “Маънавият асослари” фани бўйича 7 маъруза матни жойлаштирилди. Жумладан, “Диншунослик” фани бўйича “Қадимги динлар”. “Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари” мавзулари қадимги Миср, Юнон ва Рим динлари ҳамда миссионерлик ва прозелитизм тўғрисидаги янги материаллар билан тўлдирилди. Бу билан муаллифлар ушбу маърузалар матни батамом мукамал нуксонсиз деган мулоҳазалардан йироқ бўлиб, мазкур тўплам ҳақидаги ҳар қандай тақлиф ва мулоҳазалардан мамнун бўлишларини изҳор этадилар.

# МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

## I-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТ, УНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИНСОН КАМОЛОТИДА ТУТГАИ ЎРНИ

### РЕЖА :

1. И.А.Каримов томонидан миллий маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиқилиши.
2. Маънавиятнинг таърифи тўғрисида мулоҳазалар ва унинг фалсафий тахлили
3. Маънавиятнинг асосий категориялари, уларнинг ривожланиш қонуниятлари.
4. Маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устувор соҳа.

Маънавият жамият таракқиёти, миллий камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Маънавият ривожлангандагина, жамиятда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик вужудга келади, мамалкат миллий таракқий этади. Республика биринчи Президенти И. А. Каримов мамалакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритилгандан сўнг, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қуриши, мамлакатимиз таракқиётининг маънавият соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Ўзбекистоннинг янгиланиш ва ривожланишининг ўз йўли 4 та асосий негизга:

- Умуминсоний кадриятларга содиқлик
- Халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш
- Инсон ўз имкониятларини эркин ифодалаш
- Вағанирварликка асосланади.

Биринчи Президентимизнинг қатор асарларида илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий инкирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради.

Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан шахснинг маънавий руҳиятини ўзгартирмасдан туриб кўзлаган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига асосий эътиборни қаратган.

Биринчи Президентимиз ўз асарларида миллий-маънавий тикланиш вазифасини оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа қатор асарларида иккинчи ривожлантирилган, яқка мазмун билан бойитган. таракқиётимизнинг янги босқичида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Биринчи Президентимизнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришини, миллий ғурур ва ифтихор кўйи уларни изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- Мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришини;

- Таълим тизимини ислох қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида қисмонан бакуват, руҳи фикири соғлом, имон-эътиқодли бутун билимли, маънавияти юксак мақсад, мард ва жасур Ватанпарвар авлодларимизни шакллантириш;

- миллий - маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият маърифат, фан-техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожланишига ҳисса қўлиши;

- Ёшлар маънавиятининг миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш зарари онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларининг миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига шакллантириш қабилардир.

**2. Маънавият шакллари**ни ўрганиш-мустақиллик шароитидаги миллий тафаккур тараккиётимизда янги йўналишдир. Мамлакатимизда таъкидланган ислохотлар ва унинг вазифаларини белгилашда Биринчи Президентимиз маънавиятга бир қанча таъриф берганлар. «Ёр оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшини, халқлар, мустақил давлатларимизга салоқат, инсонларга ҳурмат, инсон, хотира, виждон, эркинлик маънавиятимизнинг маъноси ана шундан иборат» деб таъкидлайдилар. Маънавият ўз-ўзида шаклланиган нарса эмас, у аввал ҳар бир инсон қалбида инсоннинг ички маънавий бойликларини ўзлаштириш Ватан ва миллий манфаатлари йўлида ҳалол фидойлик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Биринчи Президентимиз- «Маънавият тақдир эҳсони эмас у инсон қалбида қамол топиши учун ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши кераклигини» таъкидлайдилар. Талаба ўзининг қундалиқ ҳаётида миллият Ватан манфаатлари йўлида фидойлик кўрсатиш руҳиятига эга бўлиши керак. Маънавият инсон ва миллат қамолотидаги ҳамда жамият тараккиётдаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосида уни ривожлантириш, унинг моҳиятини таҳлил қилишни тақозо қилади.

Маънавиятнинг муҳим элементи ҳисобланган таълим-тарбия тизими унга миллий руҳ бағишлади. Биринчи Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ва «Соғлом авлод дастури» нинг қабул қилиниши миллий маънавиятнинг ривожланишида мамлакатимизнинг келажакда ривожланган мамлакатлар қаторида мўпосиб ўрин эгаллаши, миллатимизнинг обрў-эътиборини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзонинг номлари қайта шаклланади. А. Темурнинг 660 йиллиги, Улуғбекнинг 600 йиллиги нишонланди.



маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнамолари таваллуд саналари тантаналар билан нишонламоқда. Мустақилликни қўлга олишимиз маънавий меросимизни кўхна ва навқирон тарихимизни ўрғанишга катта имконият яратиб берди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Биринчи Президентимиз томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар, қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади;

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққانлиги ва истиқболда маънавий таракқиётимизнинг ХХI-асрида вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг факат миллий ижтимоий-маънавий мафкурамизда эмас, шунинг билан бирга умуминсоний фалсафий тафаккур таракқиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Талаба маънавий нима? деган саволга жавоб топиш анча мураккаб эканлиги бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлиги ва у инсон фаолиятининг барча қирраларини, томонларини ҳам қамраб олганлигидадир. Маънавият укуман олганда инсон жамики бошқа мавжудотлардан ажралиб туришини алоҳида ўқтириб ўтиши лозим. "Маънавият"-нинг ўзигини "маъно", "маъни" сўзлари ташкил этиши ҳақида илмий манбаларда таъкидланган. Тадқиқотчи тарнинг фикрига кўра "маънавият" атамаси арабча маъни ўзигидан ҳосил бўлган. Шундай қилиб нарса-ҳодисалар, жараёнлар, табиат ва жамият, ҳатто алоҳининг моҳияти "маънида" ўз ифодасини топган. Тилшуносликка оид луғатларда ҳам "маънавият" ахлоқийлик, кишининг ички ва руҳий олами билан боғлиқ маъноларни аңлатади деб айтилади. Демак, маънавият кўп қиррали қадрият. Ёр, оила, оға-она, болалар, қариндош- уруғлар, кўни-қўшнилар, халқ вуждонид, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, эркинлик – маънавиятнинг ана шундай маънолари кенг. Инсон маънавиятини белгилайдиган асосий мезон – адолатпарварлик, имон, инсоф, ҳалоллик бўлиб, инсон ўз фаолиятини барча соҳаларида ана шу тамойилларни амалга оширса, шулар негизда ҳаёт кечирса, меҳнат қилса, бошқалар билан ўзаро муносабатга киришса, элу юртга садоқатини амалий иш билан адо этса, юксак маънавият соҳибига айланади.

Моддий нарсалар одамга жисмонан озик ва қувват берса маънавият унга руҳий озик ва қудрат бағишлайди.

Юртбошимиз маънавият ҳам берлик, табиат жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлигини инсон фикр, тафаккури, хис гуйғуси тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлишини уқтириб «Маънавият аввалам бор оламин руҳан покланишга, қалбан улғайишга қорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват имон-эътиқодини бутун қиладиган вуждонини уйғотадиган куч» деб таърифлаган эдилар.

Кейинги пайтларда маънавиятга берилган таърифлар ичида таникли файласуф А. Жалолов «Мустақиллик маъсулияти» асарида «Маънавият инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас гарқибий қисми, онги ақл-заковатининг маҳсули» деб таърифлаган.

«Ватан туйғуси» китебининг муаллифлари «Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча» деб таърифлаган «Хўсалар, М. Имомназаров эса «Маънавият-инсон калбида кўнгил кўзгусида леке этган ҳақиқат нуридир» деб таърифлаган. Дарҳақиқат, ушбу сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятнинг чеклаб қўяди-деб сўлади. Таниқли олимларимиздан бири Э. Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар эмас балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб, «Маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, амалий малакалари виждон, имони, эътиқоди, дунёқарши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият таракқиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»-деб таърифлайди.

**Юқорида фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, маънавият-инсоннинг руҳиятини унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хушкулликни, вазминлик билан жохилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини юксак мақсад ва гоъларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир, -деб таъриф бериш ўришли деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, бу таъриф энг охириги, киёмига етган мукамал деб айтишимиз мумкин эмас. Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, маънавият тақдирининг эҳсони эмас.**

Маънавият инсон туғилишида, она суги, унинг алласи, ота меҳри, ажлодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги адолатпарварлик қай даражада амал қилишини асосий ўринни эгаллайди.

Маънавият миллатни таракқиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. Маърифат тушунчасининг мазмуини билиш, билим ва маълумот деган маънони англатади.

Биринчи Президентимиз И. А. Каримовнинг мамлакатимизда маънавият ва маърифатга қатта эътибор берганликларининг асосий сабаби ҳам аша шу заминларни қайта тиклаш орқали Ўзбекистон таракқиётини знада тезлаштиришидир.

**3. Маънавият қонунлари – маънавий соҳага ҳос нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар орасидаги доимий ва такрорланиб турувчи узвий алоқадорликни, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, ҳаётнинг маъно-мазмунини белгилаб берувчи йўл-йўриқлар, қонун ва қоидалар маъмуини аниқлаувчи тушунчадир. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов томонидан “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида ҳар томонлама асослаб берилган мазкур қонунлар хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлсада, жамиятдаги талаблар, янашнинг қонун – қоидалари, инсон умрининг мазмуни ва ҳаёт мезони сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверали. Улар қуйидагилардан иборат:**

**1. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги;**

**2. Маънавиятнинг инсон ва жамият билан узвий боғлиқлиги;**



### **3. Маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги каби қонуналардир.**

**1. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонуни**нинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиши хусусиятларига “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридида алоҳида эътибор берилган. Китебда моддий ва маънавий оламнинг уйғунлиги бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига киёслашиб, жамиятдаги ҳар қандай тараққиёт, ўсиш ва ўзгаришларнинг замишида ана шу икки шу икки оламнинг узвий алоқадорлиги низоҳатда муҳим аҳамиятга эга эканлиги мисол ва далиллар асосида кўрсатиб берилган. Маълумки, инсон ва жамият ҳаётида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрни тутуши.. уларнинг қайси бири устуворлиги тўғрисида хилма-хил қарашлар ва ёндошувлар мавжуд. Ҳозиргача баъзилар руҳий оламни, маънавиятни бирламчи деб билсалар, бошқалар моддийликни асосий ўрнига қўядилар ва шу асосда материализм ва идеализм каби оқимлар ҳам шаклланган. Аслида моддий эҳтиёжларини инсоннинг руҳий оламга қарама-қарши қўйиши, унинг биринчи устун деб билиши, бошқасини эътиборга олмаслик масалага бирёқлама қарашнинг яққол кўринишидир. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонуни эса бундан фарқ қилади, у биз яшаётган ҳаётни ягона ва яхлит воқелик сифатида тушуниши имконини яратади.

**2. Маънавиятнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни** ҳам юқорида қайд қилинган асарда асослаб берилган. Ушбу қонун муайян жамият ва давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичида шу даврга хос иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ривожланиш тамойилларига эга бўлгани сингари, ўзига мос келадиган маънавий-маърифий ва ахлоқий тартиблар ҳамда тамойиллар тизимига эга бўлишининг тарихий зарурат эканлигини ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам, инсон ва жамият ҳаётини маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмагани сингари, маънавиятни ҳам инсон ва жамиятдан ажратиб бўлмайди. Жамиятдаги ўзгаришлар муқаррар равишда маънавиятдаги ўзгаришлар эса жамиятга ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз. Инсоният тараққиётига мазкур қонун нуқтаи назаридан қараш ҳар бир даврнинг тузилишига муайян маънавий қадриятлар тизими мос келиши ва бу тизим ижтимоий воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ тарзда намоён бўлишини кўрсатади. Ғоявий, ахлоқий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларга алоқадор тушунча ва тамойиллар ҳам ушбу тизимда ўзига хос ўрини эгаллайди, улар орасидаги фарқ-тафовут ва муносабатлар эса тизимдаги умумий ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

**3. Маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни**-ҳодисаларнинг ўтмишдан келажакка томон ривожланиш жараёнининг тарихий ва замонавийлик, инқор, ворислик ва янгиликларнинг узлуксизлиги ва давомийлиги билан боғлиқ тамойилларнинг мазмун ва моҳиятини ифодалайди. Мазкур қонунят биринчи Президентимиз И. А. Қаримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридида қуйидагича асослаб берилган: “. . . маънавият котиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинчە доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади”. Ушбу қонуниятга кўра тараққиёт жараёнида бир

ривожланиш босқичидан бошқасига ўтилганда иктисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, маънавий соҳасида ҳам янгиликлар рўй беради. Бунда барча маънавий мезонлар бутунлай йўқолиб кетмайди, балки янги даврнинг ижтимоий тузилишига ва замон талабларига мос келадиган, эскидан фарқ қиладиган янги маънавий тизими шаклланиши заруратга айланади. Бундай ҳолатларнинг узлуксиз такрорланиши эса маънавиятнинг ижтимоий воқелик ва тараккиёт билан боғликлигини ифодалайдиган қуйидаги муҳим ҳулосага келиш имкониётини беради: муайян ижтимоий воқеликка (яъни инсоният тараккиётининг бироқ-бир даврига, жамиятнинг ривожланиш босқичига ёки давлат шаклига) муайян маънавий тушунча ва тамойиллар тизими мос келганидек, ўзгарган ижтимоий воқеликка ҳам ўзгача маънавий тизими мос келади. Ижтимоий воқелик ёки маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар бир-биридан қисман илгарилаб кетиши ёки орқала қолиши ҳам мумкин, аммо бу мазкур қонуннинг бутунлай бузилиши дегани эмас. Ана шу қола маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараккиёт билан боғлиқлик қонунининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

**Маънавий ҳаёт ўзининг бир қатор категорияларига тушунчаларига ва ривожланиш қонуниятларига эгадир. Унинг тушунчаларига шахснинг ўз-ўзини англаш, билимдонлик, қалби тозаллик, эътиқодлилиқ, диёнатлилиқ, поклик, меҳр шафқатлилиқ, виждонлилиқ, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат онлага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар: миллатнинг вақили сифатида, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик миллат тақдирига инсбатан маъсулиятини миллий манфаат устуворлиги ҳис этиш миллий тил, миллий тарих, адабиёт санъат урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар давлат тизимига ҳурмат, қонуналарга ҳурмат ва итоаткорлик ваъминлиқ, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички-ташқи фаолиятдан хабардор бўлиш, сиёсий, иктисодий, маънавий ҳаётдаги ҳалоллик ва бошқалар қирали.**

Маънавий инсонлараро бўладиган барча муносабатларни ўз ичига олади. Маънавий ривожланиш қонуналари 2 гуруҳга бўлинади.

**1-гуруҳ-шаҳс** миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуналар қиради. Ички салоҳиятнинг даражалари объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараккиёт босқичи ёки шаҳс шаклланиши жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлари юзага келган пайтда шаҳс маънавий қамолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қиладди.

**2-гуруҳ-қонуналарига** шахслар ва миллатнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган ўзаро таъсир «ўзаро бойитиш» орқали намён бўладиган жараёнлар қиради. Инсон ўзгармас янаёлмаганидек, миллат ҳам миллатларсиз тараккиёти қила олмайди. Бугунги кунда дунёда «соф» миллат шорлигига ҳеч қим гувоҳлик бера олмайди. Жамият ҳам худди ана шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавий инмадир беради «инмадир қабул қиладди» «таъсир» ва «акс таъсир» қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиш боринини таъминлашга хизмат қиладди.

4. Маънавиятнинг жамият таракқиётдаги аҳамиятга исбатан муносабатлар, тобора кучайиб бормоқда. Мустақил давлатларнинг кўпчилиги олдинроқ, кўпчилиги кейинроқ маънавият омилининг роли ва аҳамиятини оширишга эътибор бермоқда.

Ўзбекистонда киска вақт ичида биринчи Президент И. А. Каримовнинг ташаббуси билан маънавиятни юксалтириш давлат сиёсатида устувор соҳага кўтарилди.

Президент И. А. Каримовнинг Олий Мажлисининг 2-чақириқ 1-сессиясидаги маърузасида маънавият XXI-аср бўсағасида мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан иккинчи устувор йўналиш деб қаралди.

**Биринчидан:** Жамиятда амалга ошириладиган барча вазифалар унда янайдиган одамлар онгини қай даражада ўсиши билан боғлиқдир. Шу боис маънавият ҳам жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизми ҳисобланади.

**Иккинчидан:** Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Совет мафқурасидан воз кечиш байроғи остида умуман ҳар қандай мафқурага қарши кураш бошланди. Бу ўз навбатида одамлар маънавиятига таъсир ўткази бошлади. Баъзи одамлар аввало иқтисодий тафаккурни ривожлантириш зарур, маънавият шу иқтисодий тафаккур замирида юзага келади деган фикрларни илгари сурдилар. Оқибатда одамлар руҳиятида яна бир томонлама кетиш турмуш тарзида етакчи ўринни эгаллади. Бу ўз навбатида миллий манфаатлар ёки ватанпарварлик ҳақида кам гапирмайлик, у ўзининг биз кузагаётган натижаларини бермасдан, балки одамлардан шахсий манфаатларга устуворлик қилишга хизмат қила бошлади.

**Учинчидан:** Мустақилликнинг дастлабки йилларидан муаммолар одамларни довлдиратиб қуйди. Ҳамма ўқини, касб-хунар ўрганни ўрнига бозорга чиқиб пул топини йўли хавфи юзага келди.

**Тўртинчидан:** Маънавиятнинг давлат сиёсатида устувор бўлишига яна бир сабаб, миллат сон жиҳатдан қағтами ёки кичикми бундан қатъий назар, унинг реал субъекти, маълум моддий ва маънавий бойликларни яратувчи, истеъмолчиси бошқаларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятлари мавжуддир.

**Бешинчидан,** шўролар тизимида аждодлар яратган маънавий меросни халқ онгидан чиқариб ташлаш учун «маълум ишлар» қилинди. Мустақиллик эса уни қайтадан тиклаш зарурлиги бунга эса маънавиятни ривожланиш орқали эришиш мумкин эканлиги эътироф этилди.

**Олтинчидан:** Маънавият миллатни ва бутун мамлакат аҳолисини маълум максаллар сари давлат атрофига уюштирувчи, уларни фаолаштирувчи эркин ва буюк келажакка ишонтирувчи инсон зотини улуғловчи, унинг қадрини англаувчи улкан «механизмидир». Шу сабабли Республикамиз биринчи Президентининг 1993 йил 9 сентябрдаги фармонида «... маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин» деб белгиланди.

1998 йил 28 июлда Вазирлар Маҳкамаси «Маънавият ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-қаддирлари» тўғрисида” қарор қабул қилди. Бу қаддирлар шундан далолат бе-

радики маънавият ва маърифат Ўзбекистон тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири эканлиги давлат ташкилотлари томонидан эътироф этилди.

**ТАЯНЧ СЎЗЛАР ВА ИБОРАЛАР:** Мустақиллик, маънавият, Истиқлол, миллий маънавият, маънавият таърифлари, маърифат, инсон ва маърифат, руҳ, ақл, маънавиятнинг таркибий қисмлари.

**ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Маънавият тушунчаси.
2. Маънавиятнинг келиб чиқиши.
3. Маънавият ва маърифатнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
4. Маънавиятнинг тарбиявий қисмлари.
5. И.А.Қаримовнинг қайси асарларида маънавият ва маърифат туғрисида фикрлар билдирилган?

**Адабиётлар:**

1. Қаримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. : Ўзбекистон, 2010 йил.

2. Қаримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994

3. Қаримов И. А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Т. , Ўзбекистон 2000.

4. Қаримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т. Ўзбекистон 2000.

5. Қаримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. : Маънавият, 2008 й.

6. Қаримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.

7. Мустақиллик. Изоҳли илмий оммабоп луғат. Т. Шарқ. 1998.

## **2-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ, НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЗАМИНЛАРИ. (1-МАШҒУЛОТ)**

**Р Е Ж А :**

1. Қадимги халқ оғзаки ижоди ва ёзма ёдгорликларда маънавият ва маърифат масалалари.

2. «Авесто»да инсон маънавияти, унинг ахлоқи, меҳнатга, табиатга ва ҳайвонот оламига бўлган муносабат масалалари.

3. Монийлик ва маздакийлик таълимотида маънавият масалалари.

1. Марказий Осиё халқлари миллий маънавиятни ривожланиши босқичлари халқимиз маданий тараққиётининг мураккаб тарихий давлари ва ходисалари мажмуини ташкил этиб, ўз ичига бир неча минг йилликларни камраб олади. Бизнингча миллий маънавиятимизнинг кўп мишг йиллик тарихий 4 даврга ажратиб ўрганиш мақсада мувофиқ:

1. Исломгача бўлган миллий маънавиятимиз тараккиёти;  
2. Ислом маданияти ривожда, миллий маънавиятимизнинг ўрни ва мавқеи.

3. Темур ва темурийлар даври маънавияти.

4. Янги давр жаҳон маданияти ривожда миллий маънавиятимиз тараккиёти.

Бизнинг энг қадимги аждодларимиз маънавияти ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб келган афсона ва ривоятларда, қадимий ёзувларда сакланиб келаётир. Марказий Осиё қадимий афсона ва ривоятлари турли мавзуларда бўлган Чунончи, космологик, хайвонлар ва, қушлар ҳақидаги афсоналар, худолар, афсонавий қахрамонлар ҳақидаги афсоналар бўлиб, уларда яхшилик бахт-саодат, куёни нури ва иссиқлик ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва бахтсизлик ўлкаси деган ривоятлар пайдо бўлган. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш-афсонавий образда мужассамлаштирилган.

Қадимги Марказий Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қахрамонлик эраси муҳим ўрин тутадн. Уларда ватанпарварлик, жасорат, халқни севиш куйланади.

Тўмарис, эрампздан олдинги IV- асрда Эрон ахамонийлари шоҳи Кирга қарши курашади. Широқ-Сак қабиласининг чўпоши чет эл босқинчиларига қарши курашда жасорат, матонат, ватанпарварлик ва хоқазолар Широқ тимсолида гавдаланади.

Урхун-Енисей ёдгорликлари: Рун ёзуви (яширин сирли) Кул-Тегин, Билка-коон, Туюқук қабиларига ўйиб ёзилган. Бу ёзувлар X-XIII-асрларга мансуб.

Кул-Тегин - Билка-кооннинг укаси 732 йили вафот этган. Жангдаги жасорати, матонати куйланади. Бу даврда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривож топади. Бунга эрампздан аввалги минг йиллик ўргаларида оромий, грек, форсий, миҳхат ёзувларининг мавжудлиги мисол бўла олади.

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, Марказий Осиё инсониятнинг қадимий маданият, маънавият - маърифат ўчоқларидан бири бўлган.

2. «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши эрампздан олдинги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам бирдан юзага келган эмас. Зардушт 30 та қоҳин билан 3 йил давомида «Авесто бўлимларини йиғиб, I тизимга солган. «Авесто» куйидаги 5 қисмдан иборат:

1. Видевлад - 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда ердаги барча жонзодларнинг (мавжудот) яратувчиси эканлиги ёзилади.

2. Виспарад - 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларидан иборат. (Зулматга қарши).

3. Ясно - 72 бобдан иборат, қурбонлик вақтида, маросимларда айтиладиган қўшиқлар,

4. Яшт - 22 қўшиқдан иборат, зардуштийлик маъбудалари мадҳи куйланади



**5. Хурд Авесто - Кичик Авесто** - кўёш. Ой ва бошқа худо ва маъбудалар шарафига айтилган матнларидан иборат.

«Авесто» таълимотида оламда 2 та куч: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик каби бир-биринга қарама-қарши куч мавжуд бўлиб, улар абдий ва мурасимсиз қурашиб келадилар.

Авестода меҳнат улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи деб билади. «Авесто»да «**Дон эккан киши такводорлик уруғини экади, у ниймонши озиклангириб туради**» деб ёзилган.

Авестода инсон ахлоқ-одоб, маънавияти қуйидаги учликда **Гумата** - яхши фикр, **Гучта** - яхши сўз, **Гваргига** - яхши амалда ифодаланадиган. Яхши-сўзлар деганда, ўз ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш, ўғрилик ва талончилик қилмаслик, ва ҳоказолар тушунилади. Яхши фикр деганда эса яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтожлик ва ҳавф-хатарда қолган кишиларга ёрдам бериш, кишилар бахт-саодати учун қуралиш, ҳамма билан аҳил ва тинч-тотув яшаш тушунилади. Яхши ишлар деганда инсоннинг ўз хатти ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларида илғари сурилган барча ижобий ҳаракатлари тушунилади.

«Авесто»да **тозалик, покликка алоҳида эътибор қаратилган. «Авесто»да наслининг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган.** Қариндош-уруғ, ака-ука, қуда бўлиши таъкиқланган.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратувчилик талабига мос келганлиги боне уни бузиш таъқиқланган. Агар оилادا бузукчилик гуноҳи содир этилса, ундай кишилар таёқ билан жазоланган.

Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойдан чеккада, тепаликда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дарахт эмас, арча, қайрағоч каби мевасиз дарахтлар ўстириш кераклиги таъкиқланган. «Авесто»да қадимги табибларнинг қасамёди ва таъбат рамзи Илон ва Жом берилган. Демак, табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас, балки биздан бошланган.

Хулоса шунки. «Авесто» китобида аждодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган Унда жожиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон ҳислатлар қораланган. Соф қўнғилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, ҳуллас эзгулик каби маънавий ҳислатлар улуғланган.

**3. Ўрта Осиё маданий мероси жаҳон маданияти ва маърифатининг узвий ажралмас таркибий қисмидир.**

Аждодларимиз томонидан ёъзоланиб, асрлар қаъридан олиб ўтилган фалсафий-ахлоқий панд-насихатлар, кадриятлар атайлаб маълум мақсадни қўзлаб юргизилган сиёсат қурбони бўлди. эътибордан четда бўлди. Бу эса ёш авлоднинг маънавиятига салбий таъсир ўтказди. **Ваҳоланки, Ислоҳ Қаримов "Ўзбекистоннинг ўз истижоли ва тараққиёт йўли"** китобида таъкиқлаганидек ўтмишдаги аъломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини "... шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда".

IX-XV асрларни Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида шартли тарзда «Ренессанс» (уйғошиш) даври деб аташади. Маънавият ва маърифатнинг ғоят

гуллаб-яшнаши бу давр учун характерли бўлган. Бу даврда комусий илм эгалари ажойиб шоирлар, буюк давлат арбоблари етишиб чиккан. Дунёвий фанларнинг тез суръатларда тараққий этиши кенг таржимонлик фаолиятига таъсир этди. Бу жараён айниқса халифа Маъмун даврида (813-833 й. ) Бағдодда «Байт ул-хикма» (Донолар уйи) ташкил этилган пайтда тезлашди. Юнон фалсафаси ва табобати, хинд ҳисоби, алхимия ва илми нужумга оид асарлар араб тилига ўгирилди. Бунда Марказий Осиёдан етишиб чиккан мутафаккирлар, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ал-Беруний каби мутафаккирларнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

**Ренессанс - уйғониш даври маданияти.** Маънавият ва маърифат мохият-эътибори билан дунёвий, гуманистик дунёкараш, антик давр маданий меросига мурожаат қилиш, бамисоли унинг «қайта уйғониши» (номи ҳам шунданни англатади. Уйғониш даври намоянадалари қарашлари инсоннинг чексиз имкониятларига, унинг иродасига, ақл-идрокига ишониб қараш билан ажралиб туради.

Фанда Шарк ва Ғарб уйғониш даври тушунчалари ишлатилади. Улар умумий, ўхшаш томонлар билан бирга, маълум фарк, ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан ҳам ажралиб туради. Аввало улар давр нуқтан назаридан фарқланади. Агар Шарк уйғониш даври IX-XII-асрларни, сўнгги уйғониш даври XIV-XV асрларни ўз ичига олса, Ғарб уйғониш даври XV-XVII-асрларни ўз ичига олиши билан фарқланади. Ғарб уйғониш даври учун динга қарши кураш хос бўлса, Шарқда масаланинг ғарбгаддек кескин қўйилишини кўрмаймиз.

Шарк ва Ғарб уйғониш даври учун умумий хусусиятлар антик даврга мурожаат қилиш, уни «қайта тирилтириш», табиий фанлар ривожини, фанда универсаллик (комусийлик)ни, гуманизмни тарғиб этиш ва бошқаларда намоён бўлади.

**Шарк ренессанси даври қуйидаги умумий хусусиятларга эга:**

- 1) маданият, дунёвий фанлар ва ислом ақидашунослигининг тараққиёти;
- 2) юнон, рум, хинд ва бошқа маданиятлар ютуқларига суяниш;
- 3) астрономия, математика, минерология, жуғрофия, кимё ва бошқа табиий фанлар ривожини;
- 4) услуб(методология) да рационализм, мантикнинг устунлиги;
- 5) инсоний дўстлик, юксак ахлоқийликнинг тарғиб этилиши; -
- 6) фалсафанинг кенг даражада ривож топиши;
- 7) адабиёт, шеърият, риториканинг кенг миқёсда ривожланиши;
- 8) билимдонликнинг комусий характерда эканлиги.

Бу даврга келиб, аввало Марказий Осиё, Эрон, Ироқ ва Сурия илму фан ва маданиятнинг йирик, ўчоғига айланди- Хоразм, Бухоро, Ҳиротда йирик илмий марказлар ташкил топган эди. Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фарғоний, Беруний, Имом Ал-Бухорий, Имом Исо Ат-Термизий, Ҳаким Ат-Термизий каби Марказий Осиёлик олимларнинг, уламоларнинг донғи етти иклимга таралган эди.

Марказий Осиё табиий-илмий тафаккури ривожининг бошланиши буюк ашшома Аҳмад Ал-Фарғоний ва Мухаммад Мусо Ал-Хоразмийларнинг номи

билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Бағлоддаги «Байт ул-хикма» нини статки илм соҳибларидан саналган. 1998 йилда Аҳмад Ал-Фарғоний гаваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. У машҳур фалакиётшунос олим. Унинг асосий асарлари «Астрономия ва астрологияга кириш», «Фалакдан бўладиган сабаблар», «Астрология фани усуллари», "Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми» ва бошқалар саналади. Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари» китоби ўша даврдаги астрономия соҳасидаги билимларнинг комуси бўлган.

**Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий (780-850)** Шарқнинг буюк мутафаккири. комусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, жуғрофия, айниқса риёзиёт соҳасидаги хизматлари бекиёсдир. У араб, хинд, лотин, юнон, форс тилларини билган.

Хоразмий «Синд Ҳинд», «Зижи Хоразмий», «Астрология бўйича рисола», «Қуёш соати ҳақида рисола», «Ёрнинг шакли ҳақида китоб», «Тригонометрик жадваллар», «Муслик бўйича рисола», «Тарих ҳақида» ва бошқа асарларнинг муаллифи. Унинг буюк хизматларидан бири Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги хиндларнинг ўшиқ-тизими билан таништирди. Уни Европада «Алгоритмус» деб юритганлар. Алгоритм эса унинг латинчалаштирилган номидир.

Шарқ фалсафий, ижтимоий, ахлокий фикри ривожини Абу Наср Форобийсиз (873-950) тасаввур этиш кийин У «иккинчи шарқ Аристотели», «Иккинчи муаллим» деган унвонга сазовор бўлган машҳур мутафаккирдир. Шарқда қадим Юнонистоннинг энг машҳур файласуфи Аристотель «Биринчи муаллим» деб юритилган.

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса қўшган. Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис - олимлар бошлиғи» унвонига эга бўлган аллома Абу Али ибн Сино (980-1037) нинг илмий мероси биз учун бебаҳо ҳазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг «Тиб қонунлари» номли 5 жилддан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада медицина бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

IX-XII-асрлар маънавияти ва маърифати ривожидида XI асрнинг кўзга кўринган шоири Юсуф Хос Ҳожиб ҳам катта ўрин тугади. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ягона достони бўлмиш «Қутағду билиг» («Бахтга элтувчи билим») билан машҳурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон Қорахонга бағишлаган.

Биз ўрганаётган даврда ахлокий-дидактик мавзуда асар яратган ва шухрат қозонган шоир Аҳмад Юғнакийдир. У XII аср охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. Ундан бизгача «Ҳиббат-ул-хақоийк» достони етиб келган, У ўз достонида дунёнинг бевафолиги, ўткинчилиги ҳақида гапириб. дунё гўё қарвон факат озгина фурсат тўхтаб ўтиладиган рабоб (қарвонсарой), - дейди. Унинг фикрича, инсон олим бўлгандан кейингина улуғлик даражасига кўтарилади ва яхши ном қолдиради. Билимсиз киши соғлом бўлса ҳам, у ўликдир деб кўрсатади. Билим инсон учун битмас-туганмас мулкдир деб таъкиллади.

Кишиларга факат яхши одамлардан дўст орттиришни маслаҳат беради.

Факат яхши ишлар қилибгина яхши натижалар кутиш мумкин, чунки «тикан экиб, хосилига узум олмайсан» деб айтади.

Хулоса шуки, IX-XII- асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавий юкори даражада ривожланди.

**III. Марказий Осиёда қулдорлик эрамининг II-III-асрларига келиб инкирозга юз тутди ўз ўрнини феодал муносабатларига бўшатиб берди.** Бу ҳолат зардуштийлик ичида янги оқим-Монийлик таълимотининг юзага келиши ва кучайишига олиб келди. Ушбу оқимнинг асосчиси Моний (216-277 й. ) бўлиб, у тарихий шахедир. Унинг маънавий, ахлоқий қарашлари «Сир- ул-асрор», «Китоб-ул-худо ва тадбир», «Шабурхан» ва бошқаларда баён этилган.

Моний Эронда 216-277 йилларда яшаган файласуф, монизм таълимотининг асосчиси ва тарғиботчисидир. У 242 йили Эрон подшохи Шопур I нинг подшолик тожиини қийиш маросимида ўз таълимотини баён қилган. Унинг таълимоти фалсафий мазмунида дуализм мавжуд бўлиб, Моний Само Нури элчиси ҳисобланган. Унинг таълимотида христианлик билан зардуштийлик қоришмаси асос ҳисобланади. У борлиқнинг 2 мустақил субстанция: ёруғлик, яхшилик, рух олами билан зулмат, ёвузлик оламининг ўзара қурашини тарғиб этувчи зардуштийлик ғоясини олган, христианликда эса мессонерлик (яъни гуноҳлардан ҳолос этувчи пайғамбар, элчининг келиши, адолатли жамият ўрнатилиши тўғрисидаги) таълимотини олиб ҳар иккисини умумлаштирган. Моний олам иккита деб ҳисоблайди. Унингча, биринчи оламда худо, иккинчи олам қураши ҳалоқат билан тугайди. Натижада материя енгилиб рух озодликка чиқади. Моний таълимотида кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Инсон 2 та унсурдан (рух - Нур фарзанди ва жисм - зулмат фарзанди) иборат мавжудот бўлгани учун зулмат қучларига қарши қурашда нур қучларига ёрдам бера олади. Монийнинг ижтимоий таълимотида пессимизм, нассивлик руҳи мавжуд. Моний таълимотида урушмаслик ва мол-дунё йиғмаслик ғояларини тарғиб қилгани учун зардуштий хохинлари ва Шох Баҳром I Монийни 275 йилда зиндонга ташлайдилар ва 277 йилда қатл қилдилар. Моний издошлари мамлакатларда кенг тарқалган эди. 296 йилда Рим императори Диоклетиан монийликка қарши фармон (эдикт) эълон қилди. Моний таълимоти майда секталарга ажралиб кетди. Улардан бири маздакийлик деб аталди.

Моний таълимотида кўра инсон соф мусаффоликка ўз гуноҳларидан ҳалолликка фақат тарқидунёчилик йўли билан эришиш мумкин. Моний таълимоти зардуштийликнинг яхшилик ва ёмонлик таълимотида асосланган бўлиб, кенг халқ оммасининг манфаатига мос келар эди. Монийлик таълимотида дунё зиё (ёруғлик) ва зулматнинг абадий қураш майлонида иборат. Монийлик ахлоқи диндорлардан кам овқат ейишни, рўза тутишни (демак, рўза тутиш олати исломдан ҳам аввал мавжуд бўлган), ўз турмуши, ҳаёти учун керагидак ортик мол-мулкка, бойликка, хире қўймасликни тарғиб этади. Хулоса қиладиган бўлсак: Моний бу дунё бойликларига ружу қўймаслик, эзуликка, покликка интилишни тарғиб қилади.

Маздакийлик таълимотининг асосчиси маздакийлар ҳаракатининг раҳбари Маздак халқ оммасининг Зардушт коҳинлари ва зодагонларига қарши курашни бошқарган. Бу ҳаракат таъсирини насайтириш мақсадида Эрон шоҳи Кубод I (488-531) Маздакни қўллаб қувватлаган эди. Маздак Кубод ҳукмронлиги даврида аввал оташгоҳларнинг бирида коҳин, кейинчалик бутун Эрон бўйича бош коҳин бўлган. Коҳинлар ва амалдорларнинг иқтисодий, сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлгандан сўнг Кубод I Маздак билан алоқани узган. 529 йили маздакийлар ҳаракати бостирилган. Маздак қатл этилган.

Маздакизм диний-фалсафий таълимоти (5-6 асрларда) Эронда кенг тарқалган. Маздак таълимотиغا кўра оламда бўладиган воқеа, ҳодисалар онгли ва бирор мақсадни қўлаб ҳаракат қилувчи эзгулик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғулик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади. Маздакизм ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган маздакийлар ҳаракатининг мафкураси сифатида хизмат қилган. Маздакийлар ҳаракати бостирилган бўлса ҳам (6 аср) Маздак таълимоти кейинги асрлар давомида Эрон, Марказий Осиё ва Озарбайжондаги дехқонлар, шаҳар камбағалларининг феодал зулмига қарши, кейинчалик Марказий Осиёга Ислом тарқалгач, унга ва араблар истилосига ҳамда ҳокимиятига қарши (Муканна, Бобак кўзғолонлари) курашнинг ғоявий байроғи бўлиб хизмат қилди.

Маздакизмнинг Монийлик таълимоти билан кўп ўхшаш томонлари бор. У монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик ғояларини, дунёга умид билан қараш ғояларига алмаштирган.

Маздак. Эроннинг Нишонур шаҳрида туғилган. Дехқонлар кўзғолонига бошчилик қилгани учун 529 йилда Ануширвон томонидан қатл этилади. Маздак феодал мол-мулкни умумийлаштиришни, феодаллар тузумини йўқотишни талаб этади.

Монийлик каби маздакизмда ҳам дунёни тушуниш негизида бир-бирига қарама-қарши 2 куч ётади. Маздакнинг айтишича, дунёда ёвузлик ва зулмат ҳукмронлик қилар экан, кишилар уларга нисбатан бефарқ бўлишлари керак эмас, балки яхшилик қучларига ёрдам беришлари лозим.

Маздакнинг фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик кишилар ўртасида «ғаразғўйлик» зикналик, ўғрилик, ёлғончилик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли туман фалокатлар, бахтсизликлар каби иллатларни келтириб чиқаради.

Хулоса шуки, монийлик ва Маздакизм Марказий Осиё халқлари маънавий юксалишида, айниқса адолатсизлик, зулм, зўрлик, шафқатсизликка қарши курашига ўз таъсирини ўтказган.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:** Халқ оғзаки ижоди, Тўмарис, Широқ, Зардушт, «Авесто», Ясно, Яштхо, Видевдат, Виснарад, Исломғача бўлган давр маънавияти, Ислом даври маънавияти, Ўрта асрлар Шарқ уйғониш даври маънавияти, Шарқ Ренессанси, «Байт-ул-хикма», Маъмур академияси, Монийлик ва маздакийлик таълимотлари.





## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Исломигача бўлган давр маънавияти қайси даврларни ўз ичига олади?
2. Исломигача бўлган давр маънавиятининг ёзма манбалари нимадан иборат?
3. Зардуштийлик таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
4. "Авесто"нинг мазмун – моҳияти ва таркибий қисмлари нималардан иборат?
5. Ренессанс сўзининг моҳиятини айтиб беринг.
6. Шарқ Ренессанси деганда нимани тушунасиз?
7. "Байт-ул – ҳикма" ва Маъмур академиясида қайси олимлар етишиб чиққан?

## 3-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ, НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЗАМИНЛАРИ. (2-МАШГУЛОТ)

### РЕЖА:

1. Амир Темур ва темурийлар даври маънавияти.
2. Жаҳидчилик ҳаракати ва унинг маънавиятга таъсири.
3. Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавиятга муносабат.

1. А. Темур ва темурийлар даври маънавияти. А. Темур-буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машхури жаҳон қилган инсон.

А. Темурнинг марказий Осиё халқлари тарихидаги хизматлари қуйидагилардан иборат;

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни бирлаштирди, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди ва ҳунармандчилик, савдо-сотик, маданият ривожига замин яратди.

Иккинчидан, А. Темур ўзи билибми-билмасданми, лекин бир қатор халқлар ва юртларнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлишга ёрдам берди. Масалан, Йилдирым Боязидни тор-мор этиб, Болкон ярим ороли ва Европа - халқларига озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хоини Тўхтамишни тор-мор этиб, Россияни мўғуллар ҳукмронлигидан қутултирди 300 йилга тезлаштирди.

А. Темурнинг маънавий ва маърифий қарашларини унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари «Темур тузуклари»да мужассамлашган. Бу бебаҳо асарда подшоҳлар, ҳокимлар ва вазирларнинг халқнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат илм-фан намоеңдалалари дин пешволарига, устозларга яхшилик қилган кишиларга муносабат каби ҳаётий, маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган. А. Темур «Тузуклари» дан мисоллар:

“Юз мишг оглиқ аскар кила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин”.

“Чин дўст улдурки дўстидан ҳеч қачон ранжимайди агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади”.

«Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».

А. Темур ва теурийлар даври; умуман Шарк хусусан, Марказий Осиё илм-фан маданият маънавият, адабиёт-санъат ривожига муҳим босқич, янги тарихий давр, туб бурилишдир. Бу даврдаги маънавий-маърифий ҳаётдаги кўтарилли ва юксалишнинг манбаи, бошланиши IX-XII асрларта бориб такалади. XIV-XV асрдаги маънавий-маърифий ҳаётдаги кўтариллиши IX-XII асрлар маданияти, маънавияти ва маърифатининг давомидир. Марказий Осиё халқларидан етишиб чикқан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди шу даврда шаклланди. Тарихчилар Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, олимлар-Улуғбек, Али Кушчи, Қозизода Румий файласуф шоирлар - Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутғий, Саккокий, Атоий: мусаввир - К. Беҳзод, Қосим Али, Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир.

Темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожига Мирзо Улуғбек (1394-1449) нинг номи билан чамбарчас боғлаиб кетади. У давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим. Мирзо Улуғбек Самарқандда «Самарқанд академияси» «Улуғбек академия» сига асос солган. «Зижи жадили кўрагоний» ва «Тўрт улус тарихи» номли, асарларнинг муаллифидир. Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожига ўзларининг онгли ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати, халқлар осойишталиги, ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағишланган икки буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492), Мир Алишер Навоий (1441-1501) ларнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси А. Навоий Марказий Осиёда маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Навоий золим, мустабид, подон, маишатпараст шох ва ҳукмдорларни коралаб, уларга қарши инсонпарвар, халқпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини кўяди. Навоий ўз асарларида юксак меҳр оқибатни инсонийликни, баркамол инсонни улуғлайди.

**Одами эрсанг демагил одами,**

**Оники йўқ халқ ғамидин ғами.**

Хулоса қилиб айтганда. Темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданияти жаҳон цивилизацияси ривожига улкан хисса бўлиб кўшилди. Бунда улуғ бобомиз давлат арбоби саркарда ва соҳибқирон А. Темур хизматлари бекиёс ва беназирдир.

150 йиллик мустамлакачилик 70 йиллик қарамлик йилларида буюк зот, инёга машхур давлат арбоби, улуғ бунёдкор А. Темур шахсиятининг асл моҳиятига ҳолис ва ҳаққоний баҳо бериш имконидан маҳрум бўлиб яшадик. Шўро тузуми соҳибқирон ҳақидаги ҳақиқатни халқдан яшириб келди. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов айтганидек: «Амир Темур номи тарихимиз

сахифаларидан қора бўёқ билан Учирилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йўқотиш. . . . эди».

Хуллас, мустақиллик шарофати билан ўз тарихимизга ҳаққоний кўз билан қараш имкони туғилди. Соҳибқирон А. Темур номи оқланди. У бажарган ишлар ўз ўрнини топди. Миллатимиз унинг номи билан ҳақли равишда фахрланади. .

## 2. Жадидчилик ҳаракати ва унинг маънавиятга таъсири.

**Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўринишидир. Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини маданиятнинг оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани билимли, муайян соҳада маълумоти бор демакдир. Фанлар чуқур ва кенг ривожланиб бораётган ҳозирги даврда билим ва илмга интилган ҳар бир киши талаба, фан намоёндаси илмнинг яъни маърифатнинг маълум соҳасинигина эгаллашга эриша олади. Масалан, кимёнинг маълум соҳасини, худди шунингдек математика, физика, биология, медицина ва бошқаларнинг ҳам маълум йўналишларини эгаллайдилар.**

**Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак маърифат - билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунини ёйиш қуроли, воситасидир.**

Маърифат тушунчаси маориф тушунчасидан кенг бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари, шакллари ва соҳаларини ўз ичига олади.

Жамиятда маърифат, яъни билим маърифатпарварлар орқали ёйилади. Маърифатпарвар - маърифат учун курашувчи илм, билим чироғини ёқувчи; маърифат ҳомийси ва тарафдори демакдир.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим-юртим деб яшовчи, узокни кўзловчи маънавиятли кишилар маърифатпарварлик билан шуғулланадилар. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг мамлакатнинг халқнинг бугуни ва келажаги учун муҳим ғояларни илгари сурадилар, шу ғояларни амалга ошириш учун кураш олиб борадилар.

Маърифат маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадикни бартараф этади. Инсонга бекиёс илохий кудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Шунинг учун озодлик учун курашчилар мамлакат, миллат озодлигини халқнинг маърифий уйғоклигида деб биладилар ва маърифат учун курашадилар. Бизнинг халқимиз азалдан маърифатга интилиб яшаган. Бу ўлкадан дунё илми ривожига улкан ҳисса қўшган аллёмалар етишиб чиққан. Улар ҳам дунёвий ҳам диний илмлар соҳасида дунё илми аҳлини хайратга солганлар.

Ўтмишда ижод этган алломаларимиз Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқалар нафакат илм чўкқиларини эгаллабгина қолмай, уни - яъни маърифатни кенг тарғиб этганлар, шогирдлари тарбиялаганлар.

Туркистон маърифатчилик мактаби бой ўтмиш ва улкан меросга эга. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидхон ўғли, Ашурали Зоҳирий, Саидрасул Саидазизий, Исҳоқхон Ибрат ва Аҳмад Донишлар XIX аср охириларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан ҳалос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидоий зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий куллик ва зулм-зўравонликка қарши бор қучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишасларини илм чироғи билангина озодлик сари бошламоқ, парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам энг аввало юртимиз мактаб-маориф ишларини ривожлатиришда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан азму шижоат намунасини кўрсатдилар.

Қуринадики, жадидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатан қилиш, маънавиятини юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир.

Жадидчилик - янгиланиш, янги усул маъносини англатади. У янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрдаги феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим»- ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва Президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат.

Туркистонда жадидчилик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлкан мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсадан устун қўйдилар. Жадид зиёлилари эрк, истиқлолга эришиши учун миллий онгини ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлдилар. Буни эса таълим ва тарбияда - маърифатда деб биладилар. Мана шунинг учун ҳам жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай ишладилар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инкирози чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни қўтармай, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлмай маърифат тарбиявий ишларни кенг йўлга қўймасдан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга кенг имконият яратиб бўлмаслигини тушуниб етган эдилар. Жадидлар, яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истисъодини сифабар этишга тайёр бўлган фидоийлар эди.

Жадидлар миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қилар эканлар, бунда шариятга қатъий риоя қилиш орқали, мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш намунасини кўрсатганлар.

Хуллас, жадидчилик XIX аср охири XX аср бошларида миллий уйғониш ва миллий онг юксалишида катта роль ўйнаган.

**Жадидчилик ғояларини унинг ёрқин вакилларидан Бехбудий, Фитрат, Чулпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Файзулло Хўжаев, Сўфизода, Тавалло, Исҳоқхон Иброт кабилар ғоят оғир ижтимоий-сиёсий шароитларда тарғиб қилганлар.** Улар миллатнинг камолотини юксалтириш, унинг кадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилганлар. Маърифатчи жадидчилар оғир моддий қийинчиликлар ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай, миллатнинг маънавий юксалиши учун масъулятли бурилиш даврларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражадаги вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар. Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, Айний, Авлоний ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблар очиб, уларда ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалар ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз шахсий маблағларини аямаганлар, Бундай саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил ривожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур. Биз эркин фуқаролик жамиятини куришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Бу улуғвор вазифаларни ҳал этишда биринчи Президентимиз Ислам Қаримов «Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, энг аввало, таълим тарбия, маърифат масаласига бориб такалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот, орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарб. ялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур», - деб таъкидлаганларида фидойи, саҳий миллатпарвар инсонлар бўлиши ҳозирги кунда ҳам талбиркорларни шу савоб ишларга чорлаётганлигида деб биламиз.

**Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги намоёндаси, унинг назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир (1879 1919).** Бехбудий Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Ёшлигидан илм-фанга кизиқади, ҳисоб, ҳуқуқ, дин, араб ва форс тилларидан чуқур сабоқ олади, У ҳаж зиёратини адо этиб, Макка ва Мадинага боради. Миср ва Туркия шаҳарларида бўлади. Петербург, Минск, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлиб янги давр маданияти билан яқиндан танишади.

Маҳмудхўжа Бехбудий, болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардага ўқув юртларига юбориш керак, деган масалани ўртага ташлади. У қуйидаги уч қондани олға сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш; 2) миллат тақдир ва истиқболини белгилловчи миллий кадрларни етиштириш; 3) миллий бикикликдан чиқиб, дунё микёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш. Асримиз бошларида илгари сурилган бу қарашлар ҳозирги давримиз учун мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг бундай илғор фикрлари



мустикал Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг замонавий калрлар тайёрлаш борасида олиб борган сиёсати билан ҳамоҳангдир. Бунга Бехбудий орзу-умидларининг рўёбга чиқиши деб қарамок лозим, Бехбудий маърифатнинг озодликка олиб боришдаги ролини яхши тушуни. У шундай ёзади: «**Маориф бўлимида ишлаётургон мусулмонларнинг бошини силангиз. . . . ўртадан ниқобни кўтарингиз, Туркистон болаларини илмсиз қўмангизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар**» Маҳмудхўжа Бехбудий эрксеварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари учун таъкиб остига олинди ва ўлдирилди.

Жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакилларидан яна бири Мунавварқори Абдурашидхон ўғли (1878-1931). У Тошкентда туғилган. Мунавварқори ҳам бошқа жадидчилар каби Ватан равнаки ва миллат тараққиётининг асосий омили деб халқни саводли ва маърифатли қилишни тушунади. У ана шу фикрдан келиб чиқиб, Тошкентда 1901 йилда янги услубдаги мактабни очади, унга раҳбарлик қилиб, мусулмон болаларни ўқитади. Ўз замонаси учун мақбул бўлган «Адиби аввал», «Адиби Соний», «Ер юзи» кеби дарсликлар ёзади. У кўпроқ стимуллари, бева-бечораларнинг болаларини ўқитишга аҳамият беради.

Мунавварқори таълим-тарбия ишларини ислох қилмай, халқнинг онгини оширмай, маданий савиясини кўтармай жамиятда катта ўзгаришлар қилиш асло мумкин эмаслигини тушуниб етади. Мунавварқорининг миллат тараққиёти учун олиб борган ғоялари туфайли собиқ зўравон Шўролар ҳукумати уни таъкиб остига олди. 1931 йил 25 апрелда эса отиб ташланди.

Миллий уйғонишга қорловчи ғояларни илгари сурган жадид ҳаракатининг яна бир йирик вакили Абдулла Авлонийдир. У миллатнинг маънавий инкирозда бўлишини танқид қилди, барчани маърифатга чақирди

Жадидчиларнинг қисмати қор ҳукумати, ва айниқса, собиқ Шўролар тузуми даврида ниҳоятда фожиали бўлди. Абдулла Авлонийнинг «Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир» деган ғояси маърифатпарвар сафдошлари сингари маълум Туркистон аҳлини илм-маърифат зиёсида баҳраманл қилишда унутилмас хизматлар кўрсатди. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида маърифий илм-фаннинг жамият тараққиётига тутган ўрни ҳақида қимматли фикрларни баён қилган. Уларнинг кўпчилиги юқорида баён қилинган талаблари учун миллатчи, «пантуркист» деган тамға босилиб, қагагон қилинди, жадидлар ғоялари ва ҳаракатига қора қизик тортилди. Жадидчиликнинг қор-мор қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танилишини яна бир асрга орқага сурди. Жадидчилик бир аср давомида аввал қоризм кейинчалик эса коммунистик ғоянинг таъйиқида, исқанжасида бўлиб, тўла равишда намўён бўла олмади. Унинг заминлари шаклланиши тарихини ўрганишга интиланлар ҳам таъйиқ остига олинди.

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган қучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф одатлар қамолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни қиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозил йўлларидан бири эканлигини истилочи ва босқинчилар жуда яхши билган.

### 3. Мустамлакачилик ва карамлик шароитида маънавиятга муносабат.

Маданият маънавият ва маърифат зарбага учраб, халкнинг мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан саводсиз, эътиқодсиз бўлиб кетади. Охир-оқибатда миллий ғурур, ифтихор, миллий кадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриши, итоаткор кулга айлантириш мумкин. Бундан Марказий Осиё халқлари ҳам мустасно эмас. Илм-фан ва маданият маънавиятнинг энг ривожланган марказларидан бўлган Туркистонки зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерли аҳолини карамлик ва куллик, сиёсий қарахтлик ва руҳий қашшоқлик ҳолатида ушлаб туришни мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан бири деб ҳисоблади. Кўпгина олимларни Россиядан Туркистонга юборди. Босиб олинган мамлакатда илм-фан, маънавият, маданият истилочи мамлакатта нисбатан бир-неча бор устун бўлса, ундай жойларда мустамлакачилик тартибини сақлаб туриш осон кечмайди. Ўлкамиз эса босқинчи чор Россиясига нисбатан маънавий ва маърифий, маданий тараққиёт жиҳатидан анча устун турарди. Улар бу ўлкада қандай қилиб бўлмасин ўзларининг устунигини исботлашга астойдил киришдилар.

Ўтмишдаги босқинчилар каби чор Россия ҳам, амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларни йўқ қилишдан бошлади. Маънавият ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билишни истикболни тушуниб этишига ёрдам беради, Ватанни севиш ва у билан фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши кураш олиб боришга даъват этади.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни поймол этишга, миллий кадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Чоризм бу ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлашдан манфаатдор эди. Чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М. Д. Скобелев «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназулга учрайди», - деб «башорат» қилган эди. Унинг ана шу «доно» кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Чоризм Туркистон халқларини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан беҳабар, миллий онги паст, миллий ғурури топталган халқни талаш, эзишдан иборат эди. Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкаларидаги гумашталари «ярим подшо» Кауфман, генерал-губернатор Куропаткин, жаллод Головановга ўхшаганлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон Тошкентдаги буюк осори - атиқларни, масжиду-мадрасаларни арқлару тарихий маданий ёдгорликларни тўпларга тутиб, ер билан яқсон қилдилар.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини туб

моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли, маданиятли, зийрак, оқилу доно фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини фош этган, халқни эрк ва озодликка билим ва маданиятга чорлаган, миллий кадриятларимизни қўллаб қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалоқ бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг «Туркистонда руслар» рисоласида: «Кўрдим, кездим, эшитдим, қилдим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир», - деб ёзган эди.

Россияда Октябр тўнтаришидан кейин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошқа жумҳуриятларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам, албатта маданий, маърифий тараққиёт бўлди, табиий ва ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи кенгайди, ижтимоий фанлар анчагина ўсди, миллий зиёлилар сафи кенгайди, иқтисодда ижтимоий, сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Бундан қўз юмиш мумкин эмас. Лекин Ўзбекистон Мустақиллигига қадар бўлган етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз, ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизнинг турғунликда, қолоқликда тутишга уринган бўлсак, большевик-шовинистлар маҳаллий халқларни ўз миллий маданиятидан бутун бегоналаштириш сиёсатини гутадилар. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онгини ривожланишига тўсқинлик қилиш собик Совет жамияти даврида чоризм замонидагидан кўра кучайса кучайдию аммо қамаймади. Шўро давлати-миллий чекка ўлка халқларини эзиш, бойликларини талаш мақсадида чоризм мустамлакачилик сиёсатини ошқора давом эттирди. Шўро тузуми миллий бирдамлик, миллий туйғу ривожланиш ва юксалишига миллатчилик деб қаради. Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига «шахсга сизиниш» балоси рўбарў бўлди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида таъкидлаганидек «. . . Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни ёпишишга интилиш рағбатлангирилмас эди. Ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сакланарди»;

Қарамлик ва мутелик йиллари ўзларини илмнинг ҳамма соҳасини яқкаю ягона биллагони деб атаган коммунистик мафкура тарғиботчилари ўз фаолиятларида ўтмишдан қолган барча маънавий меросни бутунлай инкор этиш йўлига ўтиб олдилар Навоий, Бобур, Улуғбек, Яссавий, Машраб, Нодирабегим сингари алломалар феодализм даври намояндalари деб эълон қилиниб, уларнинг меросларини ўрганиш тақиқланади. Буюк алломаларнинг юбилейларини ўтказиш эса миллатчилик кайфиятларини кучайтирувчи омил сифатида баҳоланади.

**Тил – миллий ўзликни англашнинг муҳим воситаси.**

**Тил – ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир.** Жамъиқи эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она тили, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг

рухидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар. Шахс маънавий камолотининг зарур шартларидан бири ўз она тилини билишдир. Тил билмайдиган одам халқнинг дилини ҳам билмайди. Бирон бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса миллат бора-бора йўқолиб кетади, миллий тил ўзига хослигини йўқотади. Шундай бўлгач, бирон-бир миллий тилнинг йўқолиши, ўша халқнинг муқаррар равишда халок бўлишига олиб келади. Собик Совет ҳукумати ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий чекка ўлка халқлари жумладан ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўсқинлик қилиши учун ишлатилмаган хийлаю-найранг қолмади.

Миллатни ҳимоя қилиш учун унинг тилини ҳимоя қилиш асраш ривожлантириш зарур. Буни эса давлат бажаради. Тил давлат ҳимоясига олинмас экан у ривожлана олмайди. Тил ҳокимият билан тирик. Мустақилликка эришгунимизга қадар ўзбек тилини муҳофаза қилиш зарурати юзага келди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши осон-силлик кечмади. Уни ҳимоя этиш ва қонуний-маънавий тиклаш учун бўлган курашда шоир ва ёзувчилар, олимлар, ҳуқуқшунослар ҳамма-ҳамма фаол иштирок этди. Энг муҳими бу курашда халқ уйғонди.

Тил муаммоси сингари ниҳоятда нозик, калтис ва жиддий масалани ижобий ҳал этиш учун жумҳуриятимизда Ислом Каримов раҳбарлигида кенг миқёсида ташкилий, ғоявий-сиёсий ва кенг қўламли тарбиявий ишлар олиб борилди.

Узок давом этган баҳслар, тортишувлар, мунозара ва муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида» қонун қабул қилинди. Натижада Совет даврида миллий тил масласида йўл қуйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун кенг йўл очилди. Қонунга биноан, ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили деб эълон қилинди. Бу ҳол халқимизни беҳад қувонтириб дилини яйратиб юборди, миллий инсофудиёнатни йўқотган коммунистик мафкура яловбардорлари араб ва лотин алифбосини йўқотиб мақсадларига эришиб бўлгач, ўзбек халқи «инкилобгача» саводсиз эди, ёзуви ҳам мактаби ҳам, китоби ҳам олим уламулари ҳам бўлган эмас, тили ривожланмаган деган сафсатали бутун дунёга ёйдилар. Бу халқимиз шаънига ағдарилган ғирт тухматдир. Бу ўлкада етишиб чиққан илм-фан, маданият, маънавият намояндаларининг илгари сизлар билан кўриб ўтганмиз. Ўлкамиз қадимдан маънавият ва маърифат юксак даражада ривожланган ҳудуд бўлганлиги билан фахрланишимиз лозим.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Зардуштийлик, “Авесто”, оташпарастлик, монийлик, маздакизм, қадимги давр маънавияти, Исломгача бўлган давр маънавияти, Ислом динида маънавият масалалари, тасаввуф таълимоти ва унинг моҳияти, Маъмун академияси, Марказий Осидеги маданият ва маънавий юксалиш, Амир Темур ва темурийлар даври маънавияти, жадидлар ва маънавий ҳаёт, мустабил шўро даврида маънавиятга муносабат, мустақиллик ва маънавий тараққиёт.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Марказий Осиё халқлари миллий маънавияги ривожланиш босқичларини санаб ўтинг.
2. Марказий Осиё миллий маънавиягининг асосий манбалари нималардан иборат?
- 3 “Авесто” ва унинг Марказий Осиё маънавиятида тутган ўрнини изоҳланг.
4. Амир Темур ва темурийлар даври маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Жадидчилик ҳаракати ва унинг маънавий ҳаётга таъсири нимадан иборат?
6. Тил – миллий ўзликни англашнинг муҳим воситаси.

## Адабиётлар:

1. Қаримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Қаримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. : 1999
3. Қаримов И. А. “Юксак маънавият - энгилмас куч”. Т. 2009
4. Қаримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Қаримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Қаримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. Ўзбекистон 1998
7. Қаримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакимиз йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
8. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
9. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
10. Отамуродов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза мағни. Т. 2000
12. Туленов Ж. Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т. : Ўзбекистон 1996
13. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. : 1996
14. Асрларга тенг йиллар. Т. : 2001.

## 4-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА ИНСОН КАМОЛОТИДАГИ АҲАМИЯТИ

### РЕЖА :

1. Маънавият ва маърифат.
2. Исломиётга бўлган давр маънавияти.
3. Исломиёт даврида маънавият ва маърифатнинг такомиллашуви.
4. Мустақиллик даврида маънавият ва маърифат ривожланишининг муаммолари.



## 1. Маънавият ва маърифат.

XX аср бошларида таникли рус шарқишуноси Олденбург Европанинг маънавият соҳасида шу кунгача қўлга киритган ютуқлари ўтмишда Шарк маънавияти кўтарилган камолот чўққиларига нисбатан гўдак боланинг “чуғур-чуғури” даражасидадир», деган эди Бу хулоса Шарқда кўп асрлик маънавий такомил жараёнида онгли равишда ишлаб чиқилган мукаммал маърифат йўллари, маънавий тарбия восита ва усулларидан хайрат заминида шакллланган бўлиши керак.

Аждодларимиз ташбехига кўра, маънавият инсон калбида акс этган илохий нур, Олий ҳақиқат нури бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон калби сайқал топмоғи зарур. Зеро, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик занги, ғараз чирки эгаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устунлик қила бошлайди. “Кўнгил кўчалари қайларга бошламайди” дейилганда, ана шу зулматда колган кўнгил кўчаларидаги адашув, гумроҳлик назарда тутилса керак.

Инсон калбига сайқал бериш жараёни эса маърифат дейилади. Маърифат маънавият сари элтувчи йўللardan иборат бўлиб, Алишер Навоий “маърифат водийси”ни шундай таъриф этади:

Водийдур юз туман минг онда йўл,  
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.  
Ихтилофи жузв ила кулл мундадур,  
Ким тараккию таназзул мундадур.  
Юз туман рахрав кўрарсен бекарор,  
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.  
Ўз борур йўлига ҳар бир муфтаҳир,  
Йўлни айлаб ўз йўлига мунхасир.  
Бу они тутмай мусаллам, ул муни,  
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай, ул буни<sup>1</sup>.

*(Насрий баёни):*

Бу шундай бир водийдики, уни юз туман минг турли йўллар кесиб ўтади, аммо улардан бири иккинчисига сира ўхшамайди. Бутун ва бўлак ўртасидаги карама-қаршилиқ ҳам шу ерда мавжуд. Тараккиёт ҳам, таназзул ҳам шу жойдадир. Унда сен юз туман йўловчини бекарор бир тарзда, ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хохламайди, ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди).

Алишер Навоий ўз мулоҳазалари сўнгида бир гуруҳ сўқир кишиларнинг фил ҳақидаги баҳслари хусусида машҳур ривоятни келтириб, хулоса қиладики, агарчи маънавият йўллари беҳисоб бўлса-да, мақсад ягона - Ҳақиқатни англаб етиш. Инсонларнинг Ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлари турлича бўлса ҳам, уларнинг барчаси бир ерга жамланса, умумий тасаввур асл моҳиятга яқинлашади.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т. . 1991, с. 198

Маънавий камолот жараёни турли ўлчамларда амалга ошади. Биринчи алоҳида шахс умри давомида, иккинчиси – миллатнинг тарихий тараққиётида, яна минтақа микёсида, умумбашарий микёсда ва ҳоказо. Бу жараёнлар, албатта, бир-бири билан узвий боғланишда бўлади. Масалан, яққа шахс маънавиятининг шаклланиши умуммиллий ва умумбашарий маънавий тараққиёт даражасига кўп жихатдан боғлиқ бўлса, миллатнинг маънавий тақомили уни ташкил этувчи шахслар маънавий дунёсидаги ўзгаришлар туфайли юз беради<sup>2</sup>. Миллий маънавиятимизнинг ривожланиш тарихи кейинроқ алоҳида фан сифатида батафсил ўтилади. Ҳозирча эса биз миллатнинг тарихий жараёндаги маънавий тақомили билан шу миллатга тегишли ҳар бир шахснинг ўз умри давомидаги маънавий тақомили муайян даражада ўзаро уйғун келишини кискача қайд этиб ўтишни лозим топдик, чунки ушбу баёнда миллатимиз учун хос бўлган **асосий маърифат йўллари** ҳақида тасаввур берилади. Аслида миллий маънавиятимиз моҳиятини тўғри тасаввур қилиш учун биринчи навбатда унинг тарихий тақомили жараёнини жиддий ўрганиб чиқиш керак бўлади.<sup>3</sup> Муайян асосларга кўра бу жараённи уч қатта даврга бўлиш мумкин: 1. Исломгача миллий маънавиятимизнинг шаклланиш даври. 2. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз тақомили. 3. Янги даврда миллий маънавиятимиз аҳволи. Бу уч даврни қисқисини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар бир-бирининг узвий давоми бўлиш билан бирга, ўзаро туб хусусиятларига кўра жиддий равишда фарқ қилиши ҳам тарихий ҳақиқат экан. Шу билан бирга инсоният бошидан кечирган бу даврлар ҳар бир инсон умрининг ҳам муайян даврларига кўп жихатдан уйғун келади дейиш мумкин.

### **1. Биринчи давр - исломгача маънавият.**

Исломгача маънавият даври - жуда узок - бир неча минг йиллар давом этган. Уни инсоннинг гўдаклик, болалик, ўсмирлик йилларига қисқисини қилиш мумкин. Ёш болада ҳали мантийкий тафаккур яхши ривожланган бўлмайди, у эртақлар, афсоналарга ишонади, бола учун ҳаёт сеҳрли эртақдек туюлади. Айни шу ҳолат ибтидоий жамоа ва илк шахарлар давридаги аксарият инсонлар тафаккурига ҳам ҳосдир. Гўё гўдак инсон зотини ўз оила аъзолари – ота-онаси, ака-укалари микёсида, оламни яшаб турган хонадони микёсида идрок этганидек, ибтидоий одам ҳам ҳали на инсониятни, на миллатни яхлит тасаввур эта олмайди, оила, уруғ, жамоа, қабила, элат даражасида фикрлайди. Мавҳум тушунчаларни идрок этиш бола онги учун оғирлик қилади, худди шунингдек ибтидоий одамлар ҳам ҳар қандай мавҳум тушунчаларни бирор муайян нарсасига ҳодисага боғлаб тасаввур этадилар. Айни шу хусусият асотира тафаккур (мифологическое мышление) учун ҳосдир. Ибтидоий одам учун инсоният – ўз оила аъзолари, уруғ жамоаси (қатта оила сифатида), кейинча қабила, элатдан

<sup>2</sup> Бундай шахсларнинг миллат маънавиятига таъсири уларнинг ички маънавий қудрати билан боғлиқ бўлади. Масалан, Йўлғи Тигин, Имом Бухорий, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мотуридий, Бируний, Ибн Сино, Ғаззолий, Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Тимур, Шохрух Мирзо, Ҳожа Аҳрор Валий, Алишир Навоий, Бобир, Бсдил, Машраб, Амирий ва Нодира, Муқимий ва Фурқат, Ёшбудий ва Ҳамза, Абдулла Кодирий, Фитрат ва Чўлпон, Ғафур Ғулوم ва Ойбек, Саида ва Саид Аҳмад, Ҳамид Абдуллаев ва Яхё Ғулумов каби улкан қалб ва чўнғ истисъод соҳибларининг миллий маънавиятимиз тақомилига қўшган ҳиссаларини ҳеч қим инкор қила олмайди.

<sup>3</sup> Маълум маънода М. Имомпазаровнинг маънавият бўйича илк китоби шу мавзуга бағишланган эди.

ташқарида эмас. Қабила бир уругдан тарқалган **ирсий биродарлар уюшмаси** деб тасаввур этилади

Инсон маънавияти такомил топиб борган сари унинг шуури ёришиб, аввал миллат (халқ, “будун”) сўнг минтақа ва, охири, инсоният даражасида ўзлигини англаб борган. Бугун энди коинот даражасида фикрлашга ўтиб, ўзга сайёралардан ўзига тенг ақлли мавжудотларни кидирмоқда.

Аммо инсониятнинг болалиги ҳам беҳуда ўтмаган. У биринчи бўлиб, Ватанни, она-заминни таниган, яратувчилик меҳнатини кадрлашни ўрганган. Эзгулик ҳалолликда, рост сўзда эканини, ёмон ният, ёлғон сўз, кингир амалнинг оқибати вой бўлишини англаб етган. Пайғамбарлар келтирган илохий ваҳийга кулок тутган, ақли етганча яхшиларга эргашган. Миллий ўзликни таниш ва ягона Аллоҳни тан олиш бир-бирига яқин ва туташ даврларда юз бергани биз учун ибратлидир.

Туркий миллатнинг ўзлигини англаш жараёни турли бегона империялар босқинидан юртни химоя қилиш билан боғлиқ равишда кечганлигини унутмаслигимиз керакдир. Шу жihatдан ҳам миллий ўзликни англаш ўсмирликдан йгитликка томон улгайиш – балоғат даврига ўхшаб кетади. Айни шу даврда ёшларимиз юрт химоясига тайёргарликни ўтайдилар, Ватан нима эканлигини ўзлари учун амалда янгидан кашф қиладилар.

а). Бугунги кунда биз **“маърифат”** тушунчасини баъзан жуда тор талқин қилиб, илм ўрганиш, турли соҳаларда билим ҳосил қилиш деб ўйлаймиз<sup>4</sup>. Асли ақл билан англаб этиладиган билимларни ўзлаштиришга интилиш “маърифат водийсида”ги бир йўналиш, холос. Ислоҳ минтақасида маърифатнинг бундай талқини фақат X-XI асрлардагина етакчи йўналиш бўлиб, Форобий сингари файласуфлар, Юсуф Хос Ҳожиб каби аллома шоирлар томонидан олға сурилган. Улар ақлни, мантикий тафаккур йўли билан ўзлаштириладиган билимларни инсонни бахт-саодат сари элтувчи асосий йўл деб тушунганлар. XVIII-XIX аср Европа маданиятида ҳам шу фикр етакчи бўлди. Аммо буидан олдинги даврда ҳам, кейин ҳам кўп улуғ алломалар илми маърифатнинг ягона йўли деб билган эмаслар.

Асли маърифатнинг илк йўли ибратдир. Гўдак ёруғ дунё юзига келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, акалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яралган. Дарахтларнинг қуёш сари бўй чўзмоғи - ибрат, жониворларнинг ўз тақдирига ризолиги - ибрат, тоғлар устуворлиги - ибрат, уммонлар тералиги - ибрат, қуёш ва ой хизмати, кеча ва кундуз навбати - ибрат. Пайғамбарлар сидқи, валийлар каромати, алломалар илми, зоҳидлар тақвоси, ошиқлар ишқи, эранлар жасорати, ташаббускорлар ғайрати, оқиллар тадбири, ҳаё эгаларининг андишаси, сиддиқлар ибоси, оналар меҳри, оталар бағрикенглиги, гўдаклар беғуборлиги, кексалар улуғворлиги - барча-барчаси инсон учун ибратдир.

<sup>4</sup> Бундай тасаввур асосан Янги давр Европа илмига ҳос бўлиб, бизга Европа маданиятининг таъсири сифатида Янги давр маърифатчиларининг сайё-ҳаракатлари орқали кириб келган.

Ёмондан ёмонликни англаб, ундан қайтмоқ ибрат, яхшидан яхшиликни англаб унга эргашмоқ - ибрат. Уғрининг тақдири - ибрат, фоҳишанинг фожиаси - ибрат, фотихлар умри - ибрат, соткинлар тубанлиги - ибрат. Нима ибрат эмас? Барчаси ибрат.

**Ибрат ола билмоқ - маънавият, кўриб - ибрат олмаслик - маънавий сўкирликдир.** Аммо ибрат тақлид эмасдир, ибрат ўрнига тақлид - дил кўзининг кўрлигига далолатдир, қачонки, кимдаки, қасрда, қайси замонда ибрат ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани - ана шу. Масалан, Пайгамбаримизнинг аёлларга муносабати. Ул ҳазратнинг аёлларга бўлган шафқати, меҳри, хилми. садоқати, адолати - ибрат. Ул ҳазрат ҳаёти воқелигидан фақат кўп хотин олишга рухсатни кўриш - ҳамоқат, ул ҳазратни кўп хотинликда айблаш - мусулмон учун хиёнат, ўзга учун тухмат. Ҳар икки охири ҳукм - моҳиятдан ўзоқ зоҳирбинлик ва жаҳолат, шайтон васвасасидир. Бир печа аёлга уйланиб, уларга пайгамбар шафқати, меҳри, адолати ва ҳимматини кўрсата оламан деб, уз-ўзига фириб бериш - тақаббурилик, шахватпарастлик ва ғафлатнинг бйргалашиб инсоф ва инсон тафаккури устидан ҳукм ўрнатиши, инсон маънавий ҳалокатининг ибтидосидир.

### **б) Ислому маърифатчилиги босқичи – Илму маърифати:**

Маърифатнинг яна бир буюк ўчоғи илмдир. Илми шахс камолотининг иккинчи босқичи деб ҳисоблаш мумкин. Агар боланинг илк тарбияси кўпроқ атрофидаги катталардан ўрганиш, ўқиган-эшитган эртақ қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, ўсмир ёшига ўтишидан унинг шуурида ҳаёт ҳодисаларига тахлилий ёндошув уйғонади. Мактабда ҳам шу сабабли алоҳида фан асосларидан таълим бериш 6-7 синфлардан бошланади. Махсус илмларга чуқур кириб бориш эса олий ўқув юртларида амалга оширилади. Демак, илмий тафаккурнинг шаклланиши балоғат ёши билан боғлиқ. Албатта, ҳаётга илм асосида ёндошув барчада бир хил даражада бўлиш қийин. Ҳақиқий илмга қобилик алоҳида истеъдоддир.

**Илм - тафаккур билан бўлади, ахборот йиғиш илмга тайёргарлик бўлиши мумкин,** ундан ортиқ эмас. Умр бўйи таом пиширмак учун сабзи-пиёз арчиб овора бўлган, аммо олов ёқиб, қозон қиздирмаган одам очликдан ўлар, аммо қорни тўймас. Илм - асли аждодлар ибратидир, ўтганлар, биз кўрмаганлар ҳақида хабар орқали ибратдир. Пайгамбаримиз ҳаёти - ибрат, Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ибрат, “Жомеъ ас-Саҳиҳ” китоби эса илмдир. Форобийнинг илм йўлидаги фидоийлиги ибрат, “Фозил шаҳар фуқароларининг қарашлари” рисоласи эса илмдир. “Қонун фи-т-тиб” - илм. Ибн Синонинг илмга қанқоқлиги эса ибратдир.

Биз Форобий ва Ибн Сино илмини ўзлаштиришга астойдил бўлмасак, аммо фарзандимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, “Жомеъ-ас-саҳиҳ”ни ўзлаштирмадан пайгамбаримизга меҳру садоқатдан лоф урсак, риёдор, мунофиқликдир, бу билан фақат ўзимизни инсонлар ва Аллоҳ олдида шарманда қиламиз, гуноҳларимизни кўпайтирамиз, жаҳолатимизни қош этамиз. Аммо жаҳондаги барча илмларни инсон эғаллаб улгура олмаслиги ҳам маълум. Қунённинг иши илм ва фаросат билан бўлур. Дарвоқеъ - фаросат ҳам Аллоҳнинг нийёми - маънавият нуридир. Инсон ўзига нима ва қай даражада лозим

эканлигини фаросат билан (ва фаросатига яраша) аниклаб олади. Содда бир мисол: Ибн Синонинг “Қонун-фи-т-тиб” китобини мукаммал ўзлаштирмаган кишини айблаб бўлмас, Инсон маънавий камолоти - бу билан белгиланмас. Аммо ҳар бир шахс ўз соғлигининг кадрига етиш даражасида, ҳар бир она ўз фарзандини соғлом вояга етказиш зарурати даражасида тиб илмидан баҳраманд бўлмоғи айни маънавий камолотга ишорадир.

Илм - ҳосил қилинган билимни идрок этмоқдир. Аммо илмни фақат рисолалардан, қоғоз юзидан кидирмоқ ҳам старли эмас. Саводсиз дехконнинг зироат илми баъзи ўқиб-укмаган ёлғон академикникидан бир неча бор юқори ва мукаммалроқ бўлиши мумкин. Ер илми, табиат илми - ёлғиз китобдан ўзлаштирилмайди, ерга, табиатга, ҳар бир кўкат ва жонли мавжудотга меҳр билан, эътибор ва идрок билан белгиланади.

Саркардалиқ илми, умуман, раҳбарлик илми - санъат даражасидаги илмдир, ҳарбий маҳорат ҳақида минг бир китобни ўқиган одам лашкарни жабҳада ғалабага еткази олишига ҳеч ким кафолот бера олмайди. Бир сўз билан айтганда, илм фақат китобда эмас, аммо китоб ўқимамай илмга эришаман, дейиш ҳам оқилликдан ташқаридир.

Халқимизнинг VIII-XV асрлар ягона ислом минтақа маданияти доирасида маънавий камолоти миллатимизнинг бугунги маънавий қиёфаси шаклланувида айрича аҳамиятга эга бўлди. Бу давр аждодларимиз меросидан хабардорлик, ушбу маънавий такомил жараёнини тўғри идрок этиш миллий маънавиятимизнинг таркибий жиҳатлари ҳақида салмоқли тасаввур беради. Исломи минтақаси доирасидаги яхлит маънавий такомил жараёни - инсоннинг ўзини англаш йўлидир. Бу йўлнинг асл моҳияти Тавҳид эътиқоди бўлиб, уни ибтидода ибрат даражасида, ахлоқий камолот эгаларига эргашув тариқасида қабул этилган бўлса, кейинроқ ақл, мантийкий тафаккурга таяниб, умумбашарият яратган яхлит илмий ва маданий меросни англаб етишга интилиш кучайди. Борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги илмий-фалсафий тасаввур шаклланди, ягона борлик моҳиятига қарашлар хилма-хиллиги идрок этилди. Эътиқод илм билан мустаҳкамланди. Инсон ўзини ва воқеликни тушунишда асотир тафаккур босқичидан илмий тафаккур босқичига кўтарилди.

#### **в) Тасаввуф тариқатлари босқичи – Риёзат маърифати;**

Қуръони Карим, ҳадислар ва шарият кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча муоммоларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда ҳадислар ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифларни ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик, поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолганини кўрамиз. Айниқса» ислом ҳалол ва ҳаром масаласига мусулмонлар диққатини қаратади. Шариятда Оллоҳ томонидан қилинишга руҳсат этилган амаллар, ишлар ҳалол, унинг акси қилиниши руҳсат этилмаган ишлар ҳаром дейилади. Ҳаром ишларни айримларини айтиб ўтиш жоиздир: соғ бўла туриб беиш юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдо сотиқда ғирромлик, бировнинг ҳаққига, омонатига ҳиёнат қилиш, қасамхўрлик судхўрлик, тухмат, бўхтон, жосуслик, ўғрилик, қароқчилик, майхўрлик,



бировни масхара килиш, ғийбатчилик, чақимчилик, ёлғончилик, котиллик, порохўрлик, бевафолик ва бошқалар.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва онага садоқат масалаларига катта эътибор берилган, кишиларга яхшилик қилиш, савоб ишга қўл уриш, инсофли, диёнатли, виждонли бўлишга, софдил бўлишга камтарликка чакиради.

«Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик, омонатга хиёнат қилишдир».

«Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун 3 парсадан кўркаман: нафсу-хавога берилиб, йўлдан озишдан, нафсоний ва шахвоний хиссиётга берилиб кетишдан, илму маърифатга эга бўлиб, ғофилларнинг ишини тутушдан».

Қуръони Каримда «илм» сўзи асосида «алима» билмоқ феъли негизига таянч калималар 750 мартаба учрайди.

Пайғамбаримизга илк нозил бўлган оят ҳам «Икра. . . . » ўқи сўзидан бошланади.

Ислом – бу фақат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир. Ислом тарихига назар ташласак, Муҳаммад, Пайғамбаримизгача бўлган давр- «жоҳиллик» даври дейилади. Ислом дини ана шу подонлик даври ўрнига кенг маънода маърифат, «маданият вужудга келтирди, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъатни ривожлантирди, қузига хос маънавият яратди. Бизнинг улугʻ ооболаримиз ислом маърифати таракқиётига улкан хисса қўшиб, калом илми, фикр, тасаввуф таълимотини ривожлантирдилар.

**2. Тасаввуф тадрижий таракқиётга эга бўлиб, ислом оламида XIII – асрнинг ўрталарида пайдо бўлган.** Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлинишлар юз беради» айниқса ҳалифа Усмон замонида бойликка ружу қўйган кимматбаҳо соғалар тухфа этиш расм бўлди. Айнан шуларга қарши курашга саҳобалар оландилар. Баъзилари каноат ва зўҳд (такво сўзидан) ни асосий мақсад қилиб, сарой ахли ва бойлар аҳлига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан Қуръонда ваъда қилинган жаннатга – ҳузур: ҳаловатига эгилиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш тамаънинг бир кўринишидир. Ҳолбуки сўфий учун на дунёдан, на охиратдан тама бўлмаслиги керак. Ягона истак бу – Худонинг дийдоридир ҳолос.

Тангри таолога курук, кўр-кўрона мутеъликнинг ҳожати йўқ. Худо таабидан кўркибгина амри маъруфни бежариш салоқат белгиси эмас, балки ридидир. Шунинг учун сўфийлар; Аллоҳни жон-дилдан севиш, унинг зоти ва сифатларини таниш-билиш, кўнгилни нафсу хирс ғуборидан поклаб, ботиний мусоффо бир ҳолатда Илоҳ раҳмига ўтини ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилади. Инсон руҳи илоҳийдир ва демак асосий мақсад илоҳий оламга бориб кўшилмоқдир дедилар.

Шу тарика, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган зеҳнли шикоятли ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажраб турадиган, шариат илмнинг сув қилиб ичган, лекин оддий диндорлардан

фарк киладиган ажойиб ҳислатли инсонлар пайдо бўлдики, уларнинг «руҳ» кишилари деб атадилар.

«Сўф» сўзининг луғавий маъноси жун ва тундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ёки кўй терисидан тўқилган пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларнинг жун кийимлилар яъни «сўфий» деб юритганлар.

Мутассуф – ўзини сўфийларга ўхшатиб, аммо асл мақсади ҳам Алмансаб, молу мулкка интиладиган кишиларга нисбатан интилади. Мутассуф тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган аммо сўфий даражасигача кўтарила олмаган кишилардир. Муҳаққиқлар–Ҳакка етганлар, уларни олий мартабали сўфийлар деб аташ мумкин.

Аввал шуни таъкидлаш керакки чин сўфий ўзликдан ва фоний дунёдан кечган ва ҳақ баҳосида ўзликни қайта топган зот бўлиб, суратда бандою, маънода озод кишидир.

XII аср: XIV аср бошлари тасаввуф тарихида келажак чўқкига кўтарилган давр бўлди. Бу даврда Мухийиддин Ибнал Арабий, Яхё Сухравардий. – Нажмиддин Кубро, Баховуддин Нақшбанд, каби мутафаккир шайхлар, Фаридаддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби улуғ сўфий шоирлар яшаб, ижод этганлар. Тасаввуф–сўфийлик инсоннинг ўрганар экан, аввало, кишининг кўпгина, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга ҳаракат қилади. Чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбадагина жилва қилади. Тасаввуфда инсондаги жамики, худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига хирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс учун, аввалл жисм эҳтиёжини енгизи керак. Демак, тасаввуф илминсон ҳақидаги илмдир, У инсон қалбига сайқал бериш илмидир. Нафс инсон учун қатта ёвдир, Тасаввуф ислом одобини–яъни маърифатини янада қучайтирган, бутун ислом ахлоқининг энг муҳим кадриятларини бир нуқтага жамланган. Шу тариқа тасаввуф комил инсон назарияси ва амалиётини ишлаб чиқди.

- Тасаввуф аҳли, яъни сўфийлар, ибрат ва ақлга, билимга таянишни етарли деб топмай, риёзат йўлини, рухий сафарбарлик, ирода қудратини намоён этиб, нафсни поклаш йўлларини ишлаб чиқдилар. Тасаввуф маърифати ўзи бир худудсиз олам. Унинг ўз мақом ва ҳоллари мавжуд. XII–XIII асрларда ўнлан ортик тасаввуф сулуқлари (йўллари) шаклланган. Жумладан, Марказий Осиёнинг ўзида Яссавия, Қодирия, Кубравия, Нақшбандия каби турли йўналишлар кенг урф бўлган. Буларнинг ҳар бирига батафсил тўхталишса, сўз узаяди. Риёзат чекиб кўнгилни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш тасаввуф сулуқларининг асл мақсадидир. Инсон ўз бошига гушган, ҳаётида рўй берган кийинчиликлар, турли балою кулфатларга чидани, тоқат қилиши сабрбардош дейилади. У ҳали риёзат эмас. Ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуғ бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча кийинчиликларни бўйинга олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға интилишигина риёзат бўлади. Инсон риёзат чекмай умуман бирор нарсага эришиши қийин. Ҳалқимиз шунинг учун, содда қилиб, “жондан кечмасан”

жонона қайда”, дейди. Дарҳақиқат, риёзатсиз на у дунё, на бу дунё саодати инсонга насиб бўлмайди.

Аллоҳнинг инояти билан тасаввуф ирфони бизнинг заминда такомил чуққисига кўтарилди. Ҳазрати Баҳовуддин касб этилган ирфоний қувватни эзгулик йўлида амалий фаолиятга татбиқ этишга даъват этди. Хожа Аҳрор ва Жомий, Алишер Навоий ва Махдуми Аъзамдек маънавият дарғалари ушбу йўлда юксак намуна кўрсатдилар.

Тасаввуф ирфонидан аввал зўҳду тақво етакчи мақом тутган бўлса, кейинроқ илохий ишқ тушунчаси юқори ўринга кўтарилди. Бу туйғу охири натижада инсонни фанодан бақога олиб чиқувчи асосий восита деб топилди.

**3. Янги даврда миллий маънавиятимиз такомиллигининг бош муаммоси – сиёсий ва маънавий тараққиёт уйғунлиги масаласи.**

Янги даврнинг маънавий моҳияти икки асос : 1) дуйёни сурат ва маъно яхлитлигида ўрганиш ва 2) баҳамжихатликда бошқаришга интилиш билан ўзлигини намойён этади. Исломи маънавиятининг асли мазмунига мувофиқ келувчи ушбу ҳақиқатни англаб етиш учун ислом минтақасининг илғор зиё эгалари 7 аср изландилар ва ниҳоят, Алишер Навоий олға сурган “мажоз тариқи” тафаккур тарзида илк бор ушбу натижага етиб келинди. Шу билан буюк бобоқолонимиз ислом минтақа маънавиятининг асли мағзини миллий маънавиятимиз ўзак томирига айлантириб берди ва бизнинг онгимизни, тафаккуримизни Ўрта асрлардан Янги даврга олиб ўтиб қўйди. Фақат буни англаб етишга биз учун яна 500 йил керак бўлди.

Агар теурий шахзодалар лоқал кенжа ўғил Шохруҳ даражасида оқил бўлганида, агар фақат шеърят ва санъатгина эмас, сиёсат борасида ҳам Тавҳид идроки ғалаба қилганида биз бугун улуғ бир миллат, буюк бир салтанат соҳиблари бўлув эдик. Афсус, Алишер Навоий ва Мирзо Бобурнинг армонлари 500 йил орқага сурилиб кетди. Инсон димоғида кибр балоси жойлашган. Зухд ва кибр, меҳр ва шахват орасидаги чегарани доим ҳам инсон зоти тўғри белгилай билмайди. Теурий шахзодалар бари шоир эди, билим ва завқ эгаси эдилар. Аммо уларни жоҳ кибрга, шайдолик шахватга етаклади. Улар дарвеш-шоҳ бўлмоқчи эдилар, аммо кибр ва шахват залолатга маҳкум этди.

Балки Соҳибқирон Теуир Боязидни армонда қолдириб, Ҳақ иродасини адо этгандир. Ҳар ҳолда Европа XIV- XV асрлардан ўзига ўзи ҳисоб бера бошлади. Исломи минтақа маданияти XI-XV асрлар давомида Европага катта таъсир кўрсатди. Айниқса, “аверроизм” анъанаси 10 аср ғафлат уйқусига чўмган христиан оламини Реформация ва Ренессанс (Европа Уйғониши)га олиб келди. Реформация, яъни христиан динидаги ислоҳчилик ҳаракатлари Европанинг ўз хатоларини англаб ета бошлаганидан дарак эди. Афсус, биз мусулмонлар кибрга берилдик. Ўзимизга ошиқча маҳлиё бўлдик. XV-XV аср чегараси ислом минтақаси учун маънавий такомилнинг авж нуктаси бўлган бўлса, Европа учун маънавий юксалишнинг авж олиш нуктаси бўлди. XVI асрдан минтақамизда таназзул, Европада юксалиш бошланди. Бу, аввало, Аллоҳнинг иродаси. Аммо биз бандалар ҳам ўз айбу хатоларимизни тўғри англаб етишга уринмоғимиз фарздир.

**Нидерландия ва Буюк Британия буржуа инкилоблари, XVIII аср француз маърифатчилиги ва нихоят Буюк француз инкилоби Европадаги ижтимоий-маданий мухитни буткул ўзгартириб юборди. Америка кашф этилди, Осиё ва Африка давлатлари сари юриш бошланди. XIX-XX асрлар давомида Европада аниқ ва табиий фанлар, саноат ва техника соҳасида эришилган оламшумул ютуқлар бу минтақани жаҳонда пешкадамликка олиб келди ва натижада бугунги кунда “жаҳон фани”, “умуминсоний кадриятлар” деганда, биринчи навбатда, Европа маданияти унсурлари назарда тутиладиган бўлди.**

Европа бутун дунё халқлари эришган маданий-илмий бойликни фаол ўзлаштирди. Ориенталистика (шарқшунослик) кенг ривож олди ва унинг ютуқларини барча соҳалар ижодий ўзлаштириб бордилар.

Ислоом дунёси маънавияти IX-XV асрларда юксак камолот босқичларига кўтарилган бўлишига карамай, бу минтақада сиёсий структура негизи Тавхид эътиқодига мувофиқ ўзгармаганлиги жуда оғир оқибатларга олиб келди (Бу ўзгариш Европада амалга ошди).

Сиёсий тафаккурда кабилчилик даври асосир тафаккур колдиғи бўлмиш сулолавийлик аъёнаси ва “фарр” хурофотининг тўлиқ енгиб ўтилмаганлиги ислом минтақасидаги Ўрта асрлар сиёсий маданиятининг катта қусури бўлди. На сарбадорлар, на теурийлар бу қусурни узил-кесил енгиб ўта билмадилар.

Албатта, бу даврда ҳам миллат маънавияти маълум маънода ривожланишда давом этди. XVI-XX асрларни маънавий такомил нуқтаи назаридан 2 катта босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқичда (XVI аср бошлари - XIX аср I ярмигача) маънавиятнинг оммалашуви борган сари кенг миқёс касб этиб, хос ва авом орасидаги фарқ борган сари камайиб борди. Тан олиш керакки, бу жараён икки томонлама намён бўлар эди, яъни кенг халқ оммаси маънавияти юксалиб бориши билан бирга, зодагон тоифалар маънавияти ҳам муайян даражада авомлашиб борганлигини кузатиш мумкин. Бу жараённи Турди ва Гулханий каби алломалар ўз ижодида ёрқип ифодалаб бердилар. Бу босқични миллатимиз учун Янги давр маънавиятига ўтиш босқичи, деб аташ мумкин. Бу даврнинг энг катта ютуғи Ватан туйғусининг шаклланиши - “Ўзбекистон” тушунчасининг истеъмолга кириши бўлди.

Ўрта асрлар маънавий ҳаётида “хос” ва “авом” тушунчалари кенг урф бўлди. Яъни “хос ахли” юксак камолот босқичларига эришди; аммо “авом” кўп жихатдан ибрат босқичида қолиб кета берди. Тасаввуфдаги мурид ва мурийд муносабатлари ҳам айни шу маънавий тенгсизликка ишора қилади. Пирнинг кўнглидан кечгани кўпчилик муридларга қанчалик аён бўлган, ёлғиз Аллоҳга маълум. Албатта, маърифат йўлларида ҳар ким иктидорига яраша бир даражага эришади, аммо маънавий камолот жамиятда фақат тор доиранинг ўз “ички ҳолати” миқёсида қолиб кета берса, умумижтимоий ўзгаришларга олиб келмаса, ҳаёт уйғунлиги бузилади. Маърифат тарқатиш йўли билан сиёсат ва иқтисод соҳаларида ҳам умумижтимоий ўзгаришлар содир бўлишига эришиш эса маънавий ахлининг масъулиятидир.

Инсон маънавияти минг бир сифат, бехисоб жихат ва кирралар билан жилоланади: ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, ўқтамлик ва ташаббускорлик,

ҳиммат ва саховат, журъат ва шижоат, орият ва хокисорлик, босиклик ва хилм, фаросат ва заковат, балоғат ва фасоҳат, мардоналик ва масъулият ва ҳоказо. . . Хуллас, жамъи инсоний фазилатлар маънавият даракчиларидир. Уларнинг ҳар бири орқали инсон ботиний дунёси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Маънавиятнинг ўзак томири эса Ҳақиқат ишки, меъёр ва уйғунликда ифодаланadi.

**ТАЯНЧ СУЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Маънавият, маърифат, Ислому маънавияти, тасаввуф, тариқат, ақл, нафс, илоҳий ишқ, ҳақиқат, риёзат, ғътикод, илм маърифати, имон, диёнат, ибрат, тақво, парҳезгорлик, ғарикат йўллари ва уларнинг моҳияти, маънавий кадриятлар, мустақиллик ва маънавий кадриятлар.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ислому динида инсон маънавияти масалалари қандай талқин қилинган?
2. Тасаввуф қандай диний таълимот?
3. Тасаввуф таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
4. Марказий Осиёлик буюк тасаввуф намояндаларини санаб ўтинг?
5. “Дил ба ёру – даст ба қор” иборасининг моҳиятини изоҳланг.
6. Ўзбекистон мустақиллиги ва динга, диний кадриятларга муносабатдаги ўзгаришларни тушунтириб бering.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қўрамиз. Т.: 1999
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажак йўлида ҳизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015 й.
7. Куръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992 й.
8. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т.: Маънавият, 1993-1998 й.
9. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.: Ёзувчи, 1996 й.
10. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001 й.
11. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
12. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
13. Туленов Ж. Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.: Ўзбекистон 1996
14. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.



## 5-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### РЕЖА:

1. Маънавият ва маданият, уларнинг ўзаро муносабати.
2. Маънавий мерос – маънавият ривожланишининг асоси.
3. Маънавият ва мафкура, уларнинг жамият, инсон ҳаётида тутган ўрни.

1. Аслини олганда маънавият ва маданият бир-бирига яқин тушунчалардир. Аммо улар битта нарса эмас, бири иккинчисидан фарқ қилади. Шунинг билан бирга улар бир-бирини тўлдириб туради. Маданий ва маънавий мерос ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шу сабабдан дарсни аввало маданият ва унинг турларини таҳлил этишдан бошламок мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, маданиятни, хусусан маънавий маданиятни билмасдан, ўрганмасдан туриб, маънавий мерос ҳақида гапириш анча мушкул, инчунин маънавий мерос маънавий маданият доирасига қиради. Шундай экан маданият нима? Маданият тушунчасини изоҳлашга бағишланган кўлаб илмий адабиётлар мавжуд. Маданият тушунчасига берилган таърифлар сони 260 тадан ошиб кетган. Муаллифлар бу тушунчага ҳар бири ўз нуқтаи назаридан ёндашадилар. Бунга сабаб, маданиятнинг кўп қиррали, мураккаб маънавий-ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олганлигидир. Маданиятга берилган таърифларда муаллифларнинг фикрларини умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Шу жумладан, уларни умумлаштирадиган бўлсак, маданият – бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимини билдиради. Демак, маданият инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва ўзлаштиришдаги фаолиятни белгилайди. У инсон ақл идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Сирасини айтганда, халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар маданиятга қиради.

Маданият дейилганда, меҳнат қуроолларини яратиш, улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқишга жорий этиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўникмалари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлашни йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларни ёйишиш даражаси ва маълумот, умумий мажбурий ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий, фалсафий ва диний ғоялар ва шу қабилар назарда тутилади. Маданият фақат инсон фаолиятининг моддий натижаларинигина эмас, балки шу билан бирга кишиларнинг меҳнат жараёнида воқеъ бўладиган билимлари, тажарибалари, қобилиятлари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади. Яъни маданият икки турга – моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданиятга моддий бойликларни бутун мажмуи, уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника,

технология, техник иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакллари, инсон қўли билан яратилган барча нарсалар киради. Шунга қараб, моддий маданият бир қатор турларга бўлинади. Чунончи, ишлаб чиқариш ва техника маданияти, дехқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, қурилиш маданияти, пазандачилик маданияти ва ҳоказо.

**Маданиятнинг иккинчи тури** – бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг акли ва маънавий яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, таълим, маърифат ва ҳоказоларнинг индисидан ҳосил бўладиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир. Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва шувчилар, назариётчилар, халқ оғзаки ижодиёти намуналари, ҳуллас халқ томонидан яратилади. Маънавий маданиятни яратиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш жараёнида жамият тараккий этади, меҳнат унумдорлиги ошади, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланади, кишиларнинг маънавий кифаси шаклланади, ахлоқ-одоби, дид ва фаросати, эстетик завқи, ижодий салоҳияти ва қобилияти ривожланади.

Маданиятнинг барча турлари диалектик бирликда, ўзаро алоқадорликда ривожланади. Моддий маданиятни маънавий маданиятдан батамом ажратиб қараш мумкин эмас. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва маънавий маданият органик равишда бирикади. Бирорта меҳнат қуролини, моддий бойликнинг бирор турини инсон ақл идрокисиз яратиш ва рақомиллаштириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, моддий маданиятни барпо этиш замирида ҳам маънавий ётади. Ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурдоналари инсон ақлий ва жисмоний меҳнати синтези асосида юзага келади. Маънавий маданият воқеликни бадий акс эттириш ва ривожлантириш воситасидир.

Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш билан чекланиб қолмаслик керак. Маданиятга кишиларнинг бир-бирига муносабатлари, оила, мактаб, олийгоҳ, қорхона, ташкилотлар ва муассасалардаги ўзаро муносабатлари ҳам киради. Маданий тараккийнинг умумий қондаларидан бири уни тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланиб боришидир. Жамият ривожланиб бориши билан маданият ҳам сифат жиҳатидан ўзгаради. Бу деган ўз, жамиятнинг тараккий этиши маданият ўзгаришини талаб қилади, маданиятни янгиланиши эса ўз навбатида жамиятнинг тараккий қилишига талаб бўлади. Инсоният томонидан яратилган энг яхши қимматли асарлар, моддий ва маънавий бойликлар янги тарихий шароитда ўзлаштирилади, қайта шаклланади ва ривожлантирилади.

Маданият-умуминсоний қадрият, ҳодисадир. У барчага баробардир. Мақола, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчага тегишлидир. Худди шу каби маънавий маданият ҳам миллий ва умуминсоний бўлади. Миллий маънавий ва маданият тарихий ҳодиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир йилда ҳам муқаммал шаклланмайди. Марказий Осиё халқлари маънавияти ва маданияти тарихининг шайқоси асарлар қаърига сингиб кетган бўлиб, уларнинг неча минг йиллик

маънавий камолот зинапояларини босиб ўтганини аниқлаш учун анчайин меҳнат ва изланишлар талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, салатанатлар ва қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшлагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб магрибдан машрикка қадар ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўтмишда халқимиз маънавий маданиятнинг узвий қисми бўлган Ислом динини ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Жаҳонга машҳур ҳадисшунослар олтига бўлса, шулардан уч нафари бизнинг диёримиздан чиққанлигини таъкидлаш жоиз.

**2. Маънавий меросни изоҳлашдан олдин умуман цивилизация, мерос, хусусан маданий мерос, маънавий мерос тушунчаларининг моҳияти, хусусиятлари ва фарқиятларини билиш лозимдир. Чунки маънавий мерос – маданий мероснинг таркибий қисми ҳисобланади. Маданий меросни тушунмасдан маънавий меросни тушуниш қийин. Маданий мерос – инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичида яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир. Ўтмишдаги барча маданият ёдгорликларни ҳаммаси ҳам маданий қадриятга эга бўлавермайди. Чунки ўтмишдан қолган барча нарсаларни ҳаммаси ҳам қадрият аҳамиятига эга бўлавермайди. Масалан, Шўролар даврида яратилиб, унинг мафқурасини тарғиб қилган, эндиликда ўз умрини яшаб ўтган китобларнинг бугун учун ҳам, келажак учун ҳам қадрияти, аҳамияти йўқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб, маданий мерос деб ўтган авлоддан кейинга авлодга ворислик асосида қолдирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтилади. Маданий ва маънавий мерос ўртасида умумийлик ва фарқли томонлар мавжуд. Айни пайида улар ўртасида юқорида айтилган алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро муносабат ва таъсир мавжуд. Шунингдек, маданий мерос ўз қўлами жиҳатидан маънавий мерос тушунчасидан кенгрокдир. Маданий меросда кўпроқ умумийлик устунлик қилса, маънавий меросда хусусийлик устунлик қилади. Маданий мерос умуман маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олса, маънавий мерос маънавий маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олиши билан фарқланади. Маданий мероснинг қадри абад-ул – абад қамаймайдиган қисмига миллий қадрият дейилади.**

**Маънавий мерос деб узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан гоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий маънафаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади. Маънавий мерос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, жумладан, фалсафа, адабиёт, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, халқ ижодиёти, дунёдаги реал дунёвий таълимотлар, ҳурфикрлилик ва бошқалар қиради. Маънавий мерос кишилар онгига, хис-туйғусига, ички дунёсига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ одобини эзгулик сари етаклайди. Маънавий мерос бирор халқ, миллат ва унинг вақиллари томонидан яратилиб, сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига,**

меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мерос бунга мисол бўла олади. **Биринчи Президент Ислом Каримов қайд этганидек, “Бешафкат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хази-наларига сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзмаларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, снёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меъморчилик, дехқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин. . . ”<sup>5</sup> Буларнинг ҳаммаси Турон заминида яшаган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий-тарихий меросидирким, энди уларни жиддий ўрганиш, халқимизга етказиш даври келди. Бу имкониятларни рўёбга чиқариш учун тарихчи олимлар, адабиётшунос, санъаткорларимиздан, қўйингчи, миллий маънавиятимиз жонқуярларидан ғайрат-шижоат, қунт билан ишлаш, изланиш талаб этилади. Қадимий ёзувлар, битиклар, халқ оғзаки ижодиёти намуналари, улуг шоир ва мутафаккирларимиз яратган дунёвий ва диний асарлар, Қуръони Карим, ҳадислар, Яссавий ва Боқирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган ахлоқий, панд-насихат гипидаги асарлар, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Накшбанд яратган, инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадий ижод хазинаси ва бошқалар бизнинг бой маънавий меросимиз ҳисобланади. Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, ичунини маънавиятини сайқал топишига қаратилган. Уларда инсонлар маърифатга, билим олишга, юксак ахлоқ-одобга, олийжаноб фазилатларга, яхшиликка даъват этилади, ёмонлик, ёвузлик қораланиб, ундан сақланишга чақирадиган панд-насихатлар, ўғитлар жуда кўп. Маънавийсизлик, маънавиятдан маҳрум бўлиш инсонни ўғирлик, юлғичлик, порохўрлик каби иллатлар сари йўллайди. Маданият, маънавий ва маданий мерос, маънавият ривожини инсоният цивилизацияси билан боғланиб кетади. **Цивилизация – маълум бир тарихий тараққиёт босқичида инсониятнинг маданият ривожланишида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жиҳатидан янги, юқори даражадаги ютуқлари мажмуидир. Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан губдан фарқ қиладиган, аммо ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги улкан, юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки, у ўзидан олдингисини қабул қилмайди, балки сифат жиҳатидан янги, унга ўхшамаган ўзгаришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади. Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамятнинг, тараққиёт босқичининг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган кадриятлари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади. Ҳозирги даврда илмий адабиётда уни “Шарқ” ва “Гарб” цивилизацияларга бўлиш қабул қилинган. Инсоният тарихидаги бу****

цивилизациялар хинд, конфуцийлик, буддавийлик, мусулмон ёки католик, православ ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши шаклида намоён бўлади. Шундай қилиб, маданият, маънавий мерос, цивилизациялар ютуғи жамият ва инсон маънавиятининг ривожланишида, маънавий баркамол инсонни вояга етказишида катта аҳамиятга эга.

**3. Маънавият ва мафкура бир-бири билан мустаҳкам боғлангандир.** Маънавият инсоннинг руҳияти, ўз-ўзини англаши, юксак-ликка интилишидагит салохияти бўлса, мафкура – маълум бир давлат, жамият, миллат, синф ва ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқий, фалсафий, бадий, диний ғоя, назария ва қарашлар тизими ҳисобланади. Мафкуранинг маънавиятда тутган ўрни шундаки, у инсон, жамият ё худ миллат ёки гуруҳларнинг интилишлари, руҳиятлари ва қайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Маънавият сингари мафкуранинг давлат ва жамият тарак-киётидаги роли ниҳоятда каттадир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Мафкура бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий қуч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган”. Мафкура жамият тараккиётида қуйидаги вазифаларни бажаради: биринчидан, давлат ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштиради; иккинчидан, бир давлат, бир мамлакат миқёсида барча фуқароларни, турли миллат, элат, синфлар ва ижтимоий гуруҳларни бир ғоя ва мақсад сари бирлаштиришга хизмат қилади; учинчидан, давлат олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат ғояларини ўзида мужассамлаштириб, уни фуқароларга тарғиб этади; тўртинчидан, давлат доирасида яшаётган фуқароларни яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорлик фаолиятларини фаоллаштиради ва уларни жамият мақсадларига йўналтиради; бешинчидан, халқнинг орзу-умидларини ўзида ифода эттиради, жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун бутун жамият ва фуқароларни ҳаракатга келтиради; олтинчидан, мафкура жамиятда маълум сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарашларни шакллантиради. Мафкуранинг жамият, миллат, шахс ва фуқаро ҳаётидаги ана шундай ролига қарамай, мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамаида умуман мафкурага унинг моҳиятини тушунганлар ҳам тушунмаганлар ҳам қарши кураш бошлаган эдилар. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррири ва “Фидокор” газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида миллий ғоя ва миллий мафкуранинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни ва аҳамиятини баён қилиб берганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин”<sup>7</sup>. Буни ҳар бир инсон, Ўзбекистон

<sup>6</sup> Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюқ келажигига ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 5-6 –бетлар.

<sup>7</sup> Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур”, №2, 1998 йил.



фукароси чуқур англаши, мағзи-мағзига етиб олиши керак. Негаки жамиятнинг, жамият аъзоларининг мустақкам ва равшан мафкураси, ғояси, мақсади бўлмаса. инкирозга юз тутлади. Инсоният тарихида давлатлар ва жамиятлар пайдо бўлибдики, уларга эгизак ҳолда мафкуравий қарашлар ҳам шаклланган. Боиси, мафкурасиз давлат ёки жамият бамисоли ҳеч бир мақсадсиз, режасиз, таваккал қилиб йўлга чиққан одамга ўхшайди. Йўлга чиқдингми – манзил, мақсад аниқ бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам биринчи Президентимиз И. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мафкура муаммосига алоҳида эътибор қаратиб келди. “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида мафкуранинг миллий ғояни халқни-халқ, миллатни-миллат қиладиган, унинг истиқбол йўлларини юксак мақсад ва эътикод нурлари билан ёритадиган қудратли маънавий омил, деб таърифлади<sup>8</sup>. “Туркистон” ва “Фидокор” газеталари муҳбирлари саволларига жавобларида бу ғоялар янада ривожлантирилди, мафкура муаммоси кун тартибига Президентимиз томонидан янада жиддий қўйилди. Бунга сабаб, “. . . ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндилликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади”<sup>9</sup>. Мана шунинг учун ҳам Исом Каримов муғтазам равишда мафкура дунёсида бўшликка йўл қўйиб бўлмаслигига; шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонида бизга бегона, орзу-интилишимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз эканлигига ҳаммамизнинг диққатимизни такрор-такрор қаратганлиги бежиз эмас.<sup>10</sup> Президентимиз мафкура- умуммиллий, умумхалқ аҳамиятига эга ғоя бўлиб, у халқни, миллатни бирлаштирувчи, умумсафарбарликка даъват этувчи куч эканлигини таъкидлади. Инсон, унинг кадр-киммати, фаровонлиги, Ватанимизнинг ёрқин келажаги бизнинг миллий ғоямиз, миллий мустақиллик мафкурамизнинг негизини ташкил этади. Биринчи Президентимиз И. Каримов миллий истиқлол мафкурамиз, аввало халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозимлигини таъкидлади. Шу билан бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак”<sup>11</sup> Юртбошимиз миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши кераклигини таъкидлаб, қуйидаги дастурий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазаларни билдирган эди: Миллий мафкура **авваламбор**, ўзлгимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрларда шакл-ланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва

<sup>8</sup> Қаранг, ўша ерда.

<sup>9</sup> Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюқ келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й. 7-бет.

<sup>10</sup> Қаранг, ўша ерда 8-бет.

<sup>11</sup> Қаранг, “Туркистон” газетаси, 1999 йил. 2-февраль.

вазифаларни камраб олиши шарт.<sup>12</sup> **Иккинчидан**, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар, ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқаршидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофига бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини умумсафарбарликка даъват этувчи куч эканлигини таъкидлади. **Учинчидан**, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсоппарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларида мададкор бўлиши зарур. **Тўртинчидан**, Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажagini узвий боғлаб туришга ўзимизни улуг аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиши, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват этадиган ғоя бўлиши керак.<sup>13</sup> Мустақиллик бизнинг порлоқ ривожланиш имкониятларига эга қилди. Халқимиз қатта орзу-мақсадлар ва интилишлар билан яшайпти. Ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти- олдимизда турган нурафшон манзилдир. Аммо бу манзиллар ўз-ўзидан дунёга келмайди, уни ўз-ўзидан машаққатсиз, изланишларсиз, яратувчилик, ижодкорлик ишларисиз эгалланмайди. Яъни жамият юксак даражада ривожланган онгни, маънавий камолотни янада баланд босқичга кўтарилишини такозо қилади. Илғор демократик қоида ва тушунчалар билан бойиган миллий мустақиллик мафқураси ана шу янги маънавиятнинг ҳал қилувчи мезонларидан биридир. Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлса, маънавий мафқурасиз ривожлана олмаслигини кўрамиз. Чунки инсон руҳиятини шакллантириш, миллий кадриятларни тиклаш ва жамият мақсадларини амалга оширишда мафқура ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қатта аҳамият касб этаверади. Хуллас, мафқура – умуммиллатга, умумхалққа, бутун жамиятга тааллуқли улкан ғоялар бирлигидир. Аммо унинг илдизлари ҳар бир инсоннинг қалбида, виждонида, иймонида, ақл-идроқи ва тафаккурида мавжуддир. Шу боис, ҳақиқий, ҳаётий, чуқур инсоний мафқураси бор халқ, мамлакат ва жамият қудратлидир.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Маданият тушуничаси, моддий ва маънавий маданият, маданий ва маънавий мерос, ўзбек халқининг бой маънавий мероси, маънавият ва мафқура, мафқура ва жамият таракқиёти, Миллий истиқлол мафқураси.

#### **ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Маданият нима? Унинг қандай турларини биласиз?
2. Нима учун маданият умуминсоний ҳодиса саналади?
3. Маданий ва маънавий мерос нима? Уларнинг фарқи?
4. Ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросига нималар қиради?
5. Маънавият ва мафқура муносабатларини қандай тушунасиз?
6. Миллий истиқлол мафқурасининг мазмун ва моҳияти.

<sup>12</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т., "Ўзбекистон", 1996 йил, 203-бет.

<sup>13</sup> Каримов. И. А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин. Т.: "Ўзбекистон", 1998 йил 7-8 бетлар.

### Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XX! Асрга интиломқода. Т. Ўзбекистон 1999
3. Иброхимов А. , СултоновХ, Жураев Н. , Ватан туйғуси. Т. Ўқитувчи. 1996
4. Ўзбекистон мустақиллик ка карамлик йилларида. Т. Ўқитувчи. 1996
5. Каримов И. А. “Юксак маънавийат енгилмас куч”. Т. 2009
6. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қоғушчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
7. Каримов И. А. Истиклол ва маънавийат. Т. Ўзбекистон 1994
8. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. Ўзбекистон 1998.
9. Каримов И. А. Она юрт бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т., Ўзбекистон, 2015 й.
10. Маънавийат юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
11. Темур тузуқлари. Т. Камалак. 1996
12. Отамуродов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавийат асослари. Маъруза матни. Т. 2000.

### 6-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЁТ, СИЁСАТ, ХУҚУҚ БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. МАЪНАВИЯТНИНГ ҲОКИМИЯТ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

#### РЕЖА:

1. Иқтисодиёт тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос бозор иқтисодиёти йўлидан – жаҳон тан олган “Ўзбек модели” йўлидан ривожланиши.
2. Маънавий ва сиёсат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ижтимоий функциялари.
3. Маънавийат ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро муносабатлари.
4. Маънавийатнинг ҳоқимият тизимидаги ўрни ва аҳамияти.

1. Инсоният қадим замонлардан ўз моддий эҳтиёжларини қондириш учун доимий тарзда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келади. Инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу борада юзага келадиган муносабатларни иқтисодиёт фани ўрганadi. Абу Али ибн Сино фанларни тасниф қилар экан, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фанлар қаторига киритади. Ўрта асрлар илмлар таснифи билан шуғулланган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий-фалсафий фанлар доирасига киритади. Маънавийат, ва маърифат инсон яшаш тарзининг асосини белгилар экан, бу инсоннинг ақли-дроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсули эканлигини ифодалайди.

Инсон моддий неъматларга озик-овкат, кийим-кечак, яшаш жойига муҳтожлигини ишлаб чиқариш орқали қондиради. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши бозор муносабатларини келтириб чиқарган.

Марказий Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб ривожланган. Тарихий ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, бундан бир неча минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамларни хайрон қолдирадиган товарларни ва буюмларни Ҳиндистон, Хитой, Россия, Фарбий Европа мамлакатларига етказиб берганлар. Бозор иқтисоди деган сўз биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, ҳулосани топиш демакдир. Бозор иқтисодиётининг асосий шarti ва талаби – мумкин қадар кўпроқ ва имқов қадар сифатлироқ, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Жаҳон тажрибаси, шу жумладан ўзимизнинг мамлакатимиз ҳам иқтисодиёт фақат ўзигагина хос бўлган қонулар ривожланиб борганлигини кўрсатади. Бозор муносабатлари, қонун қондаларини назар-писанд қилмаслик, уларни бузиш, ҳаётни салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг у қайси йўлдан бориши керак? деган саволга марўум юртбошимиз И. А. Каримов раҳбарлигининг биринчи кунларидаёқ жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг тажрибаларини чуқур ўрганиш асосида мустақил Ўзбекистоннинг бундан буёнги тараққиёт йўли фақат бозор муносабатлари йўлидан бориш эканлигига қатъий ишонч билдирган эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бозор муносабатларига ўтиш давр талаби эканлиги ва унга ўтишда биринчи Президентимиз И. А. Каримов катта шижоат кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳонда орттирилган барча ижобий тажрибаларни ўрганиб, халқимиз тарихий тараққиётига, руҳиятига, миллий ҳуеуеияти, иқлим шарт-шароитларига асосланган ўзимизга хос ва мос йўлни белгилаб танлаб олдик. Бу «Ўзбекистон йўли» сифатада жаҳон буйича юксак баҳолашиб келинмоқда. Ушбу танланган йўлни моҳияти Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримов ишлаб чиққан ва илгари сурган беш тамойилда ўз ифодасини топган. Бу тамойилларни бошқа кўпгина мамлакатлар ҳам тан олдилар.

- 1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши;**
- 2. Давлат бош ислохотчи бўлиши;**
- 3. Қонун устуворлиги;**
- 4. Кучли ижтимоий сиёсат;**
- 5. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.**

Президентимиз иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, қолаверса, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи бўлиши ғоясини илгари суради. Шунингдек, у СССР даврида ҳукм сурган ва амалга оширилган иқтисодий ислохотларни чуқур таҳлил қилган ва маънавият ва маърифат жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришишнинг шарт-шароити эканлигини асослаб берган.

Маънавият деганда, аввало инсон ҳулқ-атворининг гўзаллиги, саховат ва қимматлилиги, олийжаноблиги, ваъдасига вафодорлиги, ҳаёлилиги, билим олиши, донолиги, бағрикенглиги, одоблилиги, озода ва покизалиги, қалбининг

беғуборлиги, хушмуомалилиги ва шу сингари ёқимли урф-одатлари тушунилади.

Инсонлар ўртасидаги ҳар қандай муносабат шу залда олиб борилса, давлат ривож топади. Бу иқтисодий муносабатлар билан ҳам боғлиқ. Олдин иқтисодий масалаларни, вазифаларни ҳал қилиб, сўнг маънавият билан шуғулланиш лозим дегувчилар адашдилар. Ҳар қандай иқтисодий масалаларни маълум маънавият ва маърифат соҳиблари ҳал қилади. Мамлакат қанчалик ривожланган, бўлса, бу мамлакатда маънавият шунчалик юксалади. Юксак маънавият ва маърифатга эга булган мамлакатнинг иқтисодий куч-қудрати ҳам юксак бўлади. Демакки, юқорида айтганимиздек, маънавияти ва маърифати юксак инсон, ўз юрти, мамлакати, халқи олдида ўзига юклатилган маъсулятни чуқур ҳис қилади. Шу юрти, халқи учун ҳалол, фидокорона, яратувчилик меҳнати билан унинг ривожига ўз хиссасини қўшади, Шундай қилиб, юксак маънавият ва маърифат юксак иқтисод, юксак иқтисод эса юксак маънавият ва маърифат билан боғлиқ. Демак, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради.

Маънавиятни юксак киши бировнинг ҳақиқа, давлат, жамоат мулкига хиёнат қилмайди. Бунинг акси ўлароқ маънавияти кашшоқ кишилар нопок, фирибгар, порахўр, ўғри, қаллоб бўлиб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайдилар.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада ривожланган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавий етуқ, фарзандлари билан ҳам жаҳонни ҳайратга солиши ва унга юз тутиши аниқ.

Хулоса қиладиган бўлсак биз мақсад қилиб олган чинаккам цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат негизида юксак ахлоқий ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин.

**2. Маънавият, ва маърифат тараққиётида давлат томонидан олиб** борилган сиёсатнинг роли жуда каттадир, қайси мамлакатда маънавият ва маърифатни кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм, фан, маънавият ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида жамият олдида турган, энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини беради.

**Сиёсат - юнонча сўз бўлиб,** мазмуни давлат ва жамоат ишларини бошқаришни англатади. Сиёсат - бу муайян давлат ҳокимиятига, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг мамлакат ҳаётида ва халқаро майдонда халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятдир. Сиёсат йўналишга қараб икки хил ички ва ташқи сиёсатга бўлинади. Сиёсат мамлакат ички ҳаётида характерига қараб инсонпарвар, адолатли ва аксинча адолатсиз, реакцион бўлиши мумкин.

Адолатсиз, реакцион сиёсат инсон ҳуқуқларини поймол этилишига, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойлиқларининг толон-торож қилинишига, мамлакатда зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, маънавий ва моддий кашшоқликнинг вужудга келишига олиб келса, инсонпарвар, маърифатпарвар



сиёсат эса мамлакат ва халкнинг манфаатларига хизмат қилиб, энг аввало инсон зотини улуғлашни, унинг моддий ва маънавий эhtiёжларини қондиришга тинчлик, барқарорликни таъминлашни мақсад қилади. Мустақил Ўзбекистон биринчи Президент Ислам Каримовдан бошлаб ҳам ички ҳам ташқи сиёсатида тараккийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёсат олиб бормокда.

Хулоса шуки, Давлатнинг куч-қудрати, унинг баркамоллигини, халкнинг тинч-тотувлигини таъминлаб берувчи омилларидан бири маънавият ва маърифат ҳисобланади.

Маънавият ва мафкура бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлиб маънавият инсоннинг ўзини-ўзи англаш, юксалишга интилиш салоҳияти бўлса, мафкура - маълум бир давлат, жамият, миллат синф ва ижтимоий гуруҳлар манфаатини ифодаловчи, химоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, бадий, диний ғоя, назарий қарашлар тизими ҳисобланади.

Мафкуранинг маънавиятда тутган ўрни шундаки, у инсон, жамият ёхуд миллат ёки гуруҳнинг интилишлари, руҳиятларини ва кайфиятларининг ўзида мужассамлаштиради.

**3. Маънавият ва ҳуқуқ.** Муайян жамиятдаги амал қилаётган ҳуқуқий нормаларининг мазмун ва моҳияти шу жамиятдаги фуқороларнинг қай даражада маънавиятлилигига боғлиқ. Мамлакат миқёсида қабул қилинадиган конституцион қонулар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг характери шу мамлакат фуқороларининг маънавияти ва сиёсий маданиятини ифода этади.

Агар фуқороларнинг маънавияти ва сиёсий онги қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у қонунлар ҳужжатлар қанчалик фуқоролар манфаатларини ифода этмасин, улар қўғозда қолиб кетади. Бундай вазиятда жамият ҳаётида икки салбий ҳолат ҳукм суради. Биринчидан, фуқоролар ва давлат ўртасида масофа узоклашиб боради. Иккинчидан, таракқиёт ҳақида айтиладиган сўзлар билан реал ҳаёт бир-бирига тўғри келмай қолади. Бу эса жамият таракқиётинга салбий таъсир кўрсатади. Бунга йўл қўймаслик учун давлат ўз фуқороларининг маънавиятини ривожлантириши ва сиёсий онгини ўстириш тўғрисида гамхўрлик қилиши талаб этилади.

Қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини тушуниб этиш ҳар бир фуқоронинг юксак маънавий фазилати бўлиши билан бир қаторда адолатли, демократик, қонун устуворлигига асосланган янги жамият қуришининг ҳам кафолатидир. Ҳудди шу маънода ёшларимиз ҳуқуқий билимларини чуқур ўзлаштиришлари бугунги қуниимизнинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

**4. Ҳокимият ўз мақоми ва моҳиятига кўра раҳбарлик ва ҳукмронлик қилиш муносабатларини ифода этувчи тушунчадир.** Ҳокимият алоҳида шахс, гуруҳ, одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорликнинг бош иштирокчиларига куч ишлагани ёки куч ишлагмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иродасини ўтказиш ва уларнинг ҳаракатларини бошқаришни англатади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат, ҳокимият ва бошқарув идораларини янгитдан ташкил этди. Натижада янги давлат органи – вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлик

бошқаруви вужудга келтирилди. Ҳокимликлар ўз фаолият доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонлари, давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш, ҳаётга татбиқ этишда бевосита иштирок этадилар. Шу жумладан, ҳокимликлар давлатнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда ҳам масъулдирлар. Маънавият ҳокимият тизимида турли табақа, турли ғоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужжасам этиб, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналади. Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли бениҳоят катта. Раҳбар-шахснинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, қандай ҳамсад ва ғоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам шарқ донишмандлари ҳокимият тепасида турган киши қанчалик доно, ақлли, сезгир бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Биринчи Президентимиз Исломо Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида таъкидлаганидек, лавозим кишига қибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди. Аксинча у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фароғатидан кечишни, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб этади. Раҳбар ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик қабилага йўл қўйса тараққиётимиз ва тинч ҳаётимизга хавф соладиган таҳдидга айланади. Биринчи Президентимиз айтганларидек, "раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ қўнғидан ўзига жой топа олдими? Эса қоладиган бирор хайрли иш қила олдими? Қимдан бог қолдню, яхши ном, яхши хотира қолаяпти, қимдан ёмон ном, доғ, иснод қолаяпти, буни одамлар ўзлари ажратиб олади." (И. Каримов. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуг. "Халқ сўзи" газетаси, 1998 йил 11 ноябрь). Хулоса шуки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ ишончини қозониш учун ҳокимиятни бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шартини ҳисобланади.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Иқтисодиёт, сиёсат, маънавият, ҳуқуқ, тараққиётнинг "Ўзбек модели", маънавият ва ҳокимият, иқтисодий юксалиш ва маънавият, ҳуқуқий саволхондик.

**ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Иқтисод тушунчаси нимани ифодалайди?
2. Иқтисод ва Маънавият уларнинг ўзаро таъсири?
3. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунаси?
4. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабабларига ўтишининг ўзига хос йўли нимадан иборат?
5. Ўзбекистон сиёсатининг маънавий жиҳатларини қандай тушунаси?

6. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда кўринади?

7. Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгилари нималардан иборат?

8. Ислом Каримовнинг раҳбар ходимларнинг асосий маънавий-ахлоқий хислатлари ҳақидаги фикрларини изоҳлаб бering.

#### Адабиётлар.

1. Каримов И. А. “Юксак маънавият снгилмас куч”. Т. 2009
2. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
3. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
4. Каримов И. А. Эзгу сўз, фикр ва эзгу амали улуғлаган. Китоб. Халқ сўзи. 2001.
5. Каримов И. А. Она юрт бахту нкболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. Ўзбекистон, 2015 й
6. Уватов У. Иймон тури. Т Ёзувчи. . 1996
7. Каримов И. А. Оллох қалбимизда юрагимизда. Т. Ўзбекистон 2000
8. Ўзбек педагогикаси антологияси. Т. Ўқитувчи. 1995
9. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Т. Ёзувчи 1996
10. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000.

### 7-МАВЗУ: МАЪНАВИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

#### РЕЖА :

1. Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари.
2. Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқатли шахс маънавияти мезонлари.
3. Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс баркамоллиги мезонлари.

1. Комил инсон тушунчаси ўрта асрларда ишлаб чиқилган бўлиб, мусулмон Шарқида асосан исломий нуқтаи назардан таърифлаб келинган. Аслида “комил инсон” тушунчасининг дунёвий мазмуни борлигини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Унинг фалсафий маъноси умуммиллий аҳамиятга эга ва умуминсоний кадрият сифатида асрлар давомида сайқал топиб, ривожланиб келмоқда. “Комил инсон” тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда кўплаб асарлар ёзилган. Шулардан Мухийиддин Ибн-ал Арабий, Хусайн Вонз Кошифий, Сайид Абдулқодир Гилоний, Шох Мухаммад Доро Шукуҳ, Азизиддин Насафийларнинг рисоаларини мисол келтириш мумкин. Ибн –ал Арабийнинг ёзишича, комил инсонни Аллох нурдан яратган. Арабийнинг фикрига кўра,

комил инсонни ердаги тимсоли пайгамбаримиз Мухаммад Алайҳиссаломдир. Ул зот вужудда ақлий, рухий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар мужассам бўлган. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат-ул-аброр” асаридан олинган қуйидаги байтда Мухаммад Алайҳиссаломнинг Одам Атодан бурун борлиги зикр этилган: **Улки Одамдин бурун ул бор эди, Ҳам ноиби, ҳам сохиби асрор эди.** Бу ҳикмат замирида Аллоҳнинг одамга бўлган буюк муҳаббати ётади. Кетма-кетлиги жиҳатидан олам биринчи, одам иккинчи барпо бўлган. Лекин оламни яратишдан мантиқан кўзланган мақсад одам эди. Одам - мақсад, Олам – воситадир. Буни Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон” рисоласида ҳам кўриш мумкин. У айтадики “Инсон олами сағир(кичик олам), илоҳий ва моддий олам билан биргаликда олами Кабир(улуғ олам)дир. Улуғ оламдаги жамки нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуддир, инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхасидир”. **Насафий комил инсонга таъриф бериб, “комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар”, дейди. Бошқача айинганда, комил инсон шундайки, унда гўртта нарса камолга етган бўлади: Яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф(ўзликни англаш).** Демак, олим наздида комил инсон биринчидан, реал инсон, у яхши сифатларни эгаллаб комилликка эришади. **Иккинчидан, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўлларини босиб ўтиш орқали эришилади. Комил инсон халққа яхшилик келтиради, кишилар мушкулени осон қилади, оламни эса қулфатлардан асрайди. Тасаввуфда комил инсон, бир томондан, худо билан одамлар ўртасидаги воситачи, илоҳий амр, ғойибий асрорни оддий одамларга етказувчи, улуғ зотдир. Иккинчидан, у шариат, тариқат йўлларини риёзат бирла босиб ўтиб, ҳаққа етган, яъни авлиёлик даражасига етган буюк инсондир. Пайгамбаримиздан бошқа зотларга комил инсон истилоҳи шартли равишда, ҳурмат – эҳтиром белгиси сифатида қўлланилади. А. Насафий “комилликни икки белгиси бор, биринчиси - яхши ахлоқ, иккинчиси – ўз-ўзини танишдир”, -деб таъкидлайди. Комил инсон гушунчасини илмий-фалсафий изоҳлари ҳам мавжуд. Президент И. А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. . . .” асарида: “Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан биргаликда, диний дунёкараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир”, -деб ётади. Дарҳақиқат, диний дунёкараш билан бирга дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам мавжуд. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституциясида дунёвий давлат қуриш назарда тутилганлиги учун боғча, мактаб, олий ўқув юртли ва бошқа муассасалардаги таълим-тарбия тизими жараёнида илмий-фалсафий дунёкараш шакллантирилади. Ёшларда илмий-фалсафий дунёкараш шакллантирилгандагина диний ва миллий экстремизмга қарши ўзига хос тўсиқ – иммунитет юзага келади. Комил инсон тўғрисидаги назария ва услублар методологик жиҳатдан Ўзбекистон Президентининг асарларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Таълим тўғрисида”-ги қонунда, “Қадрлар гайёрлаш миллий дастури”-да ва бошқа ҳужжатларда таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа қилиб беогиланган. Шундан келиб чиқиб,**

маънавияти бой, юксак ахлокий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жихатдан уйғун бўлган, чуқур ва замонавий билимларга, кенг илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсонни комил инсон дейиш мумкин. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов “Тафаккур” журнали муҳаррири билан қилган суҳбатда “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қийматини биладиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўлаемиз”, -деган эди. “Шунда оломон бўлиб, ҳар лаҳзада эҳтиёж сезиб эмас, аксинча ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда озод ва ҳур инсон бўлиб яшайди”-деб таъкидлаган эди юртбошимиз ўзининг “Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин” номли асарига(21-22 бетлар). Баркамол инсон тушунчасига кирадиган муҳим талаблар Шарқ тафаккурида алоҳида тизимни ташкил қилади. Улар шахснинг босиклиги, вазминлиги, бағрикенглиги, камтарлиги, одамохунлиги, умуминсонийлик руҳининг кучлилиги, серфарзандлиги, кекса ва ёшларга меҳр-шафқатлилиги билан характерланади. Комил инсонни камол топтиришда ёшларимизда миллий ифтихор туйғусини таркиб топтириш ва чуқурлаштириш аҳамияти фавқулодда аҳамият касб этади. Миллий ифтихор туйғуси - ўз миллатининг бой тарихи, маданияти ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш ҳиссиётидир. Демак, биринчи Президентимиз сўзлари билан айтганда «Комил инсон деганда биз аввало, онги юксак, билимли, маърифатли инсонларни тушунамиз»(Каримов. И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998 йил, 6-бет).

2. “Энг яхши дўст – Она, энг яхши мамлакат – Ватан”, -деган халқ мақолига назар ташлар эканмиз, “Ватан” нақадар кенг, нақадар улугъ маънога эга эканини ҳис қилаемиз. Ватан остонадан, киндик қоңи тўкилган маскандан, она алласидан бошланади. Ватан деб аталмиш туйғу ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало кўз ўнгимизда гўзал, жаннатмакон – Она Ўзбекистон гавдаланади. Ўзбекистон географик жихатдан ҳам, сиёсий жихатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташқил этади. Дунёдаги энг қадимги тараккиётлардан бири ана шу ерда ташкил топган. Қадимги замонларда “Буюк Ипак йўли” шу ердан ўтган. Халқимиз тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб этади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Шу даврлар ичида аجدодларимиз чет-эл босқинчиларига қарши курашган. Шу она заминни, Ватанни ҳимоя қилишда жонларини фидо қилганлар. Ватанимиз Спитамен, Тўмарис, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби халқ қаҳрамонларини, Ибн Сино, Беруний, Форобий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюк даҳолари, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоваддин Накшбанд Махдуми Аъзам каби пири комиллар, Навоий, Бобур, Машраб каби алломалар билан дунёга донг таратган. Тарихда номлари дostonга айланган қолган бундай фарзандларнинг фаолияти ватанпарварликнинг энг олий намунасидир. Ватанпарвар энг аввало мард бўлади. Унинг қалби кенг, саховатли, сахий ва феъл-атвори кенг ва ибратли бўлади. Шарқда шундай бир ривоят бор. “Қадимда бир донишманддан



халқни қандай қилиб итоаткор кулларга айлантириб бошқариш мумкин?”-деб сўрабдилар. Шунда у донишманд: “Сен шу халқнинг одамларини эмас, тарихини ўлдир, шунда ўша миллатда ғурур ўлади ва халқнинг ўзи кулга айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади”, -деб жавоб берган экан. Чингизхон, Ботулардан Ватанини химоя қилиш учун жонини фидо қилган Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, ёв тигига кўксини тутган Муқанна, Сарбадорлар, Спитамен, Тўробийлар жасорати саодатини халқимиз юрагига сақлайди. Буюк бобокалонимиз Амир Темур миллатнинг дардларига дармон бўлиб, унинг роҳати, саодатини, мустақиллигини сақлаш учун курашиб келган буюк саркарда ҳам шу юрт фарзандидир. У ватанини мўғул босқинчиларидан озод қилишга, марказлашган давлат тузишга, хур ўлкага, маданият ўчоғига айлантиришга, кўп куч қувватини сарфлагани барчамизга маълум. Ўзининг ақл-заковати, саховати, донолиги билан барчани лол қолдирган Сароймулкхоним, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отинлар ҳам шу азиз ватан фарзандларидир. Ўз ватанини озодлиги йўлида қурбон бўлган А. Қодирий, У. Носир, А. Фитрат, Қўлпон ва бошқалар шўролар ҳукумати гомонидан “Халқ душмани”, “миллатчи” сифатида катагон қилинди. Ватан, она минин, эл-юрт, миллат ҳақида Ислоҳ динида кенг ўрин берилган. Найғамбаримиз ҳадисларида ёзилишича ўз ватани учун урушда қурбон бўлган киши охиратда етмиш одамни шафоат қилиши ёки олтмишта одамни дўзах оловидан сақлаб қолиши мумкин. “Хуббул ватан минал иймон” – Ватанини севмок – иймондандур” маъносидаги ҳадиси шариф юқоридаги фикр исботидир.

**3. Миллий ўз-ўзини англаш нима? Миллий ўз-ўзини англаш бевосита миллат тушунчаси билан боғлиқ. Миллат нима? Миллат деб - 1. муайян ҳудудий бирликка, 2. Тил бирлигига, 3. умумий маданият ва маънавиятга ва руҳий бирликка, 4. умумиктисодий ҳаёт уйғунлиги ва муштарақлигига эга бўлган кишиларнинг тарихан ташкил топган белгиларига айтилади. Дастлаб қабилавий бирлик келиб чиққан вақтда ҳудудий тил, руҳий бирликлар шаклланган. Элат ва халқ каби бирликларда бу белгилар янада ривожланади. Миллатнинг келиб чиқиши ва ривожланишида иктисодий ҳаёт бирлиги катта роль ўйнайди. Миллатнинг яна бир ажралмас хусусияти унинг давлат билан ўзаро боғлиқлигига. Давлатта миллатга нисбатан анча аввал келиб чиққан. Миллат давлат ташкилоти билан мустаҳкам боғланган. Давлат қудратли бўлса, миллат ҳам қудратли бўлади. Шахснинг тарихдаги роли масаласида турли –туман қиранилар мавжуд бўлсада, тарихий шахслар миллат ва халқ ҳаётида етакчи роль ўйнаб келганлар. Миллат тақдирида йўлбошчининг ўрни ва аҳамияти юқинга. Амир Темурнинг XIV асрда саркардалиқ ва давлат раҳбари сифатидаги даҳолиги туфайли марказлашган қудратли давлат барпо бўлди. Миллий онг ва унинг шаклланиши энг аввало, миллий уйғониш негизига юз бериши мумкин. Миллий ўз-ўзини англаш нима? Миллий ўз-ўзини англаш муайян миллатга мансублиги, миллий, тарихий, маданияти, урф-одатлари, миллий моҳияти, руҳияти ва иктисодиётини билиш демакдир. Миллий ўз-ўзини англаш илмий-оғёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига қўтарилса, у миллий мафкурага айланади. Миллий мафкура миллий сиёсатнинг етакчи**

омили бўлиб хизмат килади. **Миллий уйғониш** мафкураси миллатнинг яшаш ҳукуки, ажлодларнинг урф-одатлари, миллий мансублик, фуқаролик ҳукуки. анъаналарни эъозлаш ҳукуки, тарихий – миллий ёзувни тиклаш, ўз тилини давлат тилига айлантириши, ўз миллатини ва жаҳон маданияти ютуқларини эгаллаш ҳукуки, миллий-иктисодий устунликка эришиш ҳукуки каби муҳим ҳаётий масалалар мажмуидан иборат. Миллий оиглилик миллатнинг туб манфаатлари моҳиятидан иборат. Уни тушунмаслик ва инкор этиш миллатчиликни келтириб чиқаради. **Миллатчилик** – ўзга миллатларга ва ўз миллатига мунофиқлик ва худбинлик билан қарашдир. **Миллатчилик деб, ўз миллатининг манфаатларини муглоклаштириш, ўзга миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаслик, уларнинг кадриятларини ерга уриш, камситиш, адолатсизликка йўл қўйишлик** ҳолатига айтилади. **Миллатчилик бирор-бир миллатнинг манфаатини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмаслик, ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир.** **Миллий туйғу** – ўз миллатининг миллий руҳи, характери, миллий ҳис-туйғулари, руҳияти, темпераменти ва феъл-атворлари каби маънавий ҳолатларининг инсон ҳаётий фаолиятида намоён бўлишидир. **Миллий ғурур**- миллатнинг ўз қавми ютуқларидан мамнунлик ва фахрланиш ҳиссиётидир. Ўз миллий давлати, ўз конституцияси, миллий мадҳияси, давлат герби, байроғи учун ич-ичидан севиниш, кўнглини тўлиши, мамнун бўлишидир. Ўзига ортикча баҳо бериш, гердаиш, кеккайиш миллат шаънига доғ туширади. Ҳадисларда айтилишича, Оллоҳ энг ёмон кўрган хусусиятлардан бири такаббурликдир. **Миллий ифтихор** – миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ригли равишда ҳис этишидир. Миллий характер, миллий туйғу, миллий руҳият ҳисобланади. **Миллий характер** – миллатнинг миллий катъияти, азму қарори бўлиб, ижтимоий тараккиётнинг барча босқичларида ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради. **Миллий кадр- қиймат** ўзига ҳурмат бўлиб, ижтимоий, иктисодий ва маънавий соҳаларда, халқаро муносабатларда кўринади. Миллий кадр-қиймат миллатнинг мавжудлиги, моддий ва маънавий бойликлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, унинг шаъни, ор-юмуси, ҳамжиҳатлигидир. **Миллий маҳдудлик**- миллатнинг ўз қобиғида қолиши, соф миллий анъаналардан бошқа ҳар қандай ақидани инкор қилишга қаратилган, миллатлараро тотувликка ишонмайдиган тушунчадир. **Миллий худбинлик** – миллий маҳдудликдан ҳам ёмон, ўзга миллатларни камситишга қаратилган. Ўз миллатини алоҳида мумтоз устунликларга эга деб билишдир. Ўзбекистон истиқлолининг энг катта ютуқларидан бири турли миллат ва элатлар орасида ўзаро ҳамфиқрлик ва тотувликни таъмин этилишидир. Барча фуқароларда ягона онла, Ўзбекистон тақдири учун масъулият ётади. Уларнинг тили, маданияти ва анъаналарини ривожланиши қонун билан қафолатланади. Шундай қилиб миллий ўз-ўзини англаш, миллий ифтихор Ўзбекистонда сиёсий, иктисодий, ҳуқуқий ислохотларни юксак даражада олиб бориш соҳасида улкан маънавий омил ролини ўйнайди. Қонун устуворлигига асосланган демократик жамиятни ривожланишидан манфаатдор бўлган турли миллат вакиллари, Ўзбекистон фуқаролари, мустақилликни кадрига этиб, уни мустаҳкамлаш зарурлигини

чуқур англамоқдалар. Ўзбекистонда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий томонларини кунт билан ўрганиш, улардан фойдаланиш, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, биргаликда ватан тақдири учун кайғуриш ишларда умумий мақсад учун курашга тайёр бўлиш ҳиссиётини тарбиялайди. Ҳозир республикамызда 100-дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий қайта куриш жараёнида ижобий рол ўйнамоқда. Бу эса бебаҳо бойлигимиздир, уни авайлаб-асраш келажак авлодларнинг вазифасидир.

#### **ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:**

Маънавий баркамол инсон, комил инсон, маънавий кадрлар, миллий ифтихор, ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, эркинлик, озодлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, виждонлилик, эътиқод, имон, инсоф, оила, таълим, тарбия, шарқона ахлоқ ва одоб, ота-онани ҳурмат қилиш, тасаввуф таълимотида комил инсон тушунчаси.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР?**

1. Биринчи Президент Ислам Каримовнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари нималардан иборат?

2. Маънавий баркамол инсонни шакллантирадиган омилларни санаб ўтинг.

3. Тасаввуф таълимотида комил инсон тушунчаси қандай баён этилган?

4. Маънавий баркамол инсонни тарбиялашда оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини изоҳланг.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XX! Асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон 1999
3. Иброхимов А. , Султонов Х, Жўраев Н. , Ватан туйғуси. Т. Ўқитувчи. 1996
4. Ўзбекистон мустақиллик ва қарамлик йилларида. Т. Ўқитувчи. 1996
5. Каримов И. А. “Юксак маънавият - енгилмас куч”. Т. 2009
6. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
7. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
8. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. Ўзбекистон 1998.
9. Каримов И. А. Она юрт бахту икболи ва буюк келажак илулида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т., Ўзбекистон, 2015 й.
10. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
11. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
12. Отамуродов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000.

## 8-МАВЗУ: ШАҲС МАЪНАВИЯТИ МЕЗОНЛАРИ, УНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

### Р Е Ж А :

1. Маънавий жасорат – шаҳс маънавий фазилати.
2. Шаҳс маънавиятини шакллантиришда ота –она масъулияти.
3. Шаҳс маънавияти мезонлари.
4. Шаҳс маънавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари.

1. Жасорат ўз табиати, моҳиятига кўра уруш майдонида душманга қарши курашда намоён бўладиган мардлик, жасурлик, Ватанни ҳимоя қилишда ҳатто ўз жонини қурбон қилиш ҳолатларида кўзга ташланадиган ҳаракатдир. Жасорат шунингдек, кишиларнинг меҳнат фаолиятида, илм-фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларидаги улкан, оламшумул ютуқлар, мислсиз бебаҳо асарлар яратишда, совринли ўринларни эгаллаб мамлакат шоишухратини дунёга ёйишда намоён бўлади. Маънавий жасорат эса, инсониятнинг маданий-маънавий ривожланишида қўлга киритилган улкан, завоқ топмас ютуқ ва зафарларида мужассам бўлади. Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл- тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюқ жасорат нима? , деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюқ жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз”<sup>14</sup> Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари тўғрисида эзгу хис-туйғулар, муқаддас ва улуғ тушунчалар дунёда барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши – маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради. Бу борада юнон фалсафасининг буюқ намояндаси Афлотуннинг ўз устози Сукротнинг ушбу фанни ривожлантиришдаги хизматларини эъзозлаш ва давом эттириш бобида кўрсатган жасоратини маънавий жасоратнинг яққол мисоли десак, адашмаймиз. Афлотун ўз мол-мулкини сарфлаб, олимлар ижод билан шуғулланандиган ва баҳс – мунозара олиб борадиган маскан – академия ташкил этади. Афлотун ташкил этган ушбу илм-маърифат маскани бутун Ғарб ва Шарқ оламида илм-фанни ривожига улкан таъсир этди. Бундай мисолларни юртимиз заминидан етиштириб чиққан. Бағдоддаги “Байт-ул-хикма” ва Хоразм Маъмуни академиясида фаолият олиб борган, илм-фан соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари, маънавий

<sup>14</sup> Каримов, И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 159-бет.

жасорати билан тарихда ўчмас из қолдирган буюқ мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Абу Наср ибн Ирок, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Махмуд Хўжандий, Аҳмад Ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий ва бошқа кўплаб алломаларимиз мисолида айтиш мумкин. Ўрта асрлар Европа илм фани ривожда, эзгулик ва маърифат йўлида улкан кашфиётлар қилган, оламшумул асарлар яратган жохил ақидапараст руҳонийлар томонидан қаттиқ жазога мустаҳқил қилинган Ж. Бруно, Г. Галилей, Т. Кампанелла, Н. Коперник каби алломаларнинг жасорати ҳам ҳақиқатта садокат, эътиқод учун курашининг ёркин намунаси десак, муболаға бўлмайди. Мўғул босқинчиларига қарши курашда милсиз жасорат ва фидокорлик намуналарини намойиш этган буюқ бобоқалонларимиз Нажмиддин Кубро, Темур Малик ва Амир Темурларнинг буюқ саркардалиқ, жанговар руҳи, бунёдкорлик салоҳиятида ҳам буюқ маънавий жасорат туйғуси устувор аҳамият касб этмоқда. Мустақлақчилик ва қарамлик йилларида халқимиз маънавиятини юксалтириш, уни маърифатли, маънавиятли инсонлар бўлишлари учун нафакат ўз бойлиги, балки ўз ширин жонидан кечишга тайёр турган халқимизнинг буюқ маърифатпарвар инсонлари – жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчилари М. Абдурашидхонов, А. Фитрат, М. Бехбудий, А. Чўлпон, Ф. Хўжаев, Тавалло, Сўфизода, С. Айний, Исҳоқхон Иброт, А. Қодирий, А. Авлоний каби фидоий инсонлар, Шўролар даврида илмий фаолият билан шуғулланиб, халқимиз маънавий-меросини дадил туриб ҳимоя этган Яхё Ғуломов каби улкан олим, ўз ижоди ва шахсий ҳаёти билан одамийлик, инсонийлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, садокат рамзига айланган атоқли шоира Зулфия ҳамда мустақиллик замонида ўз ижодий, илмий-педагогик фаолияти ва шахсий ҳаётидаги мислсиз жасорати билан барчамизга ўрнак бўлган буюқ қалб эгаси, меҳрибон устоз ва улкан инсон Озод Шарафиддинов каби халқимизнинг машҳур фарзандлари тимсолида маънавий жасоратнинг ёркин ифодасини кўриш мумкин.

2. Ўзбек халқининг қадимдан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб кадрятларидан бири – ота-оналарни юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборат бўлган фазилатидир. Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она ўз фарзандидан ҳеч нарса ни аймайди. Халқимиз одоб ахлоқи бўйича кексаларнинг, ота-онанинг олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Ота-онани кадрлаш, уларнинг беминнат хизматиға бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш болаларнинг фарзандлик бурчидир. Отани қуёш, онани ой деб билган халқ, уларни кадрға етишни, эъзозлашни, бошға кўтаришни, падари бзрукворининг туз ҳақини, волидан меҳрибонининг сут ҳаққини оқлашни ҳар бир ўғил-қизнинг виждоний бориш эканлигини алоҳида уқтиради. Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ижодида ҳам ота- оналарнинг мавқеи юқори ўринда туради. У ўзининг “Ҳайрат-ул-аброр” дostonида уларни шундай таърифлаган:

**Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисми қил садқа ано бошиға.  
Икки дунёнг ободлигин истасанг гар,  
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.**



Ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онасини эъзозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги масъулияти ҳисобланади. Ота-онани эъзозлашнинг куйидаги шарқона қоидаларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, фарзандлик бурчимиздир. Уларга турли таомлар бериш, озода қилиб қийинтириб қўйиш, касал бўлганларида шифокорга қўрсатиш, доимо ҳола-ахволларидан хабардор бўлиб туриш, ота-она олдида ух тортмаслик, гердаймаслик муҳим инсоний фазилатлардир. Ота –она норизо бўлган ишни қилмаслик, кўчада юрганда отадан олдин юрмаслик, отадан олдин таомга, дастурхонга қўл узатмаслик, отадан аввал ўтирмаслик, отанинг олида оёқ узатиб ўтирмаслик баайни фарзандлик бурчларимиздир. Ота-онаси норизо бўлган фарзанд кечгача югурса ҳам ишнинг баракаси бўлмайди, бири иккига айланмайди. Турмушга чиқиш, уйланишда ота-онанинг розилигини, оқ фотиҳасини олишда ҳикмат кўп. Юқоридагиларнинг ҳаммаси биз учун бир ховуч олтин, ҳазинадир. Бу дунё қайтар дунё, нима эксанг шуни ўрасан. Сиз ота-онангизга нима қилган бўлсангиз, у сизга фарзандларингиздан қайтади. Бу ҳам табиат қонуни бўлса не ажаб! “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан икки эшик очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади”. “Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уларни рози қилмагунча , Оллоҳ таоло ундан рози бўлмайди”. “Уч тоифа кишиларнинг дуоси, ҳеч шубҳасиз, Оллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота- онанинг дуоси”, “Ота-оналарнинг кексайган вақтида ҳари қисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўла олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин”!. Ота-онага итоат қилиш-тангрига итоат қилишдир. Уларни олдида гуноҳ иш қилиш тангри олдида гуноҳ иш қилиш билан баробардир”, -дейилади муқаддас ҳадисларда. Ота-оналарнинг ҳам фарзандлар олдидаги бурчи ниҳоятда қатта ва масъулиятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталиқ, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши керак. Бола тарбиясини доно халқимиз айтганидек, у ҳали туғилмасидан ота-она ва бутун оила аъзолари ҳамжиҳатлигида бошлашимиз лозим. Оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи бўғини , заррачаси. Жамият ана шу кичик заррачалардан ташкил топади. Эр ва хотин , шу икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам – бу оиладир. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод бўлади. Акс ҳолда турмуш дўзахга айланади. Оила покликка ва софликка икки томонлама муҳаббатга ва вафодорликка асосланади. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади. Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий, маънавий мезонлари бор. Ризқ-рўз тонгда ҳар бир одамга, ҳар бир оилага улашилади. Қимқи, ғафлат босиб, ўрнида ётаверса, ризқидан қуруқ қолади, дейилади халқ мақолларида. Барвақт турилса, иш унумли, ўша қуни хайрли бўлади. Шундай қилиб, оила – жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, унда сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умрга

мухрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. “Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деган деб аталмиш бебаҳо неъмат бор, Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-кимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуктаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура яратолмаймиз”<sup>15</sup>. Шу жihatдан Асосий Қонуниimizнинг “Оила” деб аталган 14-боби ва ундаги уч модда оиланинг мустаҳкамлашга қаратилганлиги ва унинг давлат ҳимоясида эканлигидан муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақил мамлакатимизда оила муносабатларига алоҳида эътибор берилётганлигини Олий Мажлиснинг биринчи чакирик ўнбиринчи сессиясида “Оила колекси” ҳақидаги Қонунни қабул қилинишида ҳам кўриш мумкин.

**3. Шаҳ маънавияти мезонлари.** Ватан – бу инсон ва унинг авлод-ажлодлари кишилик қони тўкилган муқаддас даргоҳдир. Ватан – бу аждололар маскани. эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятлари чинакамига шаклланиб, камол топиб борадиган заминдир. Ватан она каби азиз ва муқаррамдир. Ватан – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Инсон учун ватан ягонадир. Ватанни қатта қичиги, бой-камбағали бўлмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Ватанни энг олий неъмат сингари бошимиз узра баланд кўтариб, ҳар он ва ҳар сонияда унинг тупроғини кўзларга суртиб, унга таъзим бажо келтиришимиз фарзандлик бурчимиздир. Муқаддас ҳалиси шарифларда “Ватанни севмок иймондандир”, дейилган. Яъни иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон ватанини севади, уни ганимлар кўзидан асрайди, унинг яннаши ва яшаши, ҳурлиги учун курашади. Ватанпарварликнинг энг олий туйғу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари унга содиқ қолганлар. Биринчи Президентимиз Ислам Қаримов айтганидек: “Ватанга муҳаббат ҳисси оламнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўзган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”<sup>16</sup>. Ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга масъулият билан қараш. ватаннинг бойликларини кўз қорачиғидай асраш, бойликларига бойлик қўшиш. илм-фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир. Ватанпарварлик бир сўз билан айтганда ўз ижобий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан унинг қуч-қудратига, гуллаб яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшиши.

**Маънавиятни шакллантирувчи мезонларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:** - биринчи гуруҳ – миллат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва бошқа шакллари қамраб олувчи тарихни, минг йиллар давомида ривожланиб келаётган қишлоқ ва сув ҳўжалиги билан боғлиқ аграр маданий аънаналари, географик шарт-шароитга боғлиқ алоқадор муносабатларни ва бошқаларни ифодаловчи моддий мерос;

<sup>15</sup> Қаримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000 й. 22-бет.

<sup>16</sup> Қаримов И. А. Худди шу асар, 23-бет.

**-иккинчи гуруҳ-** халқимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим – тарбия, шунингдек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожига муҳим ўрин тутган мутафаккирлар ва уларнинг асарлари, халқ ижодини камраб олувчи маданий мерос;

**-учинчи гуруҳ –** халқимизга хос анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, турмуш тарзи билан боғлиқ бошқа маданий омиллар;

**-тўртинчи гуруҳ –** халқ кадриятлари, тафаккур тарзи, мафқураси, халққа хос маънавий хусусиятлар, ғоялар, руҳият ва ўзаро ижтимоий муносабатлар;

**-бешинчи гуруҳ –** ҳозирда жамиятимизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясига катта таъсирга эга, умуман, маънавий дунёқараш шаклланишида бош рол ўйнайдиган таълим-тарбия масканлари, ОАВ, кутубхона, театр, санъат саройлари ва шу каби бошқа маънавий таълим воситаларини ўз ичига олади.

**Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир.** Ватанпарварлик учун интилиш, ватанпарварлик учун кураш заминда инсонпарварлик ётади. Инсонпарварлик бу ўзбек халқи маънавиятининг ажралмас фазилатидир. Куръони Карим инсонпарварлик ғоялари асосида яратилган, пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ҳадислари шу ғояларга бой ҳикमतлар мажмуасидир. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, кадр-кимматида, меҳр-шафқатида, диёнатида, ўзаро қўмақлашувда, ҳамдардликда, бошқалар кайғусига шерик, қувончида ва бахтидан севинишида, халқ бахти ва ютуқларидан фахрланишида кўринади. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, ҳамдардлик, вафодорлик, бир-бирига суяниши, яхши кўшничилик, болажонлик, ота-онанинг болага меҳри, боланинг ота-онага ҳурмати, садокати каби кадриятлари инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Ўзбек халқи ўзининг инсонпарварлигини фашизмга қарши кураш йиллари етим болаларнинг бошини силаб ўз тарбиясига олганида ёрқин намоён этган эди. Ўзбек халқи доимо умуминсоният дардини куйлаб келган Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, Пахлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Оғахий асарларидаги ғоялар инсонпарварлик руҳи билан ажралиб туради. Айниқса Навоий ижодига инсонпарварлик алоҳида аҳамият қасб этади. Навоийнинг барчанинг инсонга ғамхўр бўлишга чақирган, инсонпарварликни куйлаган куйидаги байти асрлар оша ҳаммамиз учун ибрат янглиғ янграб турибди: **Одами эрсанг демагил одами, Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.**

Навоий нафақат бадий ижодда, балки ўз амалий фаолиятида ҳам юсак инсонпарварликка содиқ қолган мутафаккирдир. У халқ учун, эл-улус учун, бева-бечора, етим-есирлар учун мадрасалар, табобатхоналар, ҳаммомлар қурдирган. Дошқозонларда овқатлар пишириб текинга таркатган, дардманларга бепул табобат кўриги уюштириб тиббий ёрдам кўрсатган. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг инсонпарварлик ғоялари билан ажралиб туради. Бу ҳақда юртбошимиз Ислоҳ Каримов шундай ёзади: **“Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, мардлик, танглик, бағрикенглик каби**

улуғ хислаглар бу муборақ хужжатдан муносиб ўрин олган. ”Бу тарихий хужжатнинг 39- моддасида инсонпарварлик ғояси шундай ифодаланган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас” Давлатимизнинг Асосий Қонуни ўзининг инсонпарварлик кафолати устуворлиги билан халқ олдида катта обрў-эътиборга эга. Биринчи Президентимиз томонидан 1997 йилни “Инсон манфаатлари”, 1998 йилни “Оила”, 1999 йилни “Аёллар”, 2000 йилни “Соғлом авлод”, 2016 йилни «Соғлом она ва бола» йили деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик маъноси ётади.

**4. Маънавий ғояси юксак, бадний жозибали адабиёт ва санъат асарлари кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик хиссиётига кучли таъсир қилиш, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни чуқур мушоҳада этишга даъват этиш каби хусусиятлари билан ажралиб таради.** Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлигида, кишилар ички ва рухий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол инсонни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир. Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Машраб, Муқимий, Завкий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, рухий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Маънавий тарбияда П. Қодиров, О. Ёқубов, С. Аҳмад, Ҳ. Ҳошимов, Т. Малик, каби адиблар, А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Ҳожиева, О. Матчон, Р. Парфи каби шоирларимизнинг асар ва шеърларидан ҳам кенг фойдаланиш, улар қаҳрамонлари маънавий дунёси тўғрисида суҳбат ва мунозаралар ўтказиш катта самара беради. Маънавий тарбияда кишилар руҳиятига, онгига таъсир этишда театр, кино санъатларининг ҳам роли, ҳам ўрни ва аҳамияти, таъсир этиш доираси ва имкониятлари чексиздир. Улар бир томондан кишилар қалбига ёруғлик олиб кирса, уни юксак маънавийлик томон йўлласса, иккинчи томондан инсон қалбидаги нодонлик, жаҳолат ва маънавийсизликка қарши курашади. Театр ва кино бошқа санъат турлари каби образли – бадний табиати билан инсон қалбига эмоционал таъсир кўрсатиш, унинг рухий дунёсига чуқур кириб бориш, шу орқали маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эга. Маънавий кадриятлар, эзгу ғояларнинг инсонлар қалбига етказишда оммавий ахборот воситалари, айниқса телевидение ва радиоэшиттиришларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Улар орқали маънавий юксакликка қорлайдиган, яъни жасорат ва олийжанобликни, маънавий ғўзаллик ва ахлоқий покликни, улуғворликни, нафосат ва маънавий кадриятларимизни тарғиб қилувчи асарларни тарғиб этиш катта аҳамиятга эга.

**Маънавий таҳдид деганда – аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши**

каратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарга тутиш демакдир.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧЛАР:** Жасорат, маънавий жасорат, ота-она мўътабар зот, фарзандлар бурчи, ота-оналар вазифалари, оила, оилавий муносабатлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, вафо, садоқат, адолатпарварлик, ҳақиқатпарварлик, адабиёт, санъат, театр, кино, оммавий ахборот воситалари.

**ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ота-онанинг фарзандлар олдидаги улуғлиги нимада?
2. Ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчи нимадан иборат?
3. Фарзандларнинг ота-оналар олдидаги бурчи нимада?
4. Ўзбек оиласининг маънавий-ахлокий жиҳатлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Ватан деганда нимани тушунаси?
6. Ватанпарварлик ҳақида ўтмиш мутафаккирлари қандай фикрлар баён этишган?
7. Ватанпарварликниг намоён бўлиш жиҳатлари нимада акс этади?
8. Инсонпарварлик ва унинг моҳияти нимадан иборат?

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1998.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. Ўзбекистон 1999
3. Иброҳимов А. , СултоновХ, Жўраев Н. , Ватан туйғуси. Т. Ўқитувчи. 1996
4. Ўзбекистон мустақиллик қа қарамлик йилларида. Т. Ўқитувчи. 1996
5. Каримов И. А. “Юксак маънавият - енгилмас куч”. Т. 2009
6. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
7. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
8. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. Ўзбекистон 1998.
9. Каримов И. А. Она юрт бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.; Ўзбекистон, 2015 й.
10. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
11. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
12. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000.



# “ДИНШУНОСЛИК”

## 1-МАВЗУ. “ДИНШУНОСЛИК” ФАНИГА КИРИШ

### РЕЖА:

1. “Диншунослик” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Диннинг пайдо бўлиш масаласи.
3. Диншунослик фанининг бахс мавзулари.
4. Диннинг жамиятдаги асосий вазифалари.
5. Ибтидоий диний эътиқодлар: тотемизм, анимизм, фетишизм, сехргарлик.

1. Дин инсониятнинг узок ижтимоий-тарихий ва маданий ривожланиш жараёнида пайдо бўлган маънавий бойликларидан биридир. Унда инсониятнинг асрлар давомида тўпланган ижтимоий, маънавий, илмий, бадий, снёсий, хуллас инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар жараёнида пайдо бўлган ранг-баранг тажрибалари ўз аксини топади. Демак, инсон ўзини онгли мавжудот сифатида идрок этганидан бери сехрли кучларга ва диний қарашларга ишониб келади.

Собик Шуро даврида ўқув юртларида “Илмий атеизм” деган фан ўқитилган. Унинг мақсади диннинг “халқ учун афюн” эканлигини исботлаш, иложи борича кишилар онги ва турмуш тарзидан диний тушунчаларни сиқиб чиқариш эди. Бундай тазйик кишилар маънавиятига акс таъсир этмай қолмади. Натижада марксизм-ленинизмнинг ўзи “дин”га сажда қилинадиган таълимотга, доғмага айланди. Энг қайғулис динга қарши кураш қомил инсонни тарбиялаш, тараккиёт, илм-фан, маданият, цивилизация номи билан амалга оширилди. Динни ушбу кадрятларга қарама-қарши қўйиш охир натижада инсон маънавий дунёсини сийқалаштиришга, кишиларни шу қун ташвишлари билангина яшашга, тарихий-маданий меросни менсимасликка, уни рад этишга олиб келди.

Маданият ва цивилизация тарихи кишилик жамияти тараккиётини динсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Биз ҳар бир киши албатта диндор бўлган ва диндор бўлиши шарт деган фикрни илгари сурмоқчи эмасмиз. Аммо умумий ижтимоий-тарихий жараёнлар, кишилик жамиятининг ривожланиши мудом дин таъсирида бўлган ёки дин ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида маданият ва цивилизацияни йўналтириб, бойитиб гоҳо улар билан тўқнашиб, кишиликни янги-янги қашфиётларга, изланишларга ундаган. Ҳатто динда инквизиция, мутаассиблик авж олган даврлар ҳам кишиларга ақлу идрокни кадрлаш, моддий дунёни, борликни янада чуқурроқ тадқиқ этишга, ҳурфикрлиликни авайлаб-асрашга ўргатди. Диний мутаассиблик билан рационал онг ўртасида кураш бўлмаганида илм, фан, техника, цивилизация – инсон тафаккури, ақлу идрокига ишонч бу даражада ошмасди.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида дин ва диний эътиқодларга янгича муносабат шаклланди.

**Биринчидан**, динга аждолларимизнинг улкан ҳаётий ва маънавий тажрибаларини уйғунлаштирган тарихий-маданий мерос сифатида қараладиган бўлди.

**Иккинчидан**, динни илм-фанга, инсон ақлу идрокига қарши турувчи ходиса деб эмас, балки ён-атрофни, оламни, дунёни идрок этишнинг ўзига ҳос усули деб тушуниш юзага келди.

**Учинчидан**, динни маънавий, маданий ҳаётнинг, ижтимоий онгнинг бир қўриниши сифатида нафақат ижобий шу билан бирга баҳс талаб мавзуларни ҳам ўз ичига оладиган ходиса деб қараш шаклланди.

**Тўртинчидан**, динда кишилар маънавиятини, рухий дунёсини бойитадиган, асрлар давомида шаклланган ижтимоий-тарбиявий тажрибалар тўпланган, ушбу меросдан фойдаланиш қомил инсон тарбияси учун муҳимдир деган фикр қарор топмоқда.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон фикрлар ва илмий ёндашишлар плюрализмини (хилма-хиллигини) қўллаб-қувватловчи, инсон ҳуқуқларини қадрловчи демократик жамият қуришга интилаётган экан, диний эътиқод ва фикрлар ҳам ижтимоий тараққиётимизнинг бир томони, уларсиз фуқаролараро тотувликни, консенсусни тасаввур қилиш қийин деган қараш қарор топмоқда. Буларнинг барчаси дин ва диний эътиқод масалаларига оид фанларни ҳам янгича ўқитиш масаласини кун тартибига қўйди.

Диншунослик ижтимоий фанлар туркумига қиради. У фалсафа, психология, тарих, маданиятшунослик, этнография, археология, педагогика, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик каби бир қатор фанлар билан боғлиқдир. Лекин у ўз тадқиқот объекти, мақсади ва вазифалари, нуқтаи назари билан бошқа фанлардан фарқ қилади.

Диншунослик дин ва диний эътиқодларни кенг ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий онгнинг ифодаси, инсоннинг ён-атрофни, оламни билишга интилишининг бир қўриниши сифатида қарайди. Демак, диншуносликнинг тадқиқот объекти диний муносабатлар, диний онг ва диний тажрибадир.

Диншунослик фанининг мақсади:

а) диний тажриба, диний муносабат ва диний онгнинг келиб чиқиш ва шаклланиш жараёнларини, қонуниятларини;

в) дин ва диний эътиқодларнинг ижтимоий-тарихий ва маданий-маънавий ҳаётдаги ўрни, аҳамиятини;

с) диннинг шахс камолотига, унинг ижтимоий, маънавий, рухий, бадий, дунёқарашларини шакллантириш имкониятларини тадқиқ этишдир.

Диншунослик фанининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- талабаларда диннинг келиб чиқиши, таълимот сифатида шаклланиши ва тарқалиши ҳақида объектив илмий қарашларни ҳосил қилиш;

- диний тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг ўзига ҳос жиҳатларини очиқ бериш;

- диний муносабатларнинг жамият тараққиётига таъсирини аниқлаш;

- диний онгнинг инсон тафаккури, ақлу идроки билан муносабатларини қулатиш;

- диний эътикоднинг шахс психологияси, маънавияти ва турмуш тарзига, қомил инсоннинг шаклланишига ижобий таъсир этиш жиҳатларини ўрганиш ва ҳоказо.

Ушбу мақсад ва вазифалар бир-бирларига боғлиқ, улар тадқиқотчи ашлаган ёндашувларнинг хусусиятларини ифода этади.

Шуни эъда тутиш: керакки, “Диншунослик” диний таълимотларни ўргансада, лекин илоҳиётшуносликнинг ўрнига даъвогар эмас. Диншунослик динни киши онгининг объектив борлиққа муносабати, ушбу борлиқни эмпирик (тажриба асосида), абстракт (мавҳумлаштириш орқали) ва интуитив (хиссий) билишларнинг натижаси деб билади. Шунинг учун “Диншунослик”нинг асосий тадқиқот усули илоҳиётшуносликка хос бўлган трансценденталь (ақлу идрокдан ташқари) эмас. балки тажрибага, реал борлиққа асосланган илмий билишдир. Шу нуқтаи назардан ҳам “Диншунослик” илм соҳасидир. Шу ўринда илмий изланишлардаги диннинг келиб чиқиши ҳақидаги асосий таълимотлар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Ёр юзида дастлабки одамлар (преантроплар) бундан 5-6 миллион, илк диний тушунчалар эса 40 минг йил (Марказий Осиёда 10 минг йил) аввал пайдо бўлган. Демак, диний тасавурлар маълум бир ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида юзага келган. Бирок диннинг келиб чиқиши ҳақида турли, гоҳо қарама-қарши фикрлар мавжуд. **Биринчиси**, диннинг келиб чиқиши жуда оддий. У кишининг гайритабiiий кучларга ишониши ва табиат кучлари олдидаги ожизлигидан, нодонлигидан келиб чиққан деган тушунчадир.

Агар нафақат одамларда ва ҳайвонларда, шу билан бирга ён-атрофдаги барча нарсаларда жон бор деб уларни асрашга, авайлашга ишонган ибтидоий одамларни «нодон» десак оммавий қирғин қуроли - атом бомбасини яратган XX аср одамларини “оқил” деб аташ тўғрими?

**Иккинчиси**, диний қарашлар маълум бир ижтимоий-иктисодий муносабатлар натижасида юзага келган, деган фикрдир. Материализм парафдорлари ушбу қарашни илғари сураёт эканлар, динни ижтимоий онг шаклларида бири, иктисодий базис натижаси деб қарайдилар. Бизнингча, бу бир ёкламалиқдир. Иктисодий омиллар киши онгига қандай таъсир қилса, онг, шу қатори дин ҳам, иктисодий ҳаётга шундай таъсир кўрсатади. Бундан ташқари диний тушунчалар иктисодий базис билан ўлчанганида эди, ҳар бир дин кўриниши ўз даврининг иктисодий муносабатларини ифода этган ва у билан бирга тарих саҳнасида тушиб қолган бўларди. Ҳар бир янги иктисодий муносабатлар эса янги диний тушунчаларни ва динни шакллантирган бўларди.

**Учинчиси**, диний тушунчалар маълум бир доирада, «харизматик пўлбошчилар»нинг ғоялари таъсирида юзага келади, деган фикрдир. Масалан, ушбу нуқтаи-назарни таникли социолог Макс Вебер илғари суради. Айрим шахсларнинг диний қарашларнинг шаклланишида катта роль ўйнашини инкор қилмаган ҳолда шуни айтиш зарурки, диний тушунчаларда нафақат айрим шахслар, шу билан бирга айрим элат, миллат, халққа оид қарашлар, урф-одатлар ҳам ўз аксини топади.

Тўрттинчиси, диний тушунчалар "ахлокий бурчларнинг гаъсири" (И. Кант) ва мавҳумлик олдидagi кўркув (Б. Рассел)дан келиб чиқади, деган қарашлардир.

**Бешинчиси**, таниқли теолог ва олим А. Мень эса дин «инсондан ташқарида, инсоннинг у (яъни, ўша инсондан ташқаридаги) билан алоқаси» натижаси деб ҳеботлашга ҳаракат қилади. Хуллас, диний тушунчаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар ҳар хил, баъзан эса улар бир-бирларига зиддир.

## 2. «Диншунослик»нинг баҳс мавзулари қуйидагилардан иборат:

1. «Диншунослик» фани динларнинг моҳиятини ва дин тушунчасини таърифлаб, уни изоҳлаб, тушунтириб беради. Диний онг, ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида олиб қаралиб, уни тарихий ҳодиса деб ҳисоблайди; бу билан барча динлар инсоният тарихи билан боғланганлиги, одамларнинг динга бўлган эҳтиёжи туфайли келиб чиққач, улар аста-секин бир тизим киффасига кириб давом этаётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Динларнинг келиб чиқиш, ривожланиш ва эволюцияси ўзининг туб сабабларига, яъни илдизларига эгаки, «Диншунослик» шу хусусиятнинг ҳам назарда тутади ва уларни кўрсатиб беради. Бу билан ҳозирги замонда мавжуд бўлиб турган турли динлар қадим замонларда вужудга келган бўсалар ҳам, нима учун улар ҳамон мавжуд бўлиб турибди деган саволга аниқ жавоб беради.

«Диншунослик» динларнинг қандай таркибий элементлари борлигини ҳам кўрсатиб беради. Ҳар қандай миллий ва жаҳон динларида диний тасаввурлар, диний ҳаракатлар, диний психология ва диний ташкилотлардан иборат тўртта узвий боғланган элементлар мавжуд бўлиб, улар яхлит ҳолда диний ибодатларни бажардилар, уларда диний хис-туйғулар мавжуд; диний уюшмаларга эса диний ташкилотлар раҳбарлик қилдилар деб ҳисоблайди ва уни тушунтириб беради.

2. «Диншунослик» фани барча динларнинг келиб чиқиш тарихини баён қилиб беради. Маълумки, ҳеч бир ҳодиса ёки воқеа сабабсиз рўй бермаганидек, динлар ҳам ер юзида одамлар томонидан вужудга келтирилган энг қадимги, ибтидоий жамиятда шаклланган ижтимоий онг шаклидир. Динлар тарихи ғоят мураккаб ва узок тарихий жараёнлардан иборат бўлиб, ҳозирги даврда мавжуд бўлиб турган динларнинг барчаси ўзининг келиб чиқиш, ривожланиш ва ўзгариб бориш тарихига эгаки, «Диншунослик» ана шулар тўғрисида ҳам баҳс юритади.

«Диншунослик» динлар тарихини ёритаётганда уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир қилганлигини, бир-бири билан алоқадорлигини таъкидлайди. Шунингдек, динлар тарихини ўрганиш учун археология, этнография, тарих фанларининг берган маълумотлари, бадий адабиёт, санъат асарларининг ахамиятини, нодир моддий-маданий намуналарининг муҳим тарихий ашёвий далиллар эканлигини, айниқса, диний ёзувлар, муқаддас китоблар, машхур уламоларнинг асарларини, ҳадисларни, турли диний руҳдаги расм-русумларни ҳам кўрсатиб ўтилади. Шу тариқа динлар тарихи тўғрисида яхлит ва бир бутун тасаввурлар яратилади. Булар «Диншунос-лик»нинг иккинчи муҳим

хусусиятини ташкил этадики, кейинги мавзуларда бу хусусият тўғрисида апрофлича маълумотлар баён этилади.

3. «Диншунослик» фанида динларнинг энг мухим назарий-фалсафий назимилан иборат бўлган диний таълимотлар хусусида бахс юритилади. Динларнинг бу хусусияти диний мафкура ва дунёқарашнинг мохиятини асослаб беради. Айниқса, миллий ва жохон динлари мавзуларида бу хусусият тўғрисида кенг маълумотлар берилади. «Диншунослик» диний таълимотлар илохий кучлар ҳисобланувчи худолар, фаришталар, пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар, мўъжизакор яратилиш ҳодисалари, хикматли панд-насиҳатлар, гуноҳ ва савоб, қаннат ва дузах кабиларга қаратилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу масалада турли диний афсона ва ривоятларнинг ҳам ўрни борлиги кўрсатиб этилади.

4. «Диншунослик» фани динларнинг амалий томони-диний маросимлар, урф-одатлар, расм-русумлар ва турли одат-удумлар хусусида ҳам бахс юритади. Чунки булар ҳам динларнинг энг мухим хусусияти ҳисобланади. Маълумки, диннинг маросимчиликдан иборат амалий томони диндорлар ҳаётида гоят фаол рол ўйнайди. Диний маросимлар диндорлар руҳиятига кучли таъсир қилади, уларнинг кундалик ҳаётида муайян тартиб ўрнатади, ҳаёт кечирish тарзини белгилайди. «Диншунослик» диний урф-одатларнинг келиб чиқиш тарихига эътибор беради, бу диний расм-русумларнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш учун хизмат қилишини ҳам таъкидлаб ўтarkan, бу одатлар нисбатан барқарор, муқим турадиган муҳофазакор куч сифатида амал қилади, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга диний маросимлар ўз мазмуни, оғжарадиган вазифаларига кўра шод-хуррамлик ёки қайғу-аламли ҳолатларни ифода этишига алоҳида эътиборни қаратади. Диний маросимчилик диний насабвурлар ва диний руҳият билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг яхлит назими динларнинг нисбатан оммавийлашган осонроқ томонидир, деб алоҳида таъкидлаб ўтилади.

5. «Диншунослик» фани барча динларда мухим тарбия-ловчи мазмунли диний ахлоқ-одобларда мужассам бўлганлигини кўрсатиб беради. Диндорлар диний ахлоқ руҳида тарбия олиб, хушмуомала, очик-ойдин фикрли, оқдამийликнинг кўпгина фазилатларига эга бўлиб этишадилар. Инсоф ва адолат, ҳақлоқ-ҳаромни ажратиш, ўзаро ҳурмат, қатталарга иззат-ҳурмат, ногирон, мутожларга муруват кўрсатиш, илмли, маърифатли киши бўлиш, яхшилик қилиш, ота-оналарни беҳад ҳурмат қилиш, оила ва жамоат орасида ўз бурчини адо этиш каби умуминсоний, дунёвий кадриятлар динда юкори даражадаги ахлоқий талаблар, деб қаралади. Муайян маънода дин ахлоқ тўғрисидаги қўшунча сифатида ҳам тушунилган. «Диншунослик» фани миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида диний ахлоқнинг ўрни ва роли борлигини тан олиб, диний ахлоқдан шахс тарбиясида самарали фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратади.

Аммо диний ахлоқ сиёсат ва мафкуравий жиҳатлардан қаралганда сиғий-табақавий аҳамият касб этадики, «Диншунослик»да бу маънода диний ахлоқда умуминсоний кадриятлар даражасида турадиган ахлоқ-одоб



нормаларининг устувлиги таъкидлаб ўтилади, ана шу хусусият ҳам бу фан эътиборида туради.

6. «**Диншунослик**» диннинг муҳим хусусиятларидан бири бўлган диний ҳуқуққа алоҳида эътибор берилди. Маълумки, қуддорлик жамиятидан бошлаб давлатлар келиб чиққан бўлиб, бу сиёсий куч хусусий мулкчиликка асосланган ўз иқтисодий базисига хизмат қиладиган ҳуқуқ ва қонунларини жорий қилган эди. Уша даврлардан бошлаб диний ҳуқуқ ҳам пайдо бўлиб, бу ҳуқуқлар диний ёзувларда, ҳадисларда, анъаналарда, таъкидланган ва руҳсат этилган кўрсатмаларда, диний ҳужжатларда, турли диний жамоа, уюшма, маъаблар фаолиятида аста-секин шаклланиб борган. Масалан, Ислом тарихида парият қонун ва ҳуқуқлари худди шу тариха, VII-XII асрлар давомида шаклланиб, сўнгра ҳуқуқ нормаларига айланган эди. Диний ҳуқуқлар устидан диний ташкилотлар назорат ўрнатган бўлиб, бу ҳуқуқлар мулкка муносабатни, диний жамоа, ижтимоий табақа, гуруҳ ва имтиёзли шахслар манфаатини беэътилоб ҳал қилди. Диний ҳуқуқларда ахлоқ-одоб қоидалари, уларга амал қилиш тартиблари ҳам белгилаб қўйилган. Диний ҳуқуқларда маросимларга амал қилиш қоидалари ҳам кўрсатилган. Диний ҳуқуқларда маросимларнинг жамиятдан мавқега қараб уларнинг ҳуқуқлари гоҳо жуда кенг ва кучли бўлган, гоҳо эса уларнинг ҳуқуқлари чекланиб қоларди. Умуман, «Диншунослик»да диннинг мана шу хусусиятига ҳам алоҳида масъула сифатида қаралади.

7. «**Диншунослик**» фани динларнинг тархий типлари, турли шакллари, йўналишлари, мазаблари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бир-бири билан боғланган томонлари, пайдо бўлиш сабаблари, диндорлар ҳаётидаги ва жамиятдаги ўрни, фаолият кўрсатиш масалаларини ҳам алоҳида қараб чиқади, шулар тўғрисида ҳам баҳо юртайди. Шу муносабат билан «Диншунослик» фанида аввало диннинг ижтимоий-фалсафий моҳияти кўрсатиб ўтилади, сўнгра ибтидоий тузумда пайдо бўлган энг қадимги динлар ҳисобланувчи тотемизм, фетишизм, анимизм, соҳрғарлик (магия, шаман) динларини, улардан кейинги уруғ-қабилалар дини бўлган политеизм, яъни қўн худодлик динларини, сўнгра миллий давлат динларини, монотеистик, яъни яққа худодлик динларини кейин эса жаҳон динлари бўлган буддавийлик, христианлик ва ислом дини атрофлича баён этилади. Бу динларнинг ҳар бири ўз тарихий шарт-шароитлари, ўз давридаги талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлсада, аввалчилари кейин келиб чиққанларига кучли таъсир кўрсатган эди. Масалан, энг қадимги, нисбатан соддагина анимизм дини ҳам жаҳон динларига таъсир қилган. Бу ҳақда кейинги мавзуларда кўриб ўтамиз. Бу жиҳдий масъула ҳам «Диншунослик»да муҳим ўрин олган.

8. «**Диншунослик**» фани яна бир муҳим масъула бўлган диний манбалар, муқаддас ёзувлар, ҳужжатлар: Таврот, Библия, Авесто, Тринитака, Ведалар, Қуръон, ҳадислар каби дин учун жуда муҳим тарихий ёлғорликлар хусусида ҳам баҳо қилади. Чунки, «Диншунослик» агар бу масъулани четлаб ўтса, ўз вазифасини тула бажармаган ҳисобланади. Галабалар эса ана шу манбаларни муस्ताқил ўрганишлари, бу фанни ўзлаштириши ва ўз билим доираларини чуқурлаштириши, кенгайтириши учун гоъят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутишлари лозим.

Диний манбалар асрлар давомида яратилган бўлиб, уларда диний масалалар ҳужжат ва далил асосида системага тушириб юкори услубий маҳорат билан вужудга келтирилган. Бунга Қуръон ва пайғамбар Муҳаммад Алайҳиссаломнинг муътабар ҳикматлари бўлган «Хадис»ларини мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

**3. “Диншунослик» фани ҳар қандай динлар жамиятда қуйидаги вазифаларни бажаришини таъкидлайди: 1) компенсаторлик; яъни тасалли, тасалли берувчилик функциясини, 2. регуляторлик, яъни тартибга солувчилик; 3. ин-теграторлик-бирлаштирувчилик ва 4) коммуникаторлик, яъни алоқадорлик ҳамда 5) легитимловчилик- қонулаштирувчилик каби функцияларни бажаради. 1. Диннинг компенсаторлик –яъни тасалли берувчилик, тўлдирувчилик вазифаси инсоннинг ҳаётида юз берадиган турли муносабатларда, ҳаётий максалдарга эришишда иложсиз қолганида, оёнига оғир мусибат тушганида намоён бўлади. 2. Диннинг регуляторлик – тартибга солувчилик, назорат қилувчилик вазифаси шундан иборатки, ҳар бир дин ўз урф-олатларини, маросим ва байрамларини қавмлари томонидан ўз вақтида, қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини назорат қилиб боради. 3. . Диннинг интеграторлик вазифаси- муайян дин ўз таълимот низимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини шу таълимот доирасида саклашга, шу таълимот атрофида бириштиришга ҳаракат қилади. 4. Диннинг коммуникаторлик- алоқа боғлашлик, ўзаро алоқадорлик вазифаси шундан иборатки, ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқадорликда бўлишини таъминлайди. Бунда у ёки бу динга эътиқод қилувчиларнинг ўз динидаги бошқа кишилар билан алоқадор қанлиги, ўзаро ҳуқуқ ва бурчларининг борлиги, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажаришлари лозимлиги назарда тутилади. 5. Диннинг легитимловчилик вазифасини америкалик сошиолог Т. Парсонс ишлаб чиққан. Унинг фикрича, “ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак». Дин бундай муносабатларни қонулаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни ҳам белгилайди.**

Яна бир муҳим масала шундаки, биз диндаги ижобий, шахс маънавияти ва тарбияси билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этган ҳолда ундаги мустақилликка, доғмага айланган ёндашишлар мавжудлигини қайд этишимиз зарур. Баъзи асарларда, ўқув қўлланмаларида ушбу масала эслан чиқарилади ёки атайин ёритилмайди. Натижада динга бир ёклама қараш шаклланади. Шунинг учун биз диндаги ижобий-конструктив ва тарбиявий томонларни аниқланган ҳолда унга бир ёклама ёндашиш натижасида салбий ҳоллар ҳам пайдо бўлишини унутмаслигимиз керак. Бундан деярли XX аср олдин Цицерон айтган “Дин-ҳудодлар култидир” деган фикр барча даврлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Жамият ва инсон тараккиётига хизмат қилувчи, инсонни шарафловчи, ўз тафаккури қудратига ишонтирувчи илм, фан, маланият, ақлу илм, тафаккур, “культ”лари ҳам борлигини унутолмаймиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий, демократик ахлоқ қуришни асосий вазифа қилиб қўйди ва жамиятнинг адолатли, ҳуқуқий

аеослари Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди. Инсон ҳукуки ва эркининг ажралмас қисми —бу виждон эркинлиги бўлиб, Конституциямизнинг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” дейилган.

Асосий қонунимизнинг бошқа моддаларида диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилганлиги, мактаб ва маориф, таълим ишлари давлатнинг тўлиқ назоратида эканлиги алоҳида таъкидланган. 1991 йил 14 июнда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилиниб, ҳали шўро ҳокимияти мавжуд бўлган шароитда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини кафолатлаш ва изга солиб туриш ҳолатларнинг ҳамма муаммолари ўзининг тўла ифодасини топмаган эди. Айниқса диний экстремизм, ваҳҳобийлик, хизб-ут-таҳрир, акромийлар каби зўравонликка асосланган оқимларнинг республикага кириб келиши бу қонунга қўпгина ўзгартиришлар киритишни такозо этар эди. Бу 1998 йилда амалга оширилди.

Биринчи Президент И. А. Каримов ёзганидек, “халқни маънавий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш биргаликда етилган маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади”.

Ўзбекистонда маънавий ҳаётнинг асосини мустаҳкамлашда динга ва диний кадриятларга муносабат муҳим ўрин эгаллайди. Конституциянинг умумий руҳи ва республика раҳбариятининг фикрларига кўра, маънавиятнинг асосини фан, билим асосларини эгаллаш ташкил этади. Динга жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан покланишнинг бир воситаси деб қаралмоқда.

“Диншунослик” фанининг барча олий ўқув юртларида ўқитилиши: биринчидан, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш учун кафолат яратади; иккинчидан, бир диннинг бошқа дин, бир эътиқод эгаларининг бошқа эътиқод эгаларига нисбатан имтиёзли бўлишининг олди олинади; учинчидан, “дин ва диний кадриятларнинг маънавий маданиятда ўз ўрнини эгаллаши таъминланади; тўртинчидан, диннинг сиёсатлашмасдан тўла софлиги сақланади; бешинчидан, ёшларнинг диндорликни диний мутаассибликдан фарқлаб олишга олиб келадики, бу ўз-ўзидан диний партиялар, ҳаракатлар тузиш беҳуда, зарарли эканлигини, бундай ҳаракатлар динда қораланишини билиб оладилар.

Динга фақат тарихий, ижтимоий ва этник ҳодиса сифатидагина эмас, балки энг аввало маънавий ҳодиса деб қараб, у одамнинг жамиятдаги ўрни яъни унинг жамоалашган одамга айланиши эҳтиёжидан келиб чиққанлигига эътиборни қаратиш керак. Илм-фан, фалсафа, одамнинг инсоний хислатларни сингдиришининг маънавий-руҳий омили бўлган имон масаласи турибдики, одамзот динга ишонч асосида ўз ички оламини поклашга, ҳавоий нафсини жиловлашга интилади.

## ИБГИДОНИ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР: ТОТЕМИЗМ, АНИМИЗМ, ФЕТИШИЗМ, МАГИЯ.

1) **Тотемизм** сўзи Америка ҳиндуларининг «бу тотем» деган сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида бу сўзнинг маъноси «суяни уруғи, қарилоши» демакдир. Тотемизм дини овчилик ва чорвачилик билан шугулланган уруғ ва қабилалар орасида пайдо бўлган энг дастлабки дин эди.

Тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимлик одамлар уруғининг ҳомийси деб, тотемнинг «ёрдамига» кўз тиккалар, раке соҳри билан, баъзан эса маросимлар қилиш йўли билан тотемга таъсир қилиш мумкин деб тасаввур қилганлар. Масалан, махсус маросимла тотем ҳисобланган хайвонни сўзиб, унинг қони ва сўнидан табаррук ва муқаддас таом сифатида истеъмол қилинган бўлган ҳосний мақсад тотем билан қон-қариндошликни янада мустаҳкамлаш бўлган. Тотем бўлган ҳайвон ёки қушлар, ўсимликлар турли минтақаларда, турли уруғларда турлича булган. Кўпинча кенгуру, туяқуш, айик, шер, бўйбур, маймун, сигир, тоғ эчкиси, балиқ, илон, хакка, қалдирич, фили, хўкиз, от, хўроз, бургут, кийик, мусича қабилар тотем ҳисобланган. Уруғлар номи тотем бўлган ҳайвон, қуш ёки ўсимлик номи билан аталган. Ҳозир австралиялик туб-жонлик холи уруғлари кенгуру, ок хўроз, қора хўкиз деб номланади. Америкадаги ҳинду уруғлари Катта Илон, Бургут кўз, Қора сирғон ва бошқалар билан аталган.

Ислом динида ҳайвонларни қалтаклаш таъқиқланган. Арабларда сувадиган туяни қаровсиз қолдириш қатта гуноҳ ҳисобланган. Ислом динидаги бу таъқиқлар ҳам тотемизм таъсирида вуҷудга келган. Буддизм ва христіан динларида ҳам тотемизм қолдиги бор.

Тотемизм дини табиатни, айниқса, ўсимлик ва ҳайвонларни асраш, агроф-духитни мусаффо сақлаш, экологик тарбия учун фойдали, деб ҳисоблаш мумкин.

### 2) **Анимизм** булган 40-30 минг йил илгари пайдо бўлган.

**А н и м а** сўзи лотинча бўлиб, «жон, рух» деган маънони билдиради. Анимизм энг қадимги динлардан бири бўлиб, у аввало жон, рухни ўлмайди, яна эса ўлади, деган тасаввурдан пайдо бўлди. Анимистик таълимот қайта қилиниш, танага жонни қайтиб кириши сабабли рўй беради, деб ҳисоблайди.

Анимизмга кўра жон ва рух ҳар бир нарса ва предметда, ҳар бир ўсимлик ва ҳайвонда, ҳар бир одамда мавжуд. Жоннинг кучи рухий бўлиши, абадул-абад оархаёт қолишида-дир. Анимизм ҳар бир кишида унинг хаёти ва онгининг қарбан жон ва рухий қуввати бўлиб, жон билан рух одам туғилмасдан аввал мавжуд бўлади, тана пайдо бўлгач унга кириб хаёт бағишлайди, деб таъкидлайди.

Дастлабки даврларда анимистик тушунчада жонни соя ёки нафас олиш билан айнан бир нарса деб билар эдилар. Жон турли халқларда турлича тасаввур этилган. Масалан, Шимоллий Американинг туб жой халқларида соя номи билан, нафас олиш номи билан аталган.

Агар қаттиқ момақалдирок, кучли бўронлар, сув тошқинлари, дахшатар инчила, вулқон отилишлари, одамларнинг ўлими каби воқеалар содир бўлса,

яна шу ходисалар пайтида жон ва рухлар жулбушга келдилар, қахр - қазабга кирдилар, деган ўй-хаёлар келиб чиққан.

Жон ва рухлар тўғрисидаги анимистик дин ўзидан кейин келиб чиққан кўпгина динларга таъсир қилган. Буддизм динида олам уч қаватдан иборат ҳисобланади. Биринчи қаватдаги олам энг юкори олам бўлиб, унда мутлақо рухий осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф, покланган рухларгина мавжуд дейилади. Рухни асло билиб бўлмайди. Иккинчи олам қаватида рух қафасдан чиқиб покланади, учинчи қават оламда одамлар ва ҳайвонлар мавжуд бўлиб, бу оламда рух қафасда яшайди.

Ислам динида ўлгандан кейин тирилиш тўғрисидаги таълимот берилган. Охирада барча вафот этган кишилар қайта тирилади. Улар худо томонидан сўрок қилинади, улар савоб ёки гуноҳ ишларига қараб жаннатга ёки дўзахга дохил бўлади-лар, дейилган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа мусулмон мамлакатларида ўлган кишиларнинг арвоҳига атаб қурбонлик маросими ўтказилади, хайр- аҳсон, савоқа бериш одатлари мавжуд. Булар ҳам анимизм одатларидир.

Шундай қилиб, бундан 30-40 минг йиллар аввал анимизм дини келиб чиққан бўлиб, бу дин ундан кейин пайдо бўлган динларга таъсир қилади. ҳозирги даврдаги диндорлар онгда анимизмга ҳос тасаввурлар ҳамон мавжуд.

**3)Фетишизм-португалча «фетико» сўзи ўзбекчада «ясалган» дегани бўлиб,** фетишизм динининг моҳиятини яққол ифода қилади. Фетиш, яъни одамлар қўли билан ясалган айрим нарса ва предметларда сирли илохий куч-қудрат мавжуд, деб ўшаларга сифтини келтириб чиқарган. Фетишлар хилма-хил предметлар, бут, тоғ, афсонавий фаришталар, маъбудалар, авлиёларнинг расмлари, ҳайкаллари пайғамбарларнинг соч тоналари, кийимлари; тумор, кўзмунчок, тасбех, айрим макбаралар, сағаналар, қабрлар, чорвадорлар орасида ҳайвон қалла суяклари, шохлари, кўз тикан, исирик, дўлана каби ўсимликлар, дарахт шохларига боғланган алаф дейиладиган турли рангдаги латталар; Таврот, Инжил, Қуръон, Ҳадис каби муқаддас китоблар бўлиши мумкин.

Илми-амал, ирим-сиримларга оид: қайчининг очилиб қолиши, супургини тикка қўйиш, кечки пайтида тирюк олиш, кечасида уй супуриш, жасадни тунаб қолиши ҳам фетиш бўлиши мумкин.

Дуолар ёзилган қозғони латтага тикиб уч, тўртбурчак шаклида тумор қилиб такадилар. Гўё шу тумор «ёмон кўз»дан, «инс-жинс»лардан, хавфли касалликлардан сақтайди, омад келтиради. Тумор ёш болалар кийимига тикиб қўйилади, чақалоқлар бешигига осиб қўйилади, хотин-қизларнинг бўйнига тақилади, ҳатто машиналарга осилади.

Энг кўп тарқалган фетишлардан бири кўзмунчокдир. Кўзмунчоклар тошдан қилинади. Тош тешилади, бўялади, қора рангга оқ кўз қилинади. Кўзмунчоклар болалар билагига, бешигига, кийимларига осилади, тикиб қўйилади, боғланади. Хотин-қизлар исирғасига бир-иккита кўзмунчок қўшиб тақа-дилар. Шахсий энгил машиналарга ҳам исирик, тумор, кўз-мунчок осиб расм бўлган.



Христиан динида Исо пайғамбарнинг бут-хочга миҳлаб ўлдирлиши ифодаланган, бут-хочга сиғиниш кенг тарқалган.

4) Шомонизм - ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида пайдо бўлган қадимги диний эътиқодлардан биридир. Унинг ўзига хос ҳусусияти - кишилар оғасида гўё турли руҳлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар (бизнинг маҳаллий шароитда шомонлар - бахшилар, фолбишлар, парихонлар, кўчирикчилар, дуохон, азойимхонлар деб аталади) қобилиятига ишонишдир. Шомонларда касални даволаш, одамлар қисматини қаромат қилиш, табиатда хоҳлаган ўзгаришлар қилиш каби мўъжизакор сирли қобилият бор, деб ўйланган.

Сеҳргарлар магия, яъни афсунгарлик хатти-ҳаракатлари билан кишиларда рухий кўтаринкилик ҳолатини юзага келтиришлари мумкин. Афсунгарлар одатлари ва дуолари хунар-қасбда, ҳарбий ишларда, чорвачилик, деҳқончилик, савдо ишларида, тиббиётда кенг қўлланилган.

Шомон дўмбираси ёки бошқа мусикий асбобларда муножот қуйлари, сирли дуолар, ғайриодатий рақс ҳаракатлари, турли расм-русумлар жазаваси тутиб, ҳолдан тойгунча бажарилади.

5) Шомонизм билан магия-сеҳргарлик жуда яқин бўлган динлар ҳисобланади. Магия диний психологиянинг ўзига хос амал қилиши бўлиб, бу дин сеҳр, афсун кучи билан инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатиш мақсадида бажариладиган сеҳргар хатти-ҳаракати дур.

Оила-никоҳга бағишланган кўпгина сеҳргарлик маросимлари, расм-русумлар ва олатлар мавжуд. Масалан, келин-куёв бошидан тангалар, қанллар сочиш, уларнинг оёғи остига оқ поёндоз солиш, ширин чой ичириш, келиннинг оёғини куёв босиши ёки аксинча, келин куёв оёғини чакқонлик билан босиб олиши каби қизик одатларда келажакда оилавий ҳаётни яхши, ахл, ширин, бой-бадавлат бўлишига кўмаклашади деган мақсадлар кўзда тутилган.

Сеҳргарлик дини ҳозирги замонда ҳам фолбишлик шаклида; дам солиш, иситма-совутма, қайтарма қилиш, «илми-амал», «олдини бойлаш» каби шаклларда халқ орасида сақланмоқда.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Дин ва унинг моҳияти, диний эътиқод, дастлабки диний тасаввурлар, диний тушунчалар, динларни ўрганиш, илмий атеизм, дин афюн иборасининг моҳияти, диншунослик фани, диннинг жамиятдаги вазифалари, динлар тарихи, дин ижтимоий ҳодиса эканлиги, дин эволюцияси, деизм, пантеизм, диний қарашлар.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Дин сўзининг моҳиятини изоҳланг.
2. Диний тасаввурларнинг пайдо бўлиш.
3. Диний эътиқод тушунчасини изоҳланг.
4. Илк диний эътиқодлар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
5. Диншунослик фанининг моҳияти ва унинг ўқитиш сабаблари.
6. Диннинг жамият оғи вазифалари нималардан иборат?

яна шу ҳодисалар пайтида жон ва рухлар жунбушга келдилар, қаҳр - ғазабга кирдилар, деган ўй-хаёллар келиб чиққан.

Жон ва рухлар тўғрисидаги анимистик дин ўзидан кейин келиб чиққан кўпгина динларга таъсир қилган. Буддизм динида олам уч каватдан иборат ҳисобланади. Биринчи каватдаги олам энг юкори олам бўлиб, унда мутлако рухий осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф, покланган рухларгина мавжуд дейилади. Рухни асло билиб бўлмайди. Иккинчи олам каватида рух қафасдан чиқиб покланади, учинчи кават оламда одамлар ва ҳайвонлар мавжуд бўлиб, бу оламда рух қафасда яшайди.

Ислом динида ўлгандан кейин тирилиш тўғрисидаги таълимот берилган. Охиратда барча вафот этган кишилар қайта тиралади. Улар худо томонидан сўроқ қилинади, улар савоб ёки гуноҳ ишларига қараб жаннатга ёки дўзахга доҳил бўлади-лар, дейилган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа мусулмон мамлакатларида ўлган кишиларнинг арвоҳига атаб қурбонлик маросими ўтказилади, хайр- эҳсон, салақа бериш одатлари мавжуд. Булар ҳам анимизм одатларидир.

Шундай қилиб, бундан 30-40 минг йиллар аввал анимизм дини келиб чиққан бўлиб, бу дин ундан кейин пайдо бўлган динларга таъсир қилади, ҳозирги даврдаги диндорлар онгида анимизмга хос тасаввурлар ҳамон мавжуд.

3) **Фетишизм-португалча «фетико» сўзи ўзбекчада «ясалган» дегани бўлиб**, фетишизм динининг моҳиятини яққол ифода қилади. Фетиш, яъни одамлар қўли билан ясалган айрим нарса ва предметларда сирли илохий куч-қудрат мавжуд, деб ўшларга сизинишни келтириб чиқарган. Фетишлар хилма-хил предметлар; бут, хоч, афсонавий фаришталар, маъбудалар, авлиёларнинг расмлари, ҳайкаллари пайғамбарларнинг соч тозалари, кийимлари: тумор, кўзmunчок, тасбех, айрим макбаралар, сағаналар, қабрлар, чорвалдорлар орасида ҳайвон қалла суяқлари, шохлари, кўз тикан, исирик, дўлана каби ўсимликлар, дарахт шохларига боғланган алаф дейиладиган турли рангдаги латталар; Таврот, Инжил, Қуръон, Ҳадис каби муқаддас китоблар бўлиши мумкин.

Илми-амал, ирим-сиримларга оид: қайчининг очилиб қолиши, супургини тикка қўйиш, кечки пайтда тишнок олиш, кечасида уй супуриш, жасадни тунаб қолиши ҳам фетиш бўлиши мумкин.

Дуолар ёзилган қоғозни латтага тикиб уч, тўртбурчак шаклида тумор қилиб такадилар. Гуё шу тумор «ёмон кўз»дан, «инс-жинс»лардан, хавфли касалликлардан сақлайди, омад келтиради. Тумор ёш болалар кийимига тикиб қўйилади, чақалоқлар бешигига осиб қўйилади, хотин-қизларнинг бўйнига тақилади, ҳатто машиналарга осилади.

Энг кўп тарқалган фетишлардан бири кўзmunчокдир. Кўзmunчоклар тошдан қилинади. Тош тешилади, бўялади, қора ранга оқ кўз қилинади. Кўзmunчоклар болалар билагига, бешигига, кийимларига осилади, тикиб қўйилади, боғланади. Хотин-қизлар исирғасига бир-иккита кўзmunчок қўшиб така-дилар. Шахсий енгил машиналарга ҳам исирик, тумор, кўз-munчок осиб расм бўлган.

Християн динида Исо пайғамбарнинг бут-хочга миҳлаб ўлдирилиши ифодаланган, бут-хочга сифиниш кенг тарқалган.

**4) Шомонизм** - ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида пайдо бўлган қадимги диний эътиқодлардан биридир. Унинг ўзига хос хусусияти - кишилар орасида (ўё турли рухлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар (бизнинг маҳаллий шароитда шомонлар - бахшилар, фолбинлар, парихонлар, кўчирикчилар, дуохон, азойимхонлар деб аталади) қобилиятига ишонидир. Шомонларда касалли даволаш, одамлар қисматини қаромат қилиш, табиатда ҳоҳлаган ўзгаришлар қилиш каби мўъжизакор сирли қобилият бор, деб ўйлашган.

Сеҳргарлар магия, яъни афсунгарлик хатти-ҳаракатлари билан кишиларда руҳий кўтаринкилик ҳолатини юзга келтиришлари мумкин. Афсунгарлар одатлари ва дуолари ҳунар-қасбда, ҳарбий ишларда, қорвачилик, деҳқончилик, савло ишларида, тиббиётда кенг қўлланилган.

Шомон дўмбираси ёки бошқа мусикий асбобларда муножот куйлари, сирли дуолар, ғайриодатий рақс ҳаракатлари, турли расм-русумлар жазаваси туғиб, ҳолдан тойгунча бажарилади.

**5) Шомонизм билан магия-сеҳргарлик** жуда яқин бўлган динлар ҳисобланади. Магия диний психологиянинг ўзига хос амал қилиш бўлиб, бу дин сеҳр, афсун кучи билан инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатиш мақсадида бажариладиган сеҳргар хатти-ҳаракатидир.

Оила-никоҳга бағишланган кўпгина сеҳргарлик маросимлари, расм-русумлар ва одатлар мавжуд. Масалан, келин-куёв бошидан таиғалар, қанлар сочини, уларнинг оёғи остига оқ поёндоз солини, ширин чой ичириш, келиннинг оёғини куёв босиши ёки аксинча, келин куёв оёғини чакқонлик билан босиб олиши каби қизиқ одатларда келажакда оилавий ҳаётни яхши, ахл, ширин, бой-бадавлат бўлишига қўмаклашади деган мақсадлар кўзда тутилган.

Сеҳргарлик дини ҳозирги замонда ҳам фолбинлик шаклида; дам солиш, иситма-совутма, қайтарма қилиш, «илми-амал», «олдини бойлаш» каби шаклларда халқ орасида сақланмоқда.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Дин ва унинг моҳияти, диний эътиқод, дастлабки диний тасаввурлар, диний тушунчалар, динларни ўрганиш, илмий атеизм, дин афюн иборасининг моҳияти, диншунослик фани, диннинг жамиятдаги вазифалари, динлар тарихи, дин ижтимоий ҳодиса эканлиги, дин эволюцияси, деизм, пантеизм, диний қарашлар.

**ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Дин сўзининг моҳиятини изоҳланг.
2. Диний тасаввурларнинг пайдо бўлиш.
3. Диний эътиқод тушунчасини изоҳланг.
4. Илк диний эътиқодлар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари.
5. Диншунослик фанининг моҳияти ва унинг ўқитиш сабаблари.
6. Диннинг жамиятдаги вазифалари нималардан иборат?

## Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият энгилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. Ўзбекистон 1998
7. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
8. Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992 й.
9. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т.: Маънавият, 1993-1998й.
10. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.: Ёзувчи, 1996 й.
11. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001 й.
12. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
13. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
14. Отамурадов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
15. Туленов Ж. Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т. : Ўзбекистон 1996
16. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т. : Ўзбекистон, 2003.
18. Жўраев У. , Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи -Т. : Шарқ, 1998.
19. Мень А. История религии. –Брюссель, 1991.
20. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т. , 1995й.
21. Токарев С. А. Ранние формы религии. - М. : Политиздат, 1990.
22. Жабборов Исо. Жаҳолатдан-маърифатга –Т. : Ўқитувчи, 1979.
23. Диншунослик асослари. –Т. : Университет, 1995.
24. Диншунослик. Маърузалар матни. -Т. : 2003.

## 2-МАВЗУ: ҚАДИМГИ ДИНЛАР. ЗАРДУШТИЙЛИК.

### РЕЖА:

1. Қадимги Миср динлари.
2. Қадимги Юнон динлари.
3. Қадимги Рим динлари.
4. Зардуштийлик дини ва унинг моҳияти.

1. Қадимги Миср динлари *номларининг* раҳнамо-худоларига сиғинишга асосланган. Мил. ав. IV асрда қабилалар *номлар* деб аталган.

**Ном** худоларига сиғиниш жуда узок муддат давом этганлигига карамадан ўзининг қадимий хусусиятларини сақлаб қолган. Ҳар бир қабила ўз худосига ибодат қилиш, уни эъзозлаш билан бир қаторда ўша худо билан қандайдир жиҳат билан боғлиқ бўлган муайян ҳайвонни ҳам эъзозлаган ва унга сиғинган. Улар иккаласи ёки алоҳида-алоҳида шаклда ёхуд зооантропоморф, яъни одам-ҳайвон шаклида тасвирланган. Масалан, **Элефантинда** – қўйга, **Дендеряда** – сиғирга, **Сиутда** – чиябўрига, **Гермонолда** – ибис (лайлакка ўхшаш узун оёқли қўш) ва **павианга** (итгумшук маймун), **ал-Файюм водийсида** – тимсоҳга, **Бубастисда** эса мушукка сиғинганлар. **Жанубий Мисрнинг** қадимий бирлашишига асос бўлган **Нехенда** қалхат аёл худосига, унга яқин жойлашган **Нахабда** сув нилуфарига сиғинганлар. **Шимолий Миср** бирлашувиининг қадимий маркази **Бугода** муқаддас илонга, қўшни **Не жамоасида** асаларига сиғинганлар.

Кўрииб турибдики, Қадимги Миср динларида кўпроқ тотемистик унсурлар сақланиб қолган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Миср тотемизми қабилавий эмас, балки маҳаллий бўлган. Шунга қарамай, Африка этнографияси келтирган ишончли далиллар ҳайвонларни улуғлаш ва уларга сиғиниш одатлари аввал маълум бир қабила миқёсида бўлиб, кейинчалик муайян ҳудуд доирасини қамраб олганлигидан далолат беради.

Даярли барча маҳаллий раҳнамо-худоларга сиғиниш удумлари муқаддас ҳисобланган ҳайвонга одам шаклини бериш билан келиб чиққан. Масалан, мушук кейинчалик мушук бошли **Бастет** худосига, лочин – **Гор** худосига айланган. **Тотанинг** ибис бошли, **Анубиснинг** ит бошли, **Собекнинг** тимсоҳ бошли, **Сохметнинг** урғочи шер бошли, **Хатор** худосининг сиғир бошли қилиб тасвирланиши муқаддас ҳайвонларнинг кейинчалик ярим одам-ярим ҳайвон шаклига кирганидан дарак беради.

**Миср худолари орасида Нехсбт, Хатор, Нейт, Сохмет, Нефтида** каби қўш сонли аёл худоларининг мавжудлиги **Қадимги Мисрда** матриархал муносабатлар кучли бўлганлигининг оқибатидир.

Мисрнинг бирлашиш давридан аввалроқ бутун Мисрнинг умумий худолари култи вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Агар бирон-бир қабила Мисрнинг бирлаштирилишида асосий ўринни эгалласа, ўша қабиланин ҳудоси умумдават маъбудига айланган.

Мисрнинг умумий худолари орасида энг қадимийларидан бири лочин **Гор** худоси бўлиб, аввал унга **Иеракополь** ва **Эдфуда** сиғинганлар. Бу минтақадан чиққан **Горга** сиғинган подшоҳлар Мисрнинг илк бирлаштирувчилари бўлганлар (1-2-сулола; мил. ав. тўртинчи минг йилликнинг охири). Улар ўз қабилавий худоларини умуммиср қуёш худосига айлантirdилар. Мамлакат пойтахти **Мемфисга** қўчирилган вақтда (3-сулола; мил. ав. 3000 й. атрофи) Мисрнинг асосий расмий худоси **Птах** номли **Мемфис** худоси бўлиб қолди. Мил. ав. 2700 йиллар атрофида 5-сулола ҳокимият тепасига келган пайтда **Он** (**Синополь**) шаҳри билан боғлиқ бўлган **Атум** (**Ра**) худоси Мисрнинг олий худосига айланди. 11-12-сулолалар даврида (мил. ав. 2100-1800 й.) жуда ҳам машҳур бўлмаган **Амон** худоси умуммиср худоларининг асосийсига айланди ва оқинги олий худо **Ра** билан бирлашиб **Амон-Ра** шаклини олди.



Мамлакатнинг бирлаштирилиши натижасида маҳаллий худолар ҳам иккинчи даражали маъбудларга айланганлар. Гермополь худоси Тот (Ибис) олимлар ва қотиблар раҳнамосига, Снуг худоси Ануг нариги дунё ҳукмдорига, Латополиннинг аёл худоси уруш худосига, Коптос худоси Мин ажнабийлар раҳнамосига айланди ва х. к.

Қадимги Миср динлари гурухларидан бири халқ дехқончилик эътиқодлари ва маросимлари билан боғлиқ бўлган. Улар ҳақида маълумотлар нисбатан кам, чунки қадимги ёзма ёдгорликларда халқ динлари эмас, балки давлат динлари ҳақида хабар берилади. Бироқ давлат динларига ҳам халқ эътиқодлари ўз таъсирини кўрсатган. Бу таъсири расмий дин худолари тимсолида кўриш мумкин: серҳосиллик худоси аввалда Коптос худоси Мин, Фива худоси Амон, Элефантин худоси Хнум, Дельта аёл худоси Исида ва х. к. бўлган. Аммо халқнинг дехқончилик динлари асосий худоси Осирис бўлган.

**Қадимги Мисрда подшоҳлар – фиръавиларнинг илоҳийлаштирилиши** ҳолатларини кузатиш мумкин. Мамлакатни бирлаштирган Гор худосига сиғинган қадимий подшоҳлар ўзларини худоларнинг паноҳида деб ҳисоблаганлар ва ҳатто ўзларини унинг номи билан атаганлар. 5-сулола давридан бошлаб, фиръави қуёш худоси Раннинг ўғли деб саналадиган бўлди. Подшоҳларни худонинг ўғли деб билиш милонинг бошларигача давом этган. Подшоҳнинг ўзи асосий диний маросимларни шахсан ижро қилган; ибодатхоналарга асос солган, унинг ёлғиз ўзи худога аталган қурбонликларни адо этган. Рухонийлар фанатгина подшоҳ номидангина иш юритганлар. Фуқаролар унинг ҳузурда ер ўпиб таъзим қилганлар, подшоҳ номини айтиш тақиқланган, диний рамзларда унинг сурати акс эттирилган. Буларнинг ҳаммаси подшоҳ насабининг худога тегишли деб эътиқод қилинганидан дарак беради.

Қадимги Мисрда жасадларнинг мумиёланиши ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишончдан дарак беради. Қадимги мисрликлар эътиқодларига кўра, одам ўлиши билан унинг жасадидан унинг номи (*рен*), руҳи (*ба*), жони (*ка*) чиқиб кетади. *Ка* - инсоннинг жони жасаднинг тақдири билан боғлиқ ҳисобланган. *Ка* ўлмас эмас, агар жасад керакли анжомлар билан қўшиб дафн этилмаса, ка очлик ва чанқоқдан ўлиши мумкин. Агар турли сеҳрли дуолар ёзиб қўйилмаса, *кани* нариги дунёдаги махлуклар еб қўйиши мумкин. Жасад яхшилаб мумиёланиб, узок сакланса ёки ҳеч бўлмаса, унинг устихони қанча узок сакланса, руҳи ҳам шунча узок яшайди.

Мисрликларнинг эсхатологик тасаввурларига кўра, олий насаб, бой кишилар ўлгандан кейин нариги дунёда фаровон ҳаёт кечирадилар. Ушбу тасаввурлар ҳақида 6-сулола вақиллари сағаналарида акс эттирилган суратлар хабар беради. Бу каби фаровон ҳаётга, уларнинг фикрларича, бу дунёда фаровон ҳаёт кечирганлар етишганлар ёки бундай ҳаётга сеҳр-жоду билан эришиш мумкин бўлган. Мисрнинг қадимги эътиқодларида ўлганлар раҳнамолари бўлган худолар ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлган.

Ўрта подшоҳлик даврида ўлганлар руҳлари устидан ҳукм чиқариш ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Бу таълимотлар пирамидалар матнларида

учрамайди. Улар Осирис худосини рухлар устидан ҳукм қилувчи ҳудо сифатида таърифлаганлар.

Қадимги Миср динлари тарихида сеҳр-жоду катта ўринни эгаллаган. Бизгача етиб келган ёзма ва тасвирий манбалар, ашёвий далиллар халқ ҳаётининг турли соҳаларида Миср тарихининг барча босқичларида сеҳргарликдан кенг фойдаланилганлигидан далилат беради. Жумладан, тиббиёт билан боғлиқ даволаш-химоялаш сеҳргарлиги бунга яққол мисолдир. Миср тиббиёти, хусусан, доринишонлиги нисбатан юқори ўринда турган ва уларнинг бarchаси сеҳргарлик тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Эберс папируси (12-сулола даври, мил. ав. 2000 й.) номини олган тиббиётта оид нисбатан илмий асар-ла ҳам дорилар таркиби ҳақида ёзила туриб, улар орасида бир қатор касалликни кетказувчи сеҳрли сўзлар ҳам берилган. Бошқа тиббий асарларда эса сеҳргарлик янада кўпроқ учрайди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тиббиёт руҳонийлар қўлида бўлган. Ундан ташқари, об-ҳаво сеҳргарлиги ҳам амалда кўп қўлланган. Мана шундай маросимлардан бири Раининг душмани Анопта қарши Фива ибодатхонаси руҳонийлари доим куёш порлаб туриши учун ҳар кун сеҳргарлик маросимларини ўтказар эдилар. Шунингдек, душманга зарар етказиш сеҳргарлиги мавжуд эди. Бунда душман нимсолига қарата зарар етказувчи дуолар ўқилар эди. Шу билан бирга, юқорида зикр этилганидек, ўлганларнинг руҳи нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаши учун ўтказиладиган сеҳргарлик маросимлари ҳам бўлган.

Миср диний ҳаётида, айниқса, кейинги даврда руҳонийлик катта аҳамиятга эга бўлган. Аввал бошда бундай мансаб бўлмаган. Қадимий подшоҳлик даврида руҳонийлар жуда кам бўлган. Диний маросимларни асосан дунёвий кишилар – ҳокимлар, оксоколлар, марказда эса фиръавнлар амалга оширган. Руҳонийлар эса мазкур бошлиқлар номидан иш юритганлар. Руҳонийлар орасида фақатгина Мемфис худоси Птах, Гелиополь худоси Ра ибодатхонаси руҳонийларигина нуфузли мавқега эга бўлганлар.

Миср аҳолисининг миллий хиссиётлари кучайган ва подшоҳликнинг заифланган даврида (мил. ав. 1700-1570 й.) руҳонийларнинг обрўси ошди. Кейинчалик руҳонийлик авлоддан-авлодга мерос тарзида ўтadиган бўлди.

19-20-сулолалар даврига келиб (мил. ав. XIV – XI асрлар) нуфузи пасайиб қолган фиръавнлар руҳонийлар ёрдамисиз иш юрита олмаст эдилар. Шунинг учун ҳам руҳонийларга катта-катта ер-мулклар берар эдилар.

Миср ҳаётининг мафкуравий соҳасини ўз қўлига олган руҳонийлар мамлакат ижтимоий ҳаётида сезиларли таъсирга эга эдилар.

**Юнонистон.** Қадимги юнон динлари ҳақида маълумот берувчи манбалар кўп, улар ичида қадимги юнон дostonлари ҳамда юнон файласуфларининг бизгача етиб келган асарлари яхши манба бўлиб хизмат қилади.

Қадимги юнонлар ҳайвонлар тимсоолларини илоҳийлаштирганлар. Бунда ҳўкиз тимсоли биринчи ўринда бўлиб, ҳўкиз суратлари қадимги юнон тасвирларида тез-тез учраб туради. Шунингдек, юнонлар илон тимсолини, яна бир қатор ҳайвон ва қушларни илоҳийлаштирганлар. Демак, айтиш мумкинки, қадимги юнонларда тотемистик тушунчалар кенг тарқалган.

Қадимги юнонларда одам шаклидаги худо тимсоллари кўп учрайди ва ушбу худолар кўпинча аёл тимсолида бўлади. Масалан, шундай тасвирлардан бирида бир аёлнинг икки кўлини осмонга кўтариб турган итнинг олдида кўллари юкори кўтарган ҳолда тургани тасвирланган.

Ғилдираксимон шакллар ёрдамида қуёш ва ой тимсолларига ишора қилганлар ва бунинг билан уларни ҳам илохийлаштирганлар. Тошларда баъзи дарактларда илохий куч мавжуд деб ҳисоблаганлар, горлар ва унгулларга эса ўлимдан кейинги ҳаёт ҳамда турли маросимларга боғлаб диний тус берганлар.

Қадимги юнон динида тотемизм сингари илк диний тасаввурларнинг баъзи белгилари сезилиб туради: *мирмаданлар*нинг чумолидан таркаганлиги ҳақидаги афсона ёхуд илоноёк Кекропнинг Афина асосчиси эканлиги ҳақидаги афсоналар шунга асос бўла олади.

Яна қадимги овчилик анъаналарига оид маросимлар ва сеҳргарлик расм-русумлари об-хаво билан боғлиқ бўлган. Масалан, Мефанах (Коринфика) шаҳрида жазирама иссиқ шамолларни ҳайдаш учун икки киши бир оқ хўрозни иккига бўлиб, қўлга кўтариб тоқзор атрофида ҳар томонга югурганлар. Ёхуд шунга ўхшаш ёмғир чакириш ҳам алоҳида маросимни талаб этган.

**Юнонлар динининг мана шу қадимги шаклида табиатни ўраб турган турли-туман майда рухлар: сув рухлари, ўрмон илохлари, наяд, дриад, тоғ рухларига ишониш асосий ўрин тутган.**

Ушбу халқларда илдизи қадим ўтмишга бориб тақаладиган ёмонлик келтирувчи сеҳрга ишонч мавжуд бўлган. Бунда ер остидаги қора кучлар ҳақидаги тасаввурлар назарда тутилади. Улардан қаҳрли Геката биринчи ўринда турган. Агар одамлар бирон кимсани душман тутиб йўқ қилмоқчи бўлсалар, шу худолар исмини тилга олиб лаънатлаганлар. Лаънат юбориш ва дуоибад қилишнинг ҳам ўзига хос расм-русумлари бўлган, бироқ бундай ёвуз сеҳргарлик у қадар аҳамиятга эга саналмаган. Юнонлар сеҳрдан кенг фойдаланганлар. Беморларни даволаш, касалликнинг муолажасида ҳам табобат билан боғлиқ урф-одатлар узок сақланган. Тарихан жуда ҳам қадим-қадимларга бориб тақаладиган юнон эътиқодларидан бири – бу ўлим ва ундан кейинги ҳолат ҳақидаги тасаввурлардир. Юнонлар одатига кўра, ўлган киши танасини ерга кўмишган ёки сағанада сақланган. Уларнинг фикрича, ўлган руҳи ер ости макони – Аидада тупланади. Инсон қандай ҳаёт кечирган бўлишидан қатъи назар, хоҳ у кўркмас аскар бўлсин, хоҳ деҳқон, барча бирдек мана шу Аида деб аталган жойда оғир машаққатларга йўлиқади. Шунинг учун ҳам юнонлар бу кийинчиликлар гирдобига тушадиган марҳумни сўнги йўлга кузатиш маросимини ўзларига бурч деб билганлар ва катта эътибор билан амалга оширганлар. Юнонлар, гарчи ўлимдан унчалик кўркмаган бўлсалар-да, инсоннинг ўлимидан кейинги тақдирини ўйлаб дафн этилмай итлар ёки бирон бошқа йирткичларга ем бўлишини ниҳоятда катта фожиа санаганлар. Улар марҳумлар озик-овкатга муҳтож бўладилар деб, уларга махсус озикалар ҳозирлашган.

Юнон диний карашларининг яна бир ўзига хос жиҳати – аслзода қаҳрамонларни илохийлаштириш. Халқ қаҳрамонларига ишончининг шаклланиши бироқ кечроқ бўлган. Бундай ишончининг юзага келишига

худоларга бўлган ишончнинг пасайиши сабаб килиб кўрсатилади. Илк кўринишида алохида уруғнинг мадалкор рухлари, бошлангич аждоллари қахрамон сифатида талкин қилинган. Аслзода хонадонларнинг алохида ажратилиши билан уларнинг илк аждоллари ҳам улуғлана бошлади. Эътиборли ва кучли хонадонларнинг аждоллари номи бошқаларникидан юқори қўйилиб, уни улуғловчи ва унга сифинувчилар сони ҳам ортиб борган. **Шу тарика Геракл, Иффикал, Иврином, Бореа, Эрога каби қахрамонлардан иборат худолар иантеони вужудга келди.**

Геракл бутун юнон ўлкасида машхур қахрамон тимсоли бўлиб, уни қуёш худоси деб билганлар. Аммо баъзи тадқиқотчилар уни тарихий шахс деб ҳисоблайдилар, яъни Геракл тимсоли халқ қахрамони шахсининг афсонавийлаштириб юборилган кўринишидир. У дорийлар қабиласига мансуб Гераклидлар сулоласининг бобокалони ҳисобланади. Дорийлар томонидан Пелопоннессанинг катта қисмини босиб олинишига сабаб бўлган «Гераклидлар юриши» мил. ав. XII – XI асрларда бўлган тарихий воқеадир. Гераклнинг мана шу юришлар давомида кўрсатган қахрамонликлари унинг бутун Юнонистон бўйлаб машхур бўлишига ва у ҳақда кўплаб афсоналар тўқилишига олиб келди: унинг ҳатто осмонга кўтарилиб кетгани ва Эллада худоларидан бирига айлангани ҳақида афсона тарқалди. Гераклнинг ўгли Фест сикионликларни ўз отасини қахрамон сифатида эмас, худо сифатида улуғлашга мажбур қилди.

Бундан ташқари, жойларда эътиборли оилалар жамиятда кенг тарқалиб улгурган маросимларни қўлларига ушлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Афинада Эрехтей, Бута каби қахрамонлар култи зодагон Буталлар хонадони қўлида бўлган.

Қадимги юнон худолари маҳаллий ва умумий худолар тоифасига бўлинади. Маҳаллий худоларга ўзаро урушларда ёрдам беради, деб эътикод қилинган бўлса, умумий худолар ташқи душманга қарши курашларда ёрдам беради деб ишонилган. Юнонистонда алохида шаҳарларнинг ўз худолари бўлганлиги бу мамлакатнинг сиёсий таркоклигидан хабар беради. Гомер даврида юнонларнинг маданий жамоаси умумнон худолари ҳисобланмиш Олимпия худоларига ибодат қилиши билан ажралиб турар эди. Олимпия улуғ худолари пантеонининг келиб чиқиш масаласи жуда мураккаб. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, баъзилари Эллада давридан аввалги худоларнинг юнонлар томонидан ўзлаштириб олинганидир.

Уларнинг энг улуғи Зевснинг хотини Гера ҳисобланган. У Микеннинг қадимий ҳомийси сигир-худо кўринишидадир. Иккинчиси **Посейдон- Пелопоннессада қадимий денгиз худоси бўлиб, унга соҳилдаги базиқчилар сифинишган.**

Афина ҳам Олимпия худоларидан бўлиб, шаҳарлар ва қўргонлар ҳомийси ҳисобланган. Унинг «Афина худоси», «Афиналик аёл», «Паллада», «Полиада» каби элликка яқин сифатлари бўлиб, ўз даврида Юнонистоннинг энг олий худоларидан бири бўлган. «Эллада тавсифи» китобида унга атаб 73 та ибодатхона, зиёратгоҳлар қурилгани эслатилади. Бу жиҳатдан Афина **Аргемидадан кейинги ўринда** турар эди. Қадимги афсоналарга қўра Афина жанговар худо сифатида тўла қуролланган ҳолда тасвирланган. Шунингдек,

унинг образида тотемистик жиҳатлар ҳам сақланиб қолган. У гоҳо бойқуш, гоҳо илон, гоҳида эса зайтун дарахти тимсолларида тасаввур қилинган.

**Артемида** юнон худолари орасида буюқларидан ҳисобланар эди. Энг кўп ибодатхона ва муқаддас қаламжолар унга атаб қурилган. Қадимий афсоналар ва турли тасвирларда Артемида овчи киз шаклида тасвирланган.

Энг кўп тасвирланган **Аполлон** тимсоли ўта мураккаб ва ноаниқ образдир. У Зевс ва Летонинг ўгли, Артемиданинг акаси ҳисобланади. Аполлон сўзининг маъноси баъзида «ҳалок қилувчи», баъзида «чорва раҳнамоси» сифатида талкин қилинган.

Зевс эса «худодар ва одамлар» отаси ҳисобланган. Унда элликка маҳаллий худоларнинг сифатлари жамланган бўлиб, улар Зевснинг сифатлари ўларок сақланган. Зевс ҳақидаги афсоналар кўпроқ Крит ва Фессалияда тарқалган. Зевс исми «ёғдули осмон» маъносини билдиради.

Булардан ташқари, юнонлар **Асклепий, Пан, Афродита, Арес, Гефест, Гестия, Ҳермес** каби худоларга сиғинганлар.

**3. Қадимги Римликлар диний эътиқоди.** Қадимги замонларда Италия аҳолиси ҳам юнонлар сингари кўп худолик эътиқодига эга бўлиб, турли нарсаларга сиғинганлар. Улар осмон, сув худоларини ва маъбудаларини жуда ҳурмат қилишган. Италиянинг атрофи сув билан ўраб олинган эди. Италиядаги қабилалар, хусусан этрусклар денгизда кўп сузишлари натижасида даҳшатли бўронларни, бўронлар оқибатида ҳосил бўлган даҳшат ва ажал келтирувчи денгиз тўлкинларини кўп маротаба қузатганлар. Табиатдаги кўп нарса ва ҳодисаларни сабаблари, сир-асрорлари қадимги римликларга маълум бўлмаган. Шу туфайли улар бу нарсаларда қандайдир илохий куч бор деб ўша нарсаларга сиғиниб талпинганлар. Римликларнинг илк эътиқодида ибтидоий дин шакллари узоқ давом этган. Этрусклар эътиқодига кўра, уларда **Юпитер, Юнона, Минерва, Марс** каби ўз худолари бўлган. Бош худо **Юпитер** бўлиб, **Минерва донишмандлик, Марс эса Рим ҳомийси** ва уруш худоси ҳисобланган. Италияда юнон худоларига сиғиниш кенг қулоч ёйган эди. Чунки милоддан аввалги II-минг йиллик ўрталаридаёқ юнонлар Сицилия ва Жанубий Италияга келиб ўрнаша бошлаганлар. Шундан бошлаб, юнон маданияти ва диний эътиқоди Италия маданияти ва динига кучли таъсир этган. Шу боисдан Италияда юнон худоларига сиғиниш жуда авж олган. Италияликлар юнон худоларини ўзларининг қадимги худоларига қиёс қилганлар. Улар **Юпитерни Зевсга, Юнонани Герага, Венерани Афродитага, Дианани Артемидани, Минервани Афинага** ва **Вулканини Гефестга ўхшатганлар. Рим салтанати кучайган вақтда** унинг мулклари шимода бутун Ғарбий Европани-Британиягача, жанубда Шимолий Африка, шарқда Македония, Юнонистон, Парфиягача бўлган худоларга чўзилган эди. Бу жойларда турли қабилалар ва элатлар яшаганлар. Уларнинг диний эътиқоди ҳар хил бўлганки, салтанатда кўпхудолик эътиқодининг мавжудлиги шундан келиб чиқали.

### **ЗАРДУШТИЙЛИК**

**Вужудга келиши.** Зардуштийлик мил. ав. II-I минг йилликларда Марказий Осиёда вужудга келган диндир. Зардуштийлик таълимотига кўра, бу



дин ваҳдӣ орқали нозил бўлган. У инсониятга бошқа барча динларга нисбатан бевосита ва билвосита энг кўп таъсир ўтказган диндир. Инсоният тарихида ҳар бир киши устидан илоҳий ҳукм амалга оширилиши, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат-қойим, унда таналарнинг қайта тирилиши, тана ва руҳ қайта бирлашиб мангу яшаши ҳақида биринчи бор шу дин доирасида фикр юритилди. Кейинги асрларда бу ғоялар яҳудийлик, христианлик ва бошқа динлар тарафидан ўзлаштирилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу дин пайдо бўлган давр ва унинг ватани – ҳали фанда охиригача тўлиқ счилган масалалар эмас. **Зардуштийлик дини Зардунг номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай агаб келинади. Аслида эса у мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш Авестода «Маздаясна» дини деб аталган. Бу сўзни «Маздага сиғнимок» деб таржима қилиш мумкин. «Мазда» сўзи «дониш, донишманд, оқил» каби талқин этилади.**

**Зардуштийлик яна «Бехдин», яъни «Энг яхши дин» деб ҳам улуғланган.** Унинг таълимотига кўра, барча эзгу борлик Мазданинг иродаси билан яратилган. «Мазда» сўзи олдига улуғлаш маъносини англатувчи «Ахура» қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳиёти – Ахура-Мазда номи пайдо бўлган. Бу – «Жаноб Мазда» ёки «Илоҳ» демакдир.

**Зардушт номи тадқиқотларда Заратуштра, Зардуст, Зороастр** кўринишларида ҳам ишлатилади. Тадқиқотчилар ўртасида Зардуштнинг тарихида бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билсалар, бошқалар афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у тахминан мил. ав. 1200-570 йиллар орасида яшаган илоҳиётчи, файласуф, шоирдир. Тадқиқотчи М. Бойс таъкидлашича, у мил. ав. 1500-1200 йиллар орасида яшаган. Зардушт Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган кўпхудоликка негизланган қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилиб, янги динга асос солди.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жой хусусида ники хил қараш бор.

Биринчиси – «Ғарб назарияси» бўлиб, унга кўра Мидья (ҳозирги Эрон худудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили шуки, биринчидан, зардуштийликнинг Қадимги Эрон худудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан, зардуштийликнинг муқаддас китоби саналмиш Авестога кейин ёзилган шарҳларнинг қадимий эрон-пахлавий тилида бўлганлигидир. Ўлибордан чикармаслик керакки, зардуштийлик уч буюк Эрон империяси – Аҳамонийлар, Аршакийлар ва Сосонийлар даврларида яъни мил. ав. VI асрдан то мил. VII асригача кетма-кет айнан Яқин ва Урта Шарқда давлат дини мақомида бўлган.

Иккинчиси, «Шарқ назарияси» бўлиб, унга кўра, Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Ҳоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбаҳунослар иккинчи назария тарафдорларидирлар.

**Зардуштийлик таълимоти.** Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга (Марказий Осиё қадимги аҳолисининг «эски дини»га) нисбатан

монотеистик таълимотдир. У беҳуда кон тўқувчи қурбонликлар, харбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечирishiга, меҳнатга, техкончилиқ, қорвачилиқ билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга урниниши ёвузликка қарши қураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўрик ер олиб, уни боғу ронга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди. Аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш ишпоотларини бузганлар қатта гуноҳга қоладилар. Зардушт инсонларга тиш-тотув яшанини, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. Бунга кўра инсоннинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша абалдий роҳат – жаннатга ёки ёмон ишлари қўп бўлса, на хурсандлик ва на ҳафалиқ кўрмайдиган аросат жой – *мисвоғатута* тушади.

Зардуштийлик негизида оламнинг қарама-қаршилиқлар қураши асосига қурилгани туради: **яхшиллик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абалдий қураш давом этади. Барча яхшилиқларни Ахура-Мазда ва барча ёмонликларни Ахураманя (ёки Аҳриман) ифодалайди.**

Ахура-Мазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб уларга амал қилишни буюради, ёмон ишлардан сақланишга ҳақиради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзининг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, поклашиб, куёшга қараб, уни олқишлаб сўзиниши шарт.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дафн маросими ўзига ҳос бўлиб, ўлганлар бир неча паст, баланд «сукут миноралари» – *дахмаларга* солинади, у ерда мурдаларнинг гўштларини қушлар еб, суякларини тозалайди. Гўштдан тозаланган суяклар маҳсус сопол идишларга солиниб, минора ўртасидаги қудуқка сочиб юборилади. Бунда *поқлик* билан *нопоқликнинг* бир-бирига яқинлашмаслигига эришилади.

Зардуштийлик дини дунёдаги энг қадимий динлардан бири ҳисобланиб, мил. ав. XII – VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари унга эътиқод қилганлар. Эронда Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида унинг муқаддас китоби Авесто руҳонийлар томонидан оғзаки ривоятдан йиғилиб, биринчи марта китоб шаклига келтирилган. Айрим қисмларига, айниқса, «Видевдат» бўлимига ўзгартиришлар киритилиб, қайта ишланган.

VIII асрда Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиб кенг тарқалғунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган. Бунга жумладан, археологик тадқиқотлар исботлайди.

Ҳозирги кунда зардуштийликка эътиқод қилувчи диний жамоалар мавжуд. Улар Ҳиндистоннинг Мумбай (Бомбей), Гужарот штатларида 115 миң кишига яқин), Покистон, Шри Ланка, Буюк Британия, Канада, АҚШ, Австралия ва Эроннинг (Техронда 19 миң кишидан ортиқ) баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолган. Эрон Ислом Республикасида зардуштийлик динига эътиқод

килиш конун томонидан рухсат этилган. Мумбайда зардуштийларнинг маданий маркази Кома номидаги институт фаолият олиб боради. Ундан ташқари Мумбайда хомий Дхалла раислигида дунё зардуштийлари маданияти фонди ишлаб турибди. 1960 йилда зардуштийларнинг I умумжаҳон конгресси Гехронда ўтказилди. Кейинги конгресслар Бомбейда ўтказилди.

**Авесто.** Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. У Апастак, Овисто, Овусто, Абасто, Авасто каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг иеломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбалар. Унинг таркибидаги материаллар қарийб икки минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки тарзда узатилиб келинган.

Зардуштийлик дини расмий тус олгунига қадар Авестонинг бўлаклари Гурон ва Эрон замини халқлари орасида тарқалган. Ушбу – Ахура-Мазданинг Зардушт орқали юборилган илоҳий хабарлари деб ҳисобланган бўлақлар турли диний дуолар, мадҳиялар сифатида йиғила бошланган. Булар Зардуштнинг ўлимидан кейин китоб ҳолида жамланган ва «Авесто» – «Ўрнатилган, қатъий килиб белгиланган конун-қоидалар» деб ном олган. Бошқа манбаларда «Авесто» сўзи қадимги пахлавий тилидаги апастак, абастав, сўзларидан олинган бўлиб, асос, дастур, баёнот, сизиниш маъноларини ифодалайди (Гафуров. Б. Ғ. Тажик. М. "Наука", 1976. 65-бет).

Авесто ҳақида Абу Райҳон Беруний (ваф. 1048 й.) шундай ёзди: «Пилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро ҳазинасида [Абистонинг] 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нуҳаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Авестонинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилгани, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини қуйдиртириб юборгани, 12 минг қорамол терисига тилло матн ҳақида (ат-Табарийда – 12000 пергамент) кейинги даврларда яратилган зардуштийлик адабиётида («Бундахишн», «Шаҳрхон Эрон», «Динкарл»; IX аср. «Арда Вираф-намак»; IX аср. «Тансар хатлари», ал-Масъудийнинг «Муруж аз-заҳаб», «Форснома» ва бошқаларда) маълумотлар бор. Бу асарларда юнонлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-тарож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган Авесто. Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У «Авесто 30 *наск*» эди, мажусийлар (зардуштийлар) қўлида 12 *наск* чамаси қолди» деб ёзган.

Ёзма манбаларга қўра, ҳақиқатан ҳам Авестони *мўбадлар* авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга олиб ўтиб, асрлар оша сақлаганлар. Бунинг сабаби *мўбадлар* мағлуб халқлар (Яқин ва Шарқ халқлари) ёзувини ҳаром ҳисоблаб, *муқаддас хабарни* унда ифодалашга узок вақт журъат этмаганлар. Даставвал (мил. I ёки II асрларида), Аршакийлар даврида Авесто қисмларини тўплаш

бошланган. Кейинчалик Сосоний Ардашир Бобакон (227-243) даврида, айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, таъбат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олинди, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, сўнг бу асосий маъна тўлдириб берилган. Авестонинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлик кўлемаси Хиндистонда сақланади – бири Мумбайда зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги ибодатхонада, иккинчиси – Калькуттадаги давлат кутубхонасида.

Авестонинг энг қадимий қисмларида Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида маълумот берилган. Унда айтилишича, «бу мамлакатнинг кўп соғли лашкарларини ботир саркарларлар бошқардилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса мухайё, сувга мўл, чуқур кўллари, кенг киргюкли ва кема юрар дарёлари ўз тўлкинларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харайна (Аррея), Гава (суғдлар яшайдиган юрт), Хваразм (Хоразм) мамлакатлари томон элтувчи дарёлари бор».

Шубҳасиз, «кенг киргюкли, кема юрар дарёлар» бу Амударё ва Сирдарё бўлиб, Авесто тасвирлаган мазкур шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарларининг бу икки дарё киргюкларидан жойлашганларидир.

Авестонинг «Ясно» китобида баён этилишича, Зардуштнинг ватандошлари унга ишонмай, унинг таълимотини қабул қилмаганлар. Зардушт ватанини тарк этиб, қўшни давлатга кетди, у ернинг малikasi Хутаоса ва шох Кави Виштаспанинг хайрихоҳлигига эришди. Улар Зардушт таълимотини қабул қилдилар. Натижада қўшни давлат билан уруш бошланиб, Виштаспа ғалаба қозонади. Шундан сўнг бу таълимот халқлар ўртасида кенг тарқала бошлаган. Кейинги давр ривоятига кўра, Шох Кави Виштаспа фармони билан Авесто китоби ўн икки минг мол терисига ёзиб олинди, оташкадага топширилган.

**Авестонинг таркибий қисмлари.** Авесто зардуштийлик муқаддас китобларининг мажмуидир. У – мураккаб тўнлам. Авестонинг сақланиб қолган тўртта китобидан **биринчисининг** номи «Видевдат» (ви-дасводатам – «Девларга қарши қону») деб аталади. Ушбу китоб Авестонинг сақланиб қолган китоблари орасида энг муқаммали ҳисобланади. У йигирма икки боб бўлиб, боблари *фрагарад* деб номланган. *Фрагарад*ларнинг маъноси, вазифаси, услубий тузилиши турлича: биринчи *фрагарад* – одамлар яшайдиган барча юртларни Ахура-Мазда қандай яратгани тўғрисида бўлиб, улар орасида Хоразм, Суғд, Марғиёна, Бахди (Балх) ва бошқалар бор; иккинчи *фрагарад*да Жамшид подшолиги – касаллик, ўлим, азоб-укубатлар бўлмаган замон ҳақида, яъни инсониятнинг олтин асри ҳақида гап борали; учинчи *фрагарад* дехқончиликнинг савобли шарофатлари ва х. к. ҳақида. Шунингдек, Видевдатнинг бошқа *фрагарадларидан* Зардушт билан Ахура-Мазданинг савол-жавоблари ва мулоқотлари ҳам ўрин олган.

**Иккинчи китоб** «Ясно» деб аталиб, Авестонинг эътиборли бўлими саналади. Ясно – *яз* ўзагидан бўлиб, «сажда, топинч, намоз» маъноларини ифодалайди. Ясно 72 бобдан иборат бўлган. Боблари *хд* *хлитий* деб аталган. Хар бир *хд* зарур ўринга қараб маросимларда, ибодатларда қоҳинлар томонидан ўқилган, қавмлар унга эрганиб ибодат қилганлар. Ясно китоби (*яск*) таркибига

Зардушт ўзи ижод қилган тарғибот шеърлари ҳам қирган. Улар Яснанинг 28-34, 43-46, 47-50, 51, 53-жами бўлиб, 17 та ҳасини ташкил қилади. Зардушт шеърлари илмий адабиётда *гаталар* деб атаб келинади. *Ҳа* – «башорат» маъқидир. Яснанинг 35-42-ҳалари айникса, юксак кадрланган. Бу етти *ҳа Ҳантанхати Ясно* – «Етти боб Ясно» деб номланган. Улар орасида оловнинг муқаддаслиги ҳақида боб бўлиб, зардуштийлик урф-одатлари орасида оловга эътиқод қилиш, диннинг эса «оташпарасглик» деб аталиши шунга боғлиқ. Бинобарин, олов Ахура-Мазда нурунинг қуёшда намоёнлиги ва унинг ердаги зарраси деб ҳисобланган. Олий ҳақиқат *Арма* ҳам оловда ўз ифодасини топган. Олов ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб берган. Ёлғон эса чин эътиқодга хиёнат деб қораланган. *Арма* сўзи фонетик ўзгариб, дастлаб *атар*, ҳозир эса *оташ* шаклида ишлатилиб келмоқда.

**Учинчи китоб** «Виснарад» деб номланган. У 24 бобдан ташкил топган ва ҳар бир боб алоҳида *карда* деб аталиб, маъбудлар шаънига ўқилган дуолар ва ибодат устида уларга мурожаатлар ҳамда оламни билишга доир панд-насихатлардан иборатдир. Уни ибодат намозлари йиғиндиси ҳам дейишади. Айни пайтда у Яснага қўшимча ҳисобланади.

**Тўртинчи китоб** «Яшт» (гимн) деб аталади. У Авестонинг энг қадимий қатлами бўлиб, 22 бобдан иборат. Ҳар бир боб Ахура-Маздадан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат.

Авестонинг бизгача етиб келмаган китобларидан баъзи қисмлари унинг ингма парчалар тўплами «Хурд Авесто» китобида жамланган. Масалан, Орпатастан китобидан *мубадлар* (қоҳинлар) учун қонун-қоидалар, диний бошқарув тизимига ҳос маълумотларга оид қисмлари, Нирангастан – диний-мавсумий, ижтимоий маросимлар тартиб-қоидалари қисми, 20-*наскда* жоннинг у дунёдаги аҳволи ҳақидаги қисми ва бошқалар шу китобда сақланган.

Авесто ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид «Динкард» (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг 21 китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар савобли ишлар йўриқномаси; диний маросимлар ва расм-русумлар қондаси; зардуштийлик таълимоти асослари; дунёнинг Ахура-Мазда томонидан яратилиши; охират қуни ва ундаги ҳисоб-китоб; фалақий; ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар; Зардуштнинг туғилиши ва болалиги; ҳақ йўлини тутиш; жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари; девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

Зардуштийлик дини ҳақида француз олими Анкетиль-Дюперрон жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Масалан, Анкетиль-Дюперрон 1755 йилда Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштийлар орасида уч йил яшаган, уларнинг ибодатлари, урф-одатларини яхши ўрганган ва Авестони француз тилига таржима қилган. Уч жилдлик таржима 1771 йилда нашр этилган. Зардуштийликни ўрганиш ҳозирги кунларда ҳам фаол олиб борилмоқда. Таъқидлаш керакки, бу соҳадаги тадқиқотлар Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки миллий кадриятлар ва кўп қатламли диний тажрибада мазкур диннинг тугган ўрни бекиёсдир.



**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Қадимги Миср динлари, номлар, фиръавнлар, қадимги юнондинлари, монотеизм, политеизм, Зардуштийликтаълимоти, "Авесто" ва унинг таркибий қисмлари, оташпарастлик, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал, қадимги диний таълимотлар аҳамияти.

**ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Қадимги Мисрдаги илк диний эътиқодларни санаб ўтинг?
2. Илк диний эътиқодлар қандай ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ эди?
3. Фиръавнларга эътиқод қилиш қандай аҳамиятга эга эди?
4. Қадимги Юнон динлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эди?
5. Монотеистик ва политеистик динлар тушунчаси.
6. Зардуштийлик диний таълимоти ва унинг ўзига хос хусусиятлари?
7. "Авесто" ва унинг таркибий қисмлари.

**Ўтилган мавзу бўйича саволлар:**

1. Қадимги Миср ва Юнонистон маданиятлари тарқалган ҳудудлар қайси?
2. Қадимги Миср динига хос қайси хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
3. Қадимги юнон пантеонини тавсифлаб беринг.
4. Қадимги Миср ва Юнонистон динлари ўртасида қандай алоқадорлик бор?
5. Фиръавн шахси қайси йўллар билан илоҳийлаштирилган?
6. Зардуштнинг ватани қаерда?
7. Зардуштийлик қандай даврда юзага келди?
8. Зардуштийликнинг муқаддас китоби нима?
9. Ҳозирги пайтда зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар қаерларда мавжуд?
10. Зардуштийлик таълимоти асослари нималардан ташкил топган?
11. Зардуштийлик амалиёти нималардан иборат?
12. Зардуштий дафн маросимлари қандай?
13. Етти пок ва етти нопок унсурлар қайсилар?

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.: 1999
3. Каримов И. А. "Юксак маънавият- енгилмас куч". Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994

6. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015 й.
7. Куръони Карим. Т.; Чўлпон, 1992 й.
8. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т.; Маънавият, 1993-1998й.
9. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.; Ёзувчи, 1996 й.
10. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.; Адолат, 2001 й.
11. Маънавият қолдузлари. А. Қодирий помидаги халқ мероси парриёти. Т. 1999
12. Темур тузуқлари. Т. Камалак. 1996
13. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
14. Туленов Ж. Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.: Ўзбекистон 1996
15. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996
16. Асрларга тенг йиллар. Т.: 2001.
17. «Авесто» китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзудаги илмий-амалий семинар материаллари. Т., 2000.

### 3-МАВЗУ: МИЛЛИЙ ДИНЛАР: ЯХУДИЙЛИК.

#### РЕЖА:

1. Яхудийлик динининг пайдо бўлиши ва таълимоти.
2. Гаврот манбалари.
3. Яхудий динидаги асосий оқимлар.
4. Яхудий динининг маросим ва байрамлари.

1. Ўрта денгизнинг шарқий қирғоқларига жойлашган қадимги Иудея ва Фаластин давлатлари территорияларида араб ва яхудий қабилалари авлодлари истиқомат қилишди.

Иудаизм аввал яхудий қабилаларининг энг кучлиси бўлган Иуда қабиласининг политеистик дини бўлган. Иудаизм -қадимги динлардан бўлиб, эрамиздан олдинги XIII асрда яхудийларнинг миллий дини сифатида вужудга келди. Иудаизм ўзининг асосий ақидаларини бевосита ўша даврда мавжуд бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм, сехргарлик ва политеистик динларнинг қоринмаси сифатида вужудга келди. Яхудийлик кулдорлик даврининг хусусий мулкчилик муносабатларига асосланган базиси ва ягона давлат ҳокимияти, унинг бошида турган подшонинг илоҳийлаштирган усқуртманинг инъикоси ўларок ишлаб чиқилган дастлабки монотеистик дин эди. Демак, иудаизмнинг пайдо бўлиши ва мустақил монотеистик дин сифатида майдонга чиқиши марказлашган яхудий давлатининг ташкил топиши билан узвий боғлиқ.

Ҳозирги даврда Маҳмуд Аббос бошчилик қилаётган Фаластин Араб давлатининг ҳудудларида чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи яхудий ва араб қабилалари эрамиздан аввалги 2 минггинчи йилларда осмон жисмларини,

айрим хайвонларни илохийлаштириб уларга сажда килганлар, арвохларга ишонганлар.

Диний адабиётларда ва дин пешволари таълимотида яху-дийлар олий насл-насабли халқ, шунинг учун уларга олий ирк мумтоз халқ бўлишини худонинг ўзи ато килган, дейдилар. Бундай карашни исботлаш учун асрлар давомида жамиятдаги содир бўлаётган жуда кўп ижтимоий ходисалар бу динга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, у миллий динлигича сакланиб қолди, деган фикр таъкидланади.

Аслида эса ҳамма нарса ва ходисалар ўзгариб турганидек, иудаизм ҳам ўз мазмун ва шаклларини ўзгартирди, замонга мослашди.

Иудаизм политеизмдан монотеизмга ўтгунча бир қанча тарихий жараёни бошдан кечирди. Бу дин тарихи ибтидий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига ўтгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Мана шу тарихий даврда яхудий қабилалари кўп худога эътиқод килганлар. Ҳар бир қabila, уруғ алоҳида худонинг номи билан боғланган. Моддий олам ходисаларнинг ҳар бир гуруҳи, ҳатто шаҳарларнинг ҳам ўз худоси бўлган. Масалан, Иудаизм динининг муқаддас китоби Таврот ёзувларида: «Сенинг шаҳарларинг қанча бўлса, худоларинг ҳам шунчадир», дейилган. Иудаизмда Яхудий миллатининг йўлбошчилари ва пайғамбарлари ҳисобланган Исо (Иисус Христос), Навин, Иброҳим (Авраам), Мусо (Моисей), Исҳоқ (Исаак), Ёқуб (Иақав), Юсуф (Иосиф), Сулаймон, Довуд, Нух(Ной) ва бошқаларга политеистик динлар ҳукмронлик қилган даврларда маҳаллий қабилавий худолар сифатида эътиқод қилинган. Масалан, Моисей (Мусо) Иуда қабиласининг пайғамбари, Яхве (Иегова) эса шу қabila худоси эди.

Эрамиздан аввалги X асрда яхудий қабилалари ўртасида синфий табақаланиш рўй бериши ва қулдорлик муносабатларининг вужудга келиши жараёнида мавжуд қабилавий динлар асосида иудаизм шаклланди.

Фалсафа таълимотига кўра, ер юзида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар жамият ҳаётининг ўзгаришлари, маънавиятдаги барча ўзгаришлар табиий-тарихий жараён ҳисобланади. Дин соҳасидаги эволюцион ўзгаришлар ҳам мана шу объектив диалектик тамойилга бўйсинади.

Шунга кўра, яхудий қабилалари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар таракқиёти билан иудаизмда бўлган ўзгаришлар ўзаро боғлиқ эди. Қабилалар иттифоқи юз бериши натижасида қабилавий худолар ўрнига битта худога эътиқод қилиш ҳам шакллана бошлаган. Бунда паст ва юқори даражада турадиган худолар пиллапоёси пайдо бўлади. Фаластиндаги Рувит, Симон, Левин ва Иуда сингари энг машҳур қабилалари обрўси кўтарилган. Буларнинг ичида Иуда қабиласи кучли бўлиб, бу қабиларни ўзига бўйсиндиргач, унинг Яхве худоси ҳам барча худолардан юқори турувчи бош худо ҳисобланди. Уни якка-ю ягона худо деб тан олинди. Бунга қадар политеизмда яхве тоғлар, чақмоқ, момақалдирик ва сув худоси ҳисобланарди. Иудея деб ном олган қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши муносабати билан Яхве ҳам Осмон ва Ер юзини, барча нарсалар ва ходисаларни яратган, бошқариб турган ягона худо деб, тасаввур қилина бошланди. Шу тарика Яхведан бошқа худоларга эътиқод қилишга барҳам

берилди. Яхве шарафига атаб Қуддус (Иерусалим) шахрида ҳашаматли ибодатхонаси Ногота қурилган. Яхудий миллий давлати иудаизмни расмий давлат дини деб қабул қилди. Иудаизм синфий ва ижтимоий жиҳатдан яхудий миллатининг ҳукмронлигини мукаддаслаштирди. Иудаизмда диндорлар гепасида раввин деб аталадиган руҳоний «ота»лар туради. Иудаизм ибодатхоналари синагогалар дейилади, булар исломдага масжидларга, христианликдаги черковларга тўғри келади.

Иудаизмнинг келиб чиқиш тарихи, ақидалари (таълимотларни, фалсафий-назарий асослари), маросим, урф-одатлари, ахлокий қарашлари, ҳуқуқий ва қонун тизимлари, ундаги пайғамбарлар, авлиёлар тўғрисидаги маълумотлар, ривоятлар, ибодат дуоларининг барчаси Таврот китобида (**Таврот - илоҳий қонун демақдир**) баён этилган. Таврот худо Яхве томонидан пайғамбар Мусога осмондан ваҳий қилинган мукаддас китоб ҳисобланади. Қуръонда Тавротни илоҳийлиги ва мукаддас китоблиги айтилган. Масалан, Қуръоннинг «Бақара» (Сигир) деб номланган иккинчи сурасининг 53-оятиси: «Сизлар ҳақ йўлни топишингиз учун Мусога китоб ва фурқонни (яъни Тавротни) берганимизни эсланглар», дейилган. «Бақара» оятларининг қарийб учдан бир қисмини «аҳли китоблар» (Таврот ва Инжилга иймон келтирганлар), хусусан яхудийлар ҳақидаги маълумотлар ташкил қилади». (Қаранг:Қуръони Қарим. Ўзбекча изоҳли таржима, Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти). Тошкент. 1992 йил, 6-7 бетлар). Таврот «Қадимий аҳд» ҳам дейилади.

#### **ИУДАИЗМНИНГ АҚИДАЛАРИ:**

**1-ақида:** «Қадимий аҳд» ва Талмуднинг (Талмуд Тавротдаги ва халқ оғзаки айтиб юрган дуолар тўплами) мукаддаслигига ишониш ва уларга ўтикод қилиш тўғрисидаги таълимот.

**2-ақида:** Ягона худо Яхве (Иегова)га сизиниш, унга иймон келтириб ўтикод этиш тўғрисидаги таълимот.

**3-ақида:** Худо Яхве Исроил давлатини Ер юзидаги жаннат қилиб яратган ва Яхудий миллатини олий ирк, танлаб олинган мумтоз миллат қилиб яратгани тўғрисидаги таълимот. Шунингдек яхудий халқи худонинг энг севган бандаси эканига ишонишдир.

**4-ақида:** Ғойиб бўлган пайғамбарларнинг Ер юзига яна қайтиб келиши, унинг ёмон одамларни жазолаши минг йил давом этадиган адолатли жамият яратиш тўғрисидаги таълимотларидир.

#### **5-ақида:** Охират мавжудлигига ишониш.

Иудаизм ўрта асрларда ўзининг эски мазмунини сақлаб қолган ҳолда бироз ўзгарган. XI-XII асрларда иудаизмда ҳукмронлик қилган раввинлар унинг кўп томонларини қайта ишлаб чиқдилар. Ўрта асрнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири бўлган раввин Маймонд иудаизмнинг 13 та асосий ақидасини тузиб чиқди. Бу ақидалар қуйидагилардан иборат: 1) оламни яратувчи худо бор; 2) у битта; 3) у жисмсиз; 4) у ибтидоисиз; 5) факат худонинг бир ўзига сизиниш керак; 6) табиий сир - ҳақиқат; 7) Мусо пайғамбарларнинг энг улуғи; 8) тора (таврот), яъни инжилнинг биринчи беш китоби Мусога худо томонидан берилган; 9) Мусонинг қонуларини бошқа қонулар билан

алмаштириб бўлмади; 10) Коинот худонинг иродаси билан бошқарилади; 11) яхшиларга яхшилик, ёмонларга жазо бор; 12) Исроилга ҳалоскор келади; 13) ўлганнинг тирилиши ҳақиқат.

Маймонд ёзган бу 13 та ақида орқали иудаизмнинг янада кучайтириш, унинг феодализм манфаатларини кучлироқ химоячисига айлантириш, динни шаккоклик ва куфрлардан химоя қилиш иудаизмни замонавий қилишга уриниш эди. Янги ақидаларда иудаизмнинг ҳалоскорлик вазифасини кучайтириш ҳам мақсад қилиб олинган. Бу ақидаларда яҳудийларнинг ўз миллий динларида мустаҳкам туришларига даъват қилиш ҳам кўзда тутилган эди.

## **2. ТАВРОТНИНГ МАНБАЛАРИ.**

**2. Тавротни «Қадимий аҳд» дейлишига сабаб эса қуйидаги ривоятда баён этилган. Гўёки эр. ав. XII асрда Синай ярим оролидаги Сион тоғида яҳудий қабила бошлиқлари билан худо Яхве ўртасида келишув аҳдномаси тузилган. Унга кўра худо яҳудийларни олий ирқ ва ер юзининг ҳукмрони, Исроил мамлакатини эса Ер юзидаги жаннат қилиб яратган. Бунинг эвазига эса барча яҳудийлар Яхвега иймон келтиришлари, у юборган китобга асосан пайғамбар Мусога уммат бўлиб яшашлари, бунинг белгиси сифатида синнагогаларда ибодат қилиш, раввинларга ҳурмат кўрсатиш, уларга хизмат қилиш, ўз ҳукмронларига садоқат кўрсатиш мажбуриятлари юкланган. Бу аҳднома 5 та китобда ёзилган, яъни Тора тўпламида баён қилинган. Библия (Инжил)нинг дастлабки 5 та китобидан иборат қисмини «Қадимий аҳд» дейилади.**

Библиянинг “Қадимги аҳд” қисми беш қисмдан иборат бўлиб, у “ Мусонинг беш китоби “ деб ҳам аталади. Чунончи: 1. **“Ибтидо”- “Борлик” – оламнинг ва инсонларнинг Худо томопидан яратилганлиги , жаннатдаги дастлабки инсон – Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ҳаёти , уларнинг гуноҳ ишларни қилганликлари учун жаннатдан ҳайдалгани, инсониятнинг кўпайиши, қадимги тарихи, бутун дунё сув тошқини, ундан Нўҳ алайҳиссалом оиласининг қутулиб қолиши, яҳудий халқининг уруғ бошлиқлари, пайғамбарлар ҳаёти, яҳудийларнинг Юсуф Алайҳиссалом паноҳига, Мисрда кўчиб боришлари ҳақидаги китобдир.** 2. **“Чиқиш” китоби яҳудий қонунишуноси – пайғамбар Мусо Алайҳиссаломнинг ҳаёти, фаолияти, яҳудийларнинг Миср асирлигидан озод этилиши, шунингдек худонинг Мусо алайҳиссаломга юборган машхур ўнта васияти ҳақидаги китоблардан иборат. Улар қуйидагилар:**

- 1. Яхведан бошқани илоҳ деб билмаслик;**
- 2. Бут, санам ва расмларга сиғинмаслик;**
- 3. Бекордан-бекорга Худо номи билан қасам ичмаслик;**
- 4. Шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш;**
- 5. Ота-оилани ҳурмат қилиш;**
- 6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик;**
- 7. Зино қилмаслик;**
- 8. Ўғирлик қилмаслик;**
- 9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик;**
- 10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.**



3. “Сонлар”-“Чўлда”- эса конунчилик ва яхудийларнинг Мисрдан чиқиб кетган даврдан то Фаластин босиб олингунига қадар бўлган тарихига оид китоб. 4. “Ловийлар” – оилавий ҳаёт ҳақидаги китоб. 5. “Иккинчи конунлар тўплами”- диний конунлар китобидан иборат.

Бундан ташқари бу беш китобга Мусо алайҳиссаломнинг ноиб Ювша алайҳисалом(Исо Навин)нинг Канъон ерларини босиб олишини хикоя қилувчи китоби ҳам қиради. Бу китоб милоддан аввалги 444- йилда эълон қилинган. Шундай қилиб яхудийларнинг Таврот ва Забур(Тора ва Псалтир) кейинги учинчи китоби Талмуд- Таврот асосида минг йиллар давомида шаклланган. Ҳозирги таҳрири “Қуддус Талмуди” милодий 3-асрда, “Бобил Талмуди” 5-асрда эълон қилинган. Талмудда Тавротга кенг изоҳлар, тушунтиришлар, яхудийларнинг диний маросимлари, диний конун-қоидалари, тарғиботлар, кўрсатмалар ўрин олган. Талмуд(қадимги яхудий тилида ламейд-ўрганиш) милоддан аввалги 4-асрда вужудга келган ва ёзма Торадан фарқи ўларок, авлоддан авлодга оғзаки равишда ўтиб келган. Шунинг учун Торани ёзма конун, Талмудни эса, оғзаки конун деб аташади. Талмуд Мишна ва Гемарра китоблари мажмуаси бўлиб, Мишна раввинлар томонидан Тавротга ёзилган шарҳлар, Гемарра эса Мишнага ёзилган шарҳлардан иборат. Талмудда илгари яхудийлар учун номаълум бўлган ўзига хос эсхатологик тушунчалар (яъни охират, киёмат, марҳумларнинг тирилиши, у дунёдаги ажр ва жазо) ўз аксини топган. Талмудда яхудийликнинг маросимлари, урф-одатлари аниқ баён қилинган бўлиб, улар 248 васият ва 365 –та таъқиқни ўз ичига олади.

Таврот ривоятларига кўра, худо бутун олам, ундаги жонли ва жонсиз нарсаларни олти кунда йўқдан бор қилиб яратган. Жумладан, худо Адам ва Ева (эркак ва аёл) одамларни ҳам лойдан яратиб ўз рухидан жон ато этган, улар дастлаб жаннатда яшашган. Сўнгра улар шайтоннинг гапига кириб жаннат партибини бузишиб, гуноҳ қилишган, худо уларни жаннатдан ҳайдаб юборган. Дастлабки одамлар гуноҳкор бўлгани учун улардан тарқалган болалар ҳам туғма гуноҳкор бўладилар, чўқинтириш маросими ўтказилиб боладаги туғма гуноҳ ювиб юборилади, деган тасаввурлар иудаизмда кенг тарқалган, кейин бу тасаввурлар христианларга ҳам ўтиб қолган.

**3. ЯХУДИЙЛИКДАГИ АСОСИЙ ОҚИМЛАР.** Яхудийлик дини қуйидаги оқимлардан иборат. . Садукийлар, Фарзийлар, Ессеялар, Массонизм, Сионизм. 1. Садукийлар оқими иодшоҳ Довуд пайгамбар даврида яшаган рухоний Садук номи билан боғлиқ Кўплаб мансабдор яхудийлар рухонийлари садукий бўлган. Улар диний ишларда фақат Қонун(Мусонинг беш китоби)-ни тан олганлар. Қонунда рухонийлар, қурбонликлар, ибодатлар ҳақида сўз боради, лекин охират ва киёмат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шунинг учун садукийлар киёматда ўлганларнинг қайта тирилишини тан олмаганлар.

2. Фарзийлар номи қадимги яхудий тилидаги “тушунтириш”, “ажратиб кўрсатиш” сўзидан олинган бўлиб, улар Мусонинг қонунини шарҳлаганлар ва олдий одамларга ўргатганлар. Фарзийлар Мусонинг замонидан буён оғзаки аёнана давом этиб келяпти. деб ҳисоблайдилар. Улар ҳар бир авлод ўз эҳтиёжларини қондириш учун Қонунни шарҳлай олади деб

билганлар. Улар мукалдас манба сифатида нафақат Мусонинг қонунини, балки бошқа пайғамбарларнинг ҳам мукалдас ёзувларини, ҳатто ўзларининг урф-одатларини ҳам қабул қилганлар ва буларнинг ҳаммасига синчковлик балан амал қилганлар. Фарзийлар жуда кўп пайғамбарлар таъқидлаган қиёматга, ўлганларнинг қайта тирилишига ишонганлар.

**3. Ессеялар. Қуддусдаги қўшгина рухонийлар Худо улардан талаб қилганидек, яшамас эдилар.** Ундан ташқари римликлар баъзи диний мансабларга Мусонинг қонунига мувофиқ муносиб бўлмаган шахсларни тайинлаган эдилар, Буни кўрган бир гуруҳ рухонийлар Қуддусни ибодат ва қурбонлик қилиш Қонунга тўғри келмай қолди, деб ҳисоблайдилар. Улар Қуддусни ташлаб, яҳудий саҳроларига чиқиб кетдилар ва ўша ерда ўз жамоаларини ташкил қилдилар. Уларни ессеялар деб аташди. Ессеялар худо томонидан юборилган халоскор – Мессиянинг келиши ва Қуддусни тозалашини кутиб, ибодат қилиб яшар эдилар.

**4. Массонизмнинг маъноси – “Озод қилувчилар” бўлиб, яҳудийликдаги яшнриш ташкилотдир.** У милодий 44 –йили Рим императори Ирод Акриба томонидан ўзининг икки яҳудий маслаҳатчиси: раис ўринбосари Херон Абюд ва биринчи қотиб Муоб Ломий ёрдамида ташкил этилган. Мақсади – дунёда яҳудийлар ҳукмронлигини ўрнатилга эришиш. У ташкил этилган даврда “ махфий қудрат” деб аталарди. Кейинчалик массонизм деб аталди.

**5. Сионизм номи Қуддусдаги Сион тоғидан билан боғлиқ. Бу оқим австриялик журналист Томас Гершльнинг “Яҳудийлар давлати”** рисоласи асосида тузилган. Бу оқимнинг ўз олдига қўйган мақсади – яҳудийлар ўзлари яшаб турган турли ўлкалардан чиқиб, Фаластинда “миллий бирлашишга” эришиш. Сионизм “жаҳон яҳудий миллати”- “олий миллат” каби ғояларни илгари суради. Ўз ғоясига кўра сионизм сиёсий оқим бўлиб, мақсадига эришиш йўлиди яҳудий динидан фойдаланади. Сионизм-Сион тоғлари номидан олинган. Қадим замонда тузилган аҳднома тўғрисидаги Таврот ривоятлари асосида ишлаб чиқилган иудаизм динининг замонавий кўринишидир.

Сионизм пайдо бўлган вақтдан бошлаб иудаизмнинг яҳудий халқи «худонинг арзандаси»дир, деган даъвосини байроқ қилиб олди. Сионизм ўзаро боғланган иккита мақсадни ишлаб чиқиб, шу мақсадларни изчил амалга ошириб келмоқда. Бу мақсадлар: 1) тарихий сабабларга кўра турли томонларга кетиб ўша жойларда кўп асрлардан буён аяётган яҳудийларни ўз юртларига, яъни аждолларининг ватанига қайтариб қилиш ва Исроил давлатини Ер юзидаги жаннат қилишга хизмат қилдиришдир; 2) агар яҳудий миллатига мансуб бўлса-ю, аммо ўзи яшаб турган аввалги жойидан Исроилга қўчиб кела олмаса, майли ўша жойидан туриб Исроил давлатини қўллаб қувватласин.

**4. ЯХУДИЙ ДИНИНИНГ АСОСИЙ МАРОСИМЛАРИ.** Яҳудийлик сон-саноксиз маросимларга, буйруқларга, таъқиқларга, байрамларга эга бўлган дин. Бу диннинг талабига кўра ҳар бир диндор 365 таъқиқни ва 248 буйруқни, жами 613 амри маъруф ва наҳий мунқарни билиши шарт. Янги туғилган чақалоқ 8 кунлигида хатна қилиниши шарт ҳисобланади. Яҳудийларга туя, чўчка, қуён, от, эшак гўштини истеъмол қилиш манъ этилган.

Иудаизмда бир катор маросимлар мавжуд, Яхве бандалари ўз диний ибодатхоналарини «студия»лар деб атайдилар, улар, асосан, диний алабиёт, панд-насихатларни ўқиб ўргандилар.

Иудаизмдаги расм-русумларнинг тартиблари, ижозат ва таъқиқлар, фуқаролик, оилавий турмуш, никоҳга оид кўрсатмалар, асоean, Талмуд тўпламида баён қилинган. Унда 600 дан зиёд гоат-ибодат, урф-одатлар кўрсатилган. Масалан, хатна қилиш қоидаси, рўза тутиш тартиблари, жаноза, дафи қилиш, марҳумнинг хотирасига бағишланган маросимлар, чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик, савдогарлик соҳаларидаги удумлар ва бошқа муҳим ҳаётий маросимлар хусусидаги фикрлар баён қилинган.

Масалан, рўза тутган яхудий тухум, сут, гўшт истеъмом қилмайди. Азадор киши қора қияди. Азадор эркаклар қирк кунгача соқолларини олдирмайди. Зино йўлига қирган аёл жазоланади, ҳатто у диний жамоадан ҳайдалади.

Садақа бериш одати тўғрисида Инжилдаги Матто баён этган муқаддас хушхабарда шундай дейилган: «Эҳтиёт бўлинглар, савобли иппингизни одамларга кўрсатиш учун ҳамманинг кўз ўнгида қилманглар. Акс ҳолда осмондаги Отангиздан муқофот ололмайсизлар».

Шундай қилиб, сен бировга садақа бермоқчи бўлсанг, ўтган-кетганга жар солма. Иккиюзламачиларгина одамлардан олқиш олиш учун ибодатхоналарда ва кўча-кўйда шундай қиладилар. Сизларга айтайин: булар ўзларига яраша муқофотни олиб бўлдилар. «Сен садақа бераётганингда, чап қўлинг ўнг қўлинг нима қиляётганини билмасин. Яъни сенинг мурувватинг яширин бўлсин. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи отанг сени аниқ тақдирлайди». (Қаранг: Инжил. Таврот. Мусо пайгамбарнинг биринчи китоби. Туркия Муқаддас китоб жамияти-1995 йил, 12-13-бетлари).

**Ибодат маросими.** «Сен эса ибодат қиляётганингда ўз хужрангга кир ва эшикни беркитиб, яширин бўлган отангга ибодат қил. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи Отанг сени тақдирлайди. Сизлар эса шундай ибодат қилинглар».

**«Рўза ҳақида.** Рўза тутаетганингизда иккиюзламачилар каби қовок осилтириб юрманглар. Улар рўза эканларини одамларга билдириш учун ўзларини авзойи бузук қилиб кўрсатадилар. Сизларга чинини айтайин: улар ўзларига ярашасини олиб бўлдилар. Лекин сен рўза тутганингда, ўзингни ювиб-тараб юргин, токи рўза тутганинг инсонларга эмас, балки яширин бўлган Отангга ошқор бўлсин. Яширин бўлганларни кўрувчи Отанг эса сени аниқ тақдирлайди.» (Қаранг: Инжил. 14-бет).

**«Худодан сўраш одати:** «Сўраб туринг, сизга берилади, излаб туринг, топасизлар. Таъқидлатиб туринг, сизга очилади.» (Қаранг: Инжил. 16-бет). Никоҳ ва ажралиш маросими. «Тавротда ўқимагансизлар-ми? – деди Исо. Парвардигор бошланок одамларни эркак ва аёл қилиб яратди ва деди: «Эр киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб олади ва иккови бир тан бўлади. Шунга кўра улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланадилар. Худо бирга қўшганини бандаси ажратмасин. Бағри тош одамлар бўлганингиз учун Мусо сизларга хотинларингиз билан ажралишга ижозат берган. Лекин бошдан бундай

эмас эди. Мен сизларга шуни айтайин: ким бевафоликдан бошқа сабаб туфайли хотиндан ажралиб, ўзгага уйланса, зино қилган бўлади. Шунингдек, эридан ажралган хотинга уйланган ҳам зино қилган бўлади.» (Қаранг Инжил. 48-бет).

**Хатна маросими.** «Худо Иброҳим пайғамбар билан аҳд тузганда: «Сенга ва сендан кейинги авлодларининг қуйидаги аҳдга риоя қилишингизни буюраман: орангиздаги ҳар бир эркак хатна қилинсин. Сизлар аъзонингиз учудаги терини кестириб, суннат бўлинглар. Ана шу Мен билан сизларнинг орангиздаги аҳднинг белгиси бўлади». (Қаранг: Инжил. Тавротдан. Ибтидо. 643-бет).

**Қурбонлик маросими.** «Худо Иброҳимни синаб, унга: Ўзинг севадиган ягона ўғлинг Исоҳқни олиб Муриё ерига кет. У ерда Мен сенга айтадиган тоққа чиқиб ўғлингни қурбон қил. «деди. Уч кун юриб, Иброҳим қурбонлик қилинадиган жойда ўғли Исоҳқни ўтин устига ётқизди ва пичок билан сўймоқчи бўлди. Шу пайт осмондан фаришта учиб келиб: Эй Иброҳим, ўсмирга қарши қўл кўтарма, унга ҳеч ёмонлик қилма. Мен энди биламан, сен Худодан кўрқасан, яққаю ягона ўғлингни ҳам Мендан аямадинг, - деди. Иброҳим бир орқасига бурилиб қараса, чакалақда шохлари ўралиб қолган қўчқорни кўрди. Иброҳим бориб қўчқорни олиб келди ва уни ўғли ўрнига сўйиб қуйдирди.» (Қаранг: Инжил. Таврот, Ибтидо. 633-634-бетлар).

**1. Яхудийликнинг йиллик байрамлари** ичида энг эътиборлиси **Пейсах( Пасха)** байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқи ўларок, яхудийларнинг Мисрдаги куллиқдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Қадимий яхудийларда Пасха деб қўзичок гўшти ва винодан иборат кечки овқатга айтилган. **2. Яхудийларнинг пасха байрамидан** кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патър- маца ейдилар. Мацанинг ейиш билан ҳар бир яхудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этади. Бу байрам Нисон ойининг 14 –кунини ( апрель ойининг ўрталарида) нишонланади. **3. Пасхадан кейинги 50 –кунини яхудийлар Шабут (Шевуот)байрамини** нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо томонидан Торанинг(Тавротни) берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. **4. Кузда яхудий тақвимидаги Тишри ойининг** 1-2 кунлари (сентябрь охири, октябрь бошлари) янги йил байрами – **Рош-Ашона** нишонланади. Бу байрам яхудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайлар чаладилар, гуноҳлари қолмаслиги учун чўнтақларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар. **5. Тишри ойининг 9-кунини гуноҳлардан покланиш байрами – Йом-Кипур** нишонланади. Рош – Ашона ва Йом –Кипур байрамлари ўртасида яхудийлар рўза тутадилар. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёк, эски-туски кийимларга ўраниб юрадилар. Синагогада надоматлар билан йиғлаб тавба қиладилар. **6 Пурим(қуръа) байрами** яхудий байрамларининг ичида энг қувноғи ҳисобланади. Бу байрам яхудийларнинг кириб ташламоқчи бўлган Форс подшоҳи Хомон зулмидан қутулганликлари шарафига баҳорда нишонланади.

Шундай қилиб иудаизм миллий динлар тизимидаги энг йирик дин бўлиб, дастлаб келиб чиққан монотеистик дин эди. Иудаизм христиан, ислом ва бошқа

динларга баракали таъсир килади. Иудаизм кичик миллат бўлган Яхудийларни кўп асрлар давомида миллат сифатида сакланиб қолишига, бу миллатнинг маданиятини саклаб қолишда катта хизмат қилиб келмоқда. Динлар тарихида иудаизм ўз ўрнига эгадир.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Миллий динлар, яхудийлик, гаврот, талмуд, яхве, "Эски аҳд", "Янги аҳд", иудаизм, яхудийлик маросимлари ва байрамлари, худо танлаган халқ, сионизм, Исроил.

**ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Яхудийлик динининг пайдо бўлиш заминларини изоҳланг?
2. Яхудийлик диний таълимотининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Яхудийларнинг ўзларига нисбатан қўлланадиган "худо танлаган халқ" ибораси нимани назарда тутди?
4. Яхудийликнинг асосий байрам ва маросимлари.
5. Сионизм ва унинг моҳияти нимадан иборат?

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрамыз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. "Юксак маънавият енгилмас куч". Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994.
6. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
7. Куръони Карим. Т.; Чўлпон, 1992 й.
8. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т.; Маънавият, 1993-1998й.
9. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.; Ёзувчи, 1996 й.
10. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001 й.
11. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
12. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
13. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
14. Туленов Ж. Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т. : Ўзбекистон 1996
15. Ўзбекистон: карамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996
16. Асрларга тенг йиллар. Т. : 2001.



### РЕЖА:

1. Веда динлари. Брахманийлик. Ҳиндунйлик.
2. Жайнизм ва синххийлик.
3. Даосизм ва конфуцийчилик – Хитой миллий динлари.
4. Синтоийлик – япон миллий дини.

**Ведизм.** Мил. ав. иккинчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига, ҳозирги Панжоб худудига ғарбдан Ҳиндикуш довони орқали ўзларини *орийлар* деб атаган жаңғари халқлар бостириб кела бошладилар. Бу халқлар Эронга кўчиб келган қўшни қабила тилларига жуда яқин бўлган, ҳинд-европа тилларидан келиб чиққан тилда гаплашар эдилар. Ҳарбий жиҳатдан катта маҳоратга эга бўлишлари билан бирга шеърیاتга ҳам уста эдилар. Шу йўл билан улар бу минтақада мавжуд дунёқарашни ўзлари хоҳлаган тарафга ўзгартира олардилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари – Ведалар (санскр. – *муқаддас билим*)ни ҳам олиб келган эдилар.

Ҳинд адабиёти жуда бой, уч ярим минг йилдан ортиқ тарихга эга. Вакт ўтиши билан ундан анчагина қисми йўқолиб кетди. Аммо бу адабиётнинг бошланиши Ведалардир. Бу бошланиш бўш, саёз бўлмай, аксинча, жуда ҳам пухта ва ажойиб эди. У кейинчалик ўз ўрнида катта дарёлар пайдо бўлган кичик ирмоқни эмас, балки улкан денгизни эслатади. У доимо асосманба бўлиб қолаверади. Албатта, Ригведадан олдин қандайдир бошланиш бўлган бўлиши мумкин. Лекин биз бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз. Ригведа ўз соҳасида нафақат энг кўзга кўринган китоб, балки Ҳиндистоннинг ўша давр воқеалари ҳақида хабар берувчи ноёб манба ҳамдир.

Ведалар таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ўз ичига ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий хабарларни олган эди. Ведалар тўрт йирик тўпلامдан иборат:

1. **Ригведа** («Мадҳиялар ведаси»);
2. **Самоведа** («Кўшиқлар ведаси»);
3. **Яжурведа** («Қурбонликлар ведаси»);
4. **Атхарваведа** («Афсун ва жодулар ведаси»).

**Ригведа.** Ригведанинг қадимий ҳиндлар маданиятида, шунингдек, умумҳинд-европа маданиятидаги ўрнини тушуниш учун китобнинг асли пайдо бўлиш тарихига назар солиш лозим. *Орий* қабилаларининг кўчиб келишлари кўп асрларга чўзилган ва жуда кенг микёсни қамраб олган узек жараён бўлган. Ригведада бу қабилаларнинг Ҳиндистонга кўчиб келишларидан олдинги ҳаракатлари ҳақида аниқ эсдаликлар учрамайди. Аммо *орийлар* бу ерда биринчи пайдо бўлганларида уларда фақатгина жаңг аравалари эмас, балки худоларга айтилган, уларнинг жанговар руҳини қўллаб-қувватлаган, уларнинг душман устидан ғалаба қилишлари, шон-шухрат, бойлик, эркак авлод қолдириш, тараккий этиш учун бўлган интилишларни ақс эттирган мадҳиялар ҳам бор эди. Бу мадҳиялар руҳоний оналарида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга узатилди. Ригведада зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто билан

жуда хамоханг афсона ва маросимлар бор. Баъзи ноаниқ афсонавий шахслар бу икки маъбани бир-бири билан киёслаш ёрдамида аён бўлади.

Ригведа ягона асар, тўплам сифатида Ҳиндистон ҳудудида, асосан, Папжобда, Ҳинд дарёси хавзасида мужассам бўлди. Ҳиндистон тарихи бўйича қадимий сана ҳисобланмиш мил. ав. VI аср буддизмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ведалар эса ундан анча аввал қайд этилган. Шундай қилиб, Ригведа Шимолий Ҳиндистонда мил. ав. иккинчи-биринчи миғ йилликларда юз берган воқеалар ҳақида маълумот берувчи ягона манба бўлиб қолмоқда. Бу ёдгорлик жуда ноёб бўлганлиги сабабли у фақат ўзини-ўзи шарҳлайди.

**Веда – «муқаддас билим», Ригведа – «мадҳиялар ведаси»** маъноларини беради. Веда ўша даврда яшаган инсоннинг ўзи ва уни ўраб турган олам: худолар, жин-шайтонлар, фазо, маросимлар, ижтимоий тузум, миллий қадриятлар ва бошқалар ҳақидаги билимнинг барчасини ўз ичига олади. Ригведа худоларга айтилган мадҳияларнинг тўплами, яъни диний ёдгорлик бўлиб, унинг муаллифлари, *риши* қуйловчиларнинг асосий вазифалари худоларни *орийлар* томонига оғдириш бўлган. Улар мадҳияларни қуйлаб худоларни мактаганлар, уларнинг қахрамонлик ва шарафларини улуғлаганлар, уларни қурбонлик келтириш маросимларига таклиф этганлар ва шундан сўнг улардан *орийларни* қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаёт фароғатларини ато этишларини сўраганлар. Худоларга таъсир этишининг энг асосий йўли – уларга мадҳия айтиш бўлган. Ригведа қадимий юнон достонлари «Илиада» ва «Одиссея»нинг биргаликдаги умумий ҳажмига тенг келади.

**Самоведа.** Бошқа ведалар орасида Ригведага кўпроқ боғлиқ бўлгани бу Самоведадир. У ҳозирги даврга икки тахрирда етиб келган (çakhā айнан, шаҳобча): Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Rāṇāyanīya). Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди. Ундаги шеърлар, асосан, Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, тантанали қурбонлик маросими пайтида ўқилади. Тўплам икки қисмдан иборат: биринчи кичикроқ бўлган ҳажми Агни, Индра илоҳиётларига, иккинчиси *Смага* қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган кўшиқлардан иборат. Шеърлар орасида ички боғлиқлик бўлмай, уларнинг тартиби маросимларнинг боришига қараб белгиланган. Бу шеърлар оҳанг билан кўшиқ тарзида айтиш шун мўлжалланган. Ушбу веданинг мақсади диний маросимларда айтиладиган кўшиқларни ўргатишдан иборат. Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни қуйга солиб қуйловчилар – *самовединалар* сақланган бўлиб, уларнинг турли мактаблари мавжуд. Кейинги пайтларда қадимий мусикий анъананинг давоми деб даъво қилинаётган замонавий ижро санъатини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинди.

**Яжурведа** қолган ведалардан фарқли ўларок, тўлалигича *шраута* (қурбонлик маросими) билан боғлиқ. Унинг асосий қисмини қурбонлик усуллари – *яжус* ташкил қилади. Мазкур яжуслар маросимнинг маълум қисмларида ижро этилиб, бу шеърларни маросимнинг боршидан келиб чиқиб тунуниш мумкин.

Яжурведанинг матни турли маросим ўтказувчи брахманлар мактаблари томонидан тахрир қилинган шаклларга эга. Улардан Яжурведанинг асл

## РЕЖА:

1. Веда динлари. Брахманийлик. Ҳиндуийлик.
2. Жайнизм ва синххийлик.
3. Даосизм ва конфуцийчилик – Хитой миллий динлари.
4. Синтоийлик – япон миллий дини.

**Ведизм.** Мил. ав. иккинчи минг йиллик ўрталарида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига, ҳозирги Панжоб худудига ғарбдан Ҳиндикуш довоми орқали ўзларини *орийлар* деб атаган жангари халқлар бостириб кела бошладилар. Бу халқлар Эронга кўчиб келган кўшни қабила тилларига жуда яқин бўлган, ҳинд-европа тилларидан келиб чиққан тилда гаплашар эдилар. Ҳарбий жиҳатдан катта маҳоратга эга бўлишлари билан бирга шеърятга ҳам уста эдилар. Шу йўл билан улар бу минтақада мавжуд дунёқаршни ўзлари хоҳлаган тарафга ўзгартира олардилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари – Ведалар (санскр. – *муқаддас билим*)ни ҳам олиб келган эдилар.

Ҳинд адабиёти жуда бой, уч ярим минг йилдан ортиқ тарихга эга. Вакт ўтиши билан ундан анчагина қисми умуман йўқолиб кетди. Аммо бу адабиётнинг бошланиши Ведалардир. Бу бошланиш бўш, саёз бўлмай, аксинча, жуда ҳам пухта ва ажойиб эди. У кейинчалик ўз ўрнида катта дарёлар пайдо бўлган кичик ирмоқни эмас, балки улкан денгизни эслатади. У доимо асосманба бўлиб қолаверади. Албатта, Ригведадан олдин қандайдир бошланиш бўлган бўлиши мумкин. Лекин биз бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз. Ригведа ўз соҳасида нафақат энг кўзга кўринган китоб, балки Ҳиндистоннинг ўша давр воқеалари ҳақида хабар берувчи ноёб манба ҳамдир.

Ведалар таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ўз ичига ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий хабарларни олган эди. Ведалар тўрт йирик тўпламдан иборат:

1. Ригведа («Мадҳиялар ведаси»);
2. Самоведа («Кўшиқлар ведаси»);
3. Яжурведа («Кўрбонликлар ведаси»);
4. Атхарваведа («Афсун ва жодулар ведаси»).

**Ригведа.** Ригведанинг қадимий ҳиндлар маданиятида, шунингдек, умумҳинд-европа маданиятидаги ўрнини тушунтириш учун китобнинг асли пайдо бўлиш тарихига назар солиш лозим. *Орий* қабилаларининг кўчиб келишлари кўп асрларга чўзилган ва жуда кенг миқёсни камраб олган узок жараён бўлган. Ригведада бу қабилаларнинг Ҳиндистонга кўчиб келишларидан олдинги ҳаракатлари ҳақида аниқ эсдаликлар учрамайди. Аммо *орийлар* бу ерда биринчи пайдо бўлганларида уларда фақатгина жанг аравалари эмас, балки худодларга айтилган, уларнинг жанговар руҳини қўллаб-қувватлаган, уларнинг душман устидан ғалаба қилишлари, шон-шухрат, бойлик, эркак авлод қолдириш, тараккий этиш учун бўлган интилишларини аке эттирган мадҳиялар ҳам бор эди. Бу мадҳиялар руҳоний оилаларида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга узатилди. Ригведада зардуштийликнинг муқаддас китоби Авесто билан

жуда ҳамоҳанг афсона ва маросимлар бор. Баъзи ноаниқ афсонавий шахслар бу икки манбани бир-бири билан киёслаш ёрдамида аён бўлади.

Ригведа ягона асар, тўпلام сифатида Ҳиндистон хулудиди, асосан, Панжобда, Ҳинд дарёси ҳавзасида мужассам бўлди. Ҳиндистон тарихи бўйича қадимий сана ҳисобланмиш мил. ав. VI аср буддизмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ведалар эса ундан анча аввал қайд этилган. Шундай қилиб, Ригведа Шимолий Ҳиндистонда мил. ав. иккинчи-биринчи миш йилликларда юз берган воқеалар ҳақида маълумот берувчи ягона манба бўлиб қолмоқда. Бу ёдғонлик жуда ноёб бўлганлиги сабабли у фақат ўзини-ўзи шарҳлайди.

**Веда** – «муқаддас билим», **Ригведа** – «мадҳиялар ведаси» маъноларини беради. Веда ўша даврда яшаган инсоннинг ўзи ва уни ўраб турган олам: худолар, жин-шайтонлар, фазо, маросимлар, ижтимоий тузум, миллий кадриятлар ва бошқалар ҳақидаги билимнинг барчасини ўз ичига олади. Ригведа худоларга айтилган мадҳияларнинг тўплами, яъни диний ёдгорлик бўлиб, унинг муаллифлари, *риши* куйловчиларнинг асосий вазифалари худоларни *орийлар* томонига оғдириш бўлган. Улар мадҳияларни куйлаб худоларни мактаганлар, уларнинг қаҳрамонлик ва шарафларини улуғлаганлар, уларни қурбонлик келтириш маросимларига таклиф этганлар ва шундан сўнг улардан *орийлар*ни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳаёт фароғатларининг адо этишларини сўраганлар. Худоларга таъсир этишнинг энг асосий йўли – уларга мадҳия айтиш бўлган. Ригведа қадимги юнон дostonлари «Илиада» ва «Одиссея»нинг биргаликдаги умумий ҳажмига тенг келади.

**Самоведа.** Бошқа ведалар орасида Ригведага кўпроқ боғлиқ бўлган бу Самоведадир. У ҳозирги даврга икки тахрирда етиб келган (çākhā айвон. шахобча): Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Rānāyāniya). Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди. Ундаги шеърлар, асосан, Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, тантанали қурбонлик маросими пайтида ўқилади. Тўпلام икки қисмдан иборат: биринчи кичикроқ бўлган ҳажми Агни, Индра илоҳиётларига, иккинчиси *Смага* қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган қўшиқлардан иборат. Шеърлар орасида ички боғлиқлик бўлмай, уларнинг тартиби маросимларнинг боришига қараб белгиланган. Бу шеърлар оҳанг билан қўшиқ тарзида айтинган чун мўлжалланган. Ушбу веданинг мақсади диний маросимларда айтиладиган қўшиқларни ўргатишдан иборат. Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни куйиб келиб куйловчилар – *самовединалар* сақланган бўлиб, уларнинг турли мактаблари мавжуд. Кейинги пайтларда қадимий мусикий ағъачанинг давоми деб даъво қилинаётган замонавий ижро санъатини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинди.

**Яжурведа** қолган ведалардан фарқли ўларок, тўлалигича *шраута* (қурбонлик маросими) билан боғлиқ. Унинг асосий қисмида қурбонлик усуллари – *яжус* ташкил қилади. Мазкур яжуслар маросимнинг маълум бўлимларида ижро этилиб, бу шеърларни маросимнинг боришидан келиб чиқиб тунуниш мумкин.

Яжурведанинг матни турли маросим ўтказувчи брахманлар мактаблари томонидан тахрир қилинган шаклларга эга. Улардан Яжурведанинг асл

нусаҳасини ажратиб олиш жуда кийин, аммо улардаги умумий жиҳатларни аниқлаш мумкин: тўлин ойли тулда, янги ой чиққанда, Агни учун ўтказиладиган қурбонлик маросимлари.

Ҳинд анъанасига кўра веданинг бу мактаблари Қора ва Ок Яжурведага бўлинган. Қора Яжурведанинг турли мактабларга хос бўлган Катҳақа, Капиштхала-Катҳа, Майтрайани, Тайттирия каби таҳрирлари мавжуд. Унинг «қора» деб аталишига сабаб унда шеърний яжуе ва мантралардан ташқари насрий изоҳлар – *брахмана* қисмини ўз ичига олганлигидир. Ок Яжурведанинг Вajasанейи номли биргина таҳрири бор. У фақат яжуе ва мантралардан иборат бўлиб, насрий изоҳлардан холи бўлганлиги учун «соф, ок» деб аталади.

Яжурведанинг таркиби уч асосий босқични ташкил этади: I. Маросим. II. Яжуе ва мантралар. III. Брахмана шарҳлари.

**Атхарваеда** мил. ав. I-минг йилликлар бошларига бориб такаладиган қадимий ҳинд афсуналарини ўзида ақс эттирган. У бошқа ведалардан мазмун ва моҳият жиҳатдан фарқи ўларок, қадимий ҳинд жамиятида мавжуд бўлган барча тарафларни, нуқсон ва камчиликларни ўзида ақс эттирган.

Атхарваеда «афсуналар ва жодулар ведаси» деган маъноларни англатади. У афсонавий руҳоний Атхарвана («Олов руҳонийси») номи билан боғлиқ. Бунга сабаб ўша даврда афсуе ва жодулар олов устида бажарилганлигидир.

Даставвал веданинг уч тури мавжуд бўлган: Ригведа («Мадҳиялар ведаси»), Яжурведа («қурбонлик услублари ведаси»), Самоведа («кўшиқлар ведаси»). Бу уч веда ҳам худоларнинг абадийлигини таъминловчи ичимлик тайёрланадиган *сома* ўсимлигига бағишланган қурбонлик маросимлари билан боғлиқ. Ҳинд анъанасига кўра бу маросим «шраута» деб аталади. Атхарваедада веда дини руҳонийларининг асосий ибодати ҳисобланган *Самага* қурбонлик қилишга умуман эътибор қаратилмаган. Шунинг учун ҳам у юқоридаги уч ведага эътиқод қилувчилар томонидан тан олинмаган. У оила атрофида марказлашган маросимлар билан кўпроқ боғлиқ. Шундай қилиб, Атхарваеда ўзидан аввалги учта ведадан ўз маросимларининг негиз ва моҳияти билан фарқланади. Унинг асосида уюқ ўтмишга бориб такаладиган халқ сеҳргарлик маросимлари ётади.

Атхарваведанинг қачон пайдо бўлганлиги масаласи аниқликдан анча йироқ. У энг қадимий ҳисобланмиш Ригведадан анча кейин яратилган.

Атхарваеда олти минг шеърдан иборат 371 мадҳияни ўз ичига олади. Улар 20 та китобда жамланган.

**Ведалар таълимоти.** Ведаларда бутун табиатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот илгари сурилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳиндистон кўпхудоликнинг ўчоғи ҳисобланади. Ундаги тасаввурларда бири иккинчисидан юқори бўлган, иккинчиси, аксинча, пастрок бўлган қатор илоҳиётлар сиймоси намойиш бўлади. Бирок бу даражалар тўхтовсиз алмашиб туради. Илоҳиётлар орасида «энг улуги, энг кичиги, энг қариси, энг ёши» бўлмаи, улар барчаси улуғликда тенгдир. Энг юқори ҳокимият ҳам кўпчиликка тегишли. **Бир** вақтнинг ўзида бир худо бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлиши ва шу билан бирга у иккинчи бир худога тобе бўлиши мумкин. Масалан, Индра ва барча худолар Варунага тобе бўлган бир пайтда, Варуна ва бошқа барча худолар



Индрага бўйсундилар. Худди шу муносабат бошка худоларга ҳам тегишли. Бу белги веда илоҳиётига ҳам хосдир.

**Веда худолари.** Ведаларда худолар – осмон худолари, куёш худолари, ҳаво худолари, ер худолари, аёл худолар каби худолар тоифаси ҳақида мадҳиялар баён этилган.

**Осмон худолари.** Улар сирасига Дяус, Варуна, Индра каби турли осмонларни бошқариб турувчи худолар қиради. Бирок Варуна кейинчалик сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

**Куёш худолари.** Ригведада куёш энергиясининг турлича намоён бўлишидан беш худо юзага келганлиги ҳақида сўз юритилган. Уларнинг энг қадимийси Митра («дўст») дир. Суря куёшнинг ёрқинрок намоён бўлган кўринишидир. У юнонлардаги Аполлон каби етти от бириктирилган гилдиракли араваларда тасвирланган. Савитри эса куёшнинг қувват берувчи кучида намоён бўлади. Пушан мурувватли ҳисобланиб, куёшнинг маҳсулдорлик фаолиятини ўзида намоён қилади. Уларнинг яна бири Вишну ведаларда зикр қилинган ва кейинчалик унут бўлиб кетган худолар орасида абадий ҳисобланган, ҳозирги пайтда бутун Ҳиндистонда улуғланади.

**Ҳаво худолари.** Улардан ташқари бу худолар каторига Ашвина ва Савитар номи билан аталувчи икки тонг худоси ҳам кўшилади.

Уларнинг бошида осмон подшоси ва орийларнинг миллий худоси Индра туради. У аввало иккита сарик отга кўшилган гилдиракли аравала турувчи жанг худосидир. У орийлар уруғининг етук сардори рамзидир. Даставвал Индра ҳинд анъаналарида чакмоқ худоси сифатида намоён бўлган. Бирок босқинчилар томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган урушлар уни уруш худосига айлантирди. Ёмғир худоси Панжания, шамол худоси Вайюлар ведаларда аниқ тасвирланмаган. Улар тез-тез Индра билан умумлашган ҳолда тасвирланади. Улардан яна бири Рудна бўлиб, одамларнинг унга нисбатан чексиз қўрқувлари уларни доимий равишда Руднага бағишлаб мадҳия ва дуолар ўқишга ундаган. У Ригведада Шива («ёқимли») номи билан зикр этилади. Кейинчалик Шива Вишну билан биргаликда «икки худо» сифатида унутилган Ҳиндистон худолари туркуми ўрнини эгаллади.

**Ер худолари.** Ер худоларининг энг улуғи ерда куёшнинг, ҳавода чакмоқнинг, ер устида оловнинг мужассамлашуви ҳисобланган олов худоси Агнидир. Агни ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамларнинг қурбонликларини худоларга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган. Бирор қурбонлик унинг воситасисиз худоларга етиб бормади деб ҳисобланган.

Аёл худолар каторига тонг ва тонг нури маъбудаси Ушас, дарё худоси Сарасватилар кирган. Сарасвати кейинчалик брахманизмда сўз худоси сифатида тасвирланган.

**Веда ибодатлари.** Веда ибодатлари икки турга бўлинади. **Биринчиси** дуолар, **иккинчиси** худоларга атаб қилинадиган қурбонликлар ёки бошка бир ширсаларни такдим қилишдан иборат. Даставвал дуо китоблари бўлмаган шунда ибодатлар фақат қурбонликлар шаклида амалга оширилган. Унда маъбудларга куйдирилган мой, нон ва ниҳоят, сув ёки сут билан

аралаштирилган сома ичимлиги тортилган. Шунингдек, ҳайвонлар (масалан, от) ҳам қурбонлик қилинган. Вақт ўтиши билан бу маросимлар мураккаблашиб борган. Қурбонлик банда билан худо ўртасидаги савдо, келишув маъносида қабул қилинган. Масалан, инсон бир нарсага мухтож бўлса, худога қурбонлик қила туриб ундан ўз эҳтиёжини қондиришни сўраган. Кейинчалик Ригведа, Атхарваведа каби мадҳия ва дуоларни ўзида жамлаган китоблар пайдо бўлиш, ибодатнинг иккинчи қўрилиши – худоларга атаб дуо ва мадҳиялар ўқиш одат тусига кирган.

**Брахманлик** веда динларининг бир шаҳобчасидир. Вақт ўтиши билан ведалардаги қўшиқлар оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлди. Нихоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, махсус вақт ажратдилар. Натижада ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар *кастаси* (табақаси) вужудга келди. Динга хос бўлган хусусиятлардан бири – илоҳий тилни ўзгартириб бўлмаслиғидир. Худди шу бир тилнинг эскириб амалдан қолиши ва фақат муқаддас тилга айланиб қолиши брахманизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

**Орийлар умуман** бошқа маданиятга, ҳаёт тарзига эга бўлган турли халқлар билан учрашиб, мутлақо бошқа табиий шароитга дуч келдилар. Улар кўчманчиликдан энди ўтрок ҳаётига ўтиб, давлатдаги ҳукмрон синфга айландилар. Шундан сўнг уларнинг эски динлари – ведизм мазкур жараёнлар таъсирида тараккий этди. Бу тараккийёт динни фалсафий жиҳатдан чуқурлаштириш, руҳонийлар табақасининг мавқеини кўтариш, ибодат ва маросимларни мураккаблаштириш, илоҳлар сифатини мураккаб томонга ўзгартириш ҳисобига бўлди. Шундан кейин ўзгартириш тақкиланган диний ақида вужудга келди.

### **ҲИНДУИЗМ.**

Ҳиндуизм эрамининг VI асрида Ҳиндистонда вужудга келган эди. Ҳиндларнинг милдий дини ҳиндуизм кенг тарқалган бўлиб, унга 80 фоиздан кўпроқ ҳиндлар сиғинадилар. Ҳиндуизм эраמידан олдин мавжуд бўлган брахманизм, ведизм, тотемизм, анимизм каби динлар эволюцияси натижасида шаклланди. Ҳиндуизм турли эътиқодлар, урф-одатлар ва маросимлар, маҳаллий диний эътиқод ва қарашларнинг мураккаб комплекси сифатида пайдо бўлиб, уруғ-қабил динлари элементларини, буддизм, сикхизм, жайнизмнинг асосий ғояларини ўзига ўзлаштириб олган. Ҳиндуизм ўзининг ягона бошқарадиган ташкилотига эга эмас.

Ҳиндуизм инсоннинг туғилганидан то вафот этишигача бўлган ҳуқуқ ва вазифаларини белгилаб ва чеklang қўяди. Шунинг учун унда маросимчиликка кенг ўрин берилган. Ҳиндуизм кишиларнинг ижтимои тенгсизлигини оқлайди. У руҳнинг ўлмаслиги ва қучиб айланиб юриши (сансара таълимоти), қайта туғилиши (карма таълимоти), гуноҳ ишлар учун жавоб берилиши, жаннат ва дўзах каби ақидаларни ўз ичига олади.

Ҳиндуизм политеистик дин бўлиб, унда кўп худолик элементлари сақланган. Диндорлар тасаввурида бош худо Ҳрахман коинотнинг ижодкори ва яратувчисидир. Бундан ташқари Ҳиндлар Вишну ва Шива деган худоларга ҳам эътиқод қиладилар. Ҳиндуизм таълимотида худонинг уч қибдага қўриниши тасаввур этилаши (тримурти) энг олий, яқка худонинг уч хусусияти, деб талқин қилинади.

Ҳиндуизм таълимотида, олам пайдо бўлиб, емирилиб, йўқ бўлиб туради дегани оламнинг яшashi прогрессив эмас, аксинча, регрессив характерга эга бўлиб, ҳар бир давр оламнинг юксак ривожланган чўккисидан бошланиб, унинг инкирозга учраши билан битади. инсонлар гуноҳга ботиб кетган олам тугайди.

Ҳиндуизм таълимоти жамиятнинг табакаларга бўлинишини ақс эттиради. Бу диннинг карма қонуниятига асосан у инсон ҳаётида 4 та асосий мақсад бор. деб тушунилади. Булар: 1) дхарма - оила ва жамиятда диний талабларни тўла бажариш;

2) арта - фойдали ишлар қилиш, зарур моддий неъматларга эга бўлиш; 3) карма - мухаббат туйғуларига эришиш, бу ҳис-туйғуларни қондириш; 4) мокша - сивариш замиридан бутунлай озод бўлиш.

Вишнуизм ва Шивоизм оқимининг вакиллари ўз худоларига бағишлаб минглаб қатта-кичик ибодатхоналар қурганлар. Бу динга эътиқод қилувчилар муқаддас жойлар, дарёлар ва бошқа ҳар қил «муқаддас» нарсаларга эътинадилар. Ҳинд халқи орасида ёвуз руҳларга эътиқод қилиш кенг тарқалган. Ҳар турли хайвонлар: ҳўкиз, сигир, маймун ва илон қабиларга ҳам эътинадилар, уларни муқаддаслаштирилдилар. Масалан, Ҳиндуизм тарафдорлари сиғирни сахийлик, бойлик манбаи ва гўзал аёл тимсоли деб ҳисоблайдилар. Гўшонийлар сиғирни сўймаслик ва гўштини емасликни тарғиб қиладилар. Аммо Ҳиндуизм сиғир сўтини ичишни ва сиғирни ҳўжаликда иш хайвони сифатида фойдаланишни таъқиқламайди.

Ҳинд халқи учун Ганг дарёси муқаддас ҳисобланади. Ҳиндуизм динига эътиқод қилувчилар Банорас шаҳрини ҳам муқаддаслаштиришган. Ривоятларга кўра, гўё Ганг дарёси қирғоғида киши вафот қилса нариги дунёдаги ҳаёти анча оқинлашар эмиш.

Ҳиндуизм - оила-никоҳ масалаларига нисбатан ахлоқий жиҳатдан оқинлашди. Энг олий табақа-браҳманлар (қоҳинлар) олий зодагонлар билангина никоҳга ўтиши мумкин. Энг паст табақа қишлоқлари - бу Шудралар. Улар қўланосқ, қашшоқ, паст, ёмон ахлоқли кишилар Шудралар билан олий табақа вакиллари никоҳга кириши мумкин эмас. Ўрта табақа - Вайши-лар бўлиб, улар сиводорлар, хунармандлар, деҳқонлардан иборат. Улар ўзаро никоҳда бўлиши мумкин.

Ҳиндуизмнинг муқаддас ёзувлари Ведалар (эр. ав. 2 минггинчи йиллар ўрдадан бошлаб пайдо бўлган). Ведалар -«билимлар» демақдир. Ведалар: 1) гимн ва дуолар; 2) маро-симларда ижро этиладиган мадхия кўшиқлари; 3) сурвонийска оид қоидалар; 4) ёвуз қучларга қарши бўлган дуолар ва афсунлар.

Ҳиндуизмнинг таълимотлари - «сирли таълимотлар» эр. ав. 1 минггинчи йиллар ўрдадан пайдо бўлган ахлоқий рисоалар: «Махабхарата» ва «Рамаяна» деганларидир, турли ҳикматли ҳадислар қиради.

Ҳиндуизм зўрлик ишлатиш, кон тўкиш, азоб бериш кабиларни таъкиклайди. XIX асрнинг бошларида Ҳиндистонда бошланган миллий озодлик ҳаракатининг мафқурасида ҳиндуизм актив рол ўйнади. Махатма Ганди яратган озодлик ҳаракатининг диний фалсафий асосида ҳам ҳиндуизмнинг кон тўкмаслик, зўрлик ишлатмаслик ғоялари ётарди. Пассив норозилик гандизмнинг ахлоқий фалсафаси эди. Ҳиндуизмнинг миллатни худбинликка, улуғ миллатчилик - шовинистик сиёсатга йўналтиришга уринган ўта реакцион кучлар ҳам пайдо бўлган. Ҳиндуизм Ҳиндистондан ташқарида яшайдиган ҳиндлар орасида, хусусан, Бангладеш, Непал, Шри-Ланка каби мамлакатларда ҳам тарқалган.

Ҳиндуизм табиатни севишга, ватанпарвар бўлишга, авлодлар хотирасини эъозлашга ўргатади. Ҳиндуизм ёмонликка қарши ёмонликни қўллашни эмас, балки уни яхшилик билан енгизиш мумкинлигини ўргатадиган дин ҳисобланади. Ҳиндуизм тинч-тотув, осойишта яшашга даъват қилади.

Ҳиндуизм ибодатхоналари ғоятда юксак эстетик дид билан ҳашаматли қилиб қурилган. Уларга Қуёш худоси, мусика маъбудаси, гўзаллик, сахийлик, раке маъбудалари, афсонавий фаришталар тасвири ва хайкалчалари қўйилган. Ибодатхоналарда жарангдор қўнғирокчалар чалинади. Уларда мусикий қуйлар мавжуд бўлиб, рухонийлар ширали нутқлари билан ваъзхонлик қиладилар, турли урф-одатлар ўтказилади. Хуллас, ибодатхоналарга кирган кишига руҳий тасалли, яхши кайфият ато этилади.

### **ЖАЙНИЗМ**

**Жайнизм** - бу диннинг асосчиси сифатида эътиқод қилинадиган ярим афсонавий пайғамбар-Жино номи билан аталган бўлиб, бу миллий дин Ҳиндистонда эрамыздан олдинги VI асрда пайдо бўлган. Жайнизм брахманизмдаги (брахманизм дини Ҳиндистонда эр. ав. X-XI асрларда келиб чиққан эди) кишиларни табакаларга ажратиш ва табакалар асосида одамларнинг ижтимоий тенгсизлигини илохийлаштириш системасига қарши пайдо бўлган. Жайнизм таълимотида 24 та пайғамбарга, айниқса, улардан охиригиси бўлган пайғамбар - Вардхамана Махавирага сизиниш талаб этилган. Жайнизмда жоннинг ўлмаслигига, унинг бир моддий шаклдан иккинчисига кўчиб юришига ишониш ғояси марказий ўринни эгаллайди.

Инсоннинг Ер юзасида қиладиган ҳар қандай ҳаракати ва иши ана шу жон билан тана бирлигида содир бўлади. Жонни гуноҳдан сақлаш учун ҳаётда тўғри йўлни тутмоқ, яъни дин тарғиб қиладиган барча ҳаққатларга, талабларга сўзсиз итоат этиш ва эътиқод қилиш зарур. Жайнизмда ахинса ҳақидаги қоида мавжуд бўлиб, унга кўра дунёдаги барча тирик мавжудотларга нисбатан зўрлик ишлатиш қаттиқ таъқиқланади. Жайнистлар гўшт емайдилар, энг мутаассиб диндорлар эса фақат тўрдан ўтказилган сувнигина истеъмол қилиб, парда орқали нафас олади.

Жайнизм диндорларга нисбатан қаттиқ чеклашлар ўрнатганлиги сабабли ҳозирги кунда бу дин тугаб бормоқда. Шу сабабли жайнизмни ислоҳ қилиниб замонга мосланга уринишлар бўлмоқда. Жайнизм табақаланишни қоралаб, инсонлар тенглигини илоҳий асосда ўрнатиш тўғрисидаги дин бўлганлиги унинг ижобий хусусиятидир.

## СИКХИЗМ

**Сикхизм** (сўзнинг маъноси ўқувчи, июгирд демакдир) XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларида Шимолий-Гарбий Ҳиндистонда ҳиндуизмга қарши йўналиш сифатида пайдо бўлган миллий диндир. Сикхизм майда хунарманд ва савдогарларнинг феодал зулми ва жамиятнинг табакаланишига қаршилигини ўзида акс эттиради.

XVI асрга келиб сикхлар жамоасига дехконлар ҳам қўшила бошладилар ва антифеодал ҳаракатни қўллаб-қувватладилар. Сикхизм монотеистик дин ҳисобланиб, жамоа бўлиб биргаликда ибодат қилишни инкор этади. Моддий оламдаги барча ҳодисалар сикхизм таълимотица, ягона худо-олий кучнинг ижоди, инсонлар эса худо олдида тенг, деб қаралади.

Бу дин таълимоти «Гранте Соҳиб» («Жаноб китоб») номли китобда изоҳлаб берилган. Сикхизм таълимотига эътиқод қиладиган диндорлар ҳозирги вақтда ҳам Ҳиндистонда мавжуд.

Худо олдида одамлар тенг, деб ҳисоблаши сикхизмнинг ижобий хусусияти, дейиш мумкин.

## 2. ХИТОЙ МИЛЛИЙ ДИНЛАРИ: ДАОСИЗМ, КОНФУЦИЙЧИЛИК ДАОСИЗМ

**Даосизм** - эрамыздан аввалги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган фалсафий таълимот. Даосизм таълимотининг асосий ғояси моддий оламдаги предмет ва ҳодисалар турли-туманлигининг моҳиятини таъминловчи, уларнинг мавжудлик сабаби ва манбаини ташкил этувчи «дао» тўғрисидаги тасаввурдан иборат. Эрамызнинг II асрида бу таълимот асосида диний қарашлар ҳам шаклланди ва у даосизм номини олди. Бу дин қадимги дунё файласуфи Лао Ци номи билан боғлиқ бўлиб, унинг «Дао де Ци» китобидаги таълимотга асосланади.

Даосизмда материалистик ва стихияли диалектика элементлари ҳам мавжуд. У дунёдаги барча предмет ва ҳодисалар ўзгаришда, ҳаракатда, баъзи нарсалар тикланса, бошқалари сўнади, деб таълим беради.

Аммо қохинлар (рухонийлар) бу таълимот асосига диний ғояларни қўйиб ҳолат кўп рух ва худоларга ибодат қилишдан иборат диний тизимни яратдилар. Бу динда Қохинлар «даос» номи билан аталади. Улар учун роҳиблик, дарвешлик қилишдан ташқари, оила қуриш ҳам маън этилмайди.

Шу тарихда даосизмда оламини бошқарувчи уч худодикдан иборат худолар пантиони (Шан-ди, Лао-тзи, Пан-гу) пайдо бўлди. Даосизм дастлаб йирик мулкдор ҳокимиятига қарши бўлиб, камбағаллар манфаатини ҳимоя қиладди.

Кейинчалик эса у ҳукмрон синфнинг ғоявий қуролига айланади. Манжурлар сулоласи Ци ҳукмронлиги даврида (1644-1911) даосизм диний таълимоти инкирозга уч айди. Ҳозирги вақтда даосизм динига эътиқод қилувчилар жуда оз қолди.

**Даосизмнинг** ижобий томони - авлодлар хотирасини, уларнинг руҳини эсда сақлашдир. Чунки вафат этган авлодлар руҳига ҳурмат кўрсатиш келажак маънавиятини таъминлашга хизмат қиладди.



## КОНФУЦИЙЧИЛИК

**Конфуцийчилик** кадимги Хитойда эрамиздан аввалги VI-V асрлар пайдо бўлди. Кейинчалик диний мазмун касб этган бу таълимотга маърифатпарвар Конфуций (Кун-Цзи 551-479 йил-лар) асос солган.

Конфуцийчилик таълимотида дунёкараш масалаларига эмас, балки ижтимоий-ахлоқий муаммоларга кўпроқ ўрин берилади. Унда «ахлокли киши» бўлиш, донишмандлардан таълим олиш ҳақидаги ғоя илгари сурилади. Конфуцийчилик таълимотига кўра жамиятда ҳукм сурган «Жень» инсонпарварликка риоя қилмоғи лозим. Инсонпарварлик камтарлик, онглилик, босиқлик, меҳрибонлик, одиллик, сахийликдан иборат. Инсон «Жень» қонунини ўзлаштириши учун жамиятда тутган ўрнига қараб «Ли» нормаларини бажариши талаб этилади. Жамиятдаги ахлоқий нормалар, анъаналар, урф-одатлар шунга мувофиқ белгиланади. Паст табака «ахлоки улуг» бошлиқларига итбат қилиши Ли билан оқланган.

Конфуцийчиликда кишиларнинг юкори ва куйи табакаларга ажратишда уларнинг бойлиги ёки ижтимоий келиб чиқиши асосий рол ўйнамайди, бунда юксак ахлоқий фазилатнинг хизмати катта, дейилади. Бирок бу ҳукмрон ва қарам табакаларга ажратиш бутунлай инкор этилади, деган гап эмас. Конфуцийнинг фикрича табакаларга ажратиш тартиби эски анъаналарга асосланиши ва у давлат томонидан бошқарилиши лозим. Номларнинг тўғрилиши, Чжен-мин сиёсати бўйича ҳамма нарса ва ҳодисалар ўз исмига мос келиши керак. Ана шунда ҳамма ўз ҳуқуқи ва мажбуриятини билади.

Эрамининг бошида конфуцийчиликка диний ғоялар киритилди ва у диний таълимот сифатида талқин жилина бошланди. Конфуцийнинг қабри ёнига кўплаб ибодатхоналар қурилди, унга қурбонликлар қилина бошланди. Шу тарих Конфуций худо даражасига кўтарила бошланди. XX аср бошларига келиб Конфуций шарафига қурилган ибодатхоналар сони кўпая борди.

Конфуцийчиликда олий илохий куч осмон ҳисобланиб, Хитой ҳукмрони эса худолар билан инсонлар ўртасидаги воситачи, осмон ўғли деб талқин қилинди. Хитой императорларини ҳатто худо даражасига кўтаришган. Конфуцийчиликда аждодлар руҳига сизиниш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан қурбонлик қилиш, туғилиш, оила қуриш, дафн қилиш ва бошқа маросимлар ғоят тантанали бажарилади. Бу маросимлар давлат ҳокимлари, оила ёки уруғ бошлиқлари томонидан бошқарилади.

Конфуцийчиликда қоҳинлар бўлмаган дастлабки даврларда ҳеч қандай муайян таълимот ҳам бўлмаган.

Конфуцийчиликнинг ҳамма асосий қонунлари 13 та китобда, шарҳи эса 40 жилда баён қилинган. Буларнинг энг ахамиятли қисми 9 та китобдан иборат. Булар: «Сишу» (Тўрт китоб) ва «Цзин» (Беш китоб). Бу қонунлар ҳам «муқаддас» халқ донишмандлари манбаи ҳисобланади.

Конфуцийчилик тарафдорлари диний китоблардаги таълимотга катъий риоя қиладилар ва бу таълимот мавжуд тузумнинг энгилмаслигини тарғиб қилганлиги учун Хитой феодализмининг асосий мафқураси бўлиб қолади.

## СИНТОИЗМ

**Синтоизм (синго - худолар йўли демакдир) Японияда кенг тарқалган анъанавий миллий диндир.** Бу дин илк феодализм даврида (VI-VII асрлар) ривожланган ва уруғчилик, қабилачиликка хос анимистик ва шомонизм маросимлари йнгиндисидан иборат ҳолда вужудга келган. Синтоизм таълимотида Японияда жорий этилган ижтимоий-сиёсий тартиботнинг мустаҳкамлиги ва ўзгармаслигига, куёш тангриси-Аматэрасунинг наслдан деб ҳисобланган япон императори- Микадо ҳокимиятнинг илоҳийлигига ишониш, император аждодларини муқаддас деб тан олиш, аждодлар шарафига тайинланган оила-уруғ маросимларини бажариш қабила асосий ўрин эгаллайди. Синтоизмнинг пухта ишланган акидалари йўқ. Диний маросимларни қаннушлар деб аталадиган алоҳида қоҳинлар ижро этадилар.

Қаннушлик вазифаси наслдан наслга ўтади. Ҳозирги вақтда японларнинг кўпи синтоизм билан буддизмни тенг кўриб, ҳар иккала динга эътиқод қилади. Ҳаётий маросимлар: туғилиш, никоҳ қабила синтоизм ибодатхоналарида бажарил-са, дафн этиш ва марҳумни хотирлаш маросимлари буддизм ибодатхоналарида ўтказилади.

**Синтоизм билан буддизмнинг бир-бирига таъсири кучли.** Синтоистлар буддизм дини учун ибодатхоналар қуриш билан қаноатланмадилар, балки ўрта асрларга келиб синто-будда қўшма ибодатхоналари вужудга кела бошлади. Синтоизмнинг ўзига хос хусусияти ўзи тарғиб қилган худога сиғиниш, бошқа миллат кишиларининг бу динга сиғинишини манъ этишдан иборат. Синтоистларнинг муқаддас китоби бўлмаган, аммо ибодатхоналарда ёзилган диний афсоналар учраб туради. VII асрга келиб оғзаки диний афсоналар асосида «Қодзики» («Қадимги ишлар тўғрисидаги ёзувлар») номли диний китоб пайдо бўлди, унда асосан императорлар сулоласининг келиб чиқиши илоҳийлаштирилди. VIII-X асрларда сиғиниш қондалари ишлаб чиқилди ва худолар номи рўйхатга олинди. 1886 йилдан 1945 йилларгача синтоизм Япониянинг давлат дини ҳисобланди. Натижада диннинг тузилиши ҳам ўзгарди, илоҳий руҳлар ўрнига император шахси улуғланди.

XIX асрнинг охирига келиб бу дин ўзининг аввалги обрўсини йўқота бошлади. Синтоизм дини 1945 йилда давлатдан ажратиб кўйилди. Бунга асосий сабаб Япониянинг иккинчи жаҳон урушида сиғилиши эди. Императорнинг обрўси тушганлиги бу диннинг ҳам мавқеини тушишини билдирди. Чунки яққа худо осмонда, ерда эса унинг рамзи император ҳокимияти эди. Ҳозирги даврда синтоизм динига эътиқод қилаётган японлар унча кўп эмас, аммо бу диннинг замонга мослаштиришга ҳаракат кучлидир.

**Синтоизм ахлоқ нуқтаи-назаридан ибратли дин бўлиб, у билимли, интизомли, миллий ғурур, ватанни севиш каби инсоний фазилатларни, кадриятларни улуғлайди.**

Маълумки, ана шу ахлоқ миллат ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада Япония урушдан кейинги йилларда ҳар жиҳатдан ривожланиб, дунёдаги энг ривожланган давлатга айланди. Оқибатда 1980 йилдан бошлаб Японияда яна синтоизм дини қайта тикланди. Токио шаҳрида

бош ибодатхона очилди, император оиласи на шу ибодатхонага бориб аждоллар руҳига сиғинди, қурбонлик маросими ўтказди, кўп хайр-эҳсонлар қилди.

Синтоизм дини ҳар бир кишида поклик ва озодаликка риоя қилиш кўникмасини вужудга келтиради. Эстетик дид ҳам шу диний талаблар орқали ўсиб борди.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Ведалар, Ригведа, Самоведа, Яжурведа, Атхарваведа, хиндуизм, жайнизм, сикхизм, даосизм, конфуцийлик, синтоизм, Кодзики, каннуша.

**ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Миллий динлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қадимги Ҳиндистондаги илк диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши?
3. Ведалар таълимоти ва уларнинг моҳияти.
4. Ҳиндуизм, жайнизм ва сикхизм диний эътиқодлари.
5. Қадимги Хитой миллий динлари: конфуцийлик ва даосизм.
6. Синтоизм ва унинг моҳияти.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан кўрамиз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият энгилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. Ўзбекистон 1998
7. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
8. Куръони Карим. Т.; Чўлпон, 1992 й.
9. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т.; Маънавият, 1993-1998й.
10. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.; Ёзувчи, 1996 й.
11. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.; Адолат, 2001 й.
12. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
13. Ўзбекистон: карамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
14. Жўраев У ва Саиджонов Й. “Дунё динлари тарихи” -Т. : Шарк, 1998.
15. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. –Т. : Ўқитувчи, 1995.
16. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т. : 2000.
17. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т. , 1995. й.
18. Васильев Л. С. История религий Востока. –М. : Выс. школа, 1988.

## 5-МАВЗУ: ЖАҲОН ДИНЛАРИ. БУДДАВИЙЛИК

### РЕЖА:

1. Буддавийликнинг вужудга келиши.
2. Буддавийлик динининг таълимоти.
3. Буддавийликнинг Марказий Осиёга тарқалиши.
4. Буддавийликдаги асосий оқимлар.

Буддавийлик - энг қадимги динлардан бири. У эраиздан олдинги VI асрда (рухонийлар ҳисобида 544 йил - диннинг афсонавий асосчиси вафот этган йил) шимолий Ҳиндистонда ривожланган кулдорлик жамияти юзага келиб, йирик давлатлар ташкил топаётган шароитда вужудга келди.

Буддавийликка ҳозирги даврда 700 млн. киши эътиқод қилади. Буддавийликнинг ватани Ҳиндистондан уни бошқа динлар, хусусан хиндуизм деярли сиқиб чиқарган. Ҳозирги вақтда буддавийлик Хитой, Монголия, Япония, Шри-Ланка, Непал, Бирма, Кампучия, Таиланд, Лаос, Вьетнам, Индонезия ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

Ривоятларга кўра, Будда чексиз қайта туғилиш натижасида турли қиёфада - подачи, раққоса, курувчи, шох, ҳатто худо шаклида намоён бўлган. У шу олий мақсадга эришиш учун обрўли Шакья қабиласини танлаган эмиш. Ана шундан бу диний ривоятда Будда - Сиддхартха Гаутама номи кенг тарқалган.

Гаутама ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ривоятларга кўра, у хинд қабиласи хукмронларидан бирининг ўғли бўлган ва зурриёдсиз малика Майя ғойибдан ҳомиладор бўлиб, уни 45 ёшида туккан. Гаутама туғилишида мўъжиза рўй берган. Табиий ҳодисалар - ер қимирлаши, чакмок чақиши, момақалдирок гулдирашидан ташқари, чақалок туғилган захоти етти қадам қўйган ва гапира бошлаган.

Гаутаманинг отаси Мони ўғлини дин йўлига бағишлашга рози бўлмай, унга яхши маълумот берган ҳамда яхши шароитларда тарбиялаган ва у ҳеч қандай қийинчилик кўрмай ўсган, ўзининг донолиги, қуччилиги ва эпчиллиги билан ҳаммани ҳайратга солган. Вақтлар келиб, у бир кўр чолга дуч келган, касал ётган кишини, ўликни кўргандан сўнг ҳаётнинг моҳияти, мақсади, оғирликлари, касаллик ва ўлим ҳақида ўйлай бошлаган. Бинобарин, ҳаётнинг беҳудалигини англаб, тарки дунё қилган, дарвешлик йўлига кирган, бу билан у гўё кишилар бошига тушадиган кулфатлар, азоб-уқубатлар сабабларини моҳиятига тезроқ етиб, улардан қутилиш йўлини топмоқчи бўлган. Нихоят 35 ёшида «ҳақиқий илоҳий билим»ни топанлигини эълон қилган. Шундан сўнг у Будда деб ном олган («будда» сўзи «илоҳий ҳақиқатга эришган», «нурланган» деган маънони англатади). Гаутамага шу тарика 4 та илоҳий ҳақиқат сири очилган, улар буддизм таълимотига асос қилиб олинган.

Буддавийлик моҳиятини тўрт “муқалдас ҳақиқат” ҳақидаги таълимот ташкил этади: 1. **Биринчи ҳақиқат** – “Азоб-уқубатлар мавжуддир”. Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради. Ҳар қандай ҳаёт қийноқ, азоб-уқубатдир. Туғилиш-қийноқ, касаллик-қийноқ, ўлим-қийноқ. Буддавийлик таълимотида кўра ҳар қандай нарса Дхарма(элементлардан)дан иборат бўлиб, ҳаракатли ва

ҳаракатсиздир. Ҳаракатдаги дхармаларнинг 5 формаси – тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англаш мавжуддир. 2. **Иккинчи ҳақиқат** – “Азоб-укубатларнинг сабаблари мавжуддир”. Инсон моддий ва маънавий қадриятлардан фойдаланиб яшашга ҳаракат қилади. Келажак учун карма ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан кийноқларга дучор бўлиш давом этади. 3. **Учинчи ҳақиқат** – “Азоб-укубатларни тугатиш мумкин”. Яхши ва ёмон ниятлар, интилишлар нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолда инсон қайта туғилишдан тухтайди. 4. **Тўртинчи ҳақиқат** – “Азоб-укубатлардан қутулиш йўли мавжуддир”. Бу йўл куйида баён этилган уч нарсага амал қилиш демакдир. Буддавийлик таълимоти асосан уч амалий қисмдан иборат: медитация, ахлоқ, донолик. 1. **Медитация куйидагилардан иборат:**

1. Тўғри тушуниш;
2. Тўғри ният қилиш;
3. Тўғри ўзини тутиш;
4. Тўғри англаш;
5. Тўғри ҳаракат қилиш;
6. Тўғри муомилада бўлиш;
7. Тўғри фикр юритиш;
8. Тўғри гапириш.

2. **Ахлоқ нормалари** - Будда “Панча Шила” насихати:

1. Қотилликдан сақланиш;
2. Ўғирликдан сақланиш;
3. Гумроҳликлардан сақланиш;
4. Ёмон-қалбаки нарсалардан сақланиш;
5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш;
6. Тундан кейин овозқатланнишдан сақланиш;
7. Ўйин-қулгудан сақланиш;
8. Зебу зийнат, атир-ушалардан сақланиш.

3. **Донишмандлик** – бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдир.

Гаутама ҳақида тўқилган ривоятлар, **биринчидан**, бу динни кишилар ўртасида кенг ёйишга, обрўсини кўтаришга хизмат қилган бўлса, **иккинчидан**, буддизмнинг ғайритабиий келиб чиқишини «асослаш» билан эзилувчи оммани азоб-укубатлардан қутқаришга диний изоҳ беришдир.

Ҳар қандай динлар каби буддизмнинг ҳам келиб чиқиши сабабини халқларнинг яшаш шароити ва ҳаётидан, муайян даврдаги ижтимоий муносабатлардан кидириш лозим.

Қалимий Ҳиндистонда буддавийлик шакллангунга қадар мураккаб синфий муносабатлар мавжуд эди. Кишилар олий, ўрта ва қуйи табақаларга ажратилиб, олийга - брахманлар, харбийлар, ўрта табақаларга - ҳунармандлар, савдогарлар, дехқонлар, энг қуйи табақага эса қора халқ, хизматкорлар киритиларди. Қуйи табақа кишиларининг ҳаёти ниҳоятда оғир эди. Улар ижтимоий тенглик у ёқда гурсин, диний тенгликка ҳам эришиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Бу ҳол қатта норозиликка сабаб бўлди. Бундан ташқари, жамиятни касталарга, олий ва паст тоифаларга ажратиш мавжуд бўлиб, брахманизм дини кастачиликнинг ҳимоячиси ва ғоявий қуроли эди.

Буддавийлик қулдорлик жамиятида брахманизм мазҳабларидан бири сифатида пайдо бўлди. У брахманизмнинг жонинг кучиб юриши, жаннат ва дўзах ҳақидаги ақидаларни сақлаб қолди. Брахманизмнинг жамиятқи касталарга бўлиниши тўғрисидаги таълимотига қарши чиқиб, барча кишилар дин соҳасида тенг ҳуқуқли деб эътироф қилди. Буддавийликнинг диний тенглик ҳақидаги ғояси одамларнинг касталарга бўлиниб кетишига қарши қурашда ижобий рол ўйнади. Бироқ буддавийлик бу қурашга диний-мистик тус



бериб, кишилар «азоб-укубат чекишда га ундан халос бўлишда» ҳам тешидирлар, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат диний ҳиссийларни сингдиришга хизмат қилди.

Буддавийлик диний таълимотивинг асосий манбаи **тринчтака** (луғавий маъноси « уч саваг») деб ном олган диний ёзувларда акс этган. Диний таълимотда Будда учга савагга таълимот қолдирган, деб тасаввур этилади. **Биринчи саваг** -Виная-Питака дейилади ва у будда роҳиблик жамоасини ташкил этиш тартиб-қоидалари, панд-насихатлар, ахлоқ нормалари баёнидир; **иккинчи саваг** - Сутга-Питака дейилиб, унда дуолар, дostonлар, афсоналар баён этилган; **учинчи саваг** - Абхидхарма-Питака бўлиб, диний **фалсафий-ахлоқий** гоялар баёнидан иборат. Буддавийлик, ҳамма нарсанинг асосида билиб бўлмайдиган рух ётади, дейди. Дунё реал мавжуд эмас, у фақат кишиларнинг хаёлида, билиб бўлмайдиган рухнинг намоёни бўлишида, деб таълим беради. Буддавийликдаги Нирвана таълимоти «муқаддас ҳақиқат» деб ағалади. Унга кўра: 1) **хаёт ва турмуш азоб-укубатларининг сабаби** - кишиларнинг **истаклари ва нафсларида**; 2) **азоб-укубатдан қутулиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафсларини тийишлари**, Будда кашф этган ақидаларга амал қилишлари зарур. Буддавийлик азоб-укубат тушунчасини мутлақлаштиради, борлиқнинг барча кўринишларини, унинг моҳиятини, ҳар қандай хаёт гарзини азоб-укубат деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам буддавийлик Нирванани борлиқнинг интихоси, деб ҳам тушунади.

Буддавийлик таълимотида кўра, жонан мавжудотларнинг ўлиши уни ташкил этган дхарма (элемент, заррача)ларнинг ажралиб кетиш жараёнидир. Бу дхармаларнинг янгидан бирикиши ишари қилинган «саовоб ва гуноҳ»лар билан боғлиқ дейилган. Дхарма Нирвана даражасига етгандагина қайта тугилишларга барҳам берилиб, азоб-укубатдан бутунлай халос бўлади.

3) **Буддавийлик таълимотида кўра азоб-укубатлардан халос бўлишнинг энг мақбул йўли** роҳиблик (зоҳидлик) жамиятига (сангха) ўтиш ҳисобланади. Одам жони-руҳи гуноҳдан тозалангач, мутлақ соқинлик олами бўлган Нирванага дохил бўлади.

4) **Роҳиблик бошқа динларга қараганда буддавийликда аввалроқ** вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда буддавийлик мазҳабларидан бўлмиш Хинаяна тарқалган мамлакатлар халқларининг ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнамоқда.

Роҳиблар буддавийликка эътиқод қилувчилар орасида жуда катта оғру ва хурматга сазовор бўлиб, уларга итoат этиш ва айтганини бажариш зарур, деб ҳисобланади. Буддизмда бир нечта мазҳаблар пайдо бўлди. Булардан энг йириги I асрда ажраган **Хинояна** («Кичик арава» - **тор йўл** маъносида) Шри-Ланка, Бирма каби мамлакаларда кенг тарқалган. **Махаяна** («Катта арава» - кенг йўл маъносида) Тибет, Япония, Мугулистон ҳамда Олтой ва Узоқ Шарқда яшовчи баъзи халқлар ўртасида кенг тарқалган. Буддавийлик Тибет ва Мугулистонда ҳам тарқалган бўлиб, у ламаизм деган ном билан юритилади. Буддавийликнинг бу мазҳаби маҳаллий халқлар ўртасида қадимдан мавжуд бўлган диний тасаввур ва урф-одагларини ўзлаштирган. Ламаизмда буддавийликка ҳос тасаввурлар билан бир каторда, Будданинг яна қайтиб

келиши ва ер юзида адолатли ҳокимият ўрнатиши тўғрисидаги башоратга кенг ўрин берилган. Ламаизмни кўчманчи халқ ҳаётига мослашаштиришга уриниш мавжуд. Ундаги ибодат килиш тартиби ҳам анча соддалаштирилган.

Буддавийлик таълимотида олам уч босқичли деб таърифланади. **Биринчи олам** энг юкори олам бўлиб, унда мутлок осойишталик ҳукмрон. Унда факат соф рухгина мавжуд дейилади. Бу олам рухнинг маконидир. Буддавийликнинг таълим беришича, илоҳий рухни мутлако билиб бўлмайди. Биринчи оламда рух материядан ташқарида, у ҳаракатсиз осуда яшайди. **Иккинчи олам**, ривоятларга кўра, рухий мавжудотлар билан тўла жаннат бўлиб уни бодисатва дейилади. Бу оламнинг ҳокими Амитабадир. Амитаба оламида рух гунохидан халос бўлган, лекин энг олий оламга, яъни нирванага - мутлако бўшлик ва осойишталик оламга кўтарилмаган авлиёлар яшайди. Буддалар кишиларга будда таълимотини ўрганиш, яхши йўлдан бошлаб бориш учун ерга юборилар экан. **Учинчи олам** энг қуйи олам бўлиб, унда одамлар ва ҳайвонлар яшайди. Бу оламдаги рух кафасда яшайди. У материянинг чангалида туради ва озод бўлиш ҳамда юкори оламга кўтарилишга ҳаракат қилади. Рухнинг юкори оламга кўтарилиши одамлар қиладиган савобли ишларга боғлиқ. Агар одам будда таълимотига эътиқод қилса, яхшиликка интилса, унинг жони қайта тугилишлардан сўнг жаннатга ва ундан нирванага кўтарилади. Ёмонликка мансуб гуноҳкор кишиларнинг руҳи эса қуйи дунёда азобланиб, кафан ичида юраверади, юкори оламга ҳеч қачон кўтарилма олмайди. Агар инсоннинг будда таълимотига зид ишлари қўпайиб кетса, хирс ёки товламачиликка берилиб, ундан қутила олмаса, бундай одамнинг руҳи бир неча қайта тугилишлардан кейин ер остидаги дўзахга тушади ва унда абдий азобланади. Буддавийликда қайта тугилиш деганда янгидан пайдо бўлиш тушунилмайди, балки илгари ўлган одамларнинг жисмидан тарқалган дхармаларнинг янги асосда бирлашиб, келажак авлодга ўтиши тушунилади. Шунинг учун, будда дини инсон келажак авлоди учун ҳам жавобгар деб ҳисоблайди.

Агар одам яхши бўлса, будда таълимотига тўлиқ риоя қилса, бой ва эътиборли бўлса унинг дхармалари асосида қайта тугилган одам ҳам бой ва бадавлат, софдил бўлади. Аксинча, одам ёмон қамабағал, қашшоқ бўлса, будда таълимотига риоя қилмаса, унинг дхармаларидан пайдо бўлган одам ҳам камбағал, қашшоқ бўлади. Бунинг сабаби авлодлар ёмон ҳаёт кечиргани учун берилган жазодир. Буддавийлик ўзининг бу таълимоти билан жамятдаги ижтимоий тенгсизлик ва жабр-зулмнинг туб моҳиятини илоҳий тақдир билан изохлайди.

Ҳиндистонда қулдорлик барҳам топиши билан буддавийлик брахманизмга тобора яқинлашиб борди, кейинчалик ҳиндуизмга қўшилиб кетди. XI-XII асрларда буддавийлик Ҳиндистонда ўз таъсирини деярли йўқотди.

**Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда буддавийликнинг ёйилиши** Кушонлар салтанати равнак топган даврлар (эр. ав. II аср. янги эр. I асрлари) билан боғлиқ. У ҳозирги Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва Синьцзян ҳудудларини ўз ичига олади. Кушонлар даврида буддавийлик Ҳиндистондан Марказий Осиёга, бу ердан эса «Буюк ипак йўли»

орқали Узок Шаркка ёйилган. Буддавийликни Ҳинд савдогарлари, сайёҳлари, миссионерлари дунёга таркатганлар.

Марказий Осиё халқлари буддавийликни қабул қилиб, будда динига оид ёдгорлик иншоотлар, ибодатхоналар, монастирлар каби ўзига хос иморатлар бунёд қилганлар. Масалан, Тоҳирийлар давлатининг пойтахти Балх шаҳрида будда динига оид юзга яқин монастир бўлиб, уларнинг уч мингта монахи бўлган, кўпчилик аҳоли эса буддага ибодат қилган. Марказий Осиёда буддавийликдан ташқари ўша даврларда яна зардуштий дини ҳам мавжуд эди. Будда динига оид ибодатхоналар Фарғонада, Самарканд яқинида, Поп туманидаги Чодак қишлоғида, Қирғизистон ва Туркменистоннинг жанубий гуманларида топилган. Шундай қилиб буддавийлик ўлкамизга эрамининг бошларида кириб келди.

**Ламаизм** (тибет тилида «лама»-олий самовий, деган маънога эга бўлиб, зоҳидларни шундай деб аталади) VII-XIV асрларда таркиб топган.

Тибетда буддавийликнинг Махаяна йўналишидаги оқими бўлиб, у ерда ҳукмрон дин бўлиб келган. XVI асрнинг охиридан бошлаб ламаизм Мўғулистонда, XVIII асрнинг бошидан эса Бурятиястонда кенг тарқалган. 1741 йилда барча ламалар Россияга содик фуқаро бўлиб қолишга қасам ичадилар ва ўз диний таълимоти тарғиб қилишга расмий ижозат оладилар. Дастлабки ламалар XVII аср ўрталарида Жунгориядан Россияга кўчиб келган қалмиқ қабилалари билан бирга келганлар ва Россия фуқаролигини қабул қилганлар. Қалмиқистон, Бурятиястон руҳонийларидан Тува руҳонийлари - ламалари VII асрларидаёқ пайдо бўлганлиги билан фарқ қилади. Бироқ туваликлар ламаизмни уларнинг азалий дини бўлган шомонизм билан қисмангина қўшишган ҳолда. Ламаизм таълимотида 7 та асосий ақида бор.

**Биринчи ақида:** бурхонлар тўғрисидаги таълимот. Ламаистларнинг худолари ва сурати бурхонлар атамаси била аталади.

**Иккинчи ақида:** «муқаддас китоблар» тўғрисидаги таълимот. Ламачилар иккита тўплам китобни «муқаддас» билиб эъзозлайдилар. Уларнинг биринчиси Ганжур (тибетча-вахийлар) 108 жилдли ва иккинчиси Данжур (тибетча-шарҳлар) 225 жилдли. XIV асрда тибет тилида ёзилган бу матнлар Трипитакадан қилинган таржималарни ҳам, ламачи руҳонийлар яратган асарларни ҳам ўз ичига олади.

**Учинчи ақида** - энг майда, ғайритабиий ўлмас зарралар бўлмиш дхармаларнинг бирикишидан иборат жон тўғрисидаги таълимот. Дхармалар таналарни вужудга келтиради, тана ўлади, аммо жон ўлмайди.

**Тўртинчи ақида** - дунёнинг манзараси тўғрисидаги, нариги дунёдаги ҳаёт тўғрисидаги таълимотдир. Ламаизм таълимотида кўра, нариги дунё икки босқичга бўлинади: сансара - киши жони ўзгариб турадиган чексиз занжир. Нирвана - бунда айниқса, такводор жони ором топади.

**Бешинчи ақида** - диндорлар билан бурхонлар ўртасидаги зарур воситачи сифатидаги лолалар тўғрисидаги таълимот. Буларнинг кўплари жонли худолар ёки хублиганлар - бошқача шаклда гавдаланувчилар деб қаралади.

**Олтинчи ақида** - муқаддас уруш тўғрисида бўлиб, бу уруш оқибатида буддавий бўлмаган кишиларнинг ҳаммаси йўқ қилиниши керак.

**Еттинчи акида - азоб** чекиш тўғрисидаги акида, **Ламаизм ҳам буддизм** каби Ердаги ҳаётни азоб чекиш деб ҳисоблайди. Унинг сабабларини эса асло йўқ қилиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Ламаистлар фаолиятини амалга оширадиган марказлар - даъанлар бўлиб, уларда ламалар ҳар қуни ибодат қиладилар.

Оддий ламаистлар ўз уйларида ибодат қилишлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Ламаистлар ибодатларини оддий шаклга киритиш учун ҳаракат қиладилар. Масалан, Мўғулистонда, Бурятияда, махсус диндорлар авлодлари хотирасини эслаш маросимида пул тўлаб турли ракамли шарлар ёки патталарни шу қурилмага ташлайдилар. айланиб чиккан ўша патта ёки шарни олиб, уни қўлларига, пешоналарига теккизиб ламага қайтиб берсалар ниятлари ижобат бўлган ҳисобланади.

Буддавийлик ва Ламаизмда буддага сиғиниш, вазъхонлик эшитиш, Гаутаманинг туғилиши, нурга тўлиши, тарғиботи ва ўлими билан боғлиқ бўлган «муқаддас» жойларни зиёрат қилиш, буддизм обидалари сақланадиган ибодатхоналарнинг устунларига сиғиниш асосий маросимлар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Бирмада 17-асрда қурилган ибодатхона ва 6 метрли олгиндан ясалган будда ҳайкали булиб, бутун дунё буддистлари шу ибодатхонага ҳажга борадилар.

Буддавийлик таълимотини тартибга солиш мақсадида 1971 йилда Бирмада буддистларнинг махсус ибодатхонасида Трипитаканинг турли таржималари ва вариантларини таққослаш натижасида ягона матн ишлаб чиқилди. Янги матн мазмуни 729 мармар плитага туширилди. Бу ёзувлар сақланган ибодатхона бутун дунё буддистларининг муқаддас ва зиёратгоҳ жойига айланган. Буддизм руҳонийлари халқаро миқёсда буддизм мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда буддизмнинг турли ташкилотларини бирлаштирмоқдалар, буддистларнинг халқаро конференциялари, съездларини ўтказмоқдалар.

Буддавийликнинг бир неча халқаро ташкилотлари мавжуд, шулардан энг йириги 1950 йилда ташкил топган, жаҳон буддистлари қардошлиғидир.

Буддавийлик Христиан ва Ислом динларига кучли таъсир кўрсатган. Хусусан, охират тўғрисидаги, қайта тирилиш, рух ва жоннинг ўлмаслиги, ҳайвонларни азоблаш гуноҳлиги, қон тўқмаслик каби таълимотлар буддавийликдан кейинги динларга ўтган.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Буддавийлик, Сиддхартха Гаутама, “Тўрт ҳақиқат”, медитация, Хинопяна, Махаяна, Будда, “Панча Шила”, Ламаизм, Трипитака, қайта тирилиш, дхарма, карма, виная-питака, сутта-питака, нирвана.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Буддавийликнинг асосчиси ким?
2. Буддавийлик қачон ва қаерда вужудга келган?
3. Буддавийликнинг ҳаёт ҳақидаги таълимоти қандай?
4. Буддавийлик таълимотининг асоси нимадан иборат?
5. Буддавийликнинг тарқалиши ва жаҳон динига айланиши.
6. Марказий Осиёда буддавийликнинг ёйилиши?

### Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994.
6. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида вазмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
7. Куръони Карим. Т., Чўлпон, 1992 й.
8. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т.: Маънавият, 1993-1998й.
9. Комилов. Н. Тасаввуф. Т., Ёзувчи, 1996 й.
10. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001 й.
11. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
12. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
13. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
14. Жўраев У ва Саиджонов Й. “Дунё диллари тарихи” -Т. : Шарқ, 1998.
15. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
16. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000.
17. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т., 1995. й.
18. Васильев Л. С. История религий Востока. –М.: Выс. школа, 1988.
19. Открытие Индии. Философские и эстетические воззрения в Индии XX века. –М.: Худ. лит-ра., 1987.
20. Бхагаван Шри Раджниш (Ошо) Дао путь без пути. –М.: 1994.
21. История китайской философии. –М: Прогресс, 1989.
22. Конфуций. Жизнь. Учение. Мысли. Изречения. Афоризмы. –М.: Совр. слово, 1998.

### 6-МАВЗУ: ХРИСТИАНЛИК ДИНИ

#### РЕЖА:

1. Христианликнинг вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар.
2. Христианликнинг таълимоғи.
3. Христианликдаги асосий оқимлар: католик, православ, протестанглик.
4. “Библия” – христианликнинг муқаддас китоби.



Ҳамма динлар ўз давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг таъсирида, жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга, талабларга жавоб тарзида юзага келган. Худди шунингдек, ҳеч бир дин соф тарзда пайдо бўлмаган, унинг негизида бир томондан ибтидоий диний, иккинчи томондан ўз давридаги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашлар ётади. Демак, ҳамма динларда ворисийлик аъёнаси мавжуд.

Дунёда кенг тарқалган динлардан бири ( унга 2, 2 млрд. дан зиёд киши этникод қилади) христианликдир. У Америка, Европа ва Австралияда ягона диний этникод сифатида тарқалган. Шу билан бирга, кейинги тарқалиши нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда, христианликни Фарб ҳодисаси. дини деб қарашади. Бу ўринда христианликни Европа халқларининг этникоди сифатида шаклланишини назарда тутишади. Аслида христианликнинг келиб чиқиши Шарк билан боғлиқдир.

Христианлик милонинг бошларида Фаластин ерларида пайдо бўлган. Диний этникод сифатида шаклланиши ва тарқалиши Вифлеем кишлоғида туғилган Иешуа (Иисус) номи билан боғлиқдир.

**Иисус ҳақидаги бахслар ханузгача давом этиб келади. Маълум бир оким тарафдорлари (тарихий оким) Иисуснинг реал шахс бўлгани, у амалга оширган мўъжизалар, тарихий ҳодисалардан иборатлигини ёқлайдилар. Айниқса христиан теологлари Иисусни нафақат тарихий, шу билан бирга уни илохий сифатларга эга бўлган реал шахс сифатида тарғиб қиладилар. Кейинги йилларда Иисуснинг ҳаёти. ўлими ва қайта тирилишига оид айрим манбалар, далиллар (Кумрон ғорида топилган Библия ва Иисус ҳаётига оид ёзувлар) тарихий оким ва христиан теологлариининг мавқеини мустаҳкамлади.**

Тарихий окимга зид тарзда мифологик оким ҳам мавжуд. Ушбу оким тарафдорлари Иисуснинг тарихий шахс эмаслигини, унинг таълимоти Яқин Шарқда кенг тарқалган ҳамда стоиклар қарашлари билан чатишиб кетадиган афсона, ривоятлар -мифлардир, деган фикрни илгари сурадидлар. Агар қадимги Миср, Икки дарё оралиғи, Бобил, Месопотамияда учрайдиган мифларга назар ташласак, уларда Инжил (Библия)га яқин, гоҳо айнан мифларга луч келамиз. Масалан, Иисуснинг илохий таъсир билан бокира Марямдан туғилиши, қатл этилгандан кейин қайта тирилиши, сувни шаробга айлантириши, ўликларни тирилтириши ва бошқа мифлар шулар жумласидандир. Бундай бахслар яна давом этиши турган гап, чунки, бир томондан илм- фан, техниканиннг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ошиб қайта тирилиши тасвирларга ўрин қолдирмаси, иккинчи томондан, инсон қалби, руҳи, ҳатто ўзини алдаб бўлса ҳам буюк, мусавффо ва олийжаноб ўйларга, тасаввур ва фикрларга интилаверади. Христианликда, теологлар ибораси билан айтганда, инсон руҳидаги бепоён чексизлик ва сермаъно хикматга талпинувчи куч мавжуд экан, христианлар Иисус Христосни халоскор сифатида тилга олаверадилар.

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, христианлик Форс кўрфаз атрофида юзага келган, кейинчалик бугун Рим империясига тарқалган бўлиб, унга яҳудийлик дини, стоиклар, айниқса қадим Юнон фалсафаси Сенека таълимоти таъсир қилган деб ҳисоблашади. Христианликни**

Платон идеализмининг таъсири катта бўлганлиги илмий адабиётларда асослаб берилган.

Ўрта Ер денгизи атрофларида, кенг тарқалган яхудийлик ўз бошидан ганазул ҳолатларини кечирмоқда эди. Римга итоат эттирилган Иуда вилояти ички ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам карама-каршилиқлар авж олиб, Ирод ҳокимиятининг обрўси кетган, кохинларнинг оммага таъсири сусайган эди. Кишилар ўртасида янги бир халоскор келиши зарур деган фикр кенг тарқалган. Миссия-халоскор (Христос сўзининг эквиваленти)нинг келиши ҳақидаги фикр кишилар онгини шунчалик эгаллаб олган эдики, бундан айрим шахслар фойдаланишга интилганлар. Масалан, ўнга яқин шахс ўзини халқ кутаётган ўша халоскор деб эълон қилган. Натижада миссия ҳақидаги ҳар қандай фикр ёки унга даъвогар шубҳа остига олинган. Иисуснинг қатл этилишига ҳам мана шу шубҳа сабаб бўлган.

Христианликнинг тарқалишига энг аввало ижтимоий-сиёсий ва диний кучлар қаршилиқ кўрсатган. Иисус (Исо) туғилиш арафасидаёқ жохилликка ботган динпарастлар Рим прокуратори Понтий Пилатга Вифлеем кишлоғида бир гўдак-халоскор туғилишини, келгусида у ҳокимиятни қўлга олиши мумкинлигини етказишди. Пилат қуролланган кишиларини Вифлеемга юбориб барча чакалоқларни тигдан ўтказишга буйруқ беради. Илоҳий куч ёрдамида Биби Марям ва унинг бўлажак эри Иосиф қутқариб қолинади. Иисуснинг қатл этилишини ҳам ана шу ижтимоий-сиёсий ва диний кучлар уюштирган.

Христианлик динидаги энг асосий ғоя - гуноҳкор кишиларнинг халос этилишидир. Библияга кўра худо олти кунда дунёни, охириги кунни эса ўз киёфасига монанд одамни яратган. Жаннатни унга макон қилиб берибди ва олма дарахтини кўрсатиб, бунинг мевасидан ейишни ман қилибди. У билиш, эзгулик ва ёмонликни англаш дарахти экан. Иблиснинг ва хотини Момо Ҳавонинг гапига кириб Одам Ато тақикланган мевани ебди. Одам Атонинг кўзи очилибди (шундан бери у билишга ташна, эзгулик ва ёмонлик билан яшайди). Таъқикни бузгани учун худо Одам Ато ва Момо Ҳавони жаннатдан қувибди. Христианлик таълимотига кўра Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ушбу гуноҳи уларнинг авлодларига ҳам ўтиб келади. Ҳатто унда дастлабки одамлар 800-900 ҳатто минг йилдап умр кўргани, аммо улар илк гуноҳини ювиш ўрнига гуноҳ устига гуноҳ қилишда давом этганлиги, натижада уларнинг ёши қисқариб-қисқариб 60-70 йилга тушиб қолганлиги нақл қилинади. Ҳозир ҳам христиан теологлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий инкирозларни ҳам инсонларда ошиб бораётган гуноҳлар таъсиридан деб қарайдилар.

Христианлик инсонни гуноҳга ботиб қолаётганини, шу билан бирга уни халос этиш йўлларини ҳам кўрсатади. Бунинг учун эса кишилар энг аввало худо олдида гуноҳкор эканлигини ҳис этиб, унга тоат-ибодат этиб яшаши, Иисуснинг худо ўғли ва халоскор эканлигини тан олиши, барча хатти-ҳаракатларида христианликдаги ахлоқий нормаларга риоя қилиши зарур. Хуллас, христианлик диний эътиқодида одам худо (Яратувчи-Ота)- Исо (Яратилган-ўғил) –Рух (Муқаддас Рух) бирлигига ишониши лозим.

## **Христианликнинг асосий ақидалари:**

Христианлик диний таълимотининг воқеликни сирли, илоҳий килиб тасвирловчи асосий ақидалари бир неча асрлар давомида таркиб топган.

Бу ақидалар куйидагилардир:

**1-ақида:** Христианликнинг иймон калимасига кўра диндорлар - ота худо, ўғил худо ва муқаддас рух («муқаддас учлик») бўлиб гавдаланадиган ягона худога эътиқод қиладилар. Демак, христианлик монотеистик дин эканлиги шу ақидалан маълумдир. Ота худо кўришиб турган олам (фариш-та)ларни яратган. деб ҳисобланади. Исо унинг илжилдаги «таржимаи холи» билан бирликда ўғил худо ҳисобланади. Муқаддас рух-православиеда ота худодан, католиклар эса ҳам ота-худодан. ҳам ўғил худодан келиб чиққан, деб ҳисоблашади.

**2-ақида:** Христианлик учун энг муҳим ақидавий гоё худонинг гавдаланиш ақидаси бўлиб, унга биноан Исо худолигича қолган ҳолда, гўё Мариа исмли қиздан (Биби Марям онадан) туғилган пайғамбар деб эълон этилади. Бу ақида Исога мансуб деб ҳисобланадиган барча илжил панд-насихатларга «илоҳий ҳақиқат»ларга хос ҳурматни кучайтиришга хизмат қилади.

**3-ақида:** Гуноҳни ювиш ақидасига катта ўрин берилган, бунга асосан Исо бутга микланиб тортган азоблари ва ўлими билан ўзини одамларнинг гуноҳлари қасрига ота худога қурбон қилган ва шу тарика бу гуноҳларни ювган Бу билан у гўё одамзоддаги «гуноҳ ҳукмронлигидан халос бўлиш» йўлини очиб берган.

**4-ақида:** Исонинг қайта тирилиши ақидаси христиан диний таълимотида марказий ўрин эгаллайди. Бу тирилиш келгусида одамларнинг ҳаммаси тирилишининг (ислом динидаги охират-қиёматдаги одамларни тирилиши каби) гарови деб таъкидланган.

**5-ақида:** Осмонга чиқиб тушин (Исломда меърож) ақидаси христианларни Исо тирилгандан сўнг осмонга, ота худо ҳузурига чиққанлигига ишонини. Мазкур ақида орқали ердаги ҳаёт одамни охиратда кутадиган мангуликка нисбатан ҳеч нарсага арзитайди, деган ишонч уқтирилди.

**6-ақида:** Христианликнинг «худо олдида ҳамма одам тенгдир», деган бу ақидаси илтимоний тенгсизликни бекор қила олмаган тасаввурдагина барчаги тенглик ҳуқуқини берган эди. Бу тенглик охиратда амалга ошишини кутишга диндорлар даъват этилган

Илк даврда христианлик мазлумлар, «ҳақоратланган ва ҳўрланганлар» дини эди. У аҳолининг ушбу қатламни ўз атрофида бирлаштиришга, дунёга, бойликка меҳр қўймасликка даъват этиши билан ўзини ҳукмдорларга қарши қўйди. Унда мавжуд тузумни ўзгартиришга очик даъват йўқ, ҳукмдорларга қарши чиқиб ҳақида фикр ҳам йўқ, балки христианликда «чан чекканга урса, ўнг чеккангни ҳам тутиб бер». «зўравонликни зўравонлик билан эмас, балки зўравонликни кецириб энгиш мумкин» деган гоёлар илгари сурилади.

Милодий 140-150 йиллар христианликнинг уюшган диний ташкилот, оқим сифатида шаклланиши даври бўлди. Агар милоднинг бошларида айрим ҳолда, гоҳо бошқа динларга эътиқод қилганлар ҳам, христианликни тарғиб

килган бўлсалар. энди ушбу таркок гурухлар уюшиб уни ўз тартибларига, урф-одатларига эга дин сифатида карай бошладилар.

Одатда илк христианлар хар якшанба куни эътикод килувчилардан бирининг уйда эрталаб йиғилганлар. Айниқса аёллар христианликни тарғиб қилишда фаол иштирок қилишган. Кейинчалик ушбу вазифани махсус черков ходимлари дьяконлар бажарганлар. Дьяконлар эса епископлар томонидан тайинланган. Тоат-ибодат килувчиларнинг кўпайиши билан христианликда поғонама-поғона бошқариш усули юзага келади. Натижада IV асрга келиб Иерусалим, (Куддус) Антиохия (Сурия), Искандария (Миср) ва Римда черков шоралари шаклланади. Вилоятлардаги черков ишларини эса патриархлар олиб бorganлар. Бу эса христианларни Рим расмий динига қарши чикувчи кучга айланганидан далолат берарди.

Расмий дин тарафдорларининг тазйиқи остида Рим императори Нерон (54-68йй. ) христианларни таъқибга олади. Улар Дециос (249-251йй. ), Диоклетин (284-285йй. ) ва Галерин (305-311йй. ) ҳукмронлиги даврларида ҳам қувгин қилинган. Аммо ушбу қувгинлар ва таъқиблар христианларни янада қучли бирлашишга, расмий ҳукмдорга қарши туришга ундаган. Натижада ушбу қувгинлар ва таъқиблар даврида жазога ҳукм қилинганлар ёки расмий динга қарши чиққанлар, диний эътикод учун жабрланганлар сифатида авлиёлар деб қараладиган бўлди.

Христианликнинг император Константин даври Римда расмий дин сифатида тан олиниши унда зохидлар (монахлар) окимини юзага келтирди. Монахлар христианликни давлат, жамият ишлари билан қўшилишига қарши оким эди. Христианликни давлат, жамият ишларига аралашини Август Блаженный қўллаб чиқди. У ўзининг диний-фалсафий асарларида илоҳий ҳокимият азалий, одамлар интиладиган дунёвий ҳокимият ўткинчи деган фикрларни илгари сурди. Бу фикрлар расмий черков учун айни муллоа эди. Шу тариқа давлатни динга, черковга итоат эттириш бошланди.

Константинининг пойтахтни Константинопол (Истамбул)га қўчириши билан христианликда маркази Константинопол бўлган шарқий ва маркази Рим бўлган ғарбий окимлар (черковлар) юзага келди. Римдаги христиан черковини бошқарувчи епископлар, патриархлар «папа» деб аталадиган бўлди. Константинопол черковини эса патриарх бошқарди. Тез орада шарқий ва ғарбий черковлар ўртасида бир-бирини инкор этувчи қарашлар вужудга келади. Рим папаси ўзини бутун христианлар дунёсини бошқариши, барча давлатлар, подшоҳлар унга бўйсунуши зарур деган ғояни илгари сура бошлади. Шарқ черкови ва Константинопол императори эса хар ким ўз ишини қилиши, дин, черков кишиларни худо билан муносабатларини йўлга қўйиб бориши лозим деган фикрда эди. Император христианликка эътикод қилсада, черковнинг давлатни бошқариш ишларига аралашинишга йўл қўймасликка интилди.

Римга юқоридан, Европа томонидан турли қабилаларнинг бостириб қилиши натижасида папа европаликлар билан алоқаларини кенгайтиришга мажбур бўлди. Бу эса кейинчалик христианликни Ғарб халқларининг диний эътикодига айланишига замин тайёрлади.

IX асрга келиб православ (Константинопол) черковининг таъсири Болкон ярим ороли ва Рус давлатига тарқалди. 1054 йили Рим папаси Константинопол черковини ўз таъсирига олиш ниятида элчиларни (легатлар) юборди. Патриарх Михаил Ксрулларий папа одамларини совук кутиб олади. Бундан норози элчилар София соборига бориб папа номидан патриархни черковдан четлатилган деб эълон қилдилар. Патриарх ҳам собор чакириб элчиларнинг ўзини черковдан четлаштиришга муваффақ бўлади. Ушбу зиддиятдан кейин Рим черкови билан Константинопол черкови ўртасидаги алоқалар расмий узилади. Шаркий христианлар православлар (чин эътиқодчилар), фарбий христианлар католиклар (бутун дунё) деб аталадиган бўлади.

Кейинги асрларда христианликда Фарбий черковда ҳам, шаркий черковда ҳам турли оқимлар юзага келади. Фарбда протестантлар, калвинчилар, шарқда эса грек, рус, серб, арман, сурияликлар каби оқимлар шулар жумласидандир.

Христианлик тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, Рим папаси давлатлар ишига аралашиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ўз таъсирини ўтказиб йўлидан борган. Айниқса франклар шоҳи Хлодвигнинг 496 йили христианликни расмий қабул қилиши, уни лашкар билан қўллаб-қувватлагани христианликни Европада кенг тарқалишини таъминлади.

Буюк Карл даврида черков ишлари ва христианликни ёйишда тартиблар ўрнатилди. Масалан, барча епископлар Муқаддас китобларни ўқиши, кишиларни ишонтириш йўли билан динга олиб кириши, мактаблар очиши, хайр-эҳсонлар қилиши кабилар шулар жумласидандир. Натижада Муқаддас китобларни кўчириб ёзиш, кутубхоналар очиш кенг тарқалди. Бу хизматлари учун Рим папаси Лев 111 Буюк Карлни Рим императори деб эълон қилди. Бу эса Муқаддас Рим империясининг юзага келганидан далолат беради.

Православ черкови эса давлат ишларига аралашидан кўра ўзининг диний ишлари билан кўпроқ машғул бўлди. Бирок бу православ черковининг давлатдан бутунлай айрича яшади дегани эмас. Православ динининг йирик намоёндалари эътиқод этувчиларнинг маънавий-руҳий тарбиясига эътибор берганларидек, уларнинг давлат ва жамият ишларида ҳам садокатли, муруватли, имонли бўлишга даъват этади.

Ўрта асрлар Уйғониш даври, Реформация каби ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ўзгаришларни ўз ичига олади. Айнан бу даврларда христианлик дунёни маънавий-руҳий нуқтаи-назардан ўзгартириш тўғрисидаги ранг-баранг қарашларни юзага келтирди. Шу даврлардан бошлаб деярли барча файласуфлар, тарихчилар, ўзини интеллектуал соҳага оид деб қаровчи кишилар Исо таълимотини у ёки бу даражада таҳлил қилишга, ундан озик олишга интилдилар. Санъат, адабиёт, архитектура, фалсафа, ҳатто ижтимоий-сиёсий соҳаларда христианлик ижодий қучларни рўёбга чиқаришга даъват этувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Европада университетлар юзага келиб, теологияни ўқитиш йўлга қўйилди.

Фома Аквинский Аристотелнинг қарашларига таянди. Тапа билан жон, рух бир-бирига диалектик боғлиқ, билим эса кишининг амалий тажрибаси натижасидир, деган хулосага келди. Бу эса айрим теологлар (Августин



блаженин)нинг ҳамма нарса худодан, шу жумладан билиш ҳам, деган назарияларига қарши эди.

**1. Католик оқими.** Исо пайгамбарнинг ўз излошларига даъватларидан бирида «Боринг, барча халқларга ўргатинг» дейилади. Бу аслида «бутун дунё»га христианликни тарқатишга чақирик эди. «Католик» атамаси ва оқими шу даъватдан келиб чиққан. Аслида ушбу даъват тагида христианликни универсал, яъни ҳар томонлама тушуниш ётган.

**Католик оқими дунёда кенг тарқалган. Христианларнинг 60% га яқини католицизмга эътикод қилади. Унда Исо пайғамбарнинг кўрсатишган иерархик яъни поғонали бошқариш усули мавжуд. Рим папаси католик оқимида энг юқори лавозим ҳисобланади. Кейинги маълумотларга қараганда, Рим папасига дунёдаги 4 мингдан зиёд епископлар итоат этади.**

Узоқ ривожланиш жараёнида католик оқими турли ўзгаришларни бошидан кечирди. Бир қарашдагина Рим папаси бошчилиги ва кардиналлар ништирокида тузилган ўзгармас идора усулларига таянган черков гавдаланади. Агар асрнинг бошларида у христиан доктринасини яратиш учун курашган бўлса, кейинги даврларда давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, улар сиёсий ҳаётида қатнашиш, ҳатто ҳокимият учун кураш рўй беради. VII асрда ислом билан тўқнашди, Африка ва Яқин Шарқда ўз таъсирини йўқотди. Салб юришлари ва Реформация католикликни янада ижтимоий ҳаёт талабларига мослаштиришга мажбур этди. Реформация даврида ундан Англия черкови, лютеранлар ва Франция католиклари ажралиб чиқди.

1962-1965 йиллардаги Иккинчи Ватикан Собори католицизмнинг ижтимоий талабларга мувофиқ ўзгариб яшанини кўрсатди. Айниқса биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг Европа христианлари ташаббускори бўлгани дин шахсий эътикод доирасида қолмаслигини кўрсатди. Католиклик жамият маънавий ҳаёти учун маъсул эканлигини тан олди ва ҳар бир католикни ана шу маъсулият билан яшашига даъват этди.

**Собор христианликни тарғиб қилишда нафақат логик, балки маҳаллий тиллардан фойдаланиш мумкинлигини эътироф этди.**

Собор ҳар ким эътикод эркинлигига, эътикод ҳуқуқига эга эканлигини тан олди. Маълумки, католиклик нафақат христианликка ишонмаганларни, худди шунингдек унга бефарқ қараган ёки ижодий изланишлари билан черков қотиб қолган ақидаларини шубҳа остига олганлар (Галилей, Коперник, Бруно)ни ҳам бешафқат жазолаган. Динда эътикод эркинлигини тан олиш католикнинг янги давр талаблари билан муросага келишидан далолат беради.

Яна бир муҳим томони шундаки, Собор турли диний эътиқодлар бўлишини тан олиш билан бирга баҳсла, мунозарала ёки эътиқодий изланишларда қарашларни, доктриналарни, аммо киши, шахсни қоралаш мумкин эмаслигини таъкидлади. Бу ўринда католикнинг 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари декларацияси талабларидан келиб чиққани кўриниб турибди.

Католиклик Иисуснинг черковда қолишига, Илохий Рухнинг унда қатнашишига ишонади. Ҳатто унда черков Мистик Вужуд ёки Иисуснинг Қайлиғи, илохий куч томондан яратилган деб қаралади.

Черков одам зотининг мукаммал эмаслигини, хатто у Мукаддас китобни ёддан билганида ҳам адашиши, хатога йўл қўйиши мумкинлигини яхши билади. Шунинг учун католик оками ўз акидаларини ишлаб чиққан. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иисус киёфасидаги Одам Худодир.
2. Иисус бошқалар каби одам эмас.
3. Иисус бокира аёл-Марямдан туғилган.
4. Папа гуноҳсиздир.
5. Бокира Марям вафотидан кейин арши аълога кўтарилган.

**Католикликда, худди православиедаги каби қуйидаги сеҳрли урф-одатлар бор.**

#### 1. Чўқинтириш.

Одатда бу маросим чакалок туғилгандан кейин ўтказилади ва боланинг черковга, христианликка кирганини англатади. Агар бола оғир ҳолатда бўлса уни истаган бир католик чўқинтириши мумкин. Католик гўдак пешонасига сув суртиб «Мен сени Ота-Худо, ўгил-Худо ва Илохий Рух номидан чўқинтираман» дейди. Агар бу маросим черковда ўтказилса у барча тартиблар, қондаларга мувофиқ бажарилган ҳисобланади.

1. **Конфирмация.** У боланинг 10 ёшида оғли ҳаётга кадам қўйганида ўтказиладиган маросимдир. Бу маълум бир ибтидоий инициацияни эслатади. Ушбу маросимдан ўтган бола Илохий Рухдан совға олади. Уни одатда черковда списокка ўтказилади.

2. **Евхаристия.** Ушбу маросим болага Иисуснинг ўз хаворийлари билан охирги марта овқатланишини эслатади. Унда Иисус ўз издошларига карата: нон ва винони кўрсатиб дейди: -Олинглар, енглар, бу менинг танимдир. Косани олиб дейди: - Бундан ҳам ичинглар, чунки бу қўшларнинг гуноҳи кечирилиши учун тўкиладиган Менинг қонимдир. (Инжил, Стокгольм, 1992. -70б. ) Нон ва вино чўқинтириладиган учун маънавий озука, Иисуснинг ўзидир.

3. **Никоҳ.** Христианликда никоҳ севиқли ёшларнинг худо олдида амалга ошириладиган иттифокни бузиши гуноҳ ҳисобланади. У фақат Ватикандаги «Рот Роман» суди ҳукми билангина бузилиши мумкин.

4. **Тавба.** Ушбу маросим диндорни ўз айбига иқроп бўлишини ва худодан мурувват, кечирим сўрашини англатади. Бу маросим ҳеч бўлмаса йилда бир марта -Пасха қуналари черковда ёки руҳоний олдида амалга оширилади.

Одамнинг худо олдида гуноҳкор эканлиги христианликдаги асосий ғоялардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Иисус Мен дунёни ҳалок эмас, ҳалос этиш учун келганман деган.

5. **Оғир ётган ёки ўлаётган киши ҳақига дуо қилиш маросими, бунда асосан руҳонийлардан бири касалнинг баданига зайтун мойи суради ва унинг хақида худодан кечирим сўраб дуо қилади.**

Шу кунгача католикликда Ватиканни 264 папа бошқарган. Католиклик дунёдаги ўзининг марказлашган давлатига эга бўлган ягона диндир. Ватикан 1929 йилдан бери шаҳар-давлат ҳисобланади. Унинг худуди 44 гектарни ташкил этади. Католикликнинг бош черкови-Петр собори ва папанинг расмий

кароргохи –Сикстин капелласи жойлашган хаворнийлар саройи ҳам ўша шаҳардадир.

**Рим папаси мутлақ монархия ҳокимиятига эга.** Ҳозирги кунда ушбу вазифани Франциск XVI бажармоқда. Унгача 1523 йилдан бери ушбу вазифага италияликлар сайланган эди.

Католиклик асосан Италия, Фарбий Европа, Лотин Америкаси, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Куба, Болтикбўйи давлатларида кенг тарқалган. Католикларнинг диний уюшмалари Россия, Беларус ва Фарбий Украинада ҳам учрайди. Ҳозирги кунда унга 800 миллиондан зиёд киши эътиқод қилади.

**2. Православие оқими.** Православ (чин эътиқод) оқимига мансуб христианлар учун черков шартлидир, чунки улар асосий черковни Иисусда ва тавсия этган янги ҳаётда деб билдилар. Шунинг учун католикликдаги папанинг бегуноҳлигини ва Иисуснинг бокира Марямдан туғилгани ҳақидаги ақидага шубҳа билан қарайдилар.

Православие черкови эътиқодлагиларнинг хиссига таъсир этини, уларда меҳр-мухаббат, мурувват, ҳамдардлик каби инсоний туйғуларни шакллантиришга интилади. Черков ва монастирдаги ҳаёт асосан диний ишларни адо этини билан чекланади. У католиклик каби давлатни ўзига итоат эттиришдек сиёсий ишларга аралашавермайди.

Православие маросимлари ва байрамлари кўпчилиги ва тапталлиги ўтказилиши билан кишиларда хайрихоҳлик уйғотади.

**Православлар илохий учликдан ташқари иконага ҳам ибодат қилишади,** аммо уни сиғиниш объекти сифатида эмас, балки илохий учлик гасвирлангани учун қадрланади.

Православие оқимининг асосий диний таълимоти 325 йилги Никей ва 381 йилги жаҳон Соборлари (Константинопол) да қабул қилинган тартибларда ўз аксини топган.

Православие ичида ҳам турли оқимлар мавжуд. Улар қаторига старообрядчилар, арман, Кипр ва Эфиопия, Филияндия, Александрия (Миср) черковлари қабилар қиради. Ҳозирги кунда православиеда 15 автокафел, яъни мустақил черковлар мавжуд.

XVII асрнинг 2 ярмида рус черкови патриархи христиан маросимларини ислоҳ қилади. У кўпгина маросимларни грек аъёналарига мувофиқлаштирмоқчи бўлади. Бу эса ўрнатилган маросимлар тарафдорларида норозилик уйғотади. 1666 йили уларни ажратувчилар (раскольникови) деб эълон қилишади, аммо халқ орасида улар старообрядчилар, яъни эски маросимлар тарафдорлари деган ном олишади.

**Старообрядчилар** расмий черковни инкор қила бошладилар. Россияга гарб аъёналарини олиб кирган Петр I ни антихрист (Иисусга қарши, христианлик душмани) деб эълон қилдилар. Уларнинг айримлари православие ва протестантликдаги айрим оқимлар билан бирлашиб янги оқимни юзага келтирдилар, баптистлар бушга мисол бўлиши мумкин. «Эътиқод қурашчилари» (Духоборини) эса ўзини-ўзи идора этадиган ижтимо яратишга интилди. Аммо бу оқимлар христианликда умумий тартибларни, ақидаларини

Ўзгартиролмади, балки улар динда хурфикрликнинг тарқалишига ҳисса қўшилар.

Православиеда илоҳий учликка ( Ота-Худо, Иисус-Худо, Илоҳий Рух) ишонилади. Шу боис унда бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқларни бирлаштириб чўқиниш одати бор.

Православие таълимотига кўра борликни ва париги дунёни яратган Иисус унинг ўғлидир. У Отасининг амри билан бокира Марямдан туғилган. Одамларнинг гуноҳини ювиш учун дунёга келган. Аммо уни Рим ноиб Понтий Пилат салбга миҳлаб ўлдиришга ҳукм этади. Мўъжиза рўй беради. Иисус тирилиб арши аълога кетади. У барча ўлик ва тирикларни сўроқ қилиш, уларнинг қилмишларини мувофиқ тақдирлаш учун қайта тирилиб келади.

Православиеда илоҳий учликдан ташқари авлиёлар, фаришталар, турли қаромақлар кўрсатувчиларнинг кучларига ишонишга даъват этувчи фикрлар ҳам учрайди.

Миср (Коптлар) православие черкови монофистик қарашларни илгари сурди. Унинг аъзолари Иисусда илоҳий сифатлар мавжуд, шунинг учун уни одам сифатида қараш нотўғри деган фикрни ёқлайдилар. Монофистик қарашлар грегориан-арман черковиға ҳам ҳосдир.

Несторчилар (Константинопол епископи христианликда сезиларли из қолдирган Нестор (451 йили вафот этган)нинг издошлари православие динини Эрон, Монғолия хатто Хитойгача ёйишга муваффақ бўлдилар. Ҳукмдорлар томонидан қувғинга учраган несторчилар Шарқ давлатларида маълум эътибор қозондилар.

Константинопол черкови католикликдан фарқли ўларок давлатни ўзига итоат эттиришга эмас, балки у билан ҳамкорлик қилишга, ёнма-ён яшашга иштилди. Тўғри ХУII асрда патриарх Никон черковни давлатдан юқори қўйишга уришиб кўрди. лекин унинг бу ҳаракати бирор натижага олиб келмади.

**Православлар католиклардан бир оз фарқ қилган ҳолда, Илоҳий рух Худо-Отадан келди, жаннат билан дўзах ўртасида аъроф-покланадиган жой йўқ деб қарайдилар.**

Православиеда замонавий демократик бошқариш усуллари ҳам борлигини қузатамиз. Масалан, Миср (коптлар) черкови патриархи диндорлар томонидан сайланади ва Миср ҳукумати томонидан тасдиқланади. Энг эътиборлиси шундаки, ислом кенг тарқалган пайтда ҳам Миср христианилари ўз эътиқодини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. 751 йили араб халифаси Миср христианиларини мусулмонлардан ажралиб туришлари учун қора кийиб, бўйнига 2 кило келадиган крестни осиб юришга мажбур қилган бўлсада, улар христианликдан воз кечмадилар. Ҳозирги кунда ҳам Мисрнинг 10-12% аҳолиси христианликка эътиқод этади.

Эфиопия православ черкови ўз атрофиға 20 миллион диндорни бирлаштирган. Бу мамлакат аҳолисининг 45% фоизи демакдир. Аммо у ерда хирстианлик турли ибтидоий дин кўринишлари, маҳаллий одатлар ва маросимлар билан қоришиб кетган.

**3. Протестантлик оқими.** Протестантлик оқими католик черкови руҳонийлари, қоҳинлари ва хизматчилари томонидан таъмағирлик, порахўрлик,

Ўз манфаатини ўйлаш, бирор мансабни эгаллаш учун ҳар қандай нопок ишлардан қайтмаслик каби иллатларга қарши кураш сифатида Европада юзага келди. Протестантлар черков ролини инкор этиб, христианликнинг асл илдизига қайтиш зарур деган гоя билан Рим черковига қарши чиқдилар. Бу ҳаракатнинг асосчилари Германияда Мартин Лютер (1483-1546 йй. ), Швейцарияда Кальвин (1509-1564 йй. ) ва Цвингли (1484-1531йй. ) эди.

Протестантларда католиклардан фаркли равишда, Марямни улуғлаш, черков таълимотининг тўғрилиги, папа шахсини бегуноҳ деб қарашлар мавжуд. Улар фикрига кўра, Марям қанчалик пок ва улуғ бўлсала унга сигинмаслик керак. Фақат худога сигиниш мумкин. Шунинг учун протестантлар ибодатхоналарида Марямнинг ва бошқа авлиёлар тасвирланган иконалар йўқ. Баъзи рационал фикрловчи протестантлар эса Иисуснинг бокира Марямдан туғилишига ҳам ишонқирамай қарашади. Протестантлар индульгенцияни(гуноҳларни маълум пул эвазига сотиб олиш) бекор қилинишини талаб қилиб чиқдилар.

Сеҳрли маросимлардан фақат чўқинтириш ва ёвхаристияни тан олишдаи холос. Айниқса кальвинчилар Рим черковининг сеҳрли маросимларини қатъий рад этадилар. Худди шунингдек, протестантлар черков ва папанинг улуғлиги ҳақидаги ақидаларга қатъий қаршилиқ кўрсатадилар.

Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда (Скандинавия, Германия, Польша, Англия, Франция, Швеция, Венгрия ва б. ) протестантликнинг ранг-баранг кўринишлари, гуруҳлари учрайди. Улар анабаптистлар, англиканлар, лютеранлар, кальвинчилар, кўхна католиклар, Иегово шохидлари, кимбангучилар, харризм тарафдорлари, мармонлар қабилардир.

**4. Христианлик таълимоти «Библия»да ўз аксини топган.** Шунинг учун уни христианлар муқаддас китоб деб билишади. «Библия» грекча сўз бўлиб, китоблар демақдир. У икки қисмдан – “Эски аҳд” ва “Янги аҳд”дан иборат. Агар “Эски аҳд” да Мусо (иудаизм) қарашлари ўз аксини топган бўлса, “Янги аҳд” да Иисус Христоснинг диний таълимоти мужассамлашган. “Аҳд” сўзининг маъносида худонинг инсонлар билан махсус алоқалари назарда тутилади.

“Эски аҳд” Худо томонидан олам ва одамнинг яратилиши, Исроил халқининг тарихи ҳақидаги хикоялари, Сулаймон пайғамбарнинг маталлари. Аюб, Забур номли китобларни ўз ичига олади. “Янги аҳд”да эса Иисус Христоснинг туғилиши, ҳаёти ва диний фаолияти, қатл этилиш ва тирилиб қайтиши ҳамда қарашлари ўз аксини топган.

“Библия” дунёдаги машҳур ношир Гугенберг томонидан чоп этилган биринчи босма китобдир. У биринчи марта 1452-1455 йилларда босилиб чиқди.

“Библия” ер юзидаги 1980 тилга таржима қилинган. Дунё аҳолисининг 98% уни ўз она тилида ўқийди. Нашр нусхаси нуктаи назаридан “Библия” дунёда биринчи ўринда туради. 1973-1991 йиллари ўзбек тилига таржима қилиниб 1992 йили Стокгольмдаги Библияни таржима қилиш институти томонидан нашр этилди.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Христианлик, Иисус Христос, ҳалоскорлик дини, Вифлеем, “Инжил”, Муқаддасуқлик, “Эскиаҳд”, “Янгиаҳд”, Католиклар, Православие, Протестантизм, Библия, Вати-кан,



**ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Христианлик қайси даврда вужудга келди?
2. Христианликнинг асосий ақидаси қандай?
3. Христианликнинг асосий оқимлари қайсилардан иборат?
4. Христианликнинг муқаддас китоби қайси?
5. Иусус Христос қандай шахс бўлган?
6. Христианликнинг асосий марказлари қаерда?
7. Христианликнинг қандай маъналарини биласиз?
8. Марказий Осиёга христианликнинг кириб келиши?

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. "Юксак маънавият- энгилмас куч". Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994.
6. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
7. Курьонн Карим. Т., Чўлпон, 1992 й.
8. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар, Т., Маънавият, 1993-1998й.
9. Комилов. Н. Тасаввуф. Т., Ёзувчи, 1996 й.
10. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т., Адолат, 2001 й.
11. Маънавият юлдузлари. А. Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
12. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
13. Отамуродов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
14. Туленов Ж. Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т. : Ўзбекистон 1996
15. Ўзбекистон: карамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
16. Жўраев У ва Саиджонов Й. "Дунё динлари тарихи" –Т. : Шарқ, 1998.
17. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. –Т. : Ўқитувчи, 1995.
18. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т. : 2000.
19. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т. . 1995. й.
20. Васильев Л. С. История религий Востока. –М. : Выс. школа, 1988.
21. Открытие Индии. Философские и эстетические воззрения в Индии XX века. –М. : Худ. лит.-ра. , 1987.
22. Бхагаван Шри Раджниш (Ошо) Дао путь без пути. –М. : 1994.

23. История китайской философии. –М: Прогресс, 1989.

25. Конфуций. Жизнь Учение Мысли Изречения Афоризмы. –М. : Совр. слово, 1998.

## 7-МАВЗУ. ИСЛОМ ДИНИ: ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАРКАЛИШИ

### РЕЖА :

1. Ислом дини вужудга келишидаги тарихий шарт-шароитлар.
2. Мухаммад ибн Абдуллох ҳаётлари.
3. Ислом таълимоти.
4. Мадинада ислом давлатини вужудга келиши.
5. Исломнинг жаҳон динига айланиши.

Ислом VII асрда Арабистон ярим оролида, ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудида пайдо бўлган.

Қадимдан Арабистон ярим оролида яшаган араблар Сомий қавмига мансуб бўлган. Арабларнинг кўпчилиги чўл ва даштларда яшовчи кўчманчи чорвалор бўлиб, улар «бадавийлар» деб аталган. Воҳаларда деҳқончилик, шаҳарларда эса савдо-сотик ва майда хунармандчилик билан кун кечирувчи аҳоли яшаган. VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида араб жамоаларида уруғ-аймоқчилик ва қулдорлик муносабатлари ҳали кучли, феодал муносабатлари эндигина вужудга келмоқда эди.

Ямадан шимолга йўналган қарвон йўли Ҳижоз ўлкаси ҳамда Макка ва Мадина шаҳарлари орқали ўтиб, мамлакатни Миср, Византия ва Шом (Сурия) билан боғлар эди. Шаҳар аҳолисининг кўчманчи чорвалорлар билан олиб борган савдо-сотик алоқалари кенг бўлган. Бироқ мамлакатда ҳукм сурган сиёсий тарқоқлик, бадавий қабилалар ўртасидаги тўхтовсиз ўзаро инзолар, тотемистик ва анимистик эътиқодлар асосидаги бутпарастлик, маҳдудлик, қарвон йўлларида авж олиб кетган талончилик ички ва ташқи савдо алоқаларининг кенгайишига тўсқинлик қилган. Бу зодагон савдогар табаканинг манфаатларига зил бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий юксалишига қатта путур етказётган эди.

Арабистон ярим оролида яшаётган қабилаларнинг асосий қисми уларга қўшни Миср, Византия, Эрон, Месопотамия каби қадимий маданият марказларига қараганда тарихий тараққиётнинг анча қўйи босқичида эди.

Арабистон ярим оролининг ғарбий қисмида Қизил денгиз соҳилида жуғрофий қулай бир ҳудудда жойлашган Ҳижоз тумани иқтисодий тараққиётда бирмунча илгарилаб кетганди. Қарвон, савдо йўллари бу ҳудудни жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон, шимолда Шом юрти (Сурия) орқали Миср, Византия ва Сосонийлар Эрони билан боғлар эди. Ўз даврида қатта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳудуднинг маркази Макка шаҳри бўлиб, бу ерда ёз ва кини фаслларида қатта қарвонлар ташкил этилган (тарихчи Табарий берган маълумотларга қараганда, баъзан бу қарвонлар 2000 туягача етган). Бу қарвонларнинг шимолга ва жанубга юборилиб тургани Қуръони Каримнинг 106 «Қурайш» сурасида қайд этилган.

Савло карвони йўлида жойлашган Маккадан ташкари яна Ясриб (қойинчалик Мадина), Тоиф, Хайбар каби шаҳарлар ҳам ривожланиб, кўнгайиб аҳамияти ошиб борди ва VII асрларга келиб улар гавжум савдо марказларига айланди. Албатта бу даврда Макка шаҳри билан рақобатлашадиган савдо маркази хали йўқ эди. Араб қабилалари ўртасида Макканинг диний марказ сифатида ҳам ўрни анча юкори бўлган. Исломишунос олим А. Ҳасанов ўз китобида: «Маккадаги Зам-зам кудуғи қадим замонлардан бери атрофидаги кўчманчи қабилаларнинг ва савдогарлар эътиборини қозонган. Ривоятларга қараганда, Маккада қурилган биринчи бино – Каъба ҳар бир арабларнинг муқаддас жойига айланганини ҳисобга олсак, Макканинг шуҳрат қозониши учун омиллар етарли бўлганини кўрамиз», деб ёзади. (Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т. , Мехнат, 1992. 9 б.) Қуръоннинг 108-«Кавсар» (Чашма, Булок) сурасида арабларнинг Каъба зиёратига келиб, қурбонлик сўйиш одатлари ўз ифодасини топган. Хуллас, Макка шаҳри араб қабилаларини бирлаштиришда марказий ўрин тута борган.

Арабистон ярим оролининг айрим туманларида яҳудийлар ва насронийлар яшаган. Шу боис яҳудийлик ямаи араблари ўртасида қадимдан кенг тарқалган. Яҳудийликка эътиқод қилувчи қабилалар Марказий ва Ғарбий Арабистоннинг айрим воҳаларида ҳам яшаганлар. Насроний дини эса асосан ярим оролнинг шимолий қисмида Шом юрти, Фаластин, Месопотамияда яшаган араб қабилаларнинг баъзилари ўртасида тарқалган эди.

**2. Мухаммад алайҳиссалом ғоявий таълимотининг асосини ташкил этган яққахудолик ислом динига қадар ҳам бўлган ва Мухаммад алайҳиссалом даврида ҳам бу ғояни байроқ қилиб курашганлар бор эди. А. Ҳасанов «Макка ва Мадина тарихи»да Ямомада – Мусайлима, Яманда – Асад, Марказий Арабистонда – Сажжох исми бир аёл ва Тулаҳа, Мадина (Ясриб)да ибн Сайёдлар» пайғамбарликка даъвогар бўлганлар, деб кўрсатади. Мухаммад алайҳиссалом йўли ғалаба қозонгач, факат унинг пабийлиги (пайғамбарлиги) эътироф этилиб, бошқалар эса мусулмон тарихчилигида мутанаббийлик (яъни сохта пайғамбарлар) деб ном олдилар.**

**Аллоҳ Расули (элчиси) ва пайғамбари, Ислам динининг асосчиси - Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ибн Абдулманноф обрўли қурайш қабиласидан бўлиб, милодий 571 йилнинг 21 апрелида Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида туғилдилар. 40 ёшларида пайғамбарликни бошлаганлар, 23 йил пайғамбарлик, 19 марта жиход, 4 марта умра ва бир марта ҳаж қилганлар.**

**Шажараси (аждодлари): оталари – Абдуллоҳ, оналари Омина.**

Ҳазрат Исмоил алайҳиссаломнинг оталари – Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом пайғамбарларнинг энг буюқларидан бири, уччала дин ахли-яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар бирдек эъзозлаб ҳурмат қиладиган пайғамбардир. Иброҳим алайҳиссалом ханиф эдилар, у зот яққахудоликни, Аллоҳнинг бирлиги тўғрисидаги эътиқодини Ироқ, Сурия, Миср ва Фаластинда тарғиб қилганлар.

**Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг икки нафар ўғли Исмоил ва Исҳоқ бўлиб, улар ҳам пайғамбар бўлганлар. Тўнғич ўғиллари**

**Исмоилнинг онаси – Ҳожар, Исхокнинг волидаси эса Сора эди. Исмоил укаси Исхокдан 14 ёш катта эди.**

**Иброҳим алайҳиссаломнинг кичик ўғиллари Исхок Фаластинда катта бўлади. Унинг ҳам икки нафар ўғли бўлган. Каттаси Эсов, кичиги Яъқуб. Яъқубга ҳам пайғамбарлик келиб, у кейинчалик яҳудийларнинг тарихий отаси деб ҳисобланадиган бўлди. Яъқубдан 12 ўғил ва бир киз дунёга келган.**

Яъқуб алайҳиссаломнинг иккинчи исми Исроил бўлиб, унинг 12 ўғлидан гарқалган халқ – яҳудий миллатининг бир қисми «Бани Исроил» деб атала бошланди.

Исхок алайҳиссаломдан кейинги барча пайғамбарлар (пайғамбаримиздан ташқари) – Яъқуб, Юсуф, Мусо, Ҳорун, Довуд, Сулаймон, Юнус, Закариё, Яхё, Исо ва бошқа пайғамбарлар хазрати Исхок алайҳиссалом авлодларидир.

**Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли – Исмоил 21 ёшида Жўрхум қабиласидан миллати араб бўлган Аммора деган қизга уйланади ва ундан араб тилини ўрганади. Шундан кейин унинг авлоди араблашиб кетади. Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг тили иброний (яҳудий) бўлса-да, у арабча сўзлашишга ниҳоятда уста бўлади ва авлодлари ҳам арабча сўзлашишни олат қиладилар. Шу сабабли бу зотнинг авлодлари «муставриба» (яъни асли араб бўлмай, арабликни қабул қилиб араб бўлувчи) деб аталади. Хуллас, исломнинг асосчиси Муҳаммад алайҳиссалом Исмоил авлодидандирлар.**

**Муҳаммад алайҳиссалом бир неча йиллар мобайнида диний тафаккур ва ибодат билан муттасил шуғуланганлар, такводорлик билан ҳаёт кечирганлар. У киши ҳар доим Макка яқинидаги Хиро ғорига бориб ибодат қилганлар. озик-овқат ва сув олиб кетиб, горда бир неча кунлар қолиб ибодат қилиш олатлари бўлган. Диний манбаларда таъкилланишича, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлик фаолиятини 40 ёшида 610 йилда бошлаганлар. Ваҳийнинг бошланиши тўғрисида «Сират-ур-Расулulloҳ» асарида келтирилган ривоятга қараганда, Муҳаммад алайҳиссалом Хиро тоғида тунаб қолган кечаларидан бирида осмондан нидо келган. Фаришта Жаброил «Ўки!» деб буюрган. Муҳаммад «Мен ўкишни билмайман» деб жавоб берганлар. Жаброил у кишини кўтариб бир сиқиб кўяди-да яна «Ўки!» дейди. Ҳеч жойда таълим олмаган Муҳаммад «Мен ўкишни билмайман» деб яна жавоб қайтардилар. Шу ҳолат уч марта такрорлангач, Жаброил унга кўрсатиб турган «Алак» сураси аввалидаги бир неча оятларни ўқитиб унга эшиттиради ва бу оятлар Муҳаммад қалбига ўрнашиб, ёд бўлиб қолади. Бу ҳолатни кўриб ваҳимага тушган Муҳаммад титраган ҳолда аёллари Халича олдига келадилар ва бўлган воқеани баён этадилар. Халича у кишини юпатиб, таскин беради: «Сизни ҳеч қачон Аллоҳ хор этмайди. Чунки сиз қариндошларга меҳрибон, камбағалларга ёрдам берувчи, одамлар машаққатини осон қилувчи кишисиз» дейди. У киши Муҳаммадни «Инжил»ни билган христианлик динидаги амакисининг ўғли кекса Варака ибн Нафал ҳузурига бошлаб боради. Бўлган воқеани унга баён этадилар. Шунда Варака хурсанд бўлиб, Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломга келган фаришта эканлигини айтади.**

Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётда биринчи рўй берган ваҳий ҳодисасининг вақти ҳақидаги барча илк ислом манбаларидаги маълумотлар Қуръоннинг 97-

«Қадр» сурасидаги маълумотларга асосланган. У «Лайлатул қадр» кечаси деб аталади. Тарихда бу кеча Хижратдан 12 йил билгари Рамазон ойининг 26-кунидан 27-кунига ўтар кечаси, милодий ҳисоб билан 610 йил 15 августдан 16 августга ўтар кечасига тўри келади. Дунёдаги барча мусулмонлар бу кечани тоат-ибодат билан ўтказадилар. Муҳаммад алайҳиссалом яққохудоликка асосланган ислом дини ғоясини халқ ўртасида тарғиб қилишни бошлаганида жуда катта қаршиликларга ва тўсиқларга дуч келган. Унинг тарғиботига ишониб исломни биринчилар қаторида қабул қилган Хадича, Абу Бакр, Али, Зайд ибн-Хориса, Абу ур-Раҳмон ибн Авф, Зубайр ибн Авом, Амир Ҳамза, Усмон ибн Аффон ва бошқалардир.

Муҳаммад алайҳиссалом таълимотига қурайшларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида турган задалонлар қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Икки ўртадаги низолар кескинлашгач, исломга хайрихоҳ бўлган ва Макка ҳукмронлари билан рақобатлашиб келган Ясрибдаги Авс ва Ҳазраж қабилалари юртига Муҳаммад алайҳиссалом кўчиб борадилар. «Хижрат» деб аталган мазкур воқеа 622 йил 24 сентябрда юз берган. Маккадан Ясрибга кўчиб борганлар ислом тарихида «муҳожирлар» («кўчиб келганлар»), исломни қабул қилган ясрибликлар эса «ансорлар» («ёрдамчилар») деб ном оладилар. Шу даврлан эътиборан Ясриб шаҳри Мадина («пайғамбар шаҳри») номи билан аталадиган бўлди. Мусулмон йил таквими ҳам ана шу саналан бошланади. Кейинчалик ислом адабиётида Макка ва Мадина исломнинг муқаддас марказлари сифатида «Маккаи Муқаррама» ва «Мадинаи Мунаввара» деб аталадиган бўлди.

623-630 йилларда Муҳаммад алайҳиссалом Макка шаҳри учун бир неча бор ўз рақибларига қарши урушлар олиб борди. У 630 йилда Маккага 10 минг кишилик қўшни билан босиб боради. Макка сардори Абу Суфён ночорликдан таслим бўлиб, ислом динини қабул қилади. Унинг ўғли Муовия пайғамбарнинг ноибларидан бири бўлди. 632 йил 25 январда Маккаи Муқаррамага сўнгги хажга сафар қилган Муҳаммад қаттиқ бетоб бўлиб қоладилар. У киши бетоблигида Каъба масжидида имомликни ўташни қайноталари Абу Бакрга топширдилар. (622 йилда Хадича вафотидан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом Абу Бакрнинг кизи Ойшага уйланган эдилар. ) Муҳаммад алайҳиссалом ўлими олдида куйидагиларни айтган: «Дунёда барча инсонлар баробардир. Насаб, ранг ёки ирк ўз-ўзига инсонни яхши ёки ёмони этаолмағай. Мен сизга уч нарсани мерос қолдирдим: булар – менинг оилам, Қуръони Карим ва кўрсатган ибратларимдир. Шуларни маҳкам тутсангиз ҳеч қачон кам бўлмайсиз». (Муҳаммад Пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т. «Камалак». 1991 йил, 47-б. )

**Муҳаммад алайҳиссалом 632 йилнинг 27 майида 63 ёшида Мадинада вафот этади ва шу ерга дафн этилади.**

4. Муҳаммад пайғамбар умрининг сўнгги йилларида кучли мусулмон давлати вужудга келган эди. Бу давлат Ямандан Сион ярим оролигача. Қизил денгиз соҳилларидан Марказий Қум саҳросигача чўзилган майдонни эгаллаган эди. 632 йилдан бошлаб бу давлатни Пайғамбарнинг ўринбосарлари, яъни халифалар бошқарганлар ва шунинг учун ҳам Араб халифалиги деб юритилади. Ислам динида асосан илк тўрт халифа алоҳида аҳамиятга эга. Улар – Абу Бакр



632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656), Ҳазрати Али (656-661). Халифа Умар даврида араблар Фаластин ва Сурия, Миср ва Ливия, шунингдек Эроннинг катта қисмини босиб олдилар. Халифа Усмон ҳукмронлиги даврида са Эрон тўла босиб олиниб, исломлаштирила бошланди. Ислом лашкарлари Доғистонни забт этишиб, Амударё бўйларига етиб келдилар. Бу дастлабки босқинчилик, талон-тарож максатида қилинган ҳужумлар эди.

30 йилдан озроқ муддат ичида араб халифалиги Амударё соҳилларидан Шимолий Африкагача, Тбилиси ва Дарбанддан Яман ҳамда Уммонгача бўлган ҳудудларда янги империя сифатида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Араб қўшинлари бадавийлар ва бошқа турли қабилалардан тузилган бўлиб, ўз замонасининг ҳарбий санъати ва техникасидан анча орқала бўлсада, атрофдаги давлатларнинг тарқок ва кучсизлигидан фойдаланиб, осонлик билан босиб олдилар. Византия ва Эрон қабил империялар ўзаро урушиб кучсизланиб қолган эди. Шимолий Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Кавказда ҳам йирик давлатлар йўқ эди. Шунинг учун араблар жуда катта ҳудудларни босиб олиб, у ерларда исломни ёй бошладилар.

661-750 йилларда халифаликни Уммавийлар сулоласи бошқарди. Араблар VIII аср бошларида Шимолий Африкани бўйсундирдилар. Улар 711 йилда Испанияни кейинчалик Франциянинг Бордо шаҳригача бўлган ерларни ўзларига бўйсундирдилар. Фақат 732 йили франклар араблар ҳужумларига барҳам бердилар.

Шундай қилиб VIII-IX асрларга келиб Араб халифалиги кучайди. Айниқса аббосийлар ҳукмронлиги даврида халифалик жуда ҳам гуллаб яшнади. Айниқса, Жаъфар Ал-Мансур (754-775), Хорун ар-Рашид (786-809) ал-Маъмун (813-833) қабил кучли ва талбиркор халифалар араб маданияти ва фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Халифаликнинг марказий шаҳарларни, айниқса Бағдод иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган шаҳар бўлиб қолди. Бу даврда илм-фаннинг ривожланиши ва тарихан унча катта бўлмаган даврда маданиятнинг гуллаб яшнаши Бағдодда биринчи академия ташкил толишига олиб келди. Халифа Маъмун номи билан аталган академияда илм-фанга оид мунозараларда шахсан халифанинг ўзи қатнашарди. Унда ижтимоий, диний фанлар билан бирга дунёвий аниқ фанлар ҳам ўрганилар эди. Янги ислом маданияти Осиё ва Европага катта таъсир кўрсатди.

Араб халифалиги 632 йилдан 1258 йилгача яъни 627 йил давом этди. Ундан кейин Миср Аббосий халифалиги 1261 йилдан 1517 йилгача, Усмонлилар халифалиги 1517 йилдан 1924 йилгача давом этган. Ўша йили Туркия Республикасининг раҳбари Мустафо Камол Отатурк бошчилигидаги Миллий Мажлис Усмонлилар халифалигини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

5. Уммавийлар ҳукмронлиги йилларида араблар исломининг 2-даври бошланди. Араблар Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида VII асрнинг 70 йилларида Марказий Осиёни босиб олишга киришганлар. Улар Бухоро ва Пойкандни босиб олиб, кўп миқдордаги ўлжаларни Марвга олиб кетдилар.

**Арабларнинг Марказий Осиёни босиб олишининг 2-даври 705 йилдан бошланиб, у Хуросон хоками Қутайба ибн Муслим номи билан боғлиқдир. 715 йилгача деярли бутун Мовароуннахрни босиб олиб, маҳаллий халқ конини дарё қилиб оқизди. Арабларга қарши Муқанна, Ғурак, Диваштич бошчилигида катта-катта кўзғолонлар бўлиб ўтди. Араб истилочилари Ўрта Осиё халқлари маданиятини ер билан яқсон қилдилар, сўғд, хоразмий ёзувлари, китоблари йўқ қилинди, билимли кишиларнинг боши кесилди. Моддий бойликлар, оташпарастлик ибодатхоналари бузиб ташланди.**

Арабларнинг Мовароуннаҳр халқлари ўртасида исломни сингдириш ниҳоятда қийин кечди. Улар исломни қабул қилганларни хироҷ ва жизья солиқларидан озод қилдилар, масжидларга борганларга 2 дирҳамдан пул ҳам берганлар. Исломни қабул қилмаганларни қаттиқ жазолаганлар. Наршахийнинг ёзишича, Бухорода ким урушга ярқли бўлса, ҳаммаси ўлдирилган. Араблар ислом динини аҳоли ўртасида тез тарқатиш, халқ онига сингдириш учун зўрлаш ва мажбурлашнинг турли усулларидан фойдалаганлар. Улар оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бориб, ибодатхоналар ўрнига масжидларни бино қилдилар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон ҳуқуқини жорий эта бошладилар.

Ўрта Осиё аҳолисининг мусулмончиликка тўла ўтиши бир неча ўн ва ҳатто юз йилликларни ўз ичига олади. Бу мураккаб жараён қарийб бир ярим аср давом этган. Ўрта Осиёда IX аср ўрталарига келиб ислом таълимоти тўла ҳукмрон бўлди.

Ислом дини IX-X асрларда Татаристонда, X-XII асрларда Бошқирдистонда тарқалди. Шимолий Кавказ халқлари ўртасида ислом дини XIV асрда (кабардин ва балқарлар), XIX асрда чеченлар ва ингушлар орасида ёйилди. Қозоғистон ва Қирғизистонда исломнинг тарқалиши XIX асрда ҳам давом этган.

Шундай қилиб ислом дини дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири бўлиб қолди ва бугунги кунда ислом омили таъсири ортиб бормоқда. Ислом араб дунёси ва Осиёдаги ўнлаб давлатлар билан бирга Европада, Америка, Африка, Шимолий Кавказ, Волгабуйи, Ғарбий Сибирь ва бошқа минтақалардаги аҳолининг бир қисми онгида ва турмушида чуқур из қолдирмоқда.

Ислом муқаммал диний-ғоявий тизим сифатида асосан заминимиздан чиққан алломаларнинг машаққатли ижоди ва фаолиятлари тўғрисида тўлиқ шаклланди. Қуръондан сўнг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ-ас-саҳих”и, аз-Замаҳшарийнинг араб тили грамматикасини тўлиқ ўз ичига олган “Ал-Муфассал”и, Бурҳониддин Марғилонийнинг мусулмон ҳуқуқшунослиги тўғрисидаги “Ҳидоя” асари хозир ҳам ислом оламида бош манба сифатида машҳур.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Ислом, қурайш, жоҳилия, ғазот, мусулмон, мушриклар, Макка, Ясриб(Мадина), Муҳаммад алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Исмоил алайҳиссалом, Расул, набий, Қаъба, Қуръон, араб, аҷам, ваҳий, закот, Ҳажар-ул-асвад, фатх, рисолат, , ”Алақ”, ислом маданияти, ахлоқи, олоби, ҳуқуқи, исломий адабиёт.

## ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ислом дини қайси даврда қачон вужудга келган?
2. Ислом дининг асосий ақидалари нималардан иборат?
3. Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Оллохдан бўлган биринчи ваҳий қачон назил бўлган?
5. 622 йилдаги ҳижратнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Ислом динининг ёйишдаги тарихий жанглار қаерларда бўлиб ўтган?
7. Макка фатҳи қачон амалга оширилди?
8. Ислом динининг жаҳон динига айланиши.
9. Марказий Осиёда ислом динини тарқалиши.

## Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият энгилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Оллох қалбимизда, юрагимизда. –Т. : Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.
8. Куръони Карим. Т.; Чўлпон, 1992 й.
9. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар. Т.; Маънавият, 1993-1998й.
10. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.; Ёзувчи, 1996 й.
11. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.; Адолат, 2001 й.
12. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
13. Темурагулар. Т. Камалак. 1996.
14. Отамуродов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
15. Туленов Ж. Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий гилганиш. Т.: Ўзбекистон 1996
16. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
17. Жўраев У ва Саиджонев Й. “Дунё динлари тарихи” -Т. : Шарқ, 1998.
18. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. –Т. : Ўқитувчи, 1995.
19. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т. : 2000.
20. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т. , 1995. й.
21. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т. : 2000.
22. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т. : 1992.

23. Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий. –Т. : 1991.
24. Усмон Кески ўгли. Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти. Т. : 1992.
25. Мусулмоннома. Т. : 1992.
26. Ҳусниддинов З. Ислом: оқимлар, йўналишлар, мазҳаблар. –Т. : 2000.

## **8-МАВЗУ: ИСЛОМНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ**

### **РЕЖА :**

- 1. Қуръон – ислом динининг асосий манбаси.**
- 2. Қуръоннинг таркиби ва жамланиши.**
- 3. Ҳадисларининг жамланиши ва машҳур тўнламлари.**
- 4. Шарият ва унинг категориялари.**

Олимларнинг ва буюк уламоларнинг фикрига кўра, Қуръон ва унга асосланган ислом бугунги дунё маънавий маданиятининг муҳим бир бўлагини ташкил этади. Қуръонда илгари ўтган халқлар ҳақидаги киссалар, тарих география, астрономия ва бошқа билимларга оид ғоялар кўп учрайди. Қуръон ҳидоят китоби, яъни инсонларни тўғри йўлга бошловчи китоб деб ҳисобланади. Ибн Сино, Форобий, Беруний, Абу Мусо Ал Хоразмий ва бошқаларнинг бой илмий меросларида ҳам Қуръон оятларидан унга боғлиқ малумотлардан кен фойдаланилган. Шoirларимиз Яссавийдан тортиб Сўфи Оллоёргача ундан сўнг инкилобгача ва инкилоб даврида ўтган кўплаб калам ахиллари ижодиде Қуръоннинг катта таъсири бор. Уларнинг асарларида Қуръон оятларига ишора кўп учрайди.

**Қуръон мусулмон халқларининг фалсафий, ахлокий ва ҳуқуқий** қарашларига муайян таъсир кўрсатган. Қуръон бой тарихий ва адабий ёдгорлик ҳамдир. Ҳозирги даврда Республикамызда кишиларимиз калбига ҳурфикрлик, виждон эркинлиги, миллий муносабатларни такомиллаштириш, ўтмиш маданий меросига ҳурмат, диний таълимотларга ҳолисона муносабатларни қарор топтираётган демократия Қуръон ва бошқа диний ёзувларни ўрганиш ҳаракатига зўр таъсир кўрсатмоқда.

**Қуръон - исломнинг асоси.** диний маросимлар дастури бўлиш билан бирга ахлокий даъват, ҳуқуқий меёрларни, маросим ва анъаналарни, миллионлаб инсон ҳаёти ва яшаш тарзининг энг муҳим жиҳатларини ўзиде мужассамлаштирган ёзувдир.

“Қуръон” – арабча “қараъа” (ўқимок) фаълидан олинган. Қуръон суралардан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг кам учта ва ундан ортик оятларни ўз ичига олади. Қуръон жами 114 та сура ва 6236 оятдан иборат. Қуръони Қарим тузилиши ҳақидаги ганци давом эттирсак, ундаги ҳар бир сура, оятлар йиғиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат Қуръоннинг ўзига ҳос ибораси бўлиб, «мўъжиза», «ҳикмат», «илохий аломат, белги», маъноларини англатади. Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30-га жузь (ўзбекча пора)-га бўлинган. Жузь яъни пора кейинчалик Қуръон матнини ўқишга осон бўлиши учун 30-га тенна тенн қисмга бўлинганидан пайдо бўлган.

Оятларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: айрим оятлар бир неча тугал фикрни билдирадиган катта бир жумладан (масалан, 2, 255-Оят-ал-Курсий) иборат бўлган ҳолда, айрим оятлар фақат икки сўздан (гапнинг бир қисмидан)гина иборат.

Суралар Қуръонда ўз мазмунини изчиллигича ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра –аввал катта суралар, ундан сўнг кичик суралар тартиби Мухаммад(с. а. в. ) кўрсатмаларига биноан жойланган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар-хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат. Қуръонда суралар сони 114 на бўлиб, улардан 90 таси Маккада(610-622 йиллар) ва 24-таси Мадина шаҳрида (622-632 йиллар)да нозил бўлган. Қуръонда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар, қабила-уруғчилик ҳаётига хос анъана, урф-одат ва маросимлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қондалар, жумладан, оила ва никоҳ, ажодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворислик, савдо-сотик ва қарз муаммоларига хос кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Қуръоннинг инсоф, виждон, ҳалолликка оид таълимотлари умубашарий кадрият ҳисобланади.

1. Мухаммад алайҳиссалом ҳаётлик чоғларнда яна ваҳий тушиб қолар деган умидда Қуръон жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Пайғамбар вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида сақланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (572-634 ) бошлиқ этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) мўъминлар ва муртад (диндан кайтган) лар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Ушбу жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар қўлаб шахид бўлдилар. Шунда Умар ибн ал-Хаттоб (585-644) Абу Бакрга “барча қорилар шу зайдда ўлиб кетаверса Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зарур” деган маслаҳатини беради. Аввалига Абу Бакр иккилашиб туради. Чунки бу иш Пайғамбар ҳаётлик пайтларида қилинмаган эди. Кейинроқ Абу Бакр Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етади ва Зайд ибн Собит исми саҳобани чақириб бу ишни унга топширади. Чунки, Зайд Пайғамбар алайҳис-салом билан жуда қўп бирга бўлган, Қуръонни жуда ҳам ёд олган ва Расулulloҳ ҳузурларида ёзган. Пайғамбар умрларининг сўнгги йилида фаришта Жаброил алайҳис-саломга Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб берганларида бирга бўлган эди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қуръонни қийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб чиқдилар ва боғлаб Абу Бакрнинг уйида сақлаб қўйдилар. Бу “Сухуф”- саҳифалар деб номланди. Абу Бакр оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умар ибн ал-Хаттоб уйига, у оламдан ўтгандан сўнг, унинг кизи - Пайғамбар алайҳиссалом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан қўлаб халқлар мусулмонликни қабул қилиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасидаги фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклиги борасида ихтилофлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтда халифалик қилган Усмон ибн Аффон (644-656) Ҳафса бинти Умардан Абу Бакр ва Умар шаридаги сухуфларни сўраб олиб ундан нусха кўчиришга буйруқ беради.



23. Соғуний А. Тарихи Мухаммадий. –Т.: 1991.
24. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти. Т. : 1992.
25. Мусулмоншома. Т. : 1992.
26. Ҳусниддинов З. Ислом: оқимлар, йўналишлар, мазҳаблар. –Т. : 2000.

## **8-МАВЗУ: ИСЛОМНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Қуръон – ислом динининг асосий манбаси.**
- 2. Қуръоннинг таркиби ва жамланиши.**
- 3. Ҳадисларнинг жамланиши ва машҳур тўпламлари.**
- 4. Шариат ва унинг категориялари.**

Олимларнинг ва буюк уламоларнинг фикрига кўра, Қуръон ва унга асосланган ислом бугунги дунё маънавий маданиятининг муҳим бир бўлагини ташкил этади. Қуръонда илгари ўтган халқлар ҳақидаги киссалар, тарих, география, астрономия ва бошқа билимларга оид ғоялар кўп учрайди. Қуръон ҳидоят китоби, яъни инсонларни тўғри йўлга бошловчи китоб деб ҳисобланади. Ибн Сино, Форобий, Беруний, Абу Мусо Ал Хоразмий ва бошқаларнинг бой илмий меросларида ҳам Қуръон оятларидан унга боғлиқ малумотлардан кенг фойдаланилган. Шоирларимиз Яссавийдан тортиб Сўфи Оллоёргача ундаг сўнг инкилобгача ва инкилоб даврида ўтган кўплаб калам ахиллари ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор. Уларнинг асарларида Қуръон оятларига ишора кўп учрайди.

**Қуръон мусулмон халқларининг фалсафий, ахлокий ва ҳуқуқий** қарашларига муайян таъсир кўрсатган. Қуръон бой тарихий ва адабий ёдгорлик ҳамдир. Ҳозирги даврда Республикамызда кишиларимиз қалбига ҳурфикрлик, виждон эркинлиги, миллий муносабатларни такомиллаштириш, ўтмиш маданий меросига ҳурмат, диний таълимотларга ҳолисона муносабатларни қарор топтираётган демократия Қуръон ва бошқа диний ёзувларни ўрганиш ҳаракатига зўр таъсир кўрсатмоқда.

**Қуръон - исломнинг асоси.** диний маросимлар дастури бўлиш билан бирга ахлокий даъват, ҳуқуқий меърларни, маросим ва анъаналарни, миллионлаб инсон ҳаёти ва яшаш тарзининг энг муҳим жиҳатларини ўзида муҷассамлаштирган ёзувдир.

**“Қуръон” – арабча “қараъа” (ўқимок) фаълидан олинган.** Қуръон суралардан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ва ундан ортик оятларни ўз ичига олади. Қуръон жами 114 та сура ва 6236 оятдан иборат. Қуръони Карим тузилиши ҳақидаги гапчи давом эттирсак, ундаги ҳар бир сура, оятлар йиғиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат Қуръоннинг ўзига хос ибораси бўлиб, «мўъжиза», «ҳикмат», «илохий аломат, белги», маъноларини англатади. Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30-та жузь (ўзбекча пора)-га бўлинган. Жузь яъни пора кейинчалик Қуръон матнини ўқинишга осон бўлиши учун 30-та гена тенг қисмга бўлинганидан пайдо бўлган.

Оятларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: айрим оятлар бир неча тугал фикрни билдирадиган катта бир жумладан (масалан, 2, 255-Оят-ал-Курсий) иборат бўлган ҳолда, айрим оятлар фақат икки сўздан (гапнинг бир қисмидан)гина иборат.

Суралар Қуръонда ўз мазмунини изчиллигича ёки ўқилган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра –аввал катта суралар, ундан сўнг кичик суралар тартиби Муҳаммад(с. а. в. ) кўрсатмаларига биноан жойланган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар-хил: энг катта ҳажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат. Қуръонда суралар сони 114 на бўлиб, улардан 90 таси Маккада(610-622 йиллар) ва 24-таси Мадина шаҳрида (622-632 йиллар)да нозил бўлган. Қуръонда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар, қабила-уруғчилик ҳаётига хос анъана, урф-олат ва маросимлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қондалар, жумладан, оила ва никоҳ, ажлодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворислик, савдо-сотик ва қарз муаммоларига хос кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Қуръоннинг инсоф, виждон, ҳалолликка оид таълимотлари умубашарий кадрият ҳисобланади.

1. Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлик чоғларида яна ваҳий тушиб қолар деган умидда Қуръон жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Пайғамбар вафотларидан кейин Қуръон китобларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида сакланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (572-634 ) бошлик этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) мўъминлар ва муртад (диндан қайтган) лар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Ушбу жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар кўплаб шахид бўлдилар. Шунда Умар ибн ал-Хаттоб (585-644) Абу Бакрга “барча қорилар шу зайдда ўлиб кетаверса Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зарур” деган маслаҳатини берди. Аввалига Абу Бакр иккиланиб туради. Чунки бу иш Пайғамбар ҳаётлик пайтларида қилинмаган эди. Кейинроқ Абу Бакр Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етади ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб бу ишни унга топширади. Чунки, Зайд Пайғамбар алайҳис-салом билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръонни жуда ҳам ёд олган ва Расулulloҳ ҳузурларида ёзган. Пайғамбар умрларининг сўнгги йилида фаришта Жаброил алайҳис-саломга Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб берганларида бирга бўлган эди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қуръонни қийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзиб чиқдилар ва боғлаб Абу Бакрнинг уйида саклаб қўйдилар. Бу “Сухуф”- саҳифалар деб номланди. Абу Бакр оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умар ибн ал-Хаттоб уйига, у оламдан ўтгандан сўнг, унинг кизи – Пайғамбар алайҳиссалом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан кўплаб халқлар мусулмонликни қабул қилиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасидаги фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклилиги борасида ихтилофлар чика бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтда халифалик қилган Умар ибн Аффон (644-656) Ҳафса бинти Умардан Абу Бакр ва Умар авридаги суҳуфларни сўраб олиб ундан нуسخа кўчиришга буйруқ берди.

Халифа Усмон ибн Аффон топшириғига биноан Зайд ибн Собит ўз ёрдамчилари – Куръонни яхши билган саҳобалар Абдуллох ибн Зубайр, Саъд ибн ал-Ос, Абдурахмон ибн Ҳорис ва ибн Хишом билан барча Куръон сураларини йиғиб, таккослаб чикиб қайтадан Куръон матнини жамлаган. Куръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йил тақдим этилди. У асл нусха ҳисобланиб яна учта, баъзи манбаларга кўра 7 та нусха кўчиштирилиб, йирик шаҳарлардан – Басра, Дамашқ, Куфага жўнатилади. “Имон” деб номланган асл нусха эса Мадинада, халифа Усмон ҳузурда қолди. **Кўчирилган нусхалар “Мухафи Усмон”** деб аталади.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага битта қори қўшиб жўнатдилар ва ҳаммага фақат Куръоннинг шу нусхасидан кўчиришга буйруқ беради.

Мазкур Куръон 5553 varaқдан иборат бўлиб, varaқлар ўлчами 68x53 см., матн ҳажми 50x44см. дир. Саҳафалар кийик терисидан ишланган бўлиб, ҳар бирига 12 катордан чиройли қуфий хатида ёзув битилган. Кўп varaқлари йўқолган ва кейинчалик қоғоз саҳифалар билан тўлатилган.

Татаристонлик ислом олими Шихобуддин ал-Маржонийнинг (1818-1889) айтишича, Куръонни қайта тиклаш Самарқандда жойлашган “Муғак масжиди” имоми Абдурахим ибн Усмон (ваф. 1838й.) тарафидан бажарилган.

Араб тарихчиларининг хабар беришларича, халифа Усмон Куръонни мутолаа қилиб ўтирганларида ўлдирилган. У кишининг қони Куръонга тўкилган. Шу туфайли ҳам Усмон Куръони асл нусхалиги ва халифа қони тўкилганлиги билан мусулмон дунёсида муқаддас китоб ҳисобланиб, алоҳида эътиборга сазовордир. Биздаги, яъни Тошкент шаҳридаги Усмон Куръонида ҳам қон излари бўлиб, шу нусха халифа Усмонга тегишли деган фикрлар мавжуд.

Усмон Куръони руслар Ўрта Осиёни босиб олгунча Самарқандда, Хўжа Аҳрор мадрасасида сақланар эди. Куръоннинг Самарқандга келтирилиши хақида ҳам халқ ўртасида ҳар –хил ривоятлар мавжуд. Улардан бирида муқаддас китобни Абу Бакр ал- Қафқол аш- Шоший Боғдолдан олиб келган деб хикоя қилинади. Авлодлар оша Абу Бакр Қафқол меросўрларидан Хўжа Аҳрор қўлига ўтган ва у китобни ўзи қурдирган мадрасага қўйдирган. Иккинчи бир ривоятда эса Хўжа Аҳрор муридларидан бири Маккадан ҳаж қилиб қайтаётганларида Истамбулга қиради ва бориб султонни оғир хасталиқдан даволайди. Султон минатдорчилик билдириб унга Куръонни тортиқ қилади.

Бизнинг ва арабшунос олимларининг фикрича бу Куръон соҳибқирон Темур томонидан Басрадан кўплаб қўлёзма китоблар ва бошқа ўлжалар билан бирга Самарқандга келтирилган ва машҳур Темур кутубхонасига қўйдирилган. Теурийлар давридаги ўзаро қелишмовчиликларда Темур кутубхонаси ёндирилиб юборилган, тасодифан шу нусха омон қолган.

Куръонни чуқур илмий тафтиш этган Санкт-Петербурглик Шарқшунос олим А. Б. Шебунинг фикрича, Куръон Басрада Соҳибқирон Темур томонидан Самарқандга келтирилган, чунки, Шебунинг Париж, Берлин ва Маккадаги ва бошқа нусхаларга солиштириб, биздаги Куръоннинг Басра нусхаси эканлигини исботлаб берди. 400 йил давомида бу муқаддас китоб Самарқандда сақланди.

Минг афсуслар бўлсинки, 1868 йилда рус аскарларининг Самарқандга бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликларига гажовуз бошланди. Албатта бу тажовуздан мусулмонларнинг шоҳона мулки Усмон Мусхафи ҳам четда қолмади. Мусулмонлар Қуръонини тезликда бекитиб Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бирок бу хабар Зарафшон ўлкасининг бошлиғи генерал Абрамов қулоғига етиб фан учун бундай нодир, бебаҳо, қадимий ёдгорликни қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чора қўрилсин” деб полковник Серовга буйруқ беради. Серов Қуръонни генерал Абрамовга келтиради. Абрамов эса уни зудлик билан 1869 йил Петербургда – император кутубхонасига алоҳида кузатувчилар билан юборди.

Рус ишбилармонлари кулай фурсатдан фойдаланиб Қуръон туфайли бойлик орттириш йўлига ўтдилар. Масалан: 1895 йили 2000 нусхада Қуръоннинг бир варағи чоп этилди. 1905 йили эса Илёс ибн Аҳмад шох “Ёсин” сурасини фото нусхасини чиқарди. Шу йили С. Писарев Қуръонни факсимилда 50 нусха чоп этиб, 25 нусхасини сотишга чиқарди. Хар бир нусхасига 500 сўм баҳо қўйилди. У Қуръонни асл нусхасига ўхшатиш учун ҳажмини ҳам эскича қолдирди. Ҳозир бу нусхадан Республикамизда иккита бўлиб, бири Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг асосий кутубхонасида, иккинчиси Гемурийлар тарихи музейида сақланади.

Октябр тўнтаришидан сўнг Бутунроссия мусулмонлар жамияти номидан Усмон Тўқумбоев РСФСР халқ комиссарлари советига мурожаат қилиб, муқаддас Усмон Қуръонини ўз эгаларига топширилишини талаб қилади РСФСР Х К С томонидан мусулмонларнинг талаби қондирилиб Қуръон улар ихтиёрига берилди. 1917 йил 29 декабр куни Петербургдаги подшо кутубхонасининг “нодир қўлёзмалар” бўлимидан олиниб Бутунроссия мусулмонлар жамияти раиси У. Тўқумбоев жавобгарлиги остида Уфа шаҳрига жўнатилади. 1923 йил 23 июлда Бутуниттифок Марказий ижрокоми Усмон Қуръонини Туркистонга қайтаришга қарор қилади. Муқаддас ёдгорликни Уфадан Тошкентга Махсус комиссия кузатувида олиб келинади. 1923 йил 18 августда Тошкентдан Сирдарё диний идорасига қарашли Хўжа Аҳрор Жомеъ масжидига топширилади. Қуръонга шарқнинг жуда кўп олимлари томонидан гурли тафсирлар ёзилган. Қуръон XII асрдан бошлаб Европа халқлари тилларида, жумладан лотин тилига таржима қилина бошлаган. XVIII аср бошларида Европа халқлари тилларида, XIX аср ўрталарида арабча асл нусхасидан рус тилига таржима қилинган. Г. С. Саблуковнинг арабчадан таслабқи таржимаси Қозонда уч марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. Академик И. Ю. Крачковский томонидан амалга оширилган Қуръоннинг илмий изохлари билан рус тилидаги адекват таржимаси машҳурдир. (1962, 1986)

Мамлақатимиз муस्ताқил бўлганидан сўнг ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Давлат иш қоғозлари, кўплаб дарслик ва қўлланмалар ўзбек тилида ёзила бошланди.

Шу қатори Қуръонни ҳам ўзбек тилига таржима қилишга киришилди. 1992 йилда Қуръон ўзбек тилига Алоуддин Мансур тарафидан таржима қилинди ва “Чўлпон” нашриётида кўп нусхада нашр қилинди.

2. **Мухаммад алайҳиссаломнинг айтган сўзлари**, қилган ишлари еки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар ҳадислар деб аталади. "Ҳадис" сўзининг лугавий маъноси –янги , хабар, хикоя , **сўз бўлиб тўлиқ кўриниши –«ал-ҳадис ан-Набавий»** (пайгамбар сўзлари)дир. Ислоом олимлари Мухаммад Алайҳиссаломнинг хаёт йўллари, кўрсатган йўл-йўриқлари, ул зотнинг ва саҳобаларнинг яхши ишлари, ўғит ва насихатларини билган шахслардан эшитиб тўплай бошлаган. **Ҳадислар тўплами Сунна** деб ааталади.

Ҳадислар икки қисмдан тайинан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжирини асноддан иборат.

Ҳадислар Ислоом динининг Қуръондан кейинги иккинчи манбаси ҳисобланиб, кўнгина фикхий масалаларни ҳал этишда уларга асосланилади. Ислоом олимлари Мухаммад пайгамбарнинг хаёт йўли, у айтган хикматли сўзлар, иборатли хабарлар, кўрсатган йўл-йўриқлари, ул зотнинг ва саҳобаларнинг яхши ишлари, ўғитлари ва насихатларини тўплай бошлаганлар. Бу янги маълумотларни ҳадис, яъни хикоя, хабар, хикмат дейишган. Сунний йўналишидаги мусулмонлар тан олган ҳадисларгина сунна ҳисобланиб, у Қуръондан кейинги иккинчи манбадир. Ҳадисларнинг аксарияти хужужий ва ахлоқий меърларни, маросим ва урф-одатларни, , оилавий муносабатлар, касб-кор, савдо-сотик, илм, ота-она, фарзанд, қариндош-уруғ, дўстлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва ёмонликка онд масалаларни камраб олган. Исломда таътикли ва нуфузли ҳисобланган кишилар томонидан етказилган ҳадислар – саҳих, яъни ишончли деб эътироф этилган. Ҳадисларни асосий максали – дўстлик, адолат, ўзаро яхши муносабатларни мустаҳкамлаш, инсонларни ёмонликлардан асрашдир.

**Ҳадис икки хилдир :**

**-ал-ҳадис ал-қудсий (бу каби ҳадисларда , маъно Оллоҳдан, лафз эса Пайгамбарники бўлади);**

**ал-ҳадис ан-набавий - (бунисида эса, маъно ҳам, лафз ҳам Пайгамбарникидир).**

Маълумки, ҳадислар асосан Мухаммад вафотидан кейин ёзила бошланган . Пайгамбар сафлошлари-саҳобалар оятларни махсус саҳифаларга ёзиб борганлар. Уларнинг баъзилари пайгамбарнинг айтган сўзи ва хатти-харакатларини ҳам ёза бошлаганда пайгамбар бу ишни давом егтиришни таъқиқлаган ва бунга улар Қуръон билан суннани ажратолмай қолинларидан чўчишлигини сабаб қилиб кўрсатган.

Илк ёзилган ҳадислар қаторига Мухаммад (с. а. в). нинг ҳорижий-ўлкаларга –Византия императорига, Эрон шоҳига, Миср ҳамда Ҳабашистон хукмдорларига йўланган мактублари ҳам қиради. Ундан ташқари кўплаб бошқа ҳужжатлар ҳам бўлганки, улар ҳам илк бор ёзилган ҳадислардан ҳисобланиб, уларда исломга даъват этиш, муайян вазифаларга тайинлаш, ер ва ундан олиннадиган солиқлар, имон ва тавсия мактублари, пайгамбарларга келган хатларга жавоблар ўрин олган.



XI-XII асрларга келиб Мовороунахрда хадис соҳасида анча олга силжишлар бўлди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доирада ижод қилиш билан кифояланмай, балки имкон қадар илмнинг кўпроқ қирраларига эга бўлишга интиланлар. Шунга кўра бирон-бир олим масалан, фақатгина муфассир ёки факихнинг ўзи эмас, балки бир вақтининг ўзида муҳаддис ҳам бўлганлар. Чунки бу даврда, юқорида айтиб ўтилганидек, диний ихтилофлар кучайган эди. Шунга кўра уламолар бу ихтилофларни олдини олиш, бартараф этиш учун хар тарафлама кучли билимга эга бўлишлари лозим эди.

7-аср охири 8-аср бошларида тафсир илми билан бир қаторда хадис илмида муснадлар ёзила бошлади. Исломнинг аввалиги вақтида фақатгина оятлар ёзма ҳолида сақланиб келинган бўлса, кейинчалик турли даражадаги сохта хадислар ҳам мусулмонлар орасига сиғиб кетди. Бу эса олимлар олдига қатта маъсулиятли вазифани, яъни мана шу “мавзу” тўқима хадисларни ва “сахих” ишончлиларини ажратиб бериш вазифасини қўйди. “Саҳих”, “Ҳасан”, “Заъиф” каби уч қисмга бўлиб ўрганила бошланди. “Сихоҳ ас-ситта”(олти ишончли тўплам)номли хадислар мажмуаси пайдо бўлди. Уларнинг асрчилари:

**-Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардазбех ал-Бухорий(194/810 йилда Бухорода туғилган, 256/870 йили Самарқанднинг Хартанг кишлоғида вафот этган), у “Саҳих ал-Бухорий” ёки “ал-Жомеъ ас-Саҳих” номли асар муаллифидир. Муҳаддислар орасида энг обрўлиси ва машхури Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. У Бухорода туғилиб, дастлабки билимларни ўз она юртида олиб, билимларини мукаммаллаштириш максалида Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Ҳижоз, Кўфа, Нишопур каби шаҳарларга борган. Имом Бухорийдан бизгача жуда кўп ҳажмдаги илмий мерос етиб келган. Унинг Ислом таълимотига оид 20-га яқин қатта ҳажмдаги асарлари мавжуд. “Ал-Жомеъ ас-Саҳих”, “Ат-тарих ал-Қабир”, “Ат-тарих ас-сағир”, “Ал-адаб ал-Муфрал” қабилар шулар жумласидандир. Имом Бухорийни бутун Ислом оламига машхур қилган асари- тўрт жилдли “Ал-Жомеъ ас-Саҳих”(Ишончли тўплам) бўлиб, у “Саҳихи Бухорий” номи билан ҳам маълумдир. Ушбу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Имом Бухорий 20 мингдан ортиқроқ хадис тўплаб, улардан 7250 тасини мана шу китобга киритган.**

**-Имом Абул-Ҳусайн Муслим Нишопурий (202-261/817-875), у “Сунан” асари муаллифидир.**

**-Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Жоруд ибн Ашас Сижистоний(Сийистоний) (202-275/817-889), у “Сунани Абу Довуд” асари муаллифидир.**

**-Имом Абу Абд ар-Раҳмон ибн Али ибн Шайбий Насоий (215-303/830-915), у “Сунани Насоий” асари муаллифидир.**

**-Имом Абу Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ибн Можжа (209-273/825-887), у “Сунан ибн Можжа” асари муаллифидир.**

**-Имом Абу Исо ат-Термизий (ваф. 279/893 й. ), у “Сунан ат-Термизий” асарининг муаллифидир. Имом Бухорийнинг яқин**

шоғирдларидан бўлиши Имом Абу Исо ат-Термизийдир. Ундан бизгача “Жомеъ ал-Кабир”, “Жомеъ ат-Термизий”, “Аш-Шамоил ан-Набавия”, “Ат-тарих”, “Китоб аз-зўхд” каби асарлар етиб келган.

Яна бу муҳаддислар каторида Абдуллох ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийни(181/798-255/869) ҳам айтиб ўтиш лозим. У “Сунан ад-Доримий” асари муаллифидир. Имом Доримий ҳадис илмини Самарқандда ривожлантиришда ўзининг катта хиссасини қўшган.

XI-XII асрларга келиб Мовороуннаҳрда ҳадис соҳасида анча олға силжишлар бўлди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доирада ижод қилиш билан кифояланмай, балки имкон қадар илмининг кўпроқ қирраларига эга бўлишга интиланлар. Шунга кўра бирон-бир олим масалан, фақатгина муфассир ёки фақиҳнинг ўзи эмас, балки бир вақтнинг ўзида муҳаддис ҳам бўлганлар. Чунки бу даврда, юқорида айтиб ўтилганидек, диний ихтилофлар кучайган эди.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Қуръон, “Мусхаф”, вахий, икраъ, позил, сура, оят, нора(жузь), ҳадис, муҳаддис, кудсий ва набавий ҳадислар, шарият, аҳком, аркон, ислом ҳуқуқшунослиги, тафсир, муфассир. “Жомеъ-ус-саҳиҳ”, “Сунан”.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Қуръони қарим қачон нозил бўла бошлаган?
2. Қуръон нозил бўлиш даврига кўра қандай қисмларга бўлинади?
3. Қуръон қачон яхлит китоб шаклига келтирилди?
4. Қуръон қандай қисм ва бўлимлардан иборат?
5. Қуръонни жамланиши қимлар томонида амалга оширилди?
6. Тошкентдаги “Мусхафи Усмоний” ҳақида нималарни биласиз?
7. Қуръоннинг қандай тафсирлари мавжуд?
8. Қуръонни ўзбек тилига таржимаси қим томонидан амалга оширилди?
9. Ҳадис сўзининг моҳияти нимадан иборат?
10. Ҳадислар қачондан бошлаб ёзила бошланди?
11. Энг машҳур муҳаддислар қимлар бўлган?
12. Қандай ҳадис турлари ва тўнламлари мавжуд?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият- енгилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Оллох қалбимизда, юрагимизда. –Т. : Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т. : Ўзбекистон, 2015 й.

8. Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992 й.
9. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар. Т.: Маънавият, 1993-1998й.
10. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.: Ёзувчи, 1996 й.
11. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001 й.
12. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
13. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
14. Отамуродов С. , Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
15. Туленов Ж. Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т. : Ўзбекистон 1996
16. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
17. Жўраев У ва Саиджонов Й. “Дунё динлари тарихи” -Т. : Шарқ, 1998.
18. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. –Т. : Ўқитувчи, 1995.
19. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т. : 2000.
20. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т. , 1995. й.
21. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т. : 2000.
22. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т. : 1992.
23. Соғуний А. Тарихи Мухаммадий. –Т. : 1991.
24. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти. Т. : 1992.
25. Хусниддинов З. Ислоҳ: оқимлар, йўналишлар, мазҳаблар. –Т. : 2000.
26. Шамоили Мухаммадия/Сайид Махмуд Тарозий Алихон тўра таржимаси. Т: Мехнат нашр, 1991 й.
27. Исмоил Махдум. Тошкентдаги «Мусхафи Усманий» тарихи Т. 1996 й.
28. Уватов У. Мухаддислар Имоми. -Т. Маънавият, 1998.

## **9-МАВЗУ: ИСЛОМДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР, МАЗҲАБЛАР ВА ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ОҚИМЛАР**

### **Р Е Ж А:**

1. Ислоҳдаги асосий йўналишлар ва мазҳаблар:
  - а) Суннийлик йўналиши ва унинг асосий мазҳаблари
  - б) Шиалик йўналиши ва унинг асосий мазҳаблари.
2. Тасаввуф таълимоти ва унинг тарикатлари.

Яхлит тизимдан иборат ислоҳда ҳокимият, унинг тепасида қандай қуч ва қандай кишилар туриши лозим, бунда қимлар ҳуқуқга эга, сиёсийми ёки диний қамоами, халифалиқда асосий қуч Қуръон ва шариятга, ақида ва фикҳга луносабатлар турлича бўлгани каби масалаларда келина олмаслик натижасида VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ турли йўналиш ва мазҳаблар, секталар вужудга келиб улар ўртасида қурашлар бошланди.

А) Суннийлар ва Шиалар йўналишлари

Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин 4 та халифадан Абу Бакр, Умар, Усмон хошимийлар уруғидан эмас эдилар. Али эса шу уруғдан эди. Мусулмонлар орасида халифалик ҳокимиятига фақат пайғамбар авлодлари эгаллик қилиши лозим деб ҳисоблайдиганлар ва аксинча ҳокимият тепасига пайғамбар авлоди бўлмаган кишилар, агар улар диний жамоа томонидан сайланса ҳам чиқиши мумкин деган мусулмонларга ажралдилар.

Булар ислом тарихида Суннийлар ва Шиалар йўналишини вужудга келтирдилар.

**ИСЛОМДАГИ асосий МАЪХАБЛАР.**

«Маъхаб» арабча сўз бўлиб, «оқим», «йўл», «таълимот» маъносини англатади.

Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,5 млрд. мусулмон аҳолисининг 92.3 фоизини Суннийлар ташкил этиб, маъхаблар бўйича қуйидагича нисбатда бўлинган: Ҳанафийлар 47 фоиз, Шофийлар 27 фоиз, Моликийлар 17 фоиз, Ҳанбалийлар 1.5 фоиз.

**Суннийлар**

Суннийлар (сунна сўзи арабча бўлиб, «анъанавий йўл») дунёдаги барча мусулмонларнинг тўртдан уч қисмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда Суннийлар асосан араб мамлакатларида, Туркия, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой, Болгария, Албания, Югославия, собиқ иттифок ўрнидаги мустақил давлатларда яшайдилар. Жумладан Ўзбекистонда яшайдиган Суннийлар учун Макка, Мадина, Каъба, Куръон, Муҳаммад пайғамбар ва тўрт халифалар «чорёрлар», пайғамбар ҳадислари сунна тўплами муқаддас ҳисобланади. Суннийлар Аллоҳни одам қиёфасида гўё арши аълодаги ўз тахтида ўтирган шарқона шаҳаншоҳ қиёфасида тасаввур қиладилар.

Суннийлар сиёсий ҳокимият мамлакатни бошқарадиган олий куч, диний жамоалар эса уларга бўйсунувчи ва унга ёрдам берувчи гоёлар кучи деб билганликлари учун подшоҳлар, амирлар, султонлар ёнига шайху ислом лавозимида олий ислом вакили турган. **Шиалар 7, 5 фоиз бўлиб, унда исмоилӣ, жаъфарӣ, зайдӣ маъхаблари мавжуд.**

Суннийлар Шиалардан фарқ қилиб, Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин Аллоҳ билан одамлар ўртасида воситачилик бўлишини тан олмай, подшоҳлар пайғамбар йўлини давом эттирувчи Аллоҳнинг ердаги вакили деб ҳисоблайдилар. Али ва унинг авлодларини имоматга, яъни мусулмон жамоасига раҳбарлик қилиш ҳуқуқи бор деювчи Шиалар талабини ҳам инкор қиладилар. Шунингдек, ҳуқуқ масалаларини ҳал қилишда, ҳайитлар ҳусусида, ғайридинларга муносабатда, намознинг жузъий масалаларида, диний масалаларда, фуқаролик ҳуқуқларида, руҳонийларнинг даражалари, масжидлар ҳусусида, диний ташкилотлар тузилишида ҳам Суннийлик Шиалиқдан жиддий фарқ қилади.

**Шариатга муносабат, унинг тамойилларини қўллаш жараёнида Суннийликда тўртта маъхаб пайдо бўлган:**

1. **Ханафийлар.** Бу мазҳабга имом Абу Ханифа ан-Нуъмон (696-767-йиллар) асос солган. Ханафия ўзининг шароитига қараб иш тутганилиги ва халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганилиги билан кенг тарқалган. Улар Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Афғонистон, Африка халқлари, Марказий Осиё халқлари (Озарбайжондан ташқари) орасида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам тарқалган. Ханафийлар ҳозирги даврда бутун мусулмонларнинг 47 фоизини ташкил этадилар.

2. **Моликийлар** мазҳабига имом Молик ибн Анас (795 йилда вафот қилган) асос солган. Бу мазҳаб қонуни ақлга асосланмаганлиги билан бошқа мазҳаблардан фарқ қилади. Ҳозир бу мазҳаб шимолий Африка (Тунис, Жазоир, Марокаш), ғарбий Африка ва Суданда тарқалган.

3. **Шофийийлар.** Бу мазҳабга имом Муҳаммад ал-Шофийий (820-йилда вафот этган) асос солган. Шофийийлар ханафия ва моликийлардан ўзгаларини фикрини ҳисобга олиб, сарб-тоқатли бўлишликлари билан ажралиб турадилар. Ҳозир шофийийлар Мисрда, Шарқий Африка ва Индонезияда кўпроқ тарқалган.

4. **Ҳанбалийлар мазҳабига** Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (855-йилда вафот этган) асос солган. Бу мазҳаб ўзининг ўта мутаассаблиги ва қаттиққўлиги билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Бу мазҳабдагилар Саудия Арабистонининг Наж ва Ҳижоз ҳудудларида яшайдилар. Улар барча мусулмонларнинг 1.5 фоизини ташкил қиладилар. Улардан ваҳҳобийлар юзага келган.

### Ш И А Л А Р

**Шиа**лар мусулмонларнинг жами 7.5 фоизини ташкил этиб, унда исмоилӣй, жаъфарӣй, зайдӣй мазҳаблари мавжуд. (Қаранг: Динлар ҳақида маълумот. Тошкент 2000. Буклет 1-буклам).

**Шиа**лар (арабча **Шиа** - тарафдорлар гуруҳи демакдир) Али ва унинг ўғиллари Ҳасан, Ҳусайн, уларнинг авлодлари -жами 12 та имомни Муҳаммад найғамбарнинг бирдан-бир қонуний ворислари деб биладилар. Шиалар «имомият ишояти Аллоҳ» деб халифалик ҳаётида барча ҳуқуқ ва имтиёзлар имомиятда бўлиши, ҳокимлик имом қўлида бўлиши, бош имом халифанинг ўзи бўлишини талаб қиладилар. Мусулмон жамоа мулки барча мусулмон манфаатига хизмат қилиши лозим деб ҳисоблаб, бой ҳам ўта қашшоқлар ҳам бўлмаслиги зарур дейдилар. Туғилган йили номаълум бўлган имом Жаъфарнинг иккинчи ўғли Исмоилнинг ғойиб бўлган ўғли имом Маҳднини қайтиб келиб ер юзида адолат ўрнатади деб ишонадилар. Шиалар Аллоҳ ҳар бир мусулмоннинг қалбида, дилида бўлганлиги учун ҳамма нарсани кўриб туради деб тасаввур қиладилар. Шиалар Қуръонни тан оладилар, аммо «115 икки ёритғич» деган сурани ундан атайлаб туширилиб қолдирилган деб ҳисоблайдилар. Бу сурада Али Муҳаммад Аллоҳнинг нури, лекин Али Аллоҳнинг валийси деб ишонадилар. Ҳозир Шиалар Ироқ, Сурия, Яман, Эрон, Ливан, Озарбайжонда, Тожикистоннинг тоғли Бадахшон автоном вилоятида яшайдилар.

**Шиа**лар «ахбор» - Али ва унинг авлодлари тўғрисидаги муқаддас ривоятлар тўғрисида Қуръондан кейинги манба сифатида қарайдилар. Шиалар Ироқдаги Қарбало даштининг Қум шаҳри ва Нажаф шаҳридаги Али, Ҳасан, Ҳусайн, Фотима ва 12 та имомлар жасади ётган жойларини зиёрат қиладилар.



Шиалар муҳаррам ойда (1-10 март) мотам тутиб «Ох Хусайн, вох Хусайн» деб баланд овозда йиғлаб ўз таналарига уриб, кўча юришларини ўтказадилар. Ашурлик маросими ҳам қиладилар. Хорижийлар фиркаси тарафдорлари Али билан Абу Суфъённинг ўғли. Сурия ҳокими Муовия ўртасида Усмон вафотидан кейин халифалик учун бошланган шиддатлик кураш вақтида Алининг Муовия билан келишишидан норизо бўлган 12 минг аскар Али армиясидан ажралиб (арабча «хаража», «чкиш», «қўзғолончи») чиқиб кетгандан кейин пайдо бўлди. **Хорижийлар** Муовияга ҳам Алига ҳам қарши курашиб Жазоир, Уммон, Занжибар, Тунис, Ливияда ўз мустақил давлатларини тузганлар. Бу давлат Рустамийлар сулоласининг ҳукмронлигида эди.

Хорижийлар диний жамоа давлат раҳбарини сайлаб қўйилиши лозим деб ҳисоблаганлар. Сайланадиган шахснинг таржимаи ҳолига эътибор қилинмаган. Уларнинг фикрича, ҳар бир диний жамоа ўзига имом сайлаши ва уни ўрндан тушириши мумкин.

Улар жамият тепасида руҳонийлар туришини талаб қилганлар, сайланган имом эса уларнинг жамоасидан давлат идорасидаги вакил бўлган. Хорижийлар диндан қайтган бидъатчиларни душман деб билганлар. «Диннинг софлигини» саклашга ҳаракат қилганлар. Ўта шафқатсиз тамойиллар сабабли хорижийлар VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бир канча мустақил секталарга бўлиниб кетган. Жумладан, Азрикийлар, Ибодийлар, Суфрийлар секталари ўз имомлари номлари билан аталган ҳолда пайдо бўлган.

**Зейдийлар фиркаси VIII аср ўрталарида, 740 йилда** Куфада уммавий халифа Хишонга қарши халқ қўзғолонига бошчилик қилган Зейд ибн Али номи билан аталган. Зейд Алининг эвараси Хусайнинг невараси эди. Зейдийлар 864 йили Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузган. Бу давлат 300 йилча яшаган. 901-йилда эса улар Яманда давлат ҳокимиятини қўлга олганлар. Зейдийлар диний эътиқодни амалий ҳаракат билан қўшишни, эркин фикрлашни, тақдирга ишонидишни, Қуръоннинг азалдан мавжудлигини, Аллоҳнинг сўзи эканини тан оладилар. Улар кўпинча Шиа маросимларига амал қилишайди, ўз турмуш тарзига кўра Суннийларга яқин туришади.

**Исмоилийлар сектаси. Бу секта VIII асрнинг иккинчи ярмида** Боғдод халифалигида пайдо бўлган. Мазкур секта Жаъфарнинг ўғли Исмоил номи билан боғлиқ.

Исмоилийлар диний таълимотида «дунёвий ақл» ва «дунёвий рух»га эътиқод қилиш асосий ўрин эгаллайди. Улар турли даврларда турли халқларга пайғамбарларнинг юборилиши «дунёвий ақл»нинг намоён бўлиши деб ҳисоблашади. Улар 7 та пайғамбарни: Одам Ато, Иброҳим, Нух, Мусо, Исо, Муҳаммад ва Исмоилини тан олишади. Уларнинг фикрича имомлар пайғамбарларнинг ворисларидир.

XI асрда Исмоилийлар турли сабабларга кўра: ассасинлар, карматлар, низорийлар, мустанмийлар деган секталарга бўлиниб кетган. Ҳозирги вақтда Исмоилийлар Ўрта шарқ мамлакатларида, Ҳиндистонда, Уганда, Кения, Танзания ва Тожикистоннинг тоғли ўлкаларида мавжуд.

**Друзлар фиркаси исмоилийлардан ажралиб** чиққан бўлиб, улар 998-1021 йилларда ҳукмрон бўлган халифани «худо йўлини кўрсатувчи» илоҳий ҳалоскор деб биладилар. Улар Шиа имомларини ва сунний халифаларини тан олмайдилар.

Друзлар турк султонлари даврида нисбатан мустикал бўлдилар. Сурия билан Ливанда Друзлар 1924-1925-йилларда француз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик ҳаракатида актив қатнашдилар.

Исломда яна ибодийлар, имомийлар, нусарийлар, алилоҳийлар, ахмадийлар каби ўнлаб секталар мавжуд.

### **Сўфий-тасаввуф таълимоти**

Ислом фалсафасида Куръон, фикҳ, ахлоқ ва бошқа масалаларни шарҳлаш ва изохлашда бир-бирига зид бўлган тамойиллар пайдо бўлиб, калом, яъни илк ислом диний-фалсафий таълимоти вужудга келди. Илк ислом ақидаларига қаттиқ риоя қилишни илгари сурувчи мутақаллимлар, инсонда ирода ва фикрлаш эркинлигини Аллоҳга қарама-қарши қўймаган ҳолда химоя қилувчи муътазийлилар таълимоти, рухий покланиш ва қамолот босқичларидан ўтиб, илоҳий ҳақиқатга эришиш тўғрисидаги сўфийлик ёки тасаввуф таълимоти VIII асрдаёқ араблар босиб олган барча ҳудудларда, айниқса, Марказий Осиёда кенг тарқалди. Бу таълимот XIV аср охириларида бошлаб бу ерда янги босқичга кўтарилиб ривожланди. Тасаввуф Ислом асосида шаклланган диний-фалсафий оқим бўлиб, унда қадимги юнон таълимоти-неоплатонизм, иудаизм, христианлик, зардуштийлик, айниқса буддизмнинг таъсири сезилади. Унинг асосида аскетизм, яъни бу дунё лаззатларидан воз кечиш асосида Аллоҳга етишиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини кидириш ётади. Сўфизм Куръон ва шариат талаб этган диний ақидалар талабларини албатта бажариш, сўзсиз ўзини худонинг қули деб билиш, маълум диний қондаларга ўз шахсиятини буйсундиришни талаб қилади. Шахсий эркинлик, ўз хохиши билан тозаланиб, Аллоҳга рухий сингиш орқали эришиш гоёсига асосланади. Бу йўлда сўфийликка берилганлар ортодоксал ислом руҳонийлари талабларига риоя этмаганликлари учун сўфийларнинг вакиллари айрим ҳолларда қораланганлар, қувғин қилинганлар, жазоланганлар.

#### **Ҳикмат:**

**Шариатдан мурод- йўлга қирмоқ.**

**Тариқатдан мурод-нафсдан кечмоқ.**

**Ҳақиқатдан мурод-жондан кечмоқ,**

**Жондан кечмай ишк шаробин ичиб бўлмас.**

**(Мухйиддин Ибн-ал Арабий)**

Тасаввуфда инсоннинг қамолоти ва Аллоҳга руҳан эришув йўллари 4 босқичдан иборатдир:

**Биринчи босқич** шариат деб аталиб, бунда аввало шариатнинг барча талабларини чин қалбдан бажариш ва унга тўла буйсуниш талаб этилади.

**Иккинчи босқич тариқат** бўлиб, бунда мурид ўз нафсоний истакларидан воз кечиб, ўзини пир ихтиёрига топшириши керак.

**Учинчи босқич маърифат** бўлиб, бунда сўфийлар коинотнинг бирлиги ҳудога мужассам бўлишини, олам худонинг эмонациясидан, яъни нуруланишидан вужудга келишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, балки қалб билан англаб олишлари керак.

**Тўртинчи босқич ҳақиқатдир.** Бунда сўфий шахс сифатида тугаб, ҳудога - мўлжалланган ҳақиқатга етишиш, Аллоҳга сингиб кетиши ва натижада

абодийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этади. Махсус рухий, jisмоний ҳаракат, фаолият - сиғиниш, ибодатлар, оҳанглар ёрдамида амалга оширилади. Сўфизм тарафдорлари, дастлаб, моддий бойликка эга бўлиш ва унга интилишни қоралаб, ҳақиқий бойлик маънавий-рухий бойликда деб ҳисоблаганлар.

### **Ҳикмат**

**Шариатга рост, мувофиқ бўлмагунча,**

**Тариқатга толибон деб темас бўлур.**

**Ихлос бирла ирри тутиб, бошдан ўтуб,**

**Тарик қирган бало текса қайтмас бўлур.**

(Қаранг: Азим Хожа Эшон. Ҳикмат. Тошкент. «Ўзбекистон» 1993, 27-бет).

Тасаввуфнинг ижтимоий базаси, бу - шаҳар хунармандлари, майда савдогарлар бўлиб, IX-X асрлардаёқ Ироқ, Эронда бу таълимотнинг йирик вакиллари вужудга келган. Халлож (859-922), Бистомий (IX аср), Жунайидий (вафоти 910) шулар жумласидандир.

Тасаввуфнинг назарий ва амалий томонлари бор. Амалий томони бевосита Аллоҳга эришув жараёнидир. Бу йўлда сўфийлик қондасини бажарган ҳолда жуда кўнчилик тасаввуфга ишонадилар. Бу жараёнда шайхлар ва муридлар найдо бўлиб, сўфийликка берилганлар, шайхлардан таълим олганлар, уларга мурид бўлиб тушганлар. Олдинроқ, амалий сўфизм, сўфийлиқнинг назарий масалалари билан шугулланиш эса сўнроқ вужудга келган. Сўфизм назарийчилари ўз даврининг билимини пухта эгаллаган, илмлардан хабардор, билимдон-мутафаккир кишилар бўлганлар. Булардан Абул Ҳомид Газзолий (1058-1116), Сухравардий (1155-1191), Ибн ал-Арабий (1165-1240) қабиларни кўрсатиш мумкин. Улар сўфизмнинг назарий масалалари бўйича қатор рисоалар яратганлар.

Ибн ал-Арабий айниқса, сўфизм назариясини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. Андалузияда тутилиб, ўз умрини турли мусулмон шаҳарларини кезиб, билимли кишилар билан мулоқотда бўлишда ўтказди. У сўфизмнинг энг йирик назарийчиси бўлиб, 300 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Ибн ал-Арабийнинг айниқса, «Фусул ал-ҳикма», «Футухот ал-маккия», «Таржимон ал-аливак» каби асарларида сўфий мутафаккир сифатида олам худонинг бирлиги, унга интилиш, «Ички тажриба» ёрдамида эришиш, Қуръоннинг рамзий характерга эгаллиги ҳақида таълимотлар асослаб берилгандир. Унинг, айниқса, сўфизм космогониясини ҳар томонлама ишлаб чиқишдаги хизмати махсус таъкидлаб ўтилади.

Сўфийлик назарияси дастлаб халифалиқнинг мусулмон назарий фикрининг марказий шаҳарлари Боғдод, Дамашқ, Мадина каби шаҳарларида ишлаб чиқилган ва кенг ёйилган бўлса-да, у Шарқ ўлкаларида кенг тарқалди. Сўфийлар тўхтовсиз саёҳатда бўлар, турли шаҳарларда билим, динга берилган шахслар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказар эдилар.

Сўфийлик таълимоти ҳукмрон мафкурадан фарқ қилгани ҳолда Аллоҳни ҳақиқат деб талқин этгани, жаннат-дўзахни инкор қилгани, барча динларни тенг деб билгани, ҳақиқатга эришиш йўлида умумий диний ақидага эмас, аниқ тажриба-интуитсияга асослангани, Ислом диний қондаларига бефарқ қараган учун ортодоксал Ислом раҳбарлари томонидан айрим ҳолларда таъкиб қилинди, айрим сўфизм мафкурачилари жазоланди ҳам. Бистомий қораланди, Халлож ўлим жазосига ҳукм қилинди. Хуросонда Айнул Қуззот ҳам ўлдирилди. Сўфийлар

халққа яқин бўлдилар, уни ҳимоя этишга ҳаракат қилдилар. Мовароуннаҳрда мўғуллар ҳужум қилганда айрим сўфийлар Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлдилар.

Сўфий таълимотлари пантеизм ёки Аллоҳ ва инсоннинг бирлашуви, оламнинг (моддий ва руҳий) ягоналиги, ҳамманинг тўхтовсиз ҳаракатга ингилиши зарурлиги таълимоти билан ўз даври илғор фалсафий таълимотларига яқин турди на бу билан ҳурфикрликка ҳам хизмат қилди, ақидачилик, ҳукмрон мафқурага зарар келтирди. Турли сўфий уламоларнинг асарларида бу таълимотга турлича янгиликлар, аниқликлар киритилиб борилди ва у мусулмон Шарқда ортодоксал Исломдан сўнг энг ривожланган, кенг тарқалган таълимотга айланди. Унинг 15 га яқин асосий йўналишлари - мактаблари мусулмон мамлакатларида тарқалгандир.

X асрдан бошлаб сўфизм ғоялари Марказий Осиё шаҳарларида ҳам кенг тарқала бошлади. Масалан, Халлож турли ўлкалар, Хуросон ва Мавороуннаҳрда ўз таълимотини тарғиб этди. Сўфийлик асарлари араб, форс тилларида ёзилди. Ўрта Осиёда, сўнрок туркий тилларда ҳам баъдий асарлар шаклида вужудга келди.

Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотлари X асрдан бошлаб кенг ёйила борди. Тасаввуф таълимотини ривожлантиришда Мовароуннаҳрлик ва Хуросонлик йирик сўфийлик таълимотчиларининг хизмати катта бўлган. Лекин бу ерда муваққил сўфийлик мактаблари XI-XII асрлардагина вужудга кела бошлаган. Масалан, сўфизм таълимотини ишлаб чиқишда IX асрда Термизда туғилиб ўсган Ҳаким Термизийнинг 80 га яқин рисолалари муҳим роль ўйнади.

У Термизда туғилиб, шу ерда вафот этди, лекин ўз таълимотини Макка, асосан Балх ва Нишопурда турганида тарғиб этди ва кўп муридлар орттирди. Унинг инсон ўзини-ўзи турли ифлос инстинктив (ғайри ихтиёрий) ҳислатлардан тозалашни, ўз қалбида Аллоҳ нурини ҳис қилишга ингилиши каби фикрлари сўфизмнинг сўнгги ривожиди катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг шогирдлари Жузжоний, Абу Бакр ал-Варроқ томонидан ривожлантирилди.

Ўрта Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг ривожланишида Юсуф Ҳамадоний таълимоти муҳим роль ўйнайди. Бу таълимот, умуман, Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуф мактабларига жуда катта таъсир кўрсатди. У гарбий Эронинг Ҳамадон шаҳрида туғилиб, ўсган бўлсада, умрининг асосий қисми ва фаолиятини Ўрта Осиёда ўтказган. У хунармандчилик - қосибчилик билан шуғулланган. Унинг таълимоти асосан хунармандлар орасида кенг тарқалган ва асосан уларнинг манфаатларини ифодалаган.

Юсуф Ҳамадоний таълимотида ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган бўлиб, у шогирдлари билан бирга қўлида қурол билан мўғуллар ҳужумига қарши курашди. Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда сўнгги тасаввуф мактаби - Яссавийлик ва Накшбандийлик келиб чиқди. Биринчиси, Хожа Аҳмад Яссавий, иккинчиси Абдулҳолик Гиждувоний ва сўнрок Баҳовуддин Накшбанд номлари билан боғлиқдир. Бу тасаввуф мактабларига тўхташдан аввал XI асрлардан бошлаб Ўрта Осиёда Қолирия тасаввуф таълимотининг тарқала бошланганини кайд этиб ўтмоқчимиз.

Қодирийлик - қодирия тариқатининг асосчиси Саид Абдулқодир Гилоний бўлиб, у 1077 йилда туғилган, Бағдодда таълим олган, Академик В. В. Бартольд бу таълимот ҳақида “Абдулқодир - ахлоқий қарашлар тарғиботчиси ва унинг мақсади

одамлар олдида дузахни эшигини ёниб, жаннат эшигини очиш, кишиларни ўзаро хурмат, мухаббатга "ундаш эди", деб баҳо беради. Кодирия таълимоти Туркия, Афғонистон, Покистон, Жазоир каби мамлакатларда ҳам тарқалган.

Марказий Осиё музофотида биринчи вужудга келган йирик сўфийлик тарикати Яссавийликдир. Бу тарикатга Аҳмад Яссавий (1105-1165) асос солган. Яссавий Ясси (Туркистон) шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Унинг отаси Иброҳим Ясси (Сайрам) шаҳрида узок йил шайхлик қилган ва кўн муридларга эга бўлган.

Яссавий Бухорода машхур уламо Юсуф Ҳамадонийдан сўфийликнинг асосларини ўрганди, устозининг ўлимидан сўнг ўрнига бироз вақт ўринбосар бўлиб қолди, сўнг ўз юрти Туркистонга қайтди. Яссавий таълимоти унинг туркий тилда ёзилган «Девони хикмат» асарига баён этилган. Бу асар кўчманчи ва ўтроқ туркий халқлар ўртасида сўфийлик таълимотини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этган. Яссавий таъбирича, кийинчиликка, чидамли, оғир ҳаётга ўрганган одам хақиқий сўфий бўла олади ва у худо васлига эришади. Бу дунё бевафодир. Яссавий ғоялари Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида унинг шоғирдлари томонидан кенг тарғиб қилинди. Шулардан бири Сулаймон Бокирғоний бўлиб (вафоти 1192 йилда), у ўзининг туркий тилда ёзилган «Бокирғон», «Охир замон» асарларида сўфизм ва яссавийликни тарғиб қилган.

Марказий Осиёда шаклланган энг йирик сўфийлик тарикатларидан яна бири кубровиядир. Унга Хоразмда XIII асрнинг бошларида Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солган. Кубровия тарикати Ўрта ва Яқин Шарқ ўлкаларида ҳам кенг тарқалган. Н. Кубро Хивада туғилиб сўфийлик таълимотини Миср, Табриз, Ҳамадон шаҳарларида эгаллаган. Кўҳна Урганчда ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги сўфийлик тарикатига асос солган. Мўғуллар ҳужуми даврида ўз муридлари билан шаҳар ҳимоясида фаол иштирок этиб қурбон бўлган. Кубро билишнинг махсус йўлини ривожлантириб, сўфизм ривожига кагта ҳисса қўшган. У ўзининг катор рисолаларида Кубровия тарикатининг қоидаларини ишлаб чиққан. Бу қоидалар сўфийликнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини ўз ичига олади. Кубровия тарикати Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эронда тарқалди ва майда сўфийлик оқимларининг вужудга келишига сабабчи бўлди. Бу оқимлар Ҳиндистоннинг Дехли, Бихар шаҳарларининг маданий ҳаётига муҳим таъсир кўрсатди.

**«Кубровия тарикати одоблари (қоидалари):**

1. Тавба - мурид қилган гуноҳлари учун иушаймон бўлади.
2. Зухд- фи дунё - мурид мол-мулк, бойлигидан воз кечади.
3. Таваккул ал-Аллох - мурид Худога чуқур ишониб, унга эътикод қилади.
4. Каноат - мурид мол-мулкдан воз кечиб, сабр-каноат қилиши зарур.
5. Узлат - мурид кўпроқ ёлғиз қолиб, ўзини ботинан чиниктириб бориши керак.
6. Мулозимат ал-зикр - мурид худо номини доимо тилга олиб, унинг шаънига зикри самоъ қилиши шарт.
7. Таважжух -ал-Аллох - мурид бутун вужуди билан Аллохга мурожаат қилиб юрмоғи лозим.
8. Сабр - мурид шаҳвоний, ҳавоий ҳаваслардан қутилимоғи лозим.



9. Мурукаба - мурид ўз қалбини пасткашликлардан сакламоғи, риё ва мақру хийлалардан, пайранглардан халос қилмоғи шарт.

10. Ридо - Худони таниган (ориф) ва конеъ, деб ҳисобламоғи лозим. (Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т. . «Ўзбекистон», 1993. 109-бет).

Бугун мусулмон шаркида энг кенг тарқалган йирик сўфийлик тарикати нақшбандийлик ҳам Ўрта Осиёда шаклланди. **Нақшбандийлик** таълимотининг бошланғич куртаклари бухоролик машхур тасаввуфчилар Юсуф Ҳамадоний (XII) ҳамда Абдулхалик Гиждувоний (XII-XIII) таълимотларида олға сурилади. Лекин бу шаклланаётган янги сўфийлик тарикати Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) номидан киёмига етказилди ва унинг номи билан маълум бўлди.

Баҳовуддин Нақшбанд Бухорога яқин Қасри Хиндувон кишлоғида ҳунарманд оиласида туғилиб ўсди. Сўфийлик таълимотини, асосан, Бухорода. Ўрта Осиё шаҳарларида Сайид Амир Кулол, Ориф Деггироний, Қосимшайх ва Халил оталардан ўрганди. Ўз таълимотида яссавийлик ва Гиждувоний таълимотларининг айрим томонларини бирлаштирди.

Нақшбандийлик тарикати таълимоти Аллоҳ ягона, икки хил олам йўқ, шунинг учун моддий олам талабларига мослашиб яшамок, унинг лаззатидан баҳраманд бўлмок, фаол меҳнат қилиш, лекин бойликка интилмаслик лозим деб ҳисоблайди. Нақшбандийлик 4 тамойил асосида ҳаёт кечиришни тавсия этади.

1. **Хилват дар анжуман** - муридлар доимо мулоқотда, биргаликда жамоада яшамок, улар дардига ҳам, қувончига ҳам тенг шерик бўлмок, бойликка интилмаслик, камбағаларга ёрдам бермок.

2. **Сафар дар ватан** - ўрнидан кўзгалмасдан ҳаёлан дунёни кезиб чиқиш, ҳаётни ўрганиш, сафарда, саёҳатда бўлиш, табиатдан завқланиш, хис-туйғудан воз кечмаслик, билимни ошириш, ғам-аламга ҳадеб берилавермаслик.

3. **Назар дар қалам** - ҳар бир қадамни ўйлаб босиш, фойдали ишлар қилиш, яхшиликка меҳнат билан интилиш, бекорга вақтни ўтказмаслик.

4. **Ҳуш дар дам** - инсон бу оламнинг якуни, у ҳар доим табиатдан, унинг ноз-неъматларидан фойдаланиш, баҳра олиши, кийинчиликдан қўркмаслик, ўз мақсадларини рўёбга чиқариши лозим. Б. Нақшбанд “Даст ба қору дил ба ёр” яъни, «қўл меҳнатда, дил Аллоҳда бўлсин» дейди, ҳудого муножот, зикр, ҳамд-саноларни овоз чиқармасдан изҳор қилишга даъват қилди.

Хуллас, нақшбандийлик инсонни улуғлайди, унинг ҳаётга, табиатга фаол муносабатда бўлишини тарғиб қилади. У бундай таълимотлари билан, бир томондан, ҳукмрон дин арбобларининг норозилигини, иккинчи томондан, аҳолининг ижобий муносабати, хайрихоҳлигини кучайтирди. Бу таълимот Баҳовуддиндан сўнг унинг шогирдлари Алоуддин Аттор (вафоти 1440 йил), Мухаммад Порсо (1345-1420) ва Саид Аҳмад ибн Мавлоно Жаюлиддин Ҳожагий-Косоний- Махдуми Аъзам (1461-1542) томонларидан маълум тартибга солинди.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида нақшбандийлик ғоялари Ўрта Осиё маданий ҳаётида халқни уюштиришда, уни мустақилликка қорлашда ижобий роль ўйнайди. Темурийлар даврида Абдурахмон Жомий, Хўжа Аҳрор, Алишер Навоий номидан янада бу олий ғоя қўллаб-қувватланди. XV асрнинг кўн шоир, мутафаккирлари бу ғояни олий босқичга кўтардилар. Нақшбандийлик устун

таълимот сифатида 2-3 аср давомида нафакат Ўрта Осиёда, балки Ҳиндистон, Эрон, Кавказ орти, араб мамлакатларида ҳам кенг тарғиб қилинди.

Марказий Осиёда турли сўфийлик таълимотларининг таъсири XIX асрларга қадар давом этганини кўрамиз. Сўфизм мусулмон мамлакатлари ҳаётида муҳим ижтимоий-мафкуравий ва маданий ўрин эгаллади. У бадий адабиёт, фалсафа, мусика, маориф, таълим-тарбияга катта таъсир кўрсатди. Турли мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида шубҳасиз сўнмас из қолдирди.

Илк Ислом, ҳукмрон диний ҳокимият, йирик дин арбоблари ҳам ҳар доим сўфийлик таълимотларига, тасаввуф оқимлари ва биродарликлари, сўфийлик марказларига нисбатан салбий муносабатда бўлдилар. Уларга хурфиқрлийлик манбаи, ҳукмрон диний акидалар обрўсига зарар етказувчи фаолият манбаи деб қарадилар. айрим ҳолларда уларга қарши қоралаш, қувгин қилиш, жазолаш усулларини ҳам қўллайдилар. Сабаби: сўфийлик «халқ исломи», Шўро даврида уни тилга олиш гаъқикланди, жаҳолат дейилди. Бугун чуқур тарғиб қилинапти, ўрганилапти. Сабаби ундаги миллий умуминсо-ний кадрятлардир. Тасаввуфнинг миллий ғоя учун аҳамияти катта. XVI асрдан кейин сўфийликда анъанавийликдан чекиниш, жаҳолатпарастликка бурилиш юз берди.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Мазҳаблар, суннийлар, шиалар, Ҳанафийлар, Моликийлар, Шофийлар, Ҳанбалийлар, Исмоилийлар, жаъфарийлар, зайдийлар, тасаввуф таълимоти, сўфийлар, шариат, тариқат, тариқат тамойиллари, яссавия, кодирия, кубравия, нақшбандия, тариқат аҳкомлари, таркидунёчилик, хилватнишинлик, парҳезгорлик, такводорлик, дунёвий хоҳиш ва истаклардан воз кечмоқлик, тасаввуф ахлоқи, комил инсон, тариқат босқичлари.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Ислом динидаги асосий мазҳаблар қандай сабаларга кўра пайдо бўлган?
2. Суннийликнинг мазмун моҳияти нимадан иборат?
3. Сунний мазҳабидаги асосий оқимлар қайсилар?
4. Имоми Аъзам, Имом Молик, Имом Шофий, Имом Ҳанбал ким бўлишган?
5. Шиъа сўзининг моҳияти нимадан иборат?
6. Шиъаликдаги асосий оқимлар қайсилар?
7. Сўфийлик қачон вужудга келган?
8. Сўфийликнинг илк намояндалари кимлар бўлган?
9. Тасаввуф таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
10. Марказий Осиёда тарқалган тасаввуф тариқатлари?
11. Тасаввуф таълимотининг асосий мақсади нимадан иборат?
12. Тасаввуфда комил инсон тушунчаси қандай ифодаланган?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т. : Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажигимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т. : 1999
3. Каримов И. А. "Юксак маънавият енгилмас куч". Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.

5. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Оллоҳ калбимизда, юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И. А. Она юргимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015 й.
8. Куръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992 й.
9. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар. Т., Маънавият, 1993-1998й.
10. Комилов. Н. Тасаввуф. Т.: Ёзувчи, 1996 й.
11. Жужжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Адолат, 2001 й..
12. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси наприётн. Т. 1999
13. Темур тузуклари. Т. Камалак. 1996
14. Отамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000
15. Туленов Ж. Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т.: Ўзбекистон 1996
16. Ўзбекистон: карамлик ва мустақиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
17. Жўраев У ва Саиджонов Й. “Дунё динлари тарихи” –Т.: Шарқ, 1998.
18. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
19. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.: 2000.
20. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т., 1995. й.
22. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т.: 2000.
23. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т.: 1992.
24. Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий. –Т.: 1991.
25. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти. Т.: 1992.
26. Мусулмоннома. Т.: 1992.
27. Хусниддинов З. Ислоҳ: окимлар, йўналишлар, мазҳаблар. –Т.: 2000.
28. Шамоили Муҳаммадия/Сайид Махмуд Тарозий Алихон тўра таржимаси. Т: Мехнат нашр, 1991 й.
29. Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги «Мусхафи Усманий» тарихи Т. 1996 й.
30. Уватов У. Муҳаддислар Имоми. –Т. Маънавият, 1998.

## 10-МАВЗУ. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

### РЕЖА:

1. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши.
2. Ўзбекистон Республикасида давлат ва дин муносабатлари.
3. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар фаолияти.

Фуқароларнинг виждон эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш, диний ташкилотлар фаолиятини қонунларга мувофиқ олиб борилишини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Дунёдаги бирорта ҳам давлат ушбу масалаларга бефарқ қарамайди, дунёвий кадриятларга таянадиган.

илим, фан, тафаккур ва маданиятни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлат фуқароларининг соғлом маънавий муҳитда яшашидан, тараққийларвар ва инсонларвар эътиқодий қарашларга эга бўлишдан манфаатдордир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам фуқароларнинг виждон эркинлигини химоя қилиш, диний ташкилотларнинг халқ ва давлат иродаси ифода этилган қонунларга мувофиқ фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун қабул қилди. Ушбу қонун диний муносабатларни янгича асосда тартибга солувчи кодекслаштирилган йирик қонуний- ҳуқуқий ҳужжатдир. Бирок, қонун қабул қилингандан кейинги 7-8 йил ичида диний ҳаётда, диний ташкилотлар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларни янада ойдинлаштиришни тақозо этувчи ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса диний фундаментализм ва дин никоби остида кенг ҳаракат қилишга интилаётган халқаро экстремизмнинг авж олиши мавжуд қонунларга тўлдиришлар киритишни талаб этди. Натижада объектив ва субъектив омиллар боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилди.

Қонун Республикамиз эътироф этган халқаро ҳужжатлар ва давлатимизнинг Асосий Қонуни-Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам қонуннинг 3-моддасида «Виждон эркинлиги-фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган Конституциявий ҳуқуқидир» деб таъкидланади.

**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар** фаолиятини ташкил этишга оид қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларга:

1. Ўзбекистон Республикасининг ва Қорақалпоғистон Республикаси «нинг Конституциялари ва қонунлари;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари;

4. Вазирликлар, маҳкамалар, ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг махсус актлари қиради.

Демак, Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти энг аввало қонунлар, кейин эса қонун ости ёки тармоқ-ҳуқуқий ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонунлар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмга виждон эркинлигини химоя қилиш, таъминлашга қаратилган Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар қиради. Юридик адабиётларда улар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунлар деб аталади. Иккинчи қисмга диний ташкилотларни ташкил этиш тартибларини белгилаб берувчи қонунлар қиради. Ушбу қонунлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ишлаб чиқилади ва ҳаётга киритилади.

**Виждон эркинлиги ҳуқуқий-фалсафий тушунчадир.** Ушбу тушунча фуқаронинг у ёки бу динга эътиқод этиш ёки эътиқод этмаслик ҳуқуқи унинг ихтиёрида эканлигини ифода этади. Агар «виждон» ахлоқий-фалсафий тушунча бўлса, «эрк», «эркинлик» норматив ҳужжатларда «ҳуқуқ», яъни юридик атама тарзида қўлланилади.

Қайси динга эътикод қилиш ёки бирорга ҳам динга эътикод қилмаслик ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқидир. Шунинг учун ҳам қонунда эътикод муносабатларида мажбур эгишга йўл қўйилмайди, деб қатъий белгилаб қўйилган. Худди шунингдек, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларда жалб этиш, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига илд тарзда диний ўқишларга йўл қўйилмайди (3-модда). Ушбу таъкид тарбия, маърифат ва илм ўчоқлари, ёшлар ташкилотлари учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки республикамиз ёшларнинг деярли барчаси у ёки бу қўламда ушбу ташкилотлар билан муносабатда бўлади, уларда таълим, тарбия, билим олади. Бирок айрим жойларда ёшлар тарбиясига кам эътибор берилгани сабабли акромийлар, ваҳхобийлар ва «Хизбут таҳрир ал-исломий» каби экстремистик диний ташкилотлар бир қатор ёшларни ўз сафига тортишга муваффақ бўлган. Масалан, Тохир Йўлдошев бошчилигидаги ваҳхобийлар махсус лагерларда ёшларни кўнорувчилик ишларига тайёрлаш - эълод (тайёрлаш, мослаштириш, махфий ҳаракат қилиш) билан шуғулланиб, Ўзбекистонга жиҳод эълон қилишган. Лагерларда ёшлар ислом дини нуқоби остида давлатга қарши ҳаракат қилишга, шаҳид кетиш, ота-она, яқинларининг ҳаётини қурбон қилиш орқали бўлсада, ислом давлати қуриш мафқурасини илгари сурдилар. (Қарағ. Закурласв А. Ғоялар қураши. –Т. : Мовароуннаҳр, 2000. -28 б. ).

Қонунга мувофиқ Республикамизда яшаётган чет эллик фуқаролар ҳам истаган динларига эътикод қилиши мумкин ва уларнинг ушбу фуқаролик ҳуқуқи ҳимоя қилинади. Бирок улар ўз эътиқодларини бошқаларга зўрлаб ўтказиши ёки уларни ўз динларидан воз кечишга ундашлари, шу тарика фуқаролар ва диний конфессиялар ўртасида низолар, тўқнашувлар келтириб чиқармасликлари зарур. Ўзбекистон фуқаролари каби улар ҳам қонун олдида тенгдирлар.

Расмий ҳужжатларда, масалан, паспорт, тузилганлик шаходатномаси, шахсий варақаларда фуқаронинг қайси динга эътикод қилишини кўрсатишга йўл қўйилмайди. Ҳеч ким эътиқодини рўқач қилиб давлат олдидаги ижтимоий ва мажбурий бурчларини адо этишдан бўйин товлаши мумкин эмас. Баъзан оммавий ахборот воситаларида айниқса телевиденседа, айрим ёшларнинг диний эътиқодини рўқач қилиб ҳарбий хизматдан бўйин товлаши ҳоллари намойиш қилинади. Қонуний нуқтаи назардан маълум бир ёшга етган ҳар бир йигит ватан олдидаги ҳарбий хизмат қилиш бурчинини ўташи зарур. Фақат махсус комиссиянинг ҳулосасига кўра (бу ҳулосани врачлар чиқариб беради) ҳарбий хизматни ўташдан озод қилиниши ёки у бошқа бир хизмат тури билан алмаштирилиши мумкин. Агар айрим фуқароларнинг диний эътиқоди ҳарбий мажбурият (масалан, қурол ишлатиш билан боғлиқ хизмат)ни тўла ҳажмда бажаришга тўсқинлик қилса, бундай пайтда ўша ёш қурол ишлатмайдиган бошқа хизматга жалб этилиши мумкин.

Бу тартиб Хельсинки жараёни доирасидаги инсоний ҳезонлар Конференциясининг 1989 йилги Париж Кенгашида қабул қилинган махсус халқаро ҳужжатдан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. Ҳеч бир диний ташкилот бошқа диний ташкилотлардан устун қўйилмайди ёки унга алоҳида имтиёзлар берилмайди. Барча диний ташкилотлар қонун олдида тенгдирлар. Давлат улар ўртасида адоват, бир-бирларининг



ҳуқуқларини камситиш ёки эътиқодий қарашларини ҳақоратлашга йўл қўймайди. Бундай ҳаракатлар махсус қонунларга мувофиқ жазоланади.

Республикада диний ташкилотлар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш, мувофиқлаштириб бориш ва қонунлар ижросини назорат қилиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита тузилган. Қўмитанинг вазифалари ва ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланган. Жойлардаги давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари қонунга тўла риязати этилишини таъминлашда жавобгардирлар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг вазифаларини юкламайди ва уларнинг ички фаолиятига, агар у давлат сиёсати ва жамият осойишталигига ҳавф солмаса, аралашмайди. Шунинг учун диний ташкилотлар давлатнинг вазифаларини бажаришга жалб этилмайди, давлат уларга моддий маблағлар ажратиб тарғибот ишларига ёрдам бермайди. Бирок бу диний ташкилотлар давлат назоратидан холи, улар ўз билганича ва истаганича фаолият олиб боради дегани эмас. Диндорлар ва диний ташкилотларнинг фаолияти жамиятда, одамлар даврасида кечар экан улар ушбу муносабатларида кўпчилик (жамият, давлат, халқ) қабул қилган ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга итоат этишлари шарт.

Диний ташкилотларнинг тадқиқот, таълим-тарбия, тарғибот ишларига ҳам давлат аралашмайди, уларни зарур маблағлар билан таъминлашни ўз устига олмайди. Улар ҳам бу изланишлар давомида эришган ютуқларини оммалаштириши мумкин эмас. Ушбу ишлардан диний ташкилотлар ва диндорларнинг ўзлари манфаатдордирлар. Шунинг учун ушбу ишлар уларнинг шахсан ўзига тааллуқлидир деб қараш ўринлидир.

Диний ташкилотлар ва диндорлар ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқларига эгадирлар. Биринчидан, улар давлатимиз фуқароларидир. Бу уларга ўзининг конституциявий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконини беради. Иккинчидан, улар жамиятимизда фаолият кўрсатадилар, жамиятимиз аъзоси сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қатнашишлари зарур. Динга эътиқод ҳеч қимми ўзининг фуқаролик ва ижтимоий бурчини тўла адо этишдан озод қилмайди.

Ўзбекистонда диний-сиёсий партиялар тузиш ёки диний ташкилотларнинг сиёсий партиялар фаолиятига аралашishi, биргаликда ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар уюштириши таъқиқланади.

Ҳозир Ўзбекистонда 15 турдаги 170 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар мавжуд. 1999 йили Тошкент ислом университети ташкил этилди. Ҳар йили унга юздан зиёд талабалар ўқишга қабул қилинади. Университет қошида Исломшунослик илмий тадқиқот маркази, манбалар ҳазинаси ва академик лицей фаолият кўрсатади.

Диний ташкилотларни тузишнинг ҳуқуқий механизмлари, тартиблари мавжуд. Қонуннинг 8-моддасига кўра, диний ташкилот Ўзбекистоннинг Республикасининг 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқароларнинг ташаббуси билан тузилади. У Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади. Тегишли диний

маълумотга эга фукаро диний ташкилотга раҳбарлик қилиши мумкин. Диний ташкилотларнинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб қўйилади.

Диний ташкилотлар рўйхатдан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни тегишли органларга тақдим этадилар:

1. Диний ташкилот тузиш ташаббускорларининг имзо чеккан аризаси.
2. Диний ташкилот низоми.
3. Таъсис йиғилишининг баёни.
4. Диний ташкилот манзилгоҳини тасдиқловчи ҳужжат.

Диний ташкилотларни бирлаштирган Марказий бошқарув органи эса ўзини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

1. Таъсис йиғилиши ёки конференциясининг раиси ва котиби имзо қўйган ариза.

2. Марказий орган низоми.
3. Таъсис йиғилишининг ёки конференциясининг баёни.
4. Таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар.
5. Марказий орган манзилгоҳини тасдиқловчи ҳужжат.
6. Рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Аризалар бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши зарур. Адлия Вазирлиги ёки уларнинг жойлардаги идоралари рўйхатдан ўтказиш пайтида қўшимча материаллар талаб қилиб олишга, улар бўйича экспертлар хулосасини олишга ҳақли. Диний ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиб бориш уларни рўйхатдан ўтказган идора зиммасига юклатилган.

Диний ташкилотлар ички фаолиятини белгилаб берувчи уставлар қуйидаги маълумотлардан иборат бўлиши талаб этилади.

1. Диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги.

2. Диний ташкилотнинг мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари.

3. Диний ташкилот фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

4. Диний ташкилотнинг ички тузилиши ва бошқарув органлари.

5. Маблағларнинг манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек ундан гашқаридаги мулкий муносабатлар.

6. Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиблари.

7. Ушбу ташкилотга тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар.

Агар диний ташкилотлар ўзининг марказий органига эга бўлса, уставни тузишда ва унда акс эттириладиган вазифаларни белгилаб олишда у билан келишилади.

Диний ташкилотлар ихтиёрий тарзда тузилади, унинг фаолиятини ўзини ўзи бошқариш асосида олиб борилади. Улар ўз аъзоларининг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда фаол қатнашишларига тўсик бўлолмайди.

Диний ташкилотларнинг ўзини ўзи бошқаришга асосланган ихтиёрий уюшма эканлигини, яъни ундан киши истаган пайтда чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам на эканлигини унутмаслик керак.

Диний ташкилотларнинг уставлари ва вазифалари Конституция талабларига ҳамда қонунларда белгилаб қўйилган тартибларга зид бўлса, улар рўйхатдан

Ўтказилмайди. Рад этган идора ўз қарорини ёзма тарзда аризачига етказилади. Агар мавжуд камчиликлар тугатилса, аризачилар ўз ташкилотини рўйхатдан ўтказишни сўраб ёзма равишда ўша идораларга яна мурожаат қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Қонунда кўрсатилган тартиблар идоралар томонидан бузилса, диндорлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин. Диний ташкилотлар ўзини - ўзи тарқатиб юборганида ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунлари бузганида тугатилиди. Ушбу қарорни диний ташкилотни рўйхатдан ўтказган идора қабул қилади.

Ўзбекистонда мактаб диндан ажратилган. Қонуннинг 7-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган, таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ўз ихтиёрларига қараб истаган тилда ва истаган диний таълимларни олишлари мумкин, бироқ бу таълимлар нафақат Конституция ва бошқа қонун нормаларига мос келиши, шу билан бирга ён-атрофдаги кишиларга ҳалақат бермаслиги ҳамда шахснинг саломатлигига, эркин ривожланишига ақс таъкир этмаслиги лозим. Болаларни фақат мактаб ёшига етганда, мактабдаги машғулотларидан бўш вақтларида ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билан, баалоғат ёшига етганларни эса ўз хоҳишларига кўра ташкилий равишда диний таълимотга ўргатишга йўл қўйилади.

Диний таълим берувчилар диний маълумотларга эга бўлишлари зарур ва диний таълимни марказий идоранинг руҳсати билан амалга оширадилар. Хусусий ёки яширин тарзда диний таълим бериш тақиқланади.

Диний таълим диний ўқув юртлирига берилган биноларда, хоналарда олиб борилади. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ диний ўқув юртлирини диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Олий ва ўрта диний ўқув юртлирига талабалар умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейингина қабул қилинадилар. Улар ҳам ҳарбий хизматни ўташни кечиктириш, солиқ тўлаш, таълим олиш даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш юзасидан давлат ўқув юртлирининг талабалари учун белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ва имтиёزلардан фойдаланадилар.

Диний ташкилотлар расм-русумлар, маросимлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эга. Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзиллардаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига мувофиқ уларнинг уйларида ўтказилади. Фуқароларнинг, диний ташкилот хизматдагилар бундан мустасно, жамоат жойларида ибодат либосларида юриши тақиқланади. Худди шунингдек, диний ташкилотлар мажбурий пул йнғимлари, тўловлари ушдиришга ҳақли эмас (14-модда).

Диний ташкилотлар ўз мулкига эгадирлар. Улар давлатнинг маълум бир биноларидан шартнома асосида фойдаланишлари мумкин (15-16-моддалар).

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ диний ташкилотлар ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, кишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, етимхоналар, шифохоналар таъсис этишга ҳақлидирлар.

Агар диний ташкилотлар тугатилса, уларнинг мол-мулки устав ва қонуналарга мувофиқ эгаларига қайтарилади, ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулклар эса давлат ихтиёрига ўтказилади (18-модда).

Диний ташкилотлар хайрия тадбирлари ўтказиш, уларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб бориш ҳуқуқларига эга.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга кўра фуқароларнинг динга эътиқод қилиш ҳуқуқларини бузишлар, мансабдор шахслар маъмурий, моддий ва жинсий жавобгарликка тортиладилар.

**ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР:** Виждон эркинлиги, Мустақиллик ва диний кадриятлар, диний ташкилотлар, давлат ва дин, дунёвий давлат, диний давлат, маъмурий жавобгарлик, жинсий жавобгарлик, диний ўқув юрталари, диний таълим.

#### **ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Виждон эркинлиги тушунчасининг моҳиятини аниқланг?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
3. “Диний ташкилотлар” тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар қандай тартибда ташкил этилади?
5. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири нималарни кўзда тутган?
6. Диний бағрикенглик тушунчаси моҳиятини изоҳланг?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон 1998
2. Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан кўраимиз. Т.: 1999
3. Каримов И. А. “Юксак маънавият сизилмас куч”. Т. 2009
4. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон 1994
6. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон. 1998.
7. Каримов И. А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажакимиз йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон. 2015 й.
8. Куръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992 й.
9. Ал-Бухорий. Ҳадислар тўплами. 1-4 китоблар. Т.: Маънавият. 1993-1998й.
10. Комилов. Н. Тасаввуф. Т., Ёзувчи, 1996 й.
11. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. Т.: Алолат, 2001 й.
12. Маънавият юлдузлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т. 1999
13. Темур тузуқлари. Т. Камалак. 1996
14. Огамуродов С., Раматов Ж. Хусанов С. Маънавият асослари. Маъруза матни. Т. 2000

15. Туленов Ж. Гофуров З. Мустакиллик ва миллий тикланиш. Т. : Ўзбекистон 1996
16. Ўзбекистон: қарамлик ва мустакиллик йилларида. Т. Ўзбекистон, 1996.
17. Жўраев У ва Саиджонов Й. “Дунё динлари тарихи” -Т. : Шарк, 1998.
18. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. –Т. : Ўқитувчи, 1995.
19. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т. : 2000.
20. Абдусамедов. А. Диншунослик асослари. Т. , 1995. й.
21. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. –Т. : 2000.
22. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т. : 1992.
23. Соғупий А. Тарихи Мухаммадий. –Т. : 1991.
24. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати Пайгамбар ҳаёти. Т. : 1992.
25. Мусулмоннома. Т. : 1992.
26. Ҳусниддинов З. Ислом: оқимлар, йўналишлар, мазҳаблар. –Т. : 2000.
27. Шамоили Мухаммадия/Сайид Махмуд Тарозий Алихон тўра таржимаси. Т: Мехнат нашр, 1991 й.
28. Исмоил Махдум. Тошкентдаги «Мусхафи Усмоний» тарихи Т. 1996 й.
29. Уватов У. Мухаддислар Имоми. -Т. Маънавият, 1998.
30. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Халқ сўзи, 1998 йил, 2 май.
31. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. –Т. : 1992.
32. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. –Т. : Янги аср авлоди, 2000.
33. Саидов А. Х. Юнусова А. Т. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳлар. ” –Т. : Адолат, 1993.
34. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. –Т. : Адолат, 1998.
35. Закурлаев А. Гоялар кураши. –Т. : Мовароуннахр, 2000.
36. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. –Т. : 1998.

## II-МАВЗУ. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ, ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ

### Р Е Ж А :

1. Диний экстремизм ва фундаментализмни келтириб чиқарувчи омиллар.
2. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб боровчи радикал оқимлар ва улар келтириб чиқарган салбий оқибатлар.
3. “Диний жиноят” атамаси.
4. Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари.

Конституцияда эътироф этилган ва кафолатланган инсон ҳуқуқларини поймол этувчи, қонуний тузумни, давлатни, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва тарафдорларини йўқ қилишга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар **диний экстремизм** деб аталади.

Диний экстремизм бошқа диндаги кишиларнинг эътиқодини рад этиш, уларни бу эътиқодидан қайтариш ва бошқаларга ўз эътиқодини зўрлаб сингдиришга қаратилади. Ўзининг диний эътиқодини бирдан бир тўғри нуктаи-



назар, таълимот деб караш, бошқи эътиқодларни, диний оқимлар мавжудлигини тан олмаслик диний экстремизмнинг хусусиятидир.

**Диний фундаментализм** — жа диннинг пайдо бўлган асосига, диннинг «соф кўринишига», дин пайдо бўлган даврдаги илк қарашларга қайтишни назарда тутати. Фундаментализм тарафдорлари ижтимоий тараққиёт жараёнида рўй берган ўзгаришларни тан олмайдилар. улар учун дин дастлабки дин вужудга келган даврдаги қарашлар, урф-одатлар ва тартиблардан иборат. Демак, фундаментализм тарафдорлари нуктаи назаридан дин ўзгармас, катъий ўрнатилган урф-одатлар, тушунчалар ва тартиблардир.

**Терроризм**(лотинча **террор** — қурқув, дахшатга солиш) — маълум ёвуз мақсадлар йўлида, қуч ишлатиб, одамларни жисмонан йўқ қилишдан иборат бўлган **ғояга асосланган зўравонлик** усули. Қўрқитиш ва дахшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка ҳосдир. У иктисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳ ва индивидуал шаклларда намён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва котиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир.

Террор ва терроризм моҳиятан бир хил ҳодисалардир, аммо улар ўртасида маълум бир фарқлар бор. Террор-давлатнинг қуч идоралари ёрдамида амалга оширадиган сиёсий қатағонликдир. **Терроризм** — муҳолиф гуруҳлар томонидан зўрлик ишлатишдир. Террорнинг қуроли- қатағонлик, терроризмнинг қуроли эса зўравонлик актидир.

Тажриба шунини кўрсатадики, терроризм айрим шахслар, мавжуд тартибларга оппозицияда турган гуруҳлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Одамларни ўғирлаш, ўлдириш, портлатиш, жамиятни қўрқувга, дахшатга солиш орқали ўз мақсадларига эришиш терроризмнинг кураш йўлидир. Кўпинча терроризм ортида мавжуд тузумга, давлатга, олиб борилаётган сиёсатга муҳолифиятда бўлган экстремистик қучлар, партия ёки ташкилотлар туради.

**Халқаро терроризм** деганда диний биродарликни ва маслақдошликни қўллаб-қувватлаш никоби остида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш, конституциявий тузумни, давлат арбобларини, ўзга эътиқоддаги кишиларни қўрқитиш, йўқ қилишга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар назарда тутилади. Халқаро терроризм уюшган жиноятчиликдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон эркинлиги, кишиларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқуқи қафолатланган. Унда (31, 61-моддалар) ҳар бир киши хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилгани, аммо улар қонун олдида тенг эканлиги белгиланган.

Ушбу қафолатлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос келади. 1948- йили қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон, ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълим олиш, гоат-ибодат қилиш ҳамда диний расм-русум ва маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яққа ўзи, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади», деб

таъкидланган. "Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"нинг 18-моддасида «Бирор одам ҳам ўз ихтиёри билан ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки уларни қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий хатти-ҳаракатларга дучор бўлмаслиги керак» деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган, аммо динга эътиқод қилувчилар ва уларнинг диний уюшмалари конун олдида барча фуқаролар ва ташкилотлар билан тенгдирлар. Ҳуқуқий нормалар айрим гуруҳлар (масалан, диндорлар, талбиркорлар ва б. ) ва ижтимоий-демографик қатламлар (масалан, хотин-қизлар, болалар ва б. ) учун алоҳида ишлаб чиқилсада, уларнинг барчаси конун олдида тенг жавобгардирлар. Конституциянинг 57-моддасига мувофиқ «конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бириктирилганнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бириктирилганнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади».

Дарвоқе, Куръони Карим ҳам ўз тарафдорларини турли йўналиш ва партияларга тарқалиб кетмасликка даъват этади. Оли Имрон сурасида (103 оят) «Ва барчангиз Оллоҳнинг арқони (Куръон)га боғлангиз ва (фирқаларга) бўлинмангиз» дейилган.

Шунга қарамай 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда баъзи шахслар ва гуруҳлар томонидан диний-сиёсий партия ва яширин диний ташкилотлар тузиш ҳаракатлари бўлган. Масалан, Наманганда Ислому уйғониш партияси, Андижон ва Марғилонда «Аҳл ал-ҳадис», Тошкентда «Аҳл ал-Куръон», «Нурчилар» каби диний ташкилотлар тузишга ҳаракатлар бўлган. Республика ички ишлар органлари томонидан «Ҳизб ут-тахрир», «Ақромийлар», «Таблиц», «Ваҳҳобийлар», «Адолат уюшмаси», «Тавба», «Узун соқол», «Ислому лашқарлари» «Авлиё Ота Муннинг қўшилган черкови», «Шайтончалар» каби норасмий ташкилотлар фаолият кўрсатгани аниқланган. Малайзияда ташкил этилган «Дорул Арқам» ташкилоти аъзолари эса республикамизга суқилиб кириб, баъзи кишилар билан алоқа ўрнатишга ҳам улгурганлар. Биргина Андижонда 710 масжид ва мадрасанинг конунга ҳилоф фаолият кўрсатаётгани аниқланган.

Айни пайтда Интернет ижтимоий тармоғининг қўшлаб сайтларига эга бўлган «Ироқ Шом Ислому давлати» номи билан фаолият кўрсатаётган халқаро террористик ташкилоти унга яқин бўлган «Жибхат-ан-нусра», «Ансору-ут-тавҳид», «Ал-ғурабу». «Жиход ал-Ислому» радикал гуруҳлари нафақат Яқин Шарқ мамлакатлари ҳаётига, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига жилдий ҳавф солаётган кучга айланган.

Ислому динидаги ахлоқни, ҳамжихатлиқни, инсон ва жамият таракқиёти учун ҳавф уйғотмайдиган кадриятларни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг диний ишлар борасидаги сиёсатининг негизини ташкил этади. Шунинг учун Республикамиз биринчи Президенти И. А. Каримов давлатимизнинг диний-маданий кадриятларга томон юз тутганини ижобий ҳол сифатида баҳолаб «бу асрнинг охири диний кадриятларнинг уйғониш даври, вазмин беҳуда

уринишлардан ҳоли диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди» деб кўрсатади. <sup>1</sup> Аммо бу сиёсатни бошқача тушунишга, ҳатто дунёвий давлат ишларини, ижтимоий институтларни диний макссадларга буришга интилиш ҳам кўяга ташланган. Масалан, 1992 йил 6 январь куни Андижон шаҳридаги «Жомсъ» масжидидан келган бир гуруҳ диндорлар вилоят раҳбариятидан бадийи ишлаб чиқариш устaxonасини, 9 январь куни эса «Девонабой» масжидининг бир гуруҳ қавми сиёсий маориф биносини, 25-27 февраль кунлари бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари идорасининг навбатдан ташқари курулгойи катнашчилари Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносини диний ташкилотлар тасарруфига беришни талаб қилганлар. 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган портлатишлар эса дин никоби остидаги ёвуз кучларнинг ўз макссадларига эришиш учун энг ваҳшиёна қотилликларга ҳам тайёр эканлигини кўрсатди. 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШда, 2002 йил 24-25 октябрь кунлари Москвада, 2004 йил 3-4 сентябрь кунлари Бесланда содир этилган портлатишлар ва бегуноҳ одамлар қонининг тўкилиши тараккийпарвар кучларни халқаро терроризмга қонун асосида биргалашиб қаттиқ қураш олиб бориш зарур, деган хулосага олиб келди.

1998 йилгача Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар тузиш ва улар фаолиятини қонуний асосда бошқариш 1991 йил 14 июндаги қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга ошириб келинди. 1991 йилдан 1998 йилгача мамлакат ички ҳаётида, айниқса маънавият билан боғлиқ дин ишларида ижобий ўзгаришлар билан бирга гарақкиётга зид диний мутаассибликка берилиш, мустақил, дунёвий давлатни диний давлатга айлантиришга урунишлар бўлдики, бу ҳоллар амалдаги қонунни қайта кўриб чиқиш ва унга маълум бир ўзгартиришлар киритишни тақозо этди. Шунини алоҳида қайд этишимиз зарурки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда (1998 йил 1 май) кишиларнинг динга муносабатларини, диний эътиқодини чеклаш эмас, балки уларни Ўзбекистонда дунёвий давлат қуриш эҳтиёжлари билан мувофиқлаштириш, диний кадриятларни дунёвий қарашларга қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни халқимиз маънавиятида, турли ижтимоий-тарихий ўзгаришларга ва таъйинларга қарамай, сакланиб келган эзулик, адолат, қонлик, саҳийлик ва ҳақпарварликка йўлланган кадриятлари билан бойитишнинг қонуний асослари яратилган.

Диний экстремизмнинг авж олиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига зарур ўзгартиришлар киритилишига олиб келди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 145 моддаси II ва III қисмлари (Виждон эркинлигини бузиш)га қўшимча киритилди. Ушбу қўшимчага мувофиқ «вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид ҳарзда динга ўқитиш, «шахснинг шаъни ва обрўсини қамситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ... диндорларга мажбурий йиғим ундириши ва солиқ солиш билан ёхуд диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилишда, диний расм-рўсмлар ва маросимларда қатнашиши ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгиләётган пайтда мажбурлаш

<sup>1</sup> Қаримов Н. А. Ўзбекистон XXI аср бугагача: ҳақиқатликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккийи қафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 -33 б.

билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек, диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш, шахе баданига ешил ва ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса», жиноят деб топил қиртилди.

Катта ёшдаги диндорларнинг ўз эъгикодий қарашларини вояга етмаган фарзандларига ёки қаровсиз қолган болаларга ўтказишга қаракат қилиш қоллари қузатилган. Масалан, Наманган, Андижон шақарларида айрим диндорларнинг фарзандлари, уларнинг вояга етмаганлигини ҳисобга олмаган қолда, диний ўқишларга қалб этилган. Улар қатто мактабларга юборилмай қакат ислом ақидаларини тарғиб этувчи «муллалар»га берилган.

Жиноят Кодексининг 216 - моддасида фаолияти тақикланган қамоят бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш алоқида қиноят эканлиги ва унга мувофик қазо тайинланиши қайд этилган. Ушбу тақик илгариги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда қам мавжуд эди. Қиноят Кодексида қайриқонуний уюшмалар ёки»диний ташкилотларни қонунга қилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек, бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш» қиноий қавобгарликка тортишга асос бўлади деб қўрсатилади. Демақ, қонунга қилоф равишда диний ташкилотлар тузиш Қиноят Кодексига мувофик алоқида қиноят тури ҳисобланади.

Қалқаро терроризм турли портлатувчи моддалар, қурол-яроғ, қишиларни қазарловчи ёки уларга руқий, қисмоний таэйик ўтказувчи воситалар билан амалга оширилади. Ушбу воситалар ўзбекистонга қўпинча чет мамлақатлардан олиб қелинади. Ушбу қолни ҳисобга олиб ўзбекистон Республикаси Қиноят Кодексининг 246- моддасига қонтрабанда учун алоқида қавобгарликка тортиш бўйича қўшимча қиритилди. Унга мувофик «диний экстремизм, сепаратизм ва ақиданарастликни тарғиб қилувчи материалларни» олиб қириш қиноий фаолият сифатида қаралади. Республика қудудига чет мамлақатлардан олиб қириладиган материаллар божқоналар назоратидан ўтиши ва улар мақсус қужжатларда қайд этилиши лозим.

Қиноят Кодексининг 216-моддасида қайриқонуний қамоят бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш фуқаролик қуқуқларини бузиш билан боғлиқ қиноят деб қўрсатилди. Қудди шунингдек, 216-моддада, «нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар рақбарларининг мақкур ташкилотлар уставини рўйқатдан ўтқазишдан бош тортиши, руқонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг мақсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меқнат, адабиёт ва бошқа қилдаги тўғарақлар қамда гуруқларни ташкил этиш ва ўтқазиш, шундай қилмишлар учун маъмурий қазо қўлланилгандан кейин содир этилган» ноқонуний қатти-қаракатлар қам қиноят сифатида қаралади. Ушбу моддага мувофик бир қонфессияга мансуб диндорларни бошқа эътиқодга зўрлаб ўтқазишга қаратилган қатти-қаракатларга қам қазо қоралари қўрилади.

Қиноят Кодексининг 229- моддасига қўра, ноқонуний тарзда диний таълимотдан сабоқ, дарс бериш қиноят ҳисобланади. Ушбу моддада «мақсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марқазий органнинг руқсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, қудди шунингдек, қусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ берганлик» қиноят эканлиги қайд этилади.

**Жиноят Кодексининг 244 - моддасига жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш учун ҳам жиноий жавобгарликка тортишга оид қўшимча киритилди.** Ушбу модда 3 қисмга ажратилиб кўрсатилган. Биринчи қисмда «диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган, киргун солишга ва фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват эгалигини эҳуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш учун жавобгарлик белгиланган. Модданинг иккинчи қисмида «фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига, жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш учун» жавобгарликка тортиш назарда тутилади. Учинчи қисмда эса: а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан; б) хизмат мавқеидан фойдаланиб; в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамлардан фойдаланиб, айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида 1995-1997 йилларда ваҳхобийлар бир қанча босқинчилик ва қотиллик, ўқотар қуролилари ва ўқ-дорилар контрабандаси жиноятларини содир этган. Улар ўз фаолиятида диний фундаментализмни тарғиб этиб, бошқа диндаги кишиларга нисбатан диний, миллий адоватлар уйғотишга, жамоат тартибларини бузишга интилганлар.

«Хизбут таҳрир» экстремистик партияси 400 аъзосининг «жиход-муқаддас уруш» йўлини тутиб конституцион тузумга, кишилар аҳилингига таҳдид солгани нчки ишлар идоралари томондан қош этилди. Бир қатор террористлар чет эл давлатларидаги диний экстремистик ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиб, турли контрабанда материалларини ўша давлатлардан олиб келган. Ҳатто баъзи ғайриқонуний диний ташкилотларнинг марказий штаби Россия, Украина ва Туркменистонда эканлиги аниқланди. Ушбу ғайриқонуний диний ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига зарур ўзгартиришлар киритишни қалозо этди.

**Жиноят Кодексининг 155-моддаси 1-қисмига кўра терроризмга** «халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш учун иттифоқ қилиш ёки Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни бекарорлаштириш мақсадида давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон ҳаракат содир этишга ёки бирон ҳаракат содир этишдан тийишга мажбур қилишга қаратилган ҳаракатлар, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда сақлаб туриш ёки шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиб, халқаро химоя остида бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган турар жой биноларига ҳужум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган» хатти-ҳаракатлар киритилди. Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида юқорида кўрсатилган ҳаракатлар жараёнида айбни оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи ҳолатлар пайдо қилгани учун ҳам алоҳида жазо тайинланиши қайд этилади. Ушбу ҳолатларга давлат ва қонунларга қарши хатти-ҳаракатлар, давлат, жамоат ва сиёсий арбоблар ҳаётига



суикасд килиш, одам ўлдириш, кишилар баданига шикаст стказиш кабилар киреди.

Республика ички ишлар идоралари томонидан жиноятлари фош этилган ва судлар томонидан қилмишларига яраша жазоланганлар ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар асосан сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайдилар. Республика матбуотида «Ўзбекистон ислом харакати» ташкилоти аъзолари 1996-1997 йиллар Фарғона водийсида 17 босқинчилик хужумлари уюштиргани хабар қилинган эди. Ушбу қонунга зид бўлган диний экстремистик ташкилот, талончилик, кишиларнинг йиққан маблағларини зўрлик билан тортиб олиш, ҳатто одам ўлдириш билан бўлсада, водий аҳолисига ўз диний қарашларини сингдиришга интилган. Улар давлат ходимлари уйига бостириб кириб, оила аъзоларини ёвузларча ўлдирганлар. Бундай ёвузликлар бир неча йўналишдаги жиноятларни ўз ичига олади ва суд ҳакамлари уларни кенг қўламли жиноятлар тарзида қарайди.

Диннинг давлат ишларига аралашмаслигини қонуний тарзда таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексида ҳам назарда тутилади. Ушбу кодекснинг 184 - моддасида «жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тайёрлаш мақсадида сақлаш», 201- моддаси 2-қисмида йиғилишлар, митинглар кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ва ўтказиш тартибини бузиш, 202-модданинг 1-қисмида «гайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотнинг фаолиятида қатнашишга ундаш», «диний ташкилотлар ҳақидаги қонунларни бузиш», 241-моддада диний таълимотлардан сабоқ, дарс бериш тартибларини бузиш кабилар учун маъмурий жавобгарликлар ўрнатилган. Маъмурий биноларда диний ташкилотларнинг яширин йиғилишлар, маросимлар ўтказиши ёки идоралар раҳбарларининг ушбу ишларга аралашиб, бошқаларни ҳам уларда қатнашишига даъват этиши тақиқланади. Шу билан бирга раҳбар ходимлар, умуман ҳеч қим, кишиларнинг қайси динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳуқуқини бузиши мумкин эмас. Қайси динга эътиқод қилиш, ундан чиқиб ёки ҳеч бир динга қирмаслик, эътиқод қилмаслик ҳар бир кишининг ўз ихтиёридадир. Диний экстремистик оқимлар эса ушбу инсон ҳуқуқларини тан олмайдилар.

Диний экстремизм ва халқаро терроризм сўзлари бугун ёнма-ён ишлатиладиган бўлиб қолди. Халқаро террористик гуруҳлар дин байроғи остида ва экстремистик диний ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши таъсирида ҳаракат қиладилар. Айниқса ислом экстремистик ташкилотлари дунёвий тизимларга, Европада тарқалаётган янгиликларга, турмуш тарзи ва идора усулларига жонжаҳд билан қарши чиқмоқдалар. Уларни баъзан «радикал ислом» тарафдорлари ва ташкилотлари деб ҳам атайдилар. Ҳатто маҳсус илмий адабиётларда “жинояткор дин” атамаси ҳам пайдо бўлган. ( Қаранг. Тихонравов Ю. В. Судебное религиозведение. –М.: ЗАО Бизнес-школа Интел Синтез, 1998. -С. 69. )

Дин ва ҳуқуқ, дин ва жиноят муаммолари ҳозир кўпчилик ҳуқуқшунослар ҳамда диншунослар диққатини ўзига тортмоқда. Диний жиноят алоҳида жиноят турими? Унга ҳам Жиноят Кодекси қўлланиладими? Диний ташкилотларнинг диний жиноятларга муносабати қандай бўлиши зарур деган саволлар нафақат талабалар, ҳатто олимлар ўртасида ҳам такрорланиб туради.

Дунёвий давлатларнинг барчасида диний ташкилотлар ва диндорлар бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқлиқлар. Демак, улар жиноят қилган тақдирларида қонун олдида, барча фуқаролар каби тенг жавобгардирлар.

«Диний жиноят» атамаси қонуларда йўқ бўлсада, у илмий адабиётларда мавжуд. Ушбу атамани икки хил талқин қилиш мумкин. **Биринчиси**, диний эътиқод нуқоби остида давлат қонуларини, тартибларини бузишдир. Бу жиноятларни диндорлар ҳам ёки уларни қўллаб-қувватловчи бошқа кишилар, гуруҳлар ҳам амалга ошириши мумкин. Улар ҳар доим юридик баҳоламини зарур. **Иккинчиси**, диний ташкилотлар, мазаблар томонидан ўз аъзосига нисбатан қўлланилган қоралардир. Бу қоралар диний жиноятга журъат этган кишини ўз сафидан чиқариш, даҳрий деб эълон қилиш, бошқа эътиқодга ўтгани учун ибодатхоналарга қўймаслик қабиларда намоён бўлади. Бу аслида маънавий жазодир. Дунёвий давлатларда бу ҳатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди ва уларга нисбатан юридик чора-тадбирлар қўлланилмайди. Бирок диний давлатларда уларга нисбатан энг оғир-ўлим жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат қуриш йўлидан бораётган экан, диний экстремизм ва терроризм барча фуқаролар учун тенг бўлган давлат қонуларига мувофиқ жазоланади. Диний ташкилотлар ўз аъзоларига юридик жазолар қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Динни ҳуқуқ ва қонуқчилик нуқтаи назаридан ўрганиш қуйидаги муаммоларни ҳал этишни кун тартибига қўяди.

**Биринчидан**, дин кишилар маънавий оламини бойитишга, халқимиз тарихий-маданий бойлиқларини, қадриятларини сақлашга хизмат қилади. Уларда ўз даври учун муҳим, аммо ҳозирги тараққиёт учун ноқерак, ҳатто зарарли гомонлар ҳам борлигини инкор қилиб бўлмайди. Айнан ушбу томонлар айрим кишиларда, гуруҳларда ғаразли мақсадларнинг туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ушбу сабабларни аниқлаш ва уларни конструктив-ижодий томонга буриш йўлларини излаш зарур.

**Иккинчидан**, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни ўрганаётганда криминология, ҳуқуқ назарияси, диншунослик ва психология фанлари билан ҳамкорлик қилиш, бу борада аниқ мақсадларга йўнатилтирилган гадикотлар ўтказилиши зарур. Жамиятда содир бўладиган жинойий ҳатти-ҳаракатлар ўзининг чуқур ижтимоий ва психологик илдизларига эга эканлигини унутиб бўлмайди.

**Учинчидан**, диний нормалар билан ахлоқий, ҳуқуқий нормалар ўртасидаги боғлиқликлар, улардаги ўзига хос хусусиятлар ва диний омиллардан ҳуқуқбузарликка, жиноятчиликка қарши фойдаланиш усулларини, механизмларини яратиш зарур. Динни, ноқерак ёки эскилик сарқити, деб рад этишдан осони йўқ, аммо унинг тарбиявий, психологик ва тарихий гажрибаларидан фойдаланиш чуқур изланишларни талаб этади.

**Тўртинчидан**, динни глобал воқеалардан бирига айланишини, ер юзидаги аҳолининг 75-80% яқини у ёки бу динга эътиқод қилишини, диний экстремизм ва терроризм ўчоқлари сақланиб қолаётганини, улар турли қучлар томонидан қўллаб-қувватланаётганини ҳамда шу асосда ҳар хил диний жиноятлар кенг тарқалаётганини ҳисобга олиб, бўлғуси ҳуқуқшунослар, ички ишлар ходимлари

**Абдулвоҳид НУРИДДИНОВ,  
Шермуҳаммад БЕГМАТОВ**

# **МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК ФАНИДАН**

(Янги таҳрирдаги маърузалар матни)

**Бош муҳаррир:** Обидхон Маматов, Фалсафа фанлари  
номзоди, доцент.  
**Муҳаррир:** Фаҳриддин Орипов, катта ўқитувчи.  
**Техник муҳаррир:** Собитхон Абдуҳамитов  
**Мусахҳих:** Абдуллажон Зарипов

2016 йил 1 сентябрда теришга берилди  
2016 йил 20 октябрда босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84 ҳажми 12 босма табок.  
Офсет усулида босилди. Буюртма – 690  
Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Наманган» нашриёти**  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй  
Тел: (0369) 227-92-14,

**Нашриёт вебсайти:** [namnashr.uz](http://namnashr.uz)  
**e-mail:** [nvmab@inbox.uz](mailto:nvmab@inbox.uz)

**Нашриёт лицензия рақами А1-156**  
2009 йил 14 августда берилган

**«Заковат» нашриёт уйи** МЧЖда чоп этилди.  
Манзил: Косонсой шаҳри, Чорбок кўчаси, 17-уй

**Нуриддинов Абдулвоҳидхон Орифхўжаевич**

1961 йилда Наманган вилояти Косонсой шаҳрида туғилган. Наманган давлат университети «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва назарияси ва амалиёти» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. 30дан ортиқ илмий оммабоп мақолалари хорижий ва республика миқозининг етакчи газет ва журналларида нашр этилган. 2008 йили «Фан» нашриётида «Маҳдуми Аъзам Косоний» номли рисола чиқарилган.



**Бегматов Шермуҳаммад Турғунбоевич**

1962 йилда Наманган вилояти Косонсой туманида туғилган. Наманган давлат университети «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва назарияси ва амалиёти» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. 15дан ортиқ илмий мақолалари республика миқозининг ва чет элдаги илмий тўпламларида нашр этилган.



ISBN 978-9943-4673-8-5



9 789943 467385